

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

*Handwritten signatures and scribbles*  
Бош редактор:  
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:  
Саид АҲМАД,

Гулчеҳра ЖУРАЕВА,  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Олимжон ИСМОИЛОВ,  
Фёдор КАМОЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
[бош редактор ўриябосари],

Омон МАТЖОН,

Сулаймон РАҲМОН

[масъул секретарь],

Йўлдош СУЛАЙМОН,

Худойберди ТҮХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,

Абдулла ШЕР,

Урие ЭДЕМОВА,

Иброҳим ҒАФУРОВ,

Уткир ҲОШИМОВ.

7

1982  
ЙИЛ,  
ИЮЛЬ

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛҚСМ  
Марказий Комитетининг  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

НАСР

Мурод МУҲАММАД ДУСТ. Галатепага қайтиш ёки саодатманд Ғайбаров ривояти . . . . . 3

НАЗМ

Хуршид ДАВРОН . . . . . 37  
Муҳаммаджон ҲАЙДАРОВ . . . . . 38  
Йўлдош СУЛАЙМОН . . . . . 46  
Сулаймон ШОДИЕВ . . . . . 46  
Саъдулла ҲАКИМ . . . . . 50  
Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ . . . . . 61

ҚАЛДИРҒОЧ

Ражаббой РАУПОВ. Арава. Ҳикоя . . . . . 47  
Жумабой МАТЁҚУБОВ. Шеърлар . . . . . 58  
Саидмурод ХУЖАЕВ. Шеърлар . . . . . 58

КАМАЛАК

ШОҲМОР. Ғаффор амаки. Ҳикоя . . . . . 51  
Воқиф ИБРОҲИМ. Ленин. Шеър. . . . . 57  
Рамиз РАВШАН. Осмон тошни сақламас. Шеър . 57  
Тоҳир ТОИС. Уя. Шеър . . . . . 57

ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

А. С. ПУШКИН. Қуръондан иқтибос. Шеърлар 44

НАФОСАТ ЧАМАНИ

Абдумажид МАДРАҲИМОВ. Устодлар изидан . 59

МУТОЛАА

Иброҳим ҒАФУРОВ. Замонларга йўлловчи маёқ . 62

МУАММО, МУЛОҲАЗА. МУҲОКАМА.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ. Қутлуғ мерос . . . . . 65

ФАН — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Хуршид ДУСТМУҲАМЕДОВ. Ихтиронинг беш қир-раси . . . . . 69

ОИЛА — ЖАМИЯТ КҮРКИ

Муроджон МАНСУРОВ. Муҳаббат гули . . . . . 72

«ЕШЛИК» БАҲСИ

Н. ТУРСУНОВ, А. АШРАФХОНОВ, М. ИБРОҲИМОВ,  
Р. СЛОНОВ, Э. АБДУРАҲМОНОВ, Ш. БОТИ-  
РОВ. Энг инсоний касб . . . . . 77

ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Юсуфжон АҲМАДЖОНОВ. Жонли экспонат. Ке-  
лажак ҳикояси . . . . . 78  
Тўхташ АШУРОВ. Ҳадик. Ҳажвия . . . . . 79  
Юсуф ЖУМАЕВ. Муҳокама. Шеър . . . . . 79  
Йўлдош СУЛТОНОВ. Пародиялар . . . . . 79

## ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ёшлик» журнаliga  
1982 йилнинг  
иккинчи ярми учун

## ОБУНА

давом этмоқда.

Обуна

«Союзпечать»нинг

барча район

бўлимларида

қабул қилинади.

### МУҚОВАДА

Биринчи ва тўртин-  
чи бетда: Рассом А. ВА-  
СИХОНОВ чизган сурат.

Иккинчи ва учинчи  
бетда: Рассом Ш. МУҲАМ-  
МАДЖОНОВнинг «Девони луғат-  
ит-тури» асаридаги халқ қў-  
шиқларига ишлаган «Баҳор  
манзараси» ва «Шодлик қўши-  
ғи» миниатюралари.



Мурод МУҲАММАД ДУСТ



ЁХУД

САОДАТМАНД

ҒАЙБАРОВ

РИВОЯТИ

1. АЗА

**Ж**авзонинг бошида Раим оқсоқолни ерга қўйишди. Ғайбаров жанозага аранг етиб келди. Укалари, кўнгил етар қариндошлар — ҳамма уни йиғлаб қарши олди. Лекин унинг ўзи йиғлаёлмади. Ҳатто мазорда ҳам кўзидан ёш чиқмади, бегона одамдай бир чеккада турди. Унга ола қарашди. Орланди чоғи, укаси Мавлонбой ёнига келиб, тишларини қайрагудек бўлди:

— Лоақал кўзни тупукланг, ака!..

Ғайбаров укасига индамай, гўрга яқинроқ борди. Қорайган лаҳад оғзида турган Наим амаки унга йиғламсираб қаради. Кимдир тобутнинг ипларини ечди. Ғайбаров отасининг оқ кигизга ўралган жасадини авайлаб кўтарди, гўр қибласидан келиб Наим амакига узатди. Марҳум бўйчан одам эди — Наим амаки эплаши қийин бўлди. Унинг ёнига Маҳанбой сакраб тушди, марҳумнинг оёқ тарафини қўлтиққа қисиб, кигиз четларини ёйди ва лаҳад оғзига рўпара қилди. Лаҳад ичиде турган Маннон мурдани кигиз орасидан секин сўғуриб олди.

Кигиз оқ, кафан оқ — мурданинг лаҳадга ўтгани сезилмади.

... оқ пилла ичиде оппоқ бир ғумбак.

Хиёл ўтиб, лаҳад ичидан Манноннинг гувиллаган овози келди:

— Худо у дунёсини берсин, макони кенг... Салимбойга раҳмат!..

Расмларни Ж. УМАРБЕКОВ чизган

70-йиллар ўртасида адабиётга кириб келган ёш адиблар даврасида Мурод Муҳаммад Дўст алоҳида ўрин тутди. Унинг «Қайдасан, қувонч садоси!» номли биринчи ва ҳозирча ягона китоби 1976 йилда нашр этилган ҳамда ўша пайтдаёқ жамоатчилик эътиборини тортган эди. Шундан бери ўтган йиллар мобайнида Мурод бир қанча ҳикоя ва қиссалар ёзиб, китобхонга анча танилиб қолди. Ёш адибнинг «Бир тойчоқнинг ҳуни» деган ҳикояси аввал рус тилида «Дружба народов» журналида [1979 йил, 10-сон], сўнг ўзбек тилида «Ёшлик» альманахида [1980, 10-сон] эълон қилинди. Муродни бутуниттифоқ китобхонига тавсия этган атоқли совет ёзувчиси Григорий Бакланов унинг адабиётда ўз сўзини айтишига қатъий ишонч билдириб, ўзига хос томонларини шундай таърифлайди: «Мурод Муҳаммад Дўст нима ҳақида ёзаётганини ҳам, тасвирлаётган одамларини ҳам яхши билади. Унинг асарларини ўқиганда шундай таассурот туғиладики, муаллиф қаҳрамонлари ҳақида кичик қисса ҳажми имкон берганидан кўра кўпроқ нарсани айтиб бериши мумкин. Аслида ҳам шундай ва бу нарса чинакам ёзувчилик фазилатидан биридир. Ёзувчи ҳамма вақт ўзини чеклай билиши, фақат энг муҳим гапни айтиши, асарни китобхоннинг ўз ҳаётий тажрибаларидан нималарнидир қўшиб, тўлдириб идрок этишига имкон қолдириши керак».

Уйлайманки, Муроднинг кейинги асарлари Бакланов билдирган ишонччи оқлаш йўлидаги дадил қадамидир. Унинг 1979 йилда «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган «Чоллардан бири» қиссасида ёш ёзувчининг ўзига хос жиҳатлари анча яхши намоён бўлган. У ҳаётни, одамларни яхши билиш билан бирга улар ҳақида жиндак юмор билан, баъзан жиндак киноя билан ёзади. Муроднинг асарларидаги юмор ёҳуд киноя шунчаки кулги қўзғаш воситаси эмас, балки авторнинг ўз қаҳрамонларига қўнғилдан, самимиятидан туғилган фазилатдир. Натижада китобхон ҳам бу қаҳрамонларни ўз қалбига яқинроқ қабул қилади.

Мурод «Ёшлик» журнали ўқувчилари ҳукмига ҳавола қилинаётган «Галатепага қайтиш» номли янги асари устида кўп йиллар ишлади, бир қанча ёзувчи ва мунаққидларнинг маслаҳати билан унинг айрим ўринларини мукамаллаштирди. Аминманки, Муроднинг бу асари ўқувчи учун янгилик бўлади.

«Галатепага қайтиш»—биз кўниккан асарлардан бирмунча фарқ қилади. Ҳозир бизда кенг тарқалган қисса ва романлар бир ёки бир неча қаҳрамон тақдирини очадиган воқеалар тизмасини аста-секин муфассал баён қилиш асосига қурилган. Албатта, бундай асарлар ҳам маҳорат билан яратилса, ҳаёт тўғрисида, одамлар ҳақида қимматли маълумотлар бериши, билимимизни бойитиши мумкин. Бироқ, адабиёт ҳаёт билан бирга ривожланиб, олам ва одамни эстетик билишнинг янги-янги имкониятларини қидиради ва кашф этади. Бугун жаҳон адабиётида энг илғор фикрли адиблар адабий аъналарига таянган ҳолда, бадий таҳлил ва бадий синтезнинг янги имкониятларини қидирмоқдалар. Мурод билимли адиб, классик адабиётни ҳам, бугунги прогрессив жаҳон адабиётини ҳам яхши билади. У бугунги ижодий ва шаклий изланишлар, тажрибалардан ҳам яхши хабардор. Эҳтимол, шулар таъсирида бўлсамикан, бу асарини у янгичароқ шаклда ёзишга интилган. Бу янгилик шундаки, муаллиф қаҳрамон биографиясини мунтазам тасвирлашдан қочади, унинг бошига тушган воқеаларни бирма-бир тасвирламайди. Ёзувчининг диққат марказида, таъбир жоиз бўлса, қаҳрамоннинг руҳий биографиясини таҳлил қилиш туради. Асар қаҳрамони Тошпўлат Ғайбаров—исломшунос олим, фалсафа фанлари кандидати. Бу тоифа одамлар одатда ўзларини салкам дунёнинг устун деб биладилар. Ҳолбуки, реал ҳаёт билан тўқнашувда, оддий меҳнат кишилари билан таққослаганда кўпинча бу даъво асоссиз экани маълум бўлади. Асарда муаллиф Ғайбаровнинг ҳаёт йўлини, маънавият дунёсини унинг отаси Раим оқсоқолнинг умри билан таққослайди ва кўп ҳолларда, билими у қадар кенг бўлмаса-да, Раим оқсоқол босиб ўтган йўл сермазмун ва маънолироқ эканини тасдиқлайди. Асарда Ғайбаровнинг руҳий изтироблари, кечинмалари, ички дунёси ҳар томонлама таҳлил қилинган. Шу маънода асардаги теран психологизм диққатга сазовор. Уйлайманки, бу ерда асарни атрофлича таҳлил этишга эҳтиёж йўқ. Китобхон уни ўқиб, фазилат ва айрим нуқсонларга ўзи муносиб баҳо беради. Лекин мен аминманки, Мурод Муҳаммад Дўстнинг янги асари ёш замондошларимизни ўз ҳаёт йўли, ҳаётий эътиқодлари ҳақида яна бир карра ўйлашга, маънавий камолот йўлларини фаолроқ излашга даъват этади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Салимбой, лаҳадни қазиган одам, гўр лабида турган эди.

— Мунинг савоби кўп, — деди у. — Оқсоқол жаннати одам, Маннонбой. Макони кенг бўлсин, илойим, макони нурга тўлсин!..

— Макони кенг, макони кенг... — Манноннинг овози қўрқувдан баттар титраб эшитилди.

Наим амаки гўр лабидаги чимдан бирин-кетин учтасини лаҳад ичига узатди.

— Ёстиқ қилиб қўйинг, Маннонбой!..

Ғайбаров ёнига қараб, мулла Чорини кўрди. Унинг эғнида кўк камзул, бошида кўк салла.

... фаросатли одам.

Мозор бошидаги кишилар орасида биргина муллақўрқма Чорининг юзида ҳайрат кўринмасди. Бошқалар — бе-эди — гона, яқин, токи томирларида марҳумнинг қони кез-даъвоган одамларгача — ҳамма ҳайратда, туппа-тузуқ юрган оқсоқолнинг кўққис ўлимидан ҳайратда эди.

Ғайбаров лаҳаднинг қорайган оғзига қаради. Хўр-синди. У отасини ҳали кўп яшайди деб ҳаёл қиларди. Отаси тетик эди, тағида бароқ ёлли чўбир от, қўлида раислик замонидан қолган кумуш қопламали заранг-даста қамчи, мансабсиз, лекин мансабдорлардан ҳамса, қон-гердайиброк, ишқилиб, ўз соясини ўзи эргаштириб юрарди. Тўғри, аввалгидан дасти калтароқ эди. Бор Ғайб-давлатини борида совурган, лекин дами баланд, би-мис ба-лекин

ровга ялинмас, бировга сирини бермас, ўғлига, катта шаҳарда «домлаликка ўқийдиган» Тошпўлат Ғайбаровга, тишининг кирини сидириб бўлса ҳам, ҳар ойда юз сўмдан пул жўнатар эди. Йўқ, у бир мартагина одатини қанда қилган: шаҳарга юмуш билан бориб, ўғлини битта сочи қирқилган қиз билан кўрганида сал ачиққанган, кейин аҳвол яна эски изига тушиб кетган эди.

Ушанда Ғайбаров озми-кўлими сармоясини еб битиргач, пул истаб Ғалатепага келди. Ҳовлига кириб, бир сабаб билан каллакланмай қолган тут соясиде ўтирган отаси билан мулла Чорига кўзи тушди. Раим оқсоқол ўғлини кўриб суюнди, бир хаёли ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин турмади, эски аразини эслади, ўша сочи қирқилган қизини, бир ойдирки, ўзининг пул юбормай қўйганини эслади. Кейин ўғли аслида юз сўмнинг дардида келганини ўйлади, хафа бўлди. Кўнглидан ўтганини ичига ютдию шериги билан гурунгини давом эттирди:

— Мана мен, мулла, умрим бино бўлиб ичмадим, чекмадим, бировнинг молини ўғирламадим, кўнглим тинч, мулла, менинг кўрқақдиган жойим йўқ...

Мулла Чори унинг гапига парво қилмай, Ғайбаровга юзланди:

— Хуш келибсиз, Тошпўлатбой!

Ғайбаров мулла билан кўришди, сўнг отасига кўл узатди. Раим оқсоқол юмшади, кўлини берди, сал пастроқдан жой кўрсатди:

— Қани, ўтир.

Ғайбаров ўтирди. Катта йўлдан ҳовлигача пиёда юриб ҳориган эди, чанқоғига сув сўрамоқ истаб уй тарафга кўз югуртирди, лекин ҳеч кимни кўрмади.

— Мавлонбой сойнинг бўйида, — деди Раим оқсоқол унинг кўз қарашини илғаб. — Лой қорияпти. Бориб сал ёрдам қилсанг бўларди.

Отанинг овози толғин эди.

«Мавлонбой ажралиб чиқмоқчи экан-да, — деб ўйлади Ғайбаров. — Хотини қўймаган. Мен олдинроқ чиқиб кетганман, ҳадемай, отам Зокирни уйлантиради — Зокир чиқиб кетади. Кейин бир ўзи қолади. Ёнида биргина Аҳмад, лекин Аҳмад ҳали кичкина, ҳали у ҳаммани баравар ахши кўради...»

Раим оқсоқол ўғлининг хаёлидагини пайқади.

— Кўявер, — деди у. — Яхшиси, сен унга бир мошин семон топиб бер. Камол билан гаплашсанг, сенга йўқ демайди. Мен айтсам бўлмайди, раис раисни ёмон кўради.

— Тўғри, — деб бош ирғади мулла Чори. — Сиз сўрасангиз ярашмайди, оқсоқол.

— Сен ҳам кўп ялиниб ўтирмагин, — деди Раим оқсоқол ўғлига қараб. — Берса бергани, бермаса — укасининг қорнига! Бир мошин семонни тупканининг тагидан бўлсаям топиб келаман!

— Аҳмад қани? — деб сўради Ғайбаров.

— Акасининг ёнида. Икки кунга мактабидан сўраб олдим, майли, сал қарашиб турсин.

Ғайбаров ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди.

— Шошма, чарчагандирсан, аввал бир пиёла чой ичиб ол! — деди Раим оқсоқол.

Ғайбаров мулла Чори чойнак тубидан сирқитиб узатган бир пиёла тахир чойни сипқорди. Тишлари қамашди, чарчаган танидан жиққа тер чиқиб, кўйлаги эгнига чиппа ёпишди. Кўнглида ваҳм уйғонди. Йўқ, у Мавлонбой билан бўлиши муқаррар кўнгилисизликдан кўрқмади — у пайтлар укаси жуда нозик, нимжон эди — бутунлай бошқа нарсадан, бориб айтадиган даъвосининг ноқорлигидан кўрқди.

...сой бўйига бориб нима қиласан? Мавлонни уришдинг, сўқдинг, хўш, кейин-чи? Шохинг чиқади-ми? Майли, хотини уни минг бора йўлдан урсин, пичоқ қилиб қайрасин, отангинг, сенинг танингда тиғ қилиб санчсин, лекин бари бир Мавлонбой сендан беҳроқ. У нари борса, юз қадам узоққа кўчиб чиқади, нари борса, қозон-товоғи билан ҳамёнини айрим қилади. У сендан яқинроқ, сен-чи?..

Ғайбаров нари кетди. Тандир супасида ётган эски мис баркашга ўтирди. Баркаш куйдиргудек иссиқ эди, лекин у кўзғалмади, ачиқма-ачиқ ўтираверди.

— Мен ҳеч нарсадан кўрқмайман, — дерди отаси шеригига қараб. — Менинг кўнглим тинч, мулла.

Мулла Чори олам замон жим ўтирди.

— Мен кўрқаман, оқсоқол, — деди у ниҳоят.

— Сиз мулла одамсиз, Чорибой, — деди Раим оқсоқол. — Хўш, ўзингиз айтинг, мен у ёққа бориб бировни кўраманми?

— Кўрмайсиз, оқсоқол, — дея қувониб сўзлади мулла. — Ҳеч балони кўрмайсиз.

— Бўлмасам, мулла... унда...

— Сизга осон, оқсоқол, ўзингиз айтдингиз-ку, сизнинг умидингиз бор, сиз ишониб турганингиз маъқулоқ. Менга қийин...

Кейин — Ғайбаров мис баркаш устида, мулла билан Раим оқсоқол тутнинг соясиде — анча маҳал тек ўтиришди. Ахири Раим оқсоқол чидолмади, сўради:

— Рости баланми, мулла?

— Ёлғон гапирдим, оқсоқол, — деди мулла, кейин пихиллаб кўлди, чамаси, алами келди. — Бўлмайди, бўлмайди, оқсоқол-ол!.. Ишонмасангиз қийин. Ҳозир сиз ҳам ёлғон сўйлаясиз! Сиз ичмагансиз, чекмагансиз, бировнинг молини ўғирлаганингиз йўқ, лекин бари бир, сиз ҳам кўрқасиз! Сиз ҳам кўрқасиз, оқсоқол-ол!..

Мулла Чори, кўлида тупроқ солинган кўк чорси, Ғайбаровнинг ёнига келди:

— Бир сиқим тупроқ ташланг, ўғлим.

Ғайбаров ерга энгашиб, гўр лабида уюлган нам тупроқдан бир кафт олди.

— Тупроққа дам солинг, ўғлим, — деди мулла Чори.

Ғайбаров пичирлаб дуо ўқиркан, гўрнинг нариги тарафида турган укаси Зокирни кўрди. Кейин бирдан кўзлари тинди. Зокир хираллашиб, тепага учиб кетгандай бўлди.

Кимдир унинг елкасига бош қўйди. Ғайбаров ўғирилмади, чап елкаси оша қучган қўлни таниди: Аҳмаднинг қўли, сомон қориб, гўнг кураб, нақ таппи бўлиб кетган қўллар, қишлоқи ўсмирнинг қўли.

...ичимизда биргина шу сағир.

Муштини ёзди — кафтидаги тупроқ бармоқлари орасида сиқилган, мисоли умуртканинг бир парчасидай бўлиб қолган эди.

...кўмишади, эт суяқдан ажралади, сўнг суякнинг бир ўзи қолади... Умуртқа очилади, худди тупроқдай, худди кафтимдаги тупроқдай. Охири хок бўлади, оддий хок...

Мулла Чори бошқаларнинг кафтидаги тупроқни ҳам белбоғига солиб, пастда турган Наим амакига узатди. Наим амаки ичкарига, ҳамон лаҳад ичида ўтирган Маннонга берди. Маннон тупроқни жасад устига апил-тапил сочиб, белбоқни қайтарди, кейин ўзи ҳам қоронғилик орасидан чиқиб келди.

Юзи бўздай оқарган, ҳуши учиброқ чиқди. Унга дарров бир коса сув беришди.

...лаҳад тор, шифти елкангдан босганда...

Маннон гўрдан сакраб чиқди. Чаққонроқ сакради — қизарди, атрофга ўғринча қараб, бошқаларнинг юзидан гап ўқмоқчи бўлди. Лекин ҳеч ким унинг сакраганига парво қилмади. Маннон сал енгил тортди, фавқуллода хушхолик билан, гўр лабида турган Ғайбаровнинг биллагидан тутди:

— Бардам бўлинг, йигит!..

Ғайбаров ижирғангандек Манноннинг қўлидан юлқиниб чиқди.

Гўр лабига катта бир харсангни юмалатиб келдилар. Ёқуб полвон гўр ичига тушиб, Наим амаки билан биргаликда харсангни лаҳад озғига қўйди. Тепадан ким узатиб туришди, Наим амаки харсанг баробар қилиб тахлади.

— Яхшилаб бекитинг, қайтиб чиқмайдиган бўлсин!..

Ғайбаров титраб кетди. Уялди. Бу гапни бошқалар ҳам эшитди, деб чўчиди. Лекин ўзига ишонмаган бўлди:

...секин айтди, секин, биров эшитмайдиган қилиб айтди. Йўқ, айтмади, менга шундай туюлди.

Сўнг у бирдан ҳайратланди:

...наҳотки? Йўқ, мен бундай деёлмасдим. Золим одам айтди. Уйлаб-уйлаб, ҳузур қилиб айтди. Ёмон, ёмон!..

У орқароқда турган Турдиқулни кўрдию ҳамма гапга тушунди.

Турдиқул бу гапни айтиши керак эди. Ақлини танибдики, у Раим оқсоқолни ёмон кўради. Бола-чақаси билан бирга ўтириб қарғайди. Раим оқсоқол унинг отаси Панжини ўлдирган. Турдиқул шундай деб ўйлайди. Аслида, Панжини ўлдирган Раим оқсоқол эмас, бошқа одам, — Очил Куч. Лекин Очил Кучни биров ҳисобга қўшмайди. Очил Куч гуппироқ одам, гапга тез учади. Умр бўйи бировларнинг қутқусига қул бўлиб ўтди. Уни Раим чархлаган, кейин Очил Куч Панжини отган, деб ўйлашади. Гўёки Панжи ўғри девордан ошиб қочмоқчи бўлганида Раим оқсоқол эгар қошига илиғлиқ милтиғини эриниброқ қўлга олган: «Отайми, Куч?» Очил ўзининг Куч лақабини эшитган маҳали бир газ ўсарди, ҳовлиқиб хитоб қилган: «Қўйинг, юрт оғаси, мен ўзим суробини тўғрилайман!»

Очил Куч шундай гарданкаш одам эди. У ҳеч балони тушунмаган, бешотарни Раим оқсоқолнинг қўлидан юлқиб олиб, Панжи ўғрининг нақ энсасидан қўйган. Одам ўлдириб кўрмаган-у, ишқивозлиги бўлганми ёки кўрқаниданми, ишқилиб, Панжи ўғрини Очил Куч отгани рост.

Кейин у умр бўйи мақтаниб юради: варангла-тиб отдим! Раимнинг кўнгли бўш, юраги бетламади, ўзим бештиғни олиб, энди девордан ошган маҳали варангла-тиб отиб ташладим!

Очил Куч мақтанганда Раим оқсоқол «ночор илжарди. Аслида, Панжи ўғри девор ошиб қочмаган, қўллари расмона боғлоғлиқ, кенг кўчада олдинга тушиб кетаётган маҳали отилган эди. Кейин уни қондига чиқаришди. Каттақўрғондан махсус одам келиб, ўликни кўрганида айтди: «Йўқ, афандилар, ўлиқнинг сочи кўйибди, нақ энсасидан қўйиб отгансизлар!» Уни бир амаллаб тинчатишди. Аввал Очил Куч, етмай қолганига Раим оқсоқолнинг ўзи зиёфат қилди, хуллас тинчатишди. Панжи ўғрини илгари ҳам икки марта Каттақўрғонга элтиб ҳибс қилишган, лекин икки сафар ҳам омон қайтиб келган эди. Ҳар келганида иккитадан одамнинг ёстиғини қуриган, жами — тўртта. Агар бу гал ҳам қочса, яна икки одамни ўлдирарди: Раим оқсоқолни, кейин...

Энди фол очиш қийин. Ҳар ҳолда, у Очил Кучни отмаган бўларди—ундан заррача ҳам ҳадик қилмасди. Панжи ўғри одам бўлиб, белга белбоғ бойлаганидан бери Очил Кучга ўхшаган ҳовлиқма, пишангталаб мардумни писанд қилган эмас. Агар у учинчи гал ҳам омон қайтса, Раим оқсоқол билан ўзининг аммасини отган бўларди. Панжини сотган киши шу амма эди. Ўғирлаб келтирган тилласини бекитиб, ўзини Раим оқсоқолга сотган.

Кейинчалик Очил Куч Панжининг аммаси Ойпарчага уйланаман деб кўп уринди, лекин хотин унга парво қилмади. Унга эрдан кўра асраб қолган тилласи беҳроқ эди. Қолаверса, эрга муҳтожлиги ҳам йўқ. Ғуччи йилқини жазман тутган, йилқини дашта қолдириб, тунлари бағрини тўлдирарди — Очил Кучни бошига урадимми! Тилла кўнглини тўқ қилади, умрни узайтиради.

Ҳозир Ойпарча кампир нақ саксонга кирди. Бели букчайиб қолган, лекин ҳали умри узоқ, майли, у буткул чўкиб, кўтарам бўлиб қолсин, лекин ҳали юзга қиради, икки юзга, уч юзга!..

Ойпарча кампирга ўлим йўқ, у мангу яшайди!

Жон ширин, ўғлим, кўрқдим. Қайтиб келса, мени бир панадан туриб отарди. Нима қилай, ёлғиз тирноқ ўғилман, қари отам бор, қари энам бор, бошқа иложини тополмадим. Панжи ўғри дунё кўрган одам эди. Менинг ҳеч кимим йўқ, ўлиб кетсам, отам билан энамнинг чироғи ўчса, кейин биров қайтиб отимни ата-

масди. Унинг бола-чақаси кўп, ўрнида қоладигани бор, менда-чи? Панжининг зот-зурёди ўчоқ айланиб мени қарғайди, заволимни тилайди. Лекин мен ҳақ эдим, ўғлим, бу дунёни чидаганга чиқарган!..

Турдиқулнинг соқолига оқ тушибди. Салла четидан кўринган сочлари ҳам оқ. Демак, у кўп кутган. Бугунга келиб, ниятига етди. Раим оқсоқол заволини топди. Аммо Турдиқулнинг боя айтган гаплари беҳуда. Бари бир, Раим оқсоқол қайтиб гўрдан чиқмайди.

Турдиқулда ҳам айб йўқ, унга ўргатишган. Отадан ёш қолган, ўзи ҳеч нарсани кўрмаган, ҳеч нарсани тушунмаган. Унга ўргатишган. Кичкиналарга доимо ўргатишади. Файбаровга ҳам бир замонлар ўргатишган. У кўчадаги исми ўткинчини тўхтатиб: «Кел, сенга энамни бераман!», деб қичқирган. Кимгадир шу нарсанинг қизиғи бўлган. Отаси Раим оқсоқол турмада, бор қариндошлар ўзларини панага олган, бийдай ҳовлида иккита гўдак билан муштипар онаси; кимдир унга ўргатган ва ҳали гўдак Тошпўлат кўчага чиқиб, дуч келган кимсани онасига эр бўлишга чорлаган: «Кел, сенга энамни бераман!» Одамлар кулган. Боланинг елкасига қоқиб мақтаган: «Яшанг, ота ўғли, зўрсиз!» Кимдир уни койган ҳам чиқар, лекин койишдан олдин албатта бир марта мийиғида илжайиб қўйган.

Бир куни Галатела кўчаларидан от суриб ўтаётган баджаҳл суворий уни таниб қолди. Холбозоров раис, Жомнинг эски раиси, Раим оқсоқолнинг эски онаси, кўчада от суриб кетаётган уни таниди, қичқириб айтаётган гапини ҳам эшитди, от устидан туриб боланинг елкасига қамчи туширди:

— Бас қил, итдан тарқаган! Тилингни суғуриб оламан!..

Сўнг болани билагидан ушлаб даст кўтардию дарвозага элтди. Тагида гижинглаган бўз айғир, хўшмўйлов, кўзлари олачағир, келбатидан одам чўчийди — девордан бош чўзиб, ичкарига бақирди:

— Валадингни йнғиштириб ол! Ё Раим кетиб, мунга ўзинг гап ўргатдингми, қанжиқ!

Она кўрқоқ эди — чиқмади.

Лаҳаднинг оғзини бекитиб, гўрга тупроқ ташлашди. Файбаров четга, укалари Зокир билан Мавлонбойнинг ёнига бориб турди. Кимдир Аҳмадга белкурак тутқазди. Аҳмад индамай ишга тутинди; бошқалар битта ташлаганда, у икки куракдан тупроқ ташлади; Аҳмад доим шундай тез ишларди, лекин ҳозир, отасини кўмаётган пайтда бунчалик шошмаса ҳам бўларди... Унинг кўзларини ёш қоплаган, ҳеч нарсани кўрмасди. Зокир бориб, секингина укасининг қўлига урди. Аҳмад унга сал ажабланиб қаради, кейин тушунди, қизарди (болалиги бор-да ҳали), аччиқ бир хўрсиниб орта, назардан холироқ жойга тисланди.

Кейин қабр ёнида, оёқлар остида топталган қовжироқ майса устига чўкка тушиб қурўн уқидилар. Қурўонни жомлик мулла Низом ўқиди.

Туғади. Тобутни синдирдилар.

Тобут чўпларини ҳам синдирдилар. Ҳаммаси теракдан эди — осон синди.

Файбаров отаси билан мулла Чорининг, терак тобут яхшими ёки тол тобутми, деб баҳслашганини эслади. Раим оқсоқол ўшанда негадир теракни ёқтирмай, енгилроқ, сал беҳосият дарахт, деб айтган, толни мақтаган, чидамли, қайишдай пишиқ, деган эди.

Бугун Раим оқсоқолни терак тобутда кўтариб келишди. Теракларни унинг тўнғич ўғли Тошпўлат эккан. Сувни кенжа ўғли Аҳмад ташиб келган. Олти йил бурун. Аҳмад унда кичкина эди — саккиз ёшда. Улар қаламчаларни ерга суқатуриб, осмонга бўйлаган баланд дарахтларни кўришни ўйлаган эдилар. Лекин ўша тераклардан бугун тобут ясашди. Энди уни синдириш япти. Тобутни синдирган маъқул, токи у синиб, бошқанинг унга юмуши тушмасин.

Тобут синдирилди. Энди тобут йўқ. Энди ҳеч ким ўлмайди. Энди ҳеч ким ўлмасин!..

Ун қадам, йигирма қадам, ўттиз... Ҳамма сукутда. Сукутни мулла Чорининг ҳайқирғи бузди:

— Мўминлар, Раим Ғайбар ўғли қандай одам эди? Ҳамма бирдай жавоб қилди:

— Яхши одам эди! Яхши одам эди! Худо раҳмат қилсин!..

Мулла Чори ортга, гўр тарафга ўғринча қараб олди.

...наҳотки у худога ишонса? Яъники, марҳумни ерга қўйиб, мардум узоқлашса бас, Мункар билан Накир лаҳадга қиради ва сўроқ бошлайди: кимсан? раббинг ким? расулинг ким?..

— Жаннатдан жой ато қилсин, — дея секин сўзланди мулла Чори.

...отамдан қарзини узмоқчи. Отамни жинидан баттар ёмон кўрарди, энди у рақибсиз, ёлғиз қолди, гуруннга борадиган жойи йўқ. Энди ўзича уяляпти, афсус қиляпти...

Биров келиб Ғайбаровнинг енгидан тортди. Угирилиб қаради: Маҳанбой, мактабдош жўраси. Бугун чошгоҳда у ҳовлига бўзлаб кирди, қўлида четлари популки ожизабоп рўмолча, марҳум ётган ўйнинг деразаси олдида азадор ҳисоб бўлиб турди. Ғайбаров учун ҳам ўзи йиғлади, билган билди, билмаган уни ҳам Раим оқсоқолнинг фарзанди экан, деб ўйлади. Маҳанбой Ғайбаровнинг сўқиркўз бўлиб турганини кўриб, дераза ёнидан нари ҳайдади: «Бор, жура, ўксанг қурибди, жамоатнинг олдига бориб тур, ҳарне, катта ўғилсан...» Ғайбаров, ноилоҳ, жамоатнинг олдига кетди. Шаҳардан келиб, бўйинбоғини ечишни унутган экан, кимдир ярим йўлда ортидан етиб, елкасига кўк тўн ташлади, бўйинбоғини ечиб олди. Ғайбаров бўйинбоғини кўриб ажабланди: наҳотки хабар етгандан кейин таққан бўлсам?..

Йўқ, бўйинбоғини аввалроқ таққан эди. Хабар кейин етди. Хабар етганда Ғайбаров ўзини ўйлагулик ҳолда эмасди. Фақат салгина умиди бор эди, отамни тирик кўрарман, деб ўйлаган эди...

— Чарчабсан, машинага ўтир, — деди Маҳанбой.

Ғайбаров рад этиб бош чайқади. Ун қадамча нарига келиб тўхтаган қазил машина ўрнидан жилди, йўл-йўлакай эшиги қарсиллаб ёпилди. Маҳанбой, лаблари қуруқшаб ёрилган, ҳорғин, жўраси билан ёнма-ён кетаверди. Уларга Зокир келиб қўшилди. Учови қабристонга кирган машиналар, аравали тракторлар ортидан дарвоза тарафга қараб юришди. Чиқар маҳали Ғайбаров ортига ўгирилди, лекин отасининг гўрини кўролмади — қабрлар кўп эди.

Машиналарга сиймаган одамлар йўлни қисқа тутиб, қабристоннинг пастак деворларидан сакраб ўтмоқда эдилар.

Сўқмоқдан юришди. Бу сўқмоқни Ғайбаров болаликдан биларди. Туғилган уйдан узоқда юрган кезлари кўп бор эсласан.

Хусусан, саёҳатни эсласан. Сўқмоқда турнақатор бўлиб кетаётган йўловчиларни. Олдинда — эгарга оқ қўчқор ўнгарган Наим амаки, ундан орқароқда, қора мода эшак устида Амма, Раим оқсоқолнинг кампир аммаси — Раим оқсоқол ёмон кўрадиган, тўртта эр алмаштирган, эндиликда ўйилларини қўйиб, куёвиникида яшайдиган кампир, унинг ортида, ўша қора эшакнинг қўймичида — кичкинтой Топшўлат, кейинда — онаси, бошқа йўловчилар, отли, эшакли, яёв; баҳор фасли, ёлғизоёқ йўлни шаррос ёмғирлар савалаб қотирган, ўтлоқ тоза, ювилгандек, соқ-саноқсиз қўзигуллар, уларнинг остида эса ям-яшил чим — бамисоли бахмалдай мулойим. Ёлғизоёқ йўлнинг четларида — пасту баланд, лекин усти бирдай ясси тепачалар. Улар гўдак Топшўлатга ғалатироқ бўлиб кўринди. Аммадан, бу нима, деб сўради. Амма тушунтирди, манависи ўт, манавиниси гул, деб айтди, анави сариққинаси қўзигул, қўзигулни қўзичоқлар хуш кўради, курт-курт қилиб узиб ейди, анавилари қўзқулоқ, қўзиларнинг қулоғига ўхшайди, ҳали улар барра, кичкина, кейин бориб катта бўлиб кетади...

Амма тепачаларни гўр деб атамади, шунчаки тепача деб тушунтирди, сўнг яна бир гапни қўшиб қўйди: «Буларни одамлар ясаган, тағидаям одамлари бор». Ростини кейинроқ Раим оқсоқол айтади: «Галатепа де-

ганинг олам замондан бери муқим, умру тарихи Жомдан кам эмасдир, мозорга кетар йўлнинг икки тарафидан пастак дўнглик, гўрга ҳеч ўхшамайди, текисланиб кетган, лекин асли у ерлар ҳам мазор, бир замондан қолган экан...»

У пайларда эса Ғайбаров ҳали бола, бинобарин, адолатлироқ ҳам эди. Амма ҳам унга, гарчи жўнроқ қилиб бўлса-да, ростини айтган: тепачанинг тағида одамлари бор, бўтам. Ушанда боланинг юраги бирдан увишди. Атрофга боқди — ўтларни ва гулларни кўрди, осмонга боқди — оппоқ парку булутларни кўрди, кейин ўйлади, катталарга ҳайрон бўлди: шунча ўт, шунча гуллар, шундай кенг осмону оппоқ булутлар бўлатуриб, нега пастак тепачанинг тағида ётади?..

Тобуткашлар ҳовлига қайтиб келдилар. Хотин-халаж тагин йиғи кўтарди. Овозлар чарчаган, бўғиқ эди, улар эрталабдан бери жамики аламларни санаб бўлган. Энди тезроқ кеч тушмоғини, ўчоқларга ўт қалаб, марҳумнинг арвоғига шом оши пишириб келишни ўйлашарди. Ким шавла пиширади, ким палов — ташвишининг ўзи бир олам.

Гўяндалар орасида биргина Анзират кампирнинг овози бардам, у тўлиб-тўлиб йиғляпти:

— Мени кимларга ташлаб кетдинг, тўрам!..

Раим оқсоқол Анзират кампирни ташлаб кетганига кўп бўлган. Бирор қирқ йил, балки ундан ҳам кўпроқ. Анзират кампир эса, шунча вақт ўтиб, энди йиғляпти. Кўнгилданми, гўяндалик шавқиданми — дафъатан англаш ҳам қийин.

Анзират кампир марҳумга жуда яқин: бир тарафдан тоғасининг қизи, бир ёқдан кўз очиб кўргани. Ундан чиқиб, қайта эр тутмади. Аваалига одамлар Раим раисдан ҳайиқиб оғиз солмаган бўлса, кейин, раиснинг оёғи узангидан кетганда Анзиратнинг ўзи беваликни буткул касб қилиб олди. Раим оқсоқол уни ҳайдаб, яна неча бор уйланган бўлса, хотинларининг ҳаммаси Анзиратдан чўчинқираб ўтди. Гўёки ўртада талоқ айтилмагандай эди. Тўй-маъракаларга келади, ўзининг уйига меҳмон келганда чақиради, келганда қуволмайсан, айтганида борасан, бошқа иложинг йўқ, жамоат, одамгарчилик деган гап бор, тўю аза одамсиз ўтмайди, ҳаммамиз ҳам бир-биримиз туфайли кун кўрамыз.

Анзират хотин бўлиб, иккита ўғил туғди, иккиси ҳам қаттиқ терламадан кетди, иккита қиз туғди — иккови ҳам омон, эрли, бола-чақали.

Раим оқсоқолдан бошқа одам бу савдога чиқолмаган бўларди. Бошқа одам туфлаган туфугини қайтиб оғзига олса ҳам ажаб эмасди. Негаки, қизлари ота дейди, неваралари бува дейди, келади, кетади... У хотинининг талоғини тутқаз туриб, юзига қарамайман, деб қасам ичган. Қарамаслик мумкин, лекин эсламай кўр-чи!.. Эслайсан, чоранг йўқдирки, эслайсан, у сенинг ҳар икки кўзингга маҳкам ўрнашиб қолган, ўн саккиз ёшлиги, қорасоч, қоракўз... Кўрқув аралаш ноздан титраган елкаларига қўл юборгансан, бағрингга босгансан... Унуттиш қийин! Ночорликдан ғазабга миносан, минг гўрдан олиб минг гўрга соласан — бефойда! Қўриб турасанки, ҳаммаси бефойда.

Хиёнатни йўқ, қинғирлиги йўқ, қайтага, Раим оқсоқолни иззат қилди, бошқаларнинг олдида юзига оёқ босиб қайта эр қилмади, орқаваротдан, чолим, деб атайди. Авваллари ёш эди, алам ва андак киноя билан, чолим, деб атаган, кейин у қариган, Раим оқсоқол ҳам қариган, чолга айланган ва Анзират, чол, деб аташга буткул кўниккан.

Шулар боисдирки, Раим оқсоқолнинг Анзиратга талоқ айтганига биров ишониб, биров ишонмаган. Шу боисдирки, Анзиратдан кейин Раим оқсоқолнинг никоҳига ўтган аёлларнинг ранги юзига чиқмади, бариси ғамгин, эзилиброқ яшаб ўтди.

Икки ўғлимиз бор эди, мулла, икковиям эрта кетди, кейин яна бир марта уйландик, ундан ҳам бир ўғил кўрдик. Олдин қўйган хотинимиз ўзи билан опкетган қизчамиздан бирини юборибди, шу қизчамиз

янги топган ўғилчамизни ўйнатмоқчи бўлиб, ҳовлидан ташга опчиқибди... Шамоллаганми-нетганми, кечкурун Жомнинг чўлидан Холбозоров раис билан жанжалимизни ҳал қилиб келсам, боланинг ҳеч ҳоли йўқ, қорачиги қимир этмайди. Табибга одам юбордик. Келди, болани кўриб, мияси андак лат ебди, деб айтди. Қизчамиздан сўрасак, йўқ, айтмади, йиқитганим йўқ, деб туриб олди. Узим ҳам йиқилганига ишонмадим, боланинг бирор жойида кўкарган белги йўқ эди. Мулла Дониёрга ўқитдик — нафи бўлмади. Эрталабга етмай узилди. Кейин хотиннинг ўзиям кўпга бормади, куйиб адо бўлди. Икковини икки жойга қўйди. Бир кўнглим, болани кўйиндидан олиб, энасининг ёнига қўяй дедим, лекин одамларни ўйладим, ўзингиз биласиз, мулла, удуми шу, болани эна қавмига қўшиб бўлмайди, кейин десангиз, боланинг ҳарне норасидалиги бор, катталарнинг гуноҳи мўлроқ — айрим кўмишади. Энди туриб афсус қиламан, мулла, у замонда озми-кўпми обрў бор эди, эчкини туя десам ҳам ишонишарди, бу ёғи хотиним раҳматлининг ҳам гуноҳи кўп эмасди, жуда дили пок, сўзлари жўяли яхши аёл эди... Шу боланинг дардида тамом бўлди. Болани кўмдим, энасини кўмдим, кейин фориглик муддатини ўтказиб, яна уйландим, мана энди, худога шукр, яна болаларим бор, лекин десангиз, мулла, кўнгилда армон қолди-да! Худонинг ўзи кечирсин, лекин армоним кун сайин ортган бўлса ортган, ҳеч камайгани йўқ!..

Раим оқсоқол гумонини ҳеч қачон очиқ айтмаган. Кейинроқ Ғайбаров онасидан эшитиб билди: ўшанда қизча ўғай укасини ҳовлидан ташқарига олиб чиқиб, бошига игна санчган экан.

Ғайбаров бу гапга ишонмади. Кейин ишонмоқ истаб сўради:

— Биров ўргатганми, эна?

Онаси айтди:

— Йўқ, биров ўргатмаган, ўзи билиб қилган, опанг кичкина пайтидаям жодугар экан, ўзи билиб қилган.

Ғайбаров бари бир ишонмади. Лекин ўғай опасидан бир умр чўчидиган бўлди.

Вақти келиб, Мавлонбойни уйлантирадиган бўлишди. Тўйдан олдинроқ, тўнбичарга одам чақиришганда у ўғай опасини тиззасида бичиқ, қўлида қавиқ игна билан кўрди ва секин, золимона оҳангда секин айтди:

— Эҳтиёт бўлинг, опа, игнани санчиб олманг...

Кейин аста кузатди: опанинг юзи қилт этмади. Ҳамма гап бўҳтон эдимиз ёки энди эсдан чиққанми...

Ғайбаров Анзират кампирнинг ўзидан гумон қилишга уялган. Билардики, у кезлар Анзират эрсизликка батамом кўниккан эди. Талоқ анча олдин айтилган, боланинг ўлими анча кейин содир бўлган.

Бир гал мулла Чори Раим оқсоқолдан сўраб қолди:

— Шу, Анзиратни қўйганингизга ачинмайсизми, оқсоқол?

Раим оқсоқол муллага ўқрайиброқ қаради — гапга хотинларни аралаштиришни ёмон кўрарди.

— Йўқ, — деди у сал туриб. — Нимасига афсус қиламан! Акалари менга гап қайтармаса ҳам бир нави эди, лекин улар юзимга оёқ қўйди, кейин талонини айтдим...

Ғайбаров аслида бундай эмаслигини биларди. Раим оқсоқол бунчалар бачкана эмасди, эркакка аччиқ қилиб, ўчини ҳеч қачон хотиндан олмаган бўларди. Бўлмаса, нима сабаб?..

Ахир, иккита қизи бор эди, ўғиллари ўлган бўлса, ҳали Анзиратнинг ўзи ёш, истаганича ўғил ҳам туғиб берарди. Тушуниш қийин. Бугун Анзират кампир ўқраб йиғлапти, Раим оқсоқол уни қирқ йилча олдин

ташлаб кетганига, зое кетган умрига, хўжакўрсин ориятга мотам тутяпти.

... ёки у отамни ростдан яхши кўрганми?

Анзират кампир Раим оқсоқолнинг ўлимидан уч кун олдин келди. Лекин уни беморнинг ёнига қўйишмади. Кеча тагин югуриб келди. Кўнгли сездики, Раимнинг куни оз қоляпти. Сездю бошига желагини илиб югурди, аммо уни тагин қўйишмади, сен энди номаҳрамсан, деб айтишди.

Анзират кампирга алам қилади: чурик Амма, Раим оқсоқол умр буйи рўйхушлик бермай ўтган Амма қувилмади, то Раим оқсоқол жон таслим қилгунча ёстиқ ёнидан жилмай ўтирди, лекин уни, Анзиратни, марҳумнинг кўз очиб кўрганини ичкари қўйишмади!

Ким билади, балки, Анзират умр буйи лоақал шу охириги онда бирга бўлмоқчи ўйлагандир? Балки, шунинг илинжида бошқа эр тутмаган чиқар?

Муҳаббат деганларига бир зум ишонсак бўлар?

Тоқлик, шунча алам ва армонлар... наҳотки, буларнинг барчаси бекор?

Йиғла, Анзират, майли, сен йиғлагин — сенга ярашади.

Дунё — байт-ул-аҳзан, қайта гулламоқ йўқ. Ҳазондай совриламиз, хазондай, хазондай!

Дунё — байт-ул-жафо, ғамгусор йўқ, дилларимиз гунг ва бешарҳ қолади!

Гунг ва бешарҳ!..

Йиғла, Анзират, йиғлагин!

Маҳанбой келиб Ғайбаровнинг ёнига турди. Зокир, Аҳмад, уларнинг тенгқурлари, жиянлар... бирор ўн беш чоғли йигит дераза ёнида йўқлов бошладилар. Энди уй ичида жасад йўқ эди — йиғлов суст туюлди. Уй тўла хотин-халаж. Марҳум ювилган бурчак бўш, унда ғассоллар келтирган иккита ясси тахта, тахтанинг четида эски жинчирок... уйнинг тўрида Амма, пастроғида Анзират, бошқа хотинлар... уввос тортиб йиғлашарди. Ҳамма ўзининг дардини айтди. Анзират Раим оқсоқолни йўқлади, Амма тўртта эрини йўқлади, ўғилларидан нолиди, бошқалар...

Дунёда алам ва армон кўп — ҳаммага етарли.

Ғайбаров дераза олдидан жилаётган маҳали кечикканлар кириб келишди.

Хушсурат кекса аёл унинг юзига бир нафас қараб турди, кейин таниди ва бўйнига осилиб йиғлади. Йиғиси рост эди. Ғайбаровнинг эгнидаги зангор тўннинг елкаси тим кўкка айланди. У беихтиёр чўнтагидан рўмолча чиқарди, лекин аёл алам билан бошини чайқарди, йўқ, йўқ, у кўзларини артмоқчи эмас, йиғлайди, минг йил бўлсаям йиғлайди... Ғайбаров аёлни кўзларидан таниди: йигирма йилча бурун шу қўйкўз аёл, отасининг узоқ бир қариндоши, меҳмонга келиб, қайтар чоғи Тошпўлатни ҳам қишлоғига олиб кетган эди. Аёлнинг Тошпўлат тенги ўғли бўларди, бир гал иккаласи қари тутга чумчуқнинг палапонини ахтариб чиқиб, қайтиб тушолмаган, қўрққан, йиғлаган, кейин шом маҳали, адашган сигирларни ҳайдаб қайтаётган подачи йигит уларни тушириб қўйган эди.

Ғайбаров ёнига қайрилди: аёлнинг қизи, ёши йигирма еттилар атрофидаги сулувгина жувон кўзларини ерга тикиб турарди. Мана, у бошини кўтарди, Ғайбаровга қизиқсиниб тикилди. Юзида ҳайрат ва қизиқсиниш — мотамдан асар ҳам йўқ.

Жувон ҳам уни эслади.

Қўйкўз аёл мудом айтгучи эди: Тошпўлатжон, қизимни сенга бераман, пошшонинг ўғли бўлсаям, сенадан бошқага бермайман, сенинг ўзгинангга бераман!

Ғайбаров, унда ҳали кичкина бола, қўйкўз аёлнинг қизини олишга ҳеч унамаган. Лекин қизчанинг ўзи унинг олишини истарди, онасининг ёнида, сочлар қўсқи, жамалаклари бетартиб, кўзларини «куёвбола»га мулоийм тикиб турарди. У ҳозир ҳам шундай қараяпти. Унга ҳаммаси қизиқ туюлади.

Энди қўйкўз аёлнинг ҳазилкашлиги, кун бермай гапирганини эслайсан, холос: қизимни бераман, олсанг



ҳам оласан, олмасанг ҳам оласан, агар кўнмайдиган бўлсанг, тўрвага солиб, бўйнингга тақиб юбораман!..

Ғайбаров жувонга секин бош ирғаб, нари кетди. Сал юриб, тагин ортига қайрилди: кекса аёл йиғлапти, жувон ҳайроликда.

...отамни деярли кўрмаган, ўзининг нега келганини билмайди. Улар кўндан бери келмаган эди. Бугун келишди, кейин яна келишади, йиғлов-сиқтов, эслашлар, шу аснода қариндошлик қайтадан тикланади, бизлар борамиз, улар келади... беш, ўн, ўн беш йил... сўнг тагин бир узилиш... яна кимнингдир ўлимигача.

Олмалар тағида одам кўп эди. Сояга иккита катта гилам тўшалган. Икки кўр. Унгадаги кўрнинг тўроғида Соат сайис, унинг ёнида Мавлонбой, ундан сал берида мулла Чори, тунд, ўйчан, уюлашиб таъзия қабул қилишяпти. Акасини кўриб Мавлонбой секин ўрнидан турди. Ғайбаров оёқларини ечмай, кўрпачанинг бир чеккасини қайириб ўтирди. Соат сайис унга атаб тиловат қайтарди. Юзга фотиҳа тортишди.

— Бандалик, деди сайис.— Ўзи берган жон экан, ўзи яна қайтариб олади.

Бир навбат келганлар йўлга отланди. Уларнинг ўрнини янги келганлар олди. Уртада тўрт-бешта патир нон, парварда, чой... Тиловат, бир тишлам нон, бир ҳўплам аччиқ кўк чой, тагин тиловат ва таъзия: бандалик-да, ука, бандалик-да, ака...

Одамлар андак сийраклашган маҳал Соат сайис Ғайбаровга яқинроқ сурилди, таскин берган бўлди:

— Улим деганимиз отамерос гап, домла Тошпўлат. Чорёрнинг энг улуғи ҳазрати Али эди, ўғиллари иккита, имом Ҳусайн билан имом Ҳасайн...

— Ҳасан, — деди Ғайбаров унинг гапини бўлиб. — Оти Ҳасайн эмас, Ҳасан.

— Ўғиллари ўлганда ҳазрати Али кўп қайғурди. — Сайис унинг гапига парво қилмади.— Таъзиясига Одам Ато келиб айтди, қайғурманг, Али, ўлим деганимиз отадан мерос...

— Мендан мерос, деб айтгандир? — дея сўради мулла Чори.

— Шундай, мендан мерос, деб айтди.

— Одам Ато олдинроқ ўлиб кетган эмасмикан? — деб илжайиб сўради мулла Чори.

Соат сайис ранжиди:

— Одам алайҳиссаломнинг тирилиб келишлари қийин эканми?

— Қийин, — деб тагин илжайди мулла Чори. — Улгандан кейин рўзи маҳшаргача қимир этмай ётасиз.

Сайиснинг қовоқ-тумшуги осилиб тушди.

— Сиз худога шак келтирманг, Чори, — деди у. — Эгамнинг измига чек йўқ.

— Сиз ёлғонни камроқ гапиринг, Соатбой! — деди мулла Чори.

— Қани, ростини ўзингиздан эшитайлик, — деди сайис ҳам бўш келмай.

— Мунинг тарихи узоқ, — деди мулла Чори. — Худо етти қабат осмонни яратди, фаришталарни, малоикаларни, жинлар ва моридларни ва энг охирида одамни, сиз айтган Одам Атони яратди. Уни яратмоқдан аввал Жаброилни Заминга юборди. Жаброил пастга тушди, ердан бир кафт тупроқни олиб, тагин осмонга учди. Замин унинг ортидан: «Дод, бағримдан узиб кетяпсан!», деб фарёд қилди. Жаброил унинг ноласига чидалмади, макони олийга қуруқ қайтди.

Сўнг, мулла Соат, худо Мекоилни юборди, Замин яна дод солди, додига Мекоил ҳам чидаёлмади. Охирида Азроил келди, бир сиқим тупроқни олиб тепага учди. Замин унинг ҳам ортидан фарёд қилди: «Дод» бағримдан узиб кетдинг!..» Лекин Азроил парво қилмади, учгани кўйи кўлидаги тупроқни худога элтиди. Худо лой қориб, одамнинг шаклини ясади, сўнг нафасидан уфуриб, жон ато этди ва тагин Азроилни чақирди: «Хокни қандай олиб келдинг?», деб сўради. Азроил айтди: «Ўзинг айтгандай, Заминга тушдим у бир кафт тупроғидан олдим, чандон додлади ҳамки, парво қилмадим». Худо бунисини ўйламаган эканми, мулла Соат, Азроилнинг гапини эшитиб, кўп ажабланибди: «Бекор қилти, Азроил, Замин чакки додлабди. Биз ҳеч

нарсига жабр қилмағаймиз. Энди, эй Азроил, модомики Замин додлаб, бағримдан уздинг, деб айтган экан, сен унинг бағридан узганингни қайтадан бағрига элтиб қўядиган бўласан!..» Азроил бу ҳукми ҳозирки эшитиб, Заминдан ҳам минг чандон қаттиқроқ фарёд қилди, лекин фойдаси бўлмади — яратганининг ёзмиши аниқ, каломига шак йўқ. Шундай, мавлоно Соат, одамзод тупроқдан бино бўлган ва яна охир тупроққа қайтади...

— Маъқул, — деб ғудранди Соат сайис. — Илмингиз дуруст, Чори. Сиз ўқиган юртларнинг мадрасаси зўр экан.

Бу гапдан мулла Чорининг юзи бўздай оқарди, ияклари титраб, заҳрини сочди:

— Муни Бишлиш керак, Соатбой! — деди у. — Муни салла ўраса эшак ҳам билади.

Сайис беписанд кулди, сўнг:

— Илмига амал қилмаган мулладан ўргилдим! — деб кесатди.

— Ким мени сизга мулла, деб айтди?

— Э, мулла бўлмай кимсиз?

— Юрган бир одам, — деди мулла Чори. — Сиз ўзингизни кўп галчалikka солаверманг, Соатбой.

— Ҳаммамиз мулла бўламиз, — деди Соат сайис — Галатепада ҳамма эллик ёшгача туппа-тузук одам,

элликдан кейин бариси айнийди, эрчаги муллалikka, урғочиси фолбинликка ўтади. Биттаси ёшлигида бўза ичиб олиб, осмонга милтиқ бўшатарди: худонгни топиб бер, шартта отиб ташлайман! Э худо, деб айтарди, худо бўлсанг, қани, пастга туш, яккама-якка кўрамиз. У одамни эгамнинг ўзи жазолади: бир замон оғзи қийшайиб ҳам юрди.

— Кўрқанидан, — дея секин гап қўшди Ғайбаров. — Худодан эмас, ўзидан кўрқанидан.

— У одам — кофир, фирт кофир, — деб пўнғиллади сайис.

Мулла Чори сиртига сув юқтирмай, шунчаки бир илжайиб қўйди.

— У одамнинг бошқа айблориям бор, — деди сайис.

Ғайбаров ўзи истамаган ҳолда Соат сайиснинг тегиримонига сув қўйганини пайқади. Англадики, Соат сайис мулла Чорини қаттиқроқ айбламоқчи, яъни у, Одам Атонинг тарихини ҳам тузукроқ билмайдиган шунчаки бир нодон одам, колхознинг айғирлариға сайислик қилиб юрган маҳали мулла Чори урушга бориб немисга асир тушган, кейин бутун зукколиги билан кофир ғанимларнинг қўлида муллалик қилган. Обер-мулла Чори афанди сўроқ айлайди, бандилар жавоб айлайдилар: кимсан? раббинг ким? расулинг ким? Худд Мункар билан Накирдай!.. Қани, калимаи шаҳодатни қайтар! Тезроқ, тезроқ, шнеллен!.. Тезроқ калима қайтар, бўлмаса, сени бухор жуҳуддан фарқлаш қийин, икковинг ҳам хатнасан... Сен жуҳуд, тожикча гапир, ўзингни тожик қилиб кўрсат, Мусодан таркаган, калима қайтар — тирик қолсан!..

Обер-мулла Чори афанди бандиларни жангга тайёрлаган. «Озод Туркистон», Чўқаевлар, кейинроқ пайдо бўлган Ҳайитлар ва бошқа итлар учун...

Мулла Чори худога сиғинмай қўйганига кўп бўлди. Бандасининг дўзахига бўлган одам, кейин қайтиб худога ихлос қилмайди.

Мулла Чорининг биргина ҳамсўхбати бўларди — Раим оқсоқол. Бошқаларнинг ёнига бормасди ҳисоб. Бошқалар дастлаб у билан гаплашгани ҳам кўрқиброқ турган: ҳарне, номи қаро бўлган одам, немиснинг қўлида муллалик қилган, кейин бирор ўн йил ётиб келган... Биргина Раим оқсоқол бурнини жийирманган. Раим оқсоқол доворак одам эди, озгина мактан-чоқлиги ҳам бор, қувғиндидан ҳазар қилмаслигини бошқаларга кўз-кўз қилган. Лекин мулла Чорини бақамти ҳам келтирмаган. Кейин, эгардан тушиб, назардан қолган маҳалигина оралари сал ёвуқлашгандай бўлди. Мулла Чорига шунинг ўзи ҳам кифоя қиларди. Мулла — тулки одам. У Раим оқсоқолнинг заиф жойларини биларди, унинг ёнида нуқул қондан ва шахидлардан гап очарди. Раим оқсоқол бундай пайтларда

миқ этолмасди. У қонни ҳам, шаҳидларни ҳам кўп кўрган: Панжи ўғри, Мамадали Понсод, Оқбош босмачи ва бошқалар... Тўкилган қон ҳам оз эмасди. Лекин буларнинг ҳаммаси узоқда, инқилоб атрофидаги йилларда қолиб кетган.

Сўнгрққ мулла Чори ўзини сал «оқлагандай» бўлди. Уни излаб этикдўз Мекоил келди. Мекоил — обер-мулла Чори афанди немиснинг асирида асраб қолган одамлардан бири эди. Бир кун у халоскорини излаб келди, сўнг ҳар яқшанба Галатепанинг катта бозорида дўконини очадиган бўлди. Мижозларнинг этигини ямайди, қўлида бигиз ёки болғача, лунжи тўла мих, секин гап сотади:

— Акамиз одамнинг хўрузи, бизниям ана шу акамиз омон қолдирган!

Мекоилнинг ахтариб келгани тузук бўлди. Энди мулла Чорини аввалгидай қатоғон қилишмасди. У яқшанба кунлари Мекоилни эргаштириб Раим оқсоқолнинг олдига келарди. Энди мулла ёлғиз эмас, ёнида тирик хужжати бор. Раим оқсоқол уларнинг қаршисида сал қимтиниб туради, лекин ўрганган кўнгили, пайти билан қуюшқондан чиқиб кетади, ўзининг гапини маъқуллатмоқчи бўлади.

У мулла Чори билан Мекоил этикдўзнинг олдида уяларди. Тўрт мучаси соғ бўлатуриб, урушга бормаганидан, шаҳид бўлмаганидан, лоақал булар иккисига ўхшаб асир тушмагани, тириклиги, умри бино бўлиб ичмагани, чекмагани, бировнинг молини ўғирламай, тинч ва осойишта яшаганидан уяларди.

Босмачилар билан курашгани, орттирган обрўси, раислиги, хизмату мансабини ўйлаб урушга олишмагани — ҳаммаси бекордай туюларди. Қўлингга тутқазилган қозғоқдаги гапларга ўзгалар ишонса мумкин, лекин ўзинг ишонмасанг қийин, сенинг ўрнинг у ёқда эди, қайтарингдан қайтмасинг, ростроқ, лекин жойинг у ёқда эди.

Мулла Чори айёр эди. Раим оқсоқолнинг кўнглини варақдаги ёзувдай равон ўқирди...

Тиловатхонларнинг иккиси ҳам Ғайбаровнинг кўзига ёмон кўринди.

— Одамлар ҳам сийраклашди, — деди у. — Икковиңгиз ҳам чарчадингиз.

Мулла Чори миқ этмади. У Ғайбаровнинг авзойи бузилганини пайқаган эди.

— Мен чарчаганим йўқ, Тошпўлат домла, — деди Соат сайис. — Ҳали икки кун тиловат қилгани кўрбим етади.

— Қолганини бошқа пайт ўқийсиз, — деди Ғайбаров.

Соат сайис аччиқланди. Нарироқда турган Наим амакини имлаб чақирди, арзини айтди:

— Мен кўчада қолганим йўқ, Наимбой!.. Қувлаб соляпти. Узим истаб қилмаяпман-ку бу ишни, сиз ўзингиз сўрадингиз, мен ҳам шу Галатепанинг увол-саво-бига шерик...

Наим амаки ўртадан гап қочганини сезди.

— Қўйинг, сайис бува, — деб юпатди у. — Сизни ҳеч ким кет, демейди.

— Мана, оқсоқол раҳматлининг каттаси шу гапни айтяпти! — Сайис бармоғини нуқиб Ғайбаровни кўрсатди.

Наим амаки Ғайбаровга ўпқаланиб қаради: шу гап ростми?

— Майли, бораверишсин, — деди Ғайбаров. — Қуръон бўлса, ўзингиз ўқийсиз, майли, икковиңгиз рухсат.

— Мен Қуръонни билмайман, — деди Наим амаки.

— Унда мен ўзим тиловат қиламан. Булар чарчади.

— Аввал таҳорат қилиб олинг, домулло!.. — дея кесатди Соат сайис. — Ҳа, таҳорат қилиб келинг, кейин ўқийсиз Қуръонни!

Ғайбаровнинг жаҳли кўзгади, унга илкис қаради.

— Урасизми, майли уринг!.. — деб хўрозланди сайис. — Ёшимни ҳурмат қилмасангиз ҳам майлига! Ёмон ўғил элни бузар, деб айтмишлар, шу гап — гап,

сиз ҳам элни бузаяпсиз!.. — У дастурхон четида ётган тугунчасини олиб ўрнидан турди.

— Қўйинг, қизишманг, бува. — Наим амаки уни кетгани кўймади, билагидан ушлаб кўрпачага ўтирғизди.

— Утиринг, Соатбой! — деб илжайди мулла Чори. — Сизсиз маърақа ҳисобга ўтмайди. Мени ёлғизлатиб қўйманг-да.

— Тошпўлат чарчабди, сайис бува, — деди Наим амаки. — Ўзингиздан қолар гап йўқ, отадан айрилиш осон эмас. Майли, бу озгина дам олсин. Сиз шайтонга ҳай беринг, сайис бува...

Йигин аҳли Ғайбаровга ачиниbroқ қаради.

Кечқурун ҳеч ким ёзиғлиқ дастурхонга қўл урмади. Зокир чойни қайтарди, аввал Анзират кампирга, кейин акасига қўйиб узатди.

— Аҳмадни чақирайми, ака? — дея секин сўради у. — Керакмас...

Аҳмад ҳозир Мавлонбойнинг ёнида эди. Иккови узоқдан келадиган одамларнинг ташвишини қилапти. Ҳали Аҳмад сурувдан қўй опкелди, қассоб чақирди. Энди қўйни сўйиш керак, қозон осиш... иш кўп.

Мавлонбой ичкари кирди. Оёғида оғир кирза этик, қовоқлари қизарган, шишган. Гиламни босиб, кўрпачага ўтиб ўтирди. Бир пиёла чойни шоша-пиша ичиб, тагин ўрнидан кўзгалди. Кетатуриб Зокирга таънали бир қараб олди, чамаси, ундан норози эди, дўхтир одам, ким билади, тузукроқ қараганида балки...

Мавлонбой чиқиб кетди.

— Ҳеч иложи бўлмади, ака, — деди Зокир йиғламираб.

Ғайбаров укасига таъна қилмоқчи эмасди. У ўлимнинг қандай кечганини билмоқ истарди, холос. Ёқимсизроқ бир туйғу, лекин билгиси келди... Зокирдан сўраш ҳам ўнғайсиз. Ҳозир ундан бошқа ҳамма Раим оқсоқолнинг ўлими тафсилотларини билади. Азалдан расми шу: одамлар азадан қайтиб келиб, ўлимнинг тафсилотини ҳикоя қиладилар.

Бугун, айни лаҳзада, гарчи Раим оқсоқол неча йиллардан бери хотинсиз яшаган бўлса-да, Галатепеда шунга ўхшаш бир афсона кезиб юргани аниқ. Одамзодни яққа ўлгани кўйишмайди. Кимдир албатта бошида бўлади, ўлаётганини кўради, қовоқларини ёпади, иягини танғийди, сўнг, аввал ҳамдардликдан ва кўрқувни сал босмоқ бўлиб, кейин... азбаройи ҳангама учун шавқ билан ҳикоя қилади.

Яна қайтиб ўша гап — тирик эканингни ҳис этмоқ қандай ҳузурбахш!

— Иложини тополмадим, — деб такрорлади Зокир бошини ҳам қилиб. — Аввалига билишим қийин бўлди. Кечикиbroқ тушундим, кейин игна санчиб кўрсам...

Ғайбаров укасининг гапини англамади.

— Осон ўтдими, ишқилиб? — деб сўради у.

— Тинч ака... Кечикиbroқ хабар топдим, қарасам, қони қуюлиbroқ қолган экан. Дориям топиб келувдим, агар гумоним рост чиқарини билсам... Қизиқ-да, ака, осон кечдими, деб сўраяпсиз, тинчу нотинч, энди гапирганининг фойдаси борми? Асли айб мендан ўтди, ака.

— Қўй, Зокир, майли, гапирма.

Зокир чўнтагидан қутича чиқариб, битта ҳапдорини акасига узатди:

— Шуни ичинг, ака, чарчагансиз.

Ғайбаров унга ишонқирамай қаради:

— Ўйқудорими? — деб сўради. — Бугун мени ухлатиб, эртага гапириб юрмайсанми? Кейин юз йилгача шуни рўкач қиларсан? Отам ўлганда қулоқ қоқмай ухлади, деб!..

— Худо ҳаққи, инсоф қилинг, ака!.. — деб ялинди Зокир.

— Бўлмаса, қуюлган қонни гапириб нима қиласан? — дея баттар асабийлашди Ғайбаров. — Жўнгина айт, отам ўлди, иложини қилолмадим, деб айт, нега энди... Агар мендан ор қилсаларинг, буниям айт, одамларга кўринма, дегин!..



— Мулласиз маърака бўлмайди, ака, ўзингиз биласиз... — Зокир ниҳоят акасининг ҳолига тушунди. — Узингиз билатуриб!.. Э, гапириб нима қилдим!.. Сиз каттасиз, отам сизни ҳаммадан яхши кўради...

— Энди у ўлган!..

Зокир индамади. Хўрсинди.

— Майли, бу гапни қўй, — деди Ғайбаров сал туриб. — Меники жирттакилик, Зокир... Яхшиси, энамга чойдан қуйиб бер.

Шунгача ака-уканинг гапларига тек қулоқ солиб ўтирган Анзират кампир бирдан ийди. Тўрдаги кўрпа-чадан берига судралиб келиб, қўлини Ғайбаровнинг елкасига қўйди ва секин ҳиқиллади:

— Қўй, болам, сен мунга хафа қилма, энди ўзинг ота ўрнига отасан, булар ҳали ёш, ўзинг ақл бўлмансан қийин...

— Сиз куйинманг, эна, бизнинг болагимиз қолмади, — деди Ғайбаров. — Тўрт йигит бир ёқадан бош чиқарсан...

Анзират кампир унинг гапларида меҳр сезмади. Баттар ўксинди. Яна йиғламоқчи эди, лекин ҳеч қандай рағбат кўрмади. Ғайбаровнинг юзи тунд эди. Кампирнинг энди бу тарафдан хўрлиги келди, тагин ҳиқиллади:

— Куним битиб қолди, болам. Энди мен тирик юриб нима қиламан?

Ғайбаров унга таскин бериб ўтирмади. Хайриятки, кўп ўтмай кампир мудрай бошлади. Зокир унинг бошидаги қаттиқ лўлаболишни олиб, ўрнига юмшоқроқ ёстиқ қўйди, кейин яна пойгадаги жойига чўккалади.

— Олдинроқ хабар қилмадим, ака, — деди у. — Озгина умидимиз бор эди. Охирги кун сизни кўп йўқлади.

— Ишлаётганимга уч йил бўлди, озми-кўпми ўлим кўрганман, — дея ўзи билан гаплашгандай сўзлади Зокир. — Уқиб юрган пайтларимдаям кўрганмиз!.. Лекин ўзингнинг бошинга тушгани бошқача экан. Ҳеч ишонгим келмади. Чидолмасман, деб ўйловдим, аммо одам деганингиз тош экан...

— Қўй энди, Зокир...

— Сизнинг кўзингизга ёш келмади, ака.

— Таъна қиляпсанми? — деб сўради Ғайбаров.

— Энамнинг қазосида йиғлаган эдингиз... — Зокир шундай деб, кўзларини олиб қочди.

— Билмасам... — деди Ғайбаров. — Ахир, отам менга яқинроқ эди-ку, Зокир?

— Бўлмаса, нимага... — Зокир гапини тугатмади, тагин ерга қараб олди.

— Холаминг ўлгандаям йиғловдим, — деб эслади Ғайбаров. — Мени ҳовлига қўйишмаган. Ёшим ўнларда эди. Йиғи чиқаётган ҳовлигача бордим. Наим амаки йўлимни тўсди, сен ҳали кичкинасан, деб айтди. Ортага қайрилиб, қир тарафга чиқиб кетдим. Ҳозир аниқ эслолмайман, лекин қайғурганим тайин... Ушанда кечки пайт энам қайтиб келди. Сен кичкина эдинг, Мавлон эсини таниб қолган, энам бизга овқат пишириб бергани келди. Гап орасида отамга ўлимдан гапирди, эсимда бор, бечоранинг тани кўп озор емабди, майиздеккина экан, деб айтди. Қандай озор эканига ҳеч тушунолмадим. Кейинроқ, холамингни эри урганмикан, деб ўйлайдиган бўлдим.

— Бемор узоқ вақт қадалиб ётса, териси илвираб,

салга шилинадиган бўп қолади, — дея изоҳ берди Зокир.

Ғайбаров укасига ғалати қаради:

— Балки, майизгаям изоҳ берарсан?

— Гапиринг, ака, менинг касбим шу, парво қилманг.

— Нимасини гапирай... Ушанда энамнинг овозини секинлатгани менга кўпроқ таъсир қилган экан. У холамининг ўлимидан анча гапирди. Кейин дастурхон ёзди. Чой устида отам унга таскин берди: «Олани имонли аёл эди, худо у дунёсини обод қилсин», деди. Отамнинг овози ҳам сокин эди. Менга ҳаммаси эриш туюлди, чидаб ўтиролмадим, ташқарига чиқдим. Қандай журъат қилганимни билмайман, болаликда қоронғидан жуда кўрқардим. Қош қорайган маҳал мазор ёнидан ўтсам бас, дарров худони тилга олардим. Уни алдаётганимни сезардим, эртага ёки бугуннинг ўзидаёқ, тинчгина уйга етсам, ҳаммасини унутишимни ҳам сезардим. Ёлғонимни ўйлаган сайин кўрқув ошарди. Лекин ўша кечаси ҳовлига ёлғиз чиқиб, ҳеч кўрқмадим... Эсимда қолгани — қора итимизнинг ҳадеб оёғимга суйкалгани. Ушанда мен ҳаммадан олдинроқ ўлишни ўйлаган эдим... Бола зоти шундай худбин бўлади, ўзи ўлса ўлсин, лекин бировларнинг ўлими тўфайли азоб чекишни асло истамайди...

Ғайбаров жим қолди. Зокир унга нима дейишини билмасди. У акасининг биринчи бор шундай очиқ гапирганини кўриши эди — ҳайратга тушди.

Болаликда бошқачароқ эди. Тошпўлат ҳар гал келганида ўзининг узоқдаги шаҳридан ҳикоя қиларди. Зокир унда шаҳар нималигини билмас, акаси ҳам узоқдаги шаҳар сингари сирли ва яхши бўлиб туюлар эди. Қадди-баста келишган, бўйида бўйинбоғ, қўллари оқ, тишлари оқ, бутун вужудидан оҳори кетмаган кийимлар ҳиди келадиган йигит. Зокир ўзининг шундай акаси борлигидан фахрланарди.

Энди қийинроқ. Гап ўртадаги қандайдир ўн ёшда ҳам эмас. Зокир ўзидан эллик ёш катта одам билан ҳам бемалол гап бериб, гап олиши мумкин. Акаси ҳамон унга яқин, лекин энди ўша ҳавас ва фахр йўқолган ҳисоб, энди кўп нарсалар жўнроқ туюлади.

Ташқарида чигирткаларнинг чириллагани эшитилди. Ғайбаров бирдан қўшни хонани ўйлади. Уни кундузи ҳам кўп эслagan эди: иккита ясси тахта, намиққан, чеккасида жинчирик...

Тунда бу манзара сал кўрқинчли туюлди: хонанинг ҳувиллаб қолгани, жинчирикнинг милтирагани... Айтишардики, арвоҳ уч кунгача айланиб келаверади, ўзидан кейин қолган жонларга назар солади: уни эслаш-яптими, уни яхши кўришармиди?..

Ғайбаров сесканди. Гўё отасининг арвоҳи ёлғиз қолиб, улардан орингандай эди.

— Энди нима қилдик, ака? — деб сўради Зокир.

Ғайбаров индамади. У ҳали бу ҳақда тузуқроқ ўйлаб кўрмаган эди. Оталари ўлиб, энди уларнинг ҳар бири бир бутанинг тагида, тарқалиб кетадими ёки бошқача бирор йўл тутадими?.. Ҳар ҳолда, энди тартиб ўзгача бўлиши тайин.

— Мен борай, ака, уларга қарашмасам бўлмайди.

Зокир ташқарига чиқди. Ғайбаров жимгина ухлаётган Анзират кампирга бир зум тек қараб ўтирди, сўнг туриб, миҳга илинган чопонни олди, уни кампирнинг устига ташлаб, ўзи яланг қўйлақда отасининг ҳужрасига ўтди.

## 2. ОПА

Ғайбаровни ярим тунда уйғотишди. У қаерда эканига дафъатан тушунолмади, кўзлари чирт юмуқ, уйғотган одамдан жаҳли чиқиб ётди, кейин, сал туриб, кўнгил тубига чўккан оғир, ёқимсиз хўрсиниқ қайтиб келди ва у ҳаммасини эслади: аза, йиғи, қабристон ва ўзининг етимлиги.

... кўпдан бери ёлғиз эдим, кўпдан бери... Минг йиллардан бери.

Ўзининг ёлғиз эканига ишонди. Етимлик ҳақидаги ярим тасодифий, ҳали тугал анланмаган ўйдан кўра, ўзининг ёлғизлиги хийла яқин эди. Ғайбаров доимо бу туйғундан қочиб яшарди, лекин ҳозир, айна дақиқа-

ларда, уни ўзи истаб туйди, туйиш баробарида баттар хўрлиги келди.

Устида ақалли чойшаб ҳам йўқ. Кийим-пийими билан яккат кўрпачада ётибди. Боши остида — жун тикилганми — қаттиқ болиш. Тошдай қаттиқ.

Ғайбаров орау қилди: ухласанг, ҳеч ким уйғотмас, ҳеч қачон уйғонмасанг, оғриқ сезмасанг... Денгиз, унинг бешик-бешик тўлқинлари сени кўмиб юборсаю қайтиб турмасанг!..

Нафаси қайтди. Кўзларини йириб, қаршисида ўтирган опасини кўрди: семиз, юзларини бевақт ажин қоплаган хотин.

... қарибди бечора, қарибди!

Ўзининг ўттиз иккига кирганини эслади.

... сочидан тортиб урардим, кейин энамга чақарди, энам ўқлоғи билан мени урарди, кейин мен яна буни... Қарибди бечора!

— Етиб келолмадим, — деди Опа.

... нима кераги бор?

— Менинг айбим нима? Мен ҳам шу қозонга шерик эдим, ақалли...

... ҳозир йиғи бошлайди. Мен ҳам айбдор эмасман, опа, менгаям кеч хабар қилишди.

— Сен етиб келибсан, Тошпўлат, ахир мен ҳам...

— Кўй, опа, — деди Ғайбаров кўрпачага чордана қуриб ўтириб. — Нима кераги бор? Касал эканини билардинг, келиб бошида ўтирсанг бўларди.

— Ғайирлигинг қолмабди!..

— Бўлди, бўлди, опа. Кўнглинг жойига тушсин, мен ҳам фақат жанозасига етиб келдим.

— Мени айирдинлар, — дея ҳиқиллади Опа. — Менинг сизлардан бошқа кимим бор?

— Эринг, болаларинг.

Ғайбаров бир зум ўтиб, айтган гапидан афсусланди.

... бу бечоранинг айби нима, сени уйқудан уйғотганими? Йўл узоқ, кейин Мавлонбой ростдан ҳам кечикиб хабар қилган бўлса-чи? Ахир, ҳаммага у хабар юборган, лекин бунга...

Опа йиғлади. Хўрсиниқ аралаш, гўёки арзанда ўғлини койиб солаётган онадек паст овозда йиғлади.

Ғайбаровнинг раҳми келди.

қундузи бошқача йиғлаган бўларди. Ташқарида эса ҳамон тун. Хўрозлар қичқирганича йўқ — ҳали тун.

... тонггача сабри чидамаган. Тонгда йиғласа яхшироқ бўларди. Лекин у ҳам фарзанд, бир замонлар шу рўзгорга шерик эди, отани йўқламаса бўлмайди, йўқлаганда гувоҳ бўлгани тузук.

Икки кундош, эрлари ўлиб бева қолганларидэ, мурданинг белидан бир шода қалитни ечиб олиб қазноқни очадилар, халтадан ун ва ёғ олиб чалпак пиширадилар.

Шундай бир ҳикоа бўларди.

... чалпакмиди? Э, бари бир эмасми! Балки, чалпак эмас, қатламадир. Чалпакми, бўғирсоқми, бир егулик нарса пишириб, қоринни тўйғаздилар, сўнг тонгни бўзартириб, иккови бор овозда уввос тортадилар: вой, тўрам, вой, тўрам!..

Опа йиғлайверди.

... муҳими — овоз чиқариш, ишқилиб, сени тошбағир дейишмаса бўлди. Йўқ, опа, сен тошбағир эмассан, отамни яхши кўрардинг, мениям, укаларнинг барини яхши кўрардинг. Энди-чи, опа, эндилям яхши кўрасанми?

Ғайбаров бурчакдаги пўстак устида бир бурда бўлиб ётган Анзират кампирга қаради. Опанинг унга назари тушмаган эканми, қовоғи солинди:

— Сен чақирдингми?

— Нега мен?... Ўзи келган.

— Бу гап сендан чиқади, — деди Опа, кейин юзини терс ўгирди.

...рост айтасан, опа, мен уни чақирган бўлардим.

Опа паришон бўлиб, тўрга — тахмондаги усти бўш оғир сандиққа қаради. Хона шип-шийдам, сандиқ устига тахлаб қўйиладиган кигиз ва кўрпалар бошқа олиб чиқилган, олмалар тагидаги сийрак йўнғичқапояда.

Улар ўтирган хона азалдан ҳам бўш, хувиллаган бў-

ларди. Унда оналари ун солинган халталар, супра, ралида ва бошқа анжомларни сақларди, кейин оналари ўлиб, уйга келин тушар маҳали, одамларнинг кўзига ёмон кўринмасин деб, хонани Мавлоннинг ёлғиз ўзи бир амаллаб сувоқдан чиқарган, иккита тахмон ясаган, оналаридан қолган иккита оғир мис сандиқни тахмонга қўйиб, устига кўрпачаю кигиз тахлашган, пойгакда — дўппайган тунука ўчоқ, ҳар қишда чоллар йиғилиб келадиган жума кечалари ёқилган. Чоллар кўрпачалар устида чўзилиб олиб, бошларини чайқатиб, танглайларини такиллабди қулоқ осмишган: ровийлар андоқ ривоят қилибдурларким, Сулаймон ибн Довуд жамаки парранда ва даррандалар устидан ҳукмрон эдилар, аҳли морид, аҳли жин, бошқа кимарсалар ва нимарсалар...

Бундай кезларда хона кўп файзли бўларди: тунука ўчоқнинг узлуксиз гувиллаши, қишнинг узоқ кечалари ва ривоятлар, уларнинг секин оқиши...

... энди у дамлар такрорланмайди.

— Отингни билиб қўйишган экан, — деди Опа. — Юрагинг тош, беш йил ичида ақалли бир марта остонамдан ҳатламадинг.

— Ўзи кам келаман, опа, иш кўп.

— Менга сенинг дўхтирлиги профессурлигинг керак эмас, — деди Опа алам билан. — Ҳеч қайсинг бормайсан. Биз, икки нодондан ор қилсаларинг, бошқалар бор... Элчилик, жиянларингга, Галатепада тоғаларинг бор, деб юраман.

— Уларни бу ёққа опкелсанг бўларди. Тоғалари кўп, ўйнаб кетишади.

— Жанозага опкелайми?

— Йўқ... Кейинроқ опкел. Аҳмад ҳали ёш, ўзи ўйнатади. Зокир ҳам шу ерда...

— Тоғалари ўйнатармиш, тоғалари худо-ку!.. — Опа ўзини тиёлмади, кўнглида борини айтди: — Мени тенг кўрмасанг, Комил бор, у билан гаплашасан...

... бизнинг зотимиздан! Эрини эр деб атагиси келмайди.

Опа аразлаб юзини тескари бурди.

У дугоналари билан тил бириктириб, ҳар куни онани аврарди: ҳозир ўзгача замон, ўқиган ўзади, ўқиммаган тўзади. Уларга Тошкентга бориб ўқиб келган муаллима — Ойсулув доянинг қизи шундай деб ўргатган эди. Она бечора бу гапларни эшитиб индәмасди. У жуда раҳмдил эди, қизни ҳафа қилгиси келмасди, майли, ҳавас қилсин, кўнглини овутсин, кейин... ахир, одамзодга охири нима қолади? Жиллакурса, ҳавас қилганларингни эслаб юрасан!..

Кейин, худди она кутгандек, вақти-соати етдию ота гапини чўрт кесди: ҳеч гўрга бормайсиз, эна қизим, авлод-аждодимиз хотиннинг ақлисиз ҳам бир наф кунини кўриб келган, энди сиз битта дониш чиқиб нима қиласиз?

Йўқ, у бирданига чўрт кесмади, аввал тўнғичи Тошпўлатга маслаҳат солди: нима қилдик, ўғлим, опангни шаҳарга ўқишга юборамизми?

Ўғил Раим оқсоқолнинг ўғли эди, ётиғи билан, лекин ростини айтди: энди, ота, қиз боланинг тупроғи сал бўшроқ келади-да...

Энди эслаб ўзи ҳайрон қолади, лекин шундай дегани рост. Ёши ўн еттида, аммо тили бурро экан!

Ғайбаров ўшанда айтди: қиз боланинг тупроғи бўш келади, ота, борса борсин-у, бизга ташвиш кўп бўлади-да, қизингиз (опам эмас — қизингиз!) шарманда қилади, деб айтмайман, ақл-ҳуши жойида, лекин...

... лекин ишониб бўладими!

Ота ундан мамнун бўлди ва шундай деди: майли, ўғлим, салгина сабр қилиб турсин, сўнроқ сен шаҳар борганинга, балки сенинг ёнингда туриб, бирон бир кичикроқ дўхтирликка ўқиб келар...

Тошпўлатга бу ҳам оғир кўринди, ростига кўчди: менинг йўриғим бошқа, ота, мен нима қиламан: ўқийманми ёки опамни кўрийманми?

Ота ундан баттар мамнун бўлди ва сафар ойини

бор-йўқ хатари билан ўтказиб, Тоҳирчанинг ўғлидан келган совчиларга «хўп» деб юборди.

Опа ҳамма гапдан хабардор эди. Раҳматли оналари ичида гап ётадиган аёллардан эмасди, бўлган гапни ўша заҳоти қизига етказган, кейин... бирор олти-етти йил, токи жиянларининг сони учтага етгунча, Опа укасини ёмон кўриб юрди.

Лекин ишқал асли Ғайбаровда эмасди. Унинг гапи шунчаки, ўз йўлига айтилган гап эди. Ота бор-йўғи уни синамоқчи бўлиб оғиз солган эди, у шусиз ҳам ёлғиз қизини узоқ элга бебошвоқ қўйиб юбормаган бўларди.

Энди Опа укадан норози. Уни олим, ўзини оми ва нодон атайди, бормайсан, мендан ор қиласан, деб нолайди, лекин у борганида...

Ғайбаров унинг уйда зерикади. Иззатини жойига қўйишлари рост, егани олдида, емагани ортида, меҳмонкўрсатар қилиб бутун овулни йиғиб келишади. Тўрда миясини еганроқ бир мулла, ундан пастда латта этик кийган қишлоқ фаоллари, ёшлар, энг пойгакда Комил поччанинг ўзи, мўмин ва уятчан — кенг уйни тўлдириб ўтиришади. Дастурхоннинг мулла тарафида қаймоқли патир билан қанд-қурс, пастроқда, фаоллар ва ёшларнинг олдида, устига барра пиёз майдаланган қатиқли косалар, ўртароқда мулланинг ўғли — ким билади, отасидан меросга олганми? — секин жилмайиб, кичкина пиёлаларга ароқ қуяди: энди, айбга буюрмайсиз, бобой, ёшларники шу-да, ҳали Маҳаммат пайғамбаримиз айтиб кетган экан...

Мулла сервақ кунларини унутиб улгурмаган, ўғлидан хурсанд, тиззасига уриб қийқиради: ҳаҳ, номарднинг боласи, ёмон кунда бино бўлган экансан!

Ўғил отасининг марду танги эканидан завқланади: яшасин бизнинг бобой!

Мулла баттар сўлжаяди: майли, ўғлим, мунинг ўзи макруҳ эмас, ичиб қилинатурғон масту аласт ишлари макруҳ!..

Ғайбаров ўртада, на тўрда ва на пойгакда, ҳам мезбон, ҳам меҳмон — ахир, опасининг уйда ўтирибди, — ароққа қарамай, мулла билан «масала» талашади.

Мулла ундан жиддий сўрайди: Шоҳ Машраб айтмишларким, мабодо, эшоннинг ҳовлисига бир мурғнинг ўтса, анинг амлокидан бир хасни чўқиса, ушбу товукнинг гўшти сенга макруҳ, сабаби не — Шоҳ Машрабнинг девоналигимиз?

Ғайбаров бош ирғайди: шундай, мулла бува, унинг инжиқлиги сабаб. Машраб айтмишким, ошиқ билан ёр ўртасига тушган кимики бор, у — муқаррар қўшмачидир. Ошиқ — Машрабнинг ўзи, ёр — худо, ўртадаги мулла ва эшонлар қўшмачи. Пайғамбар эса, улардан ҳам баттар. Сиз айтган нарсалар асли ҳаром, макруҳни есаям, ичсаям бўлади, лекин ҳаромни еб ҳам, ичиб ҳам бўлмайди.

Мулла кулади: э, бу Машраби тушмагур бизниям жуда ёмон олган экан-ку?

Ғайбаров тагин бош ирғайди: шундай, мулла бува, у сизларни қўшмачи атаган.

Мулла баттар қизишади, жазавага тушиб, ўзи гап сотади: ровийлар мундоқ айтибдурларким, иттифоқо пайғамбари охирзамон билан Ҳотами Той бирга сафарга чиқибдурлар. Пайғамбаримиз айтдилар: «Эй Ҳотами Той, неники кўрсанг, ҳеч ажабланма ва мендан сўроқ сўрама». Ҳотами Той унинг гапига кўнди. Икков юриб, узун бир кўчадан ўтиб келдилар. Кўчада туман бола ўйнаб юриб эрди, шунда пайғамбаримиз ёнларига эркаланиб келган бир боланинг оёқларидан тутиб, ерга андоқ урдиларким, боланинг жони узилди. Ҳотами Той ҳайратга тушди. Йиғлади, лекин бояги гап эсида, сўроқ сўрарга журъати етмади. Сўнг юра-юра битта бой работга тушдилар, работнинг хожаси аларни бўйрасиз тор кулбага киритиб, устиларидан қулф солди. Тишлам нон тугул, ичгани бир қултум обиҷўш ҳам бермади, сўнг эрталаб азон маҳали қувиб солди. Ани пайғамбаримиз дуо қилдилар: «Илқинга бир тўтсанг, майли, минг бўлсин, минг тўтсанг — туман бўлсин!..» Ҳотами Той буни кўриб, чандон фарёд айла-

ди: «Эй расули барҳақ, сен нечук золим ва адолатсиз зотдурсен!» Пайғамбаримиз айтдилар: «Эй Ҳотами Той, сен ачинган бола улғайса, ғирт каззоб бўларди, туман бандаларнинг бошига етарди, мен анинг жонини Азроилдан бериб юбордим ва неча-неча одамларнинг ўзлари ва бўлғуси авлодларини омон қолдирдим. Работнинг эгаси худони унутган, бойликка кўз тиккан банда эрди, анга ганждин ўзга санамнинг ҳожати йўқдур, мен анга ганж тиладим, магар худодан ганж ўрнига шафқат сўраб берсам, анда мен адолат қилмағон бўлур эрдим...»

Мулла бошқаларга мағрур қараб олади: қалай, ҳозирнинг мулласини мот қилдимиз?

Ғайбаров — «ҳозирнинг мулласи» — унга «таҳсинлар» ўқийди: кўп маъқул, мулла бува, кўп ибратли ҳикоя қилдингиз.

Унинг ўзига қолса, бошқаларга қўшилиб, бир қултум ароқ ичган бўларди. Лекин уни сассиқ муллага жўра қилиб қўйишган. Унга ароқ узатилмайди. «Ҳозирнинг мулласи», Раим оқсоқолнинг тўнғич ўғли, арабчани сувдай биладиган, Қуръоннинг етти хил қироатини келиштирадиган одамдан ийманишади.

Ароқни улар ичади.

Ғайбаров мулладан безор, ичини ит тирнайди, ютиниб ўтирганча, Хизрнинг қолган саргузаштларини эслайди. Хизр яманлик Ҳотам билан юриб, сафарнинг иккинчи кунини бир қари кампирнинг кулбасига қўноқ тушди. Кампирнинг биргина эчкиси бор эди, шу эчкини соғиб, сути билан авлиё ва сахий бандани сийлади, сўнг, эртаси кунини, қўноқдан кетар маҳали Хизр дуога қўл очди: «Э худо, бу кампирни эчкисидан жудо қилгин, майли, ўғри келиб ўғирласин, майлига, бўри келиб бўғизласин, ишқилиб, худоё уни шу эчкидан айиргин!» Яманлик Ҳотам ажабланибди: «Э Хизр, нечук минг қўйли бойга туман қўй тиладинг, бир эчкили кампирга завол тилаяпсан?» Хизр кулди: «Э Ҳотам, бу кампирнинг биргина ташвиши борким — шу ёлғиз эчкиси, магар эчкидан жудо бўлса, кўнглида фақат тасбеҳнинг ташвиши қолади ва охиратда юзи ёруғ бўлади».

Муллага шунини айтсинми? Йўқ, у гумроҳ. Мулла Чори ишонган бўларди. Мулла Чори — аблаҳ, лекин гумроҳ эмас. Бу эса ғирт гумроҳ. Умуман, эчки нақлини сўфийлар ўйлаб топишган. Кампир ҳам аслида кампир эмас. Уни атай қартишган. Атай юзларига ажинлар чизишган. У аслида жуда ёш, жуда чиройли. У араб шоираси, оқила Робия ал-Адавийъанинг шунчаки бир шарпаси.

Робия айтган: пайғамбар ва ўзга мулозимларга кўнглимда муҳаббат қолмади, кўнглим биргина оллоҳнинг муҳаббати билан тўлди ва мен унинг ўзига хотин тушдим!

... Биби Марям бўл-э!

Бироқ, мулла ҳеч балони тушунмайди. У Хизрни Муҳаммад билан алмашишга тайёр. Унинг учун Муҳаммаднинг оти муҳимроқ, биладикки, Хизрга ҳеч ким ишонмайди, биладикки, Хизрни ҳеч ким кўрмаган, Муҳаммад эса, ҳар ҳолда, бир замонлар тирик бўлган, кейин ўлган, ўлиқдан бунақа гапларга жавоб сўралмайди, марҳумнинг хотирасини фақат иззат қилиш керак.

Опанинг кўнглида кўп гап йиғилиб қолган экан. Тақдирдан нолиди, дунёнинг бевафою бенаво эканини айтди. Укасини айблади.

— Отам бечорани ниятига етказмадинг, — деди. — Сен қофир, гапини олмадинг, неvara кўролмай армонда кетди.

— Қўй, опа, тагин эски нағмани бошлама, — деди Ғайбаров. — Ҳеч бўлмаса, бугун тинч қўйинглар. Сенинг боланг, Мавлоннинг боласи унга неvara эмасми? Балки, мен сизларнинг болангиз боболарини рашк қилмасин, деб ўйлаган чиқарман...

— Сенинг йўригинг бошқа эди, Тошпўлатжон, — дея ҳиқиллади Опа, кейин укасининг гапидаги киноя

миясига бориб етди, аламидан қизарди. — Сендан оладиганим шу-да! Мен бечорани ит бўлиб талайсан! Сендан бир рўшнолик кўраман деб, бечора отам...

...бошланди! Мени деб тамом бўлди! Мендан рўшнолик кўраман деб хор бўлди!

— Оғзимдан гап чиқса бас, мени ит бўп талайсан! — деб такрорлади Опа.

Бу гап унга оналаридан мерос қолган. Оналари, содда аёл, фарзандларидан бирортасига сўзи ўтмасини билса бўлди, кўзидан дарё қилиб ёш тўкарди: мени ит ўрнида кўрмайсан, болам.

...буям шундай деди чоғи? Йўқ, ит бўлиб талайсан, деб айтди. Энам соддарок эди. Ўзини пастроқ оларди. Бу ўзини итга менгашни истамайди. Лекин бунинг таърифи ҳам маъқул — мўлжалга аниқ бориб тегади.

Тўрда, пўстак устида дўппайиб ётган Анзират кампир безовта ғимирлади, тамшанди, уйқу аралаш калима қайтарди: ўзингга шукр, яратганингга шукр.

Опанинг кўзлари олазарак бўлди, кампирнинг уйқуси соғ, ғапимизни эшитди, деб чўчиди.

— Ишларинг яхшими ўзи? — деб сўради Опа тамом бошқа оҳангда, сўнг мижджаларига қалққан ёшни рўмолининг чети билан артди.

...ававроқ шундан гапирсанг бўларди-ку, опа? Қўй, зорланма, одамга ўхшаб, мендан салгина бўлсаям ҳол сўра, токи муз тўнган меҳрим тагин уйғонсин.

— Юрибман, опа, — деди Ғайбаров ҳазин тортиб. — Эрмат чўлоқнинг боласи сени мактаб келди, — деди Опа. — Унга ёрдам қилсан. Отаси сени кўп алқади, бугун Комилга қўшилиб ўзиям келди... Кеч хабар қилишди, Тошпўлатжон, отамни кўролмай қолдим.

Опанинг армони рост эди. Ғайбаров унга ишонди. Унинг ўзи ҳам йўлда шуни ўйлаб келган эди. Билардики, отасини тирик кўрса, салгина энгил тортади. Лекин улгуролмади. Келиб, совиган танини кўрди. Улик, ўйлаганидек, бегона кўринмади. Кўнгли озгина таскин топди, ўлимни тан олди, кўнглини охириги дамда ҳазин ва тоза муҳаббат тўлдириб, шу муҳаббатдан озгина юксалган кўйи, ўзи ҳам соф ва ҳазин бўлиб, ота билан видолашди. Мурданинг мурда эканини кўрган маҳал жамики армонлари аччиқ бир хўрсиниқ билан қўшилиб, ич-ичига сингиб кетди.

Алами дўтмаслашди. Ожизлигини сезди. Энди кўникаман, деб ўйлади, кўникамайин иложим қанча...

Ҳозир, Опанинг ғуссаси баравж пайти, ўзининг анча кўникканини пайқаб, айбсинди.

— У мияли бола, менинг ёрдамим тегмади, — деди озгина чалғимоқчи бўлиб.

Ғайбаров кимгаки ёрдам қилса, ҳаммасига шу сифатни тақарди: ўзи мияли. Шуниси маъқул, негаки, бир кун бориб ҳамма хизматлар унут бўлади, тинчгина, миннатсиз яшаган тузук.

Ишқилиб, кўрганда саломини аямаса бўлди. Ҳаммаси Опа тўфайли. Опа — Комилга хотин, Комил, — Эрмат чўлоққа жиян, Ғайбаров Эрмат чўлоқнинг жияни — Комилнинг хотинига ука бўлади. Поччасининг тоғаси уни бир сафар меҳмонга айтди, қорнини тўйғазди, кўнглини овлади, кейин, жамики қилғиликни қилиб бўлиб, секингина ичини ёрди: энди, домулло, биттагина валадимиз бор, шунинг касрию шарофатидан, қариган чоғимизда сизга ишимиз тушиб турибди, энди бизга йўқ демайсиз...

Эрмат чўлоқ сўрагандан кейин йўқ деёлмади, дўсти Самадга айтди: ошналаринг кўп, битта қариндош бор, опамизнинг қайиниси, шунга бир ёрдам қилсан, йиқилиб кетса, чангим нақ осмонга чиқади.

Самад кўнмади: қўй, Тошпўлат, бундай одамлардан ёруғлик қилмайди, тузукроқ ўқисин эди, мана, сен ўзинг бировдан ёрдам сўраб кирганмисан, буларни қўй, ошна, бир марта кўнсанг бас; келаси йили думидан яна ўнтаси эргашиб келади.

Кўнмади-ю, лекин Ҳайкал Ғаниевичнинг эркатой аспирантидан илтимос қилди. Аспирантнинг дўстлари кўп эди, ўшалар баҳо қўйиб беришди. Энди Эрмат чўлоқнинг ўғли ўқияпти.

Самад ҳам бир кунни айланиб Ғайбаровнинг олдида келди: битта атеист акамиз бор, малака оширишга

келган, бола-чақаси кўп; фанини яхши билади-ю, ёнингга боргани чўчиб турибди, шундан энгилроқ бир сўраб кўрсанг.

Атеист домла, қиррабурун, қизилмағиз, мулойим ва чиройли одам, талабаларига нималарни ўргатиши номаълум, лекин жавобини кўп ёлчитмади. Ғайбаров ноилоҳ ундан ҳижратни сўради. Бир амаллаб жавоб топилди: фалончи йилда фалончининг фалон жойдан фалон жойга қочиши. Кўчиши эмас, қочиши. Чамаси, атеист домла, шундай десам, Ғайбаровга ёкаман, деб ўйлади. Кейин у бухоролик бўлгани учун ал-Бухорийга ўтилди: хўш, ал-Бухорий ким бўлган? Атеист домла Ғайбаровнинг кўзларига мўлтириб қаради: энди, биз тарафлар сал узоқ, домлажон, Тошканга етиш қийин, чорвадор халқмиз, юртимиз обод, дастурхонимиз очиқ, табиатимиз зўр, айниқса, баҳор пайти, ширвоз кўзилар баайни тобга келганда...

...шунда беихтиёр сени лаънатладим, опа. Ахир, сен қанча-қанча «мияли» йигитчаларга ҳомийлик қилдинг. Қайтага, Мавлонбой тузук, бундай савдоларга аралашмайди. Зокир ҳам тузук. У бор-йўғи бир марта айтган, қимтиниб, чиройлигина бир қизни кўрсатган: ана, сочини елкага ёйгани, шунга ёрдам қилинг ака, қаранг-чи, балки... Қизалоқ ўзининг баҳосини олди. У ёрдамга муҳтож ҳам эмасди. Бухорийнинг бобоси кофир бўлганидан тортиб, чап ҳам ўнг қўли билан баробар ёзганига қадар биларди. Лабларини чўччайтириб айтди: Ал — Ж о м е а с — Са х и х! Билагон эди, кўрмагур! Билагонлигини ўзи ҳам сезарди. Зокир унинг ортидан тушса борми, беш йил, ўн йил, балки, бутун умр югурган бўларди. Бу қизлар, бу чиройли ва ақлли қизалоқлар, Бухорийнинг тазиқаси номини талаффуз этганда лаблари кибрли чўчқаядиган қизалоқлар ҳеч қачон биз галатепаликларга насиб қилмайди. Биз уларга меров бўлиб кўринамиз, холос.

— Мен бас қилдим, опа, — деди Ғайбаров. — Майли, Аҳмад сал улғайсин, унга озроқ ёрдам қиларман, лекин бошқага... Жонга тегди, опа. Илик ош, қазию ҳасиплар қорнимни оғритаяпти.

У Опадан дашном эшитишни кутди. Лекин Опа негадир ғазабланмади, бирдан юмшади:

— Бахтинг чопсин, Тошпўлатжон, мен бир тилак дошингман, ука. Мени биров ҳисобга қўшмайди, отамнинг оти сен билан укаларингда қолди.

Ғайбаров секин бош ирғади: ҳа, опа, бизда қолди.

— Отам бирон васиятни айтмабдимми? — деб сўради Опа.

— Билмадим.... Зокир бир варақ қоғоз берди, дегандай бўлувди.

— Менгайм кўрсат, Тошпўлатжон, — деди Опа.

— Майли, — деди Ғайбаров. — Отам пул қолдирмаган чиқар...

— Пул — қўлнинг кири, — деди Опа гинаомуз.

— Тўғри айтсан, опа, — деди Ғайбаров. — Майли, эрта-индин қараб кўрарман.

— Шундай қил, ука. Кейин, сен ўзингга тинчроқ бир амал топсанг бўлармиди.

— Менга амал йўқ, опа, амалсиз яшамоқчиман. Амалнинг бўлса, одамлар рост гапни айтмай қўяди.

— Йўқ, — деди Опа. — Сен бирор амал топгин. Отамнинг отини тутиб ўтасан, ўрни йўқолса бўлмайди.

— Ғирромликсиз яшашнинг ўзиям кифоя. Менга шундан бошқа амал йўқ, опа.

— Бор экан, Турдибой айтди.

— Йўқ, опа. Эрмат чўлоқнинг боласи менга ошиқчароқ нарх қўйибди. У сизларга ёқишни ўйлаган, қолганини эринг икковнинг тўқиб-бичганимизлар.

— Нима, оғиримиз тушиб қолдимми?

— Йўқ, опа, бунинг тарихи узоқ, сен тушунмайсан.

— Тўғри, сен биз нодонларни тинглаб нима қилардинг!..

Опа тагин тумтайиб олди. Хайриятки, Анзират кампир уйғонди. Мудроқдан чиққан бузоқдай бир муддат бақрайиб турди, қаерда эканини англамади, кейин хонга кўз югуртириб, ўтирганларни фарқлади, муниси Тошпўлат, униси...

— Сенмисан, Малоҳат?.. — деб секин сўради у.

— Мен, эна, — дея жавоб берди Опа.

— Обдастани опкел, — деб амр қилди Анзират кампир.

Опанинг туси кўп ўзгармади, даҳлизга чиқиб, дастшў билан офтоба келтирди. Кампирнинг қўлига сув қўйди. Кампир ювиниб бўлиб рўмолига артинди, кейин четроқ сурилиб, чўнтагидан тасбеҳ чиқарди, лекин ўғирмади, Опанинг дастшў-офтобани даҳлизга элтиб қўйишини кутди, сўнг, у келиб пойгакроқдан жой олгач, секин гапирди:

— Кўзим илинибди, қизим, келганингни сезмай қолбман. Қарилик, қизим, айбга буюрмайсан....

— Уйғотгани кўзим қиймади, — дея ёлғонлади Опа.

Анзират кампир чўзиб бир эснади, кейин калима қайтарди, ўзини сал йиғиброқ ўтирди.

— Кўргилик экан, — деди. — Отангдан айрилиб ўтирибмиз.

Опа унга жавобан секингина бош ирғади, сўнг икковлон қўшилиб йиғи бошладилар.

Қайғу уларнинг озми-кўпми нафратини четга сурди. Секин, кўнгилни тийиб йиғлашди. Опанинг кўзи ғайбаровга тушиб, овози сал бўғилди. Чамаси, уяларди: нима қилай, ука, ҳаммамиз шунақамиз..

### 3. МУРОД АМАКИ

Ғайбаров ташқарига чиқиб, олмазорнинг нариги бурчагида ғимирлаган шарпаларни кўрди: фонуслар ёруғида, жим ва тунд, белкуракларни хира йилтиратиб ўчоқ қазияпти.

Ҳаво салқин эди. Ғайбаров ичкарида сал намиққан экан, чап кураги остида санчиқ турди. У йўнғиччапоя четидаги пастак уватга беҳол ўтирди, оёқ тарафида уюлиб ётган наматлардан юпқароғини олиб елкасига ташлади. Папирос тутатди. Нимадир шитирлагандай бўлди. Ғайбаров аввалига суяк-пуяк ахтариб келган ит хаёл қилди, лекин кўзи ҳеч нарсани илғамади. Шитирлаш такрор эшитилди, олдинда уюлиб ётган наматлар тагидан биров судралиб чиқиб, уватга ўтирди.

— Биссўм бер!.. — деди у.

Ғайбаров Мурод амакини таниди. Чўнтагига қўл суқиб биринчи бўлиб илинган шалдироқ қоғозни олди. Мурод амаки сал мударат ишонмай турди, кейин яқинроқ сурғалиб келиб, пулга қўл чўзди.

— Биссўмми? — деб сўради.

— Билмадим, — деди Ғайбаров. — Балки уч сўмликдир. Тун қоронғи, амаки, кўриб бўлмайди.

— Биссўм бер!..

— Бошқа пул йўқ, — деди Ғайбаров. — Эртага оласиз, амаки.

Мурод амаки бошқа инжиқлик қилмади. Бошидан телпагини олиб, пулни ичига ташлади ва телпакини қайтадан бостириб кийди.

Ғайбаров чўнтагидан папирос чиқарди.

— Чекмайсизми, амаки?

— Рост... ростингми?

— Рост, амаки.

— О-ол бу ёққа! — Мурод амаки Ғайбаровнинг қўлига чанг солди. — Чакким келяпти!..

— Шошманг, амаки, — деди Ғайбаров унинг қўлини нари итариб. — Мундайда папиросни синдирасиз.

Мурод амаки сал ўйланиб турди, сўнг:

— Бошқа папирусинг йўқми? — деди.

— Бор, амаки, бор-у, лекин бундай эзманг-да.

— Бўпти, — деб рози бўлди Мурод амаки, кейин ўзининг беозорлигини кўрсатмоқчи бўлиб қўлларини кўкраги устида чалиштирди. — Майли, ол, эзмайман.

— Қачон келдингиз, амаки? — деб сўради Ғайбаров.

Мурод амаки унинг гапини жавобсиз қолдирди, чамаси, мени чалғитиб, папирос бермай қўяди, деб ўйлади.

— Майли, ўзингнинг оғзингдагини бер, — деди у ялинчоқлик билан. — Мавлон яхши, менга дду... думи қизил папируска беради.

Ғайбаров қутидан папирос олиб, Мурод амакининг лабига қистирди.

— Гугурт!..

Ғайбаров гугурт чақиб, Мурод амакига тутди. Унинг қариб қолганини кўрди. Соч-соқоли оппоқ чол. Фақат қоши билан киприклари қора. Мурод амаки бошдан чиройли одам эди. Киприклари қиз боланикдай узун-узун, учлари тегача қайрилган, кўзлари думалоқ узукдай... содда, дунёга салгина ҳадик ва шубҳа билан боқиб турадиган кўзлар.

...гўдақдай бегуноҳ одам, қаримаса, дунёда биргина шу қаримаган бўларди.

— Сен кимсан? — деб сўради Мурод амаки. — Сени танимадим.

— Мавлоннинг акасиман, — деди Ғайбаров.

— Ммени ққаёқдан биласан?

— Мен Тошпўлатман, амаки. Эслайсизми, Тошпўлат? Мавлоннинг акаси Тошпўлат!..

— Мавлоннинг отаси ўлди, — деди Мурод амаки.

Ғайбаров салгина кутиб турди: Мурод амаки унинг ҳам отаси ўлганини тушуниб етиши учун озроқ вақт керак эди.

Мурод амакини йўтал тутди. Ўқчиб-ўқчиб йўталди, кейин уватга, оёқлари тагига туфлади.

— Мавлоннинг папирускаси яхши, — деди у. — Ддуми қизил... йўтални босади. Сеники ббўлмади...

— Эртага думи қизилидан опкеламан, амаки.

— Яна биссўм бер, — деб талаб қилди Мурод амаки.

— Эртага, амаки. Ҳаммаси эртага бўлади.

— Мменга раиснинг гулли косасида шўрва берсин, — деди Мурод амаки. — Ссен... сен ўзинг айт.

— Айтаман, амаки, сизга отамнинг гулли косасида беришди.

— Сенинг ҳам отанг ўлдими? — деб сўради Мурод амаки.

Ғайбаров индамади, секин хўрсинди.

Ҳар йили саратон маҳали, эски дарди кўзиб, ўзини қўярга жой тополмай қолган Мурод амакини Раим оқсоқол ҳовлига етаклаб келарди: бизга меҳмон бўлинг, Муродбой, есангиз — ош, ичангиз — аччиқ чой, манави менинг ўзимнинг пиёлам, манави менинг ўзимнинг косам, ҳаммаси сизники, Муродбой, озгина дам олинг!..

Мурод амакига шопалоқ гулли яшил косада емак беришарди. Мурод амаки яшил косага «раиснинг косаси» деб ном қўйган эди. Унга биргина шу коса ҳалол эди, бошқасидан на шўрва ва на сув ичарди. Раим оқсоқол умри бино бўлиб ўша шопалоқ гулли яшил косадан таом емаган. Унинг чегаланган эски бир косаси бўларди. У ҳам шу эски, чегаланган косадан бошқасини тан олган эмас, яъни, деҳқон бир куни подшо бўлиб, чоригини ёстиқ қилиб ухлаган экан.

Мурод амакининг яшил косага меҳри зўр эди. Шунчалар зўр эдики, косани унинг учун авайлаб асрайдиган бўлишди.

Мурод амаки яшил косадан овқат еган заҳоти кайфи чоғ бўлиб қоларди. Раим оқсоқол косадаги емакка бир ғиёҳ қўшармиди ёки ростдан ҳам косанинг бирор ботин хосияти бормиди, ишқилиб, Мурод амаки таомдан сўнг бир мударат хурсанд бўлар, кейин сурункасига икки кеча-кундуз қотиб ухлаб, яна ўз йўлига кетар эди.

...Бундан йигирма йилча олдин, айни баҳор чоғи эди. Утлар эндигина ниш урган, рангпар, афтодаҳол...



офтобни кутарди. Улар орасида бойчечаклар бодроқдай сочилган эди. Оқ, оқ-сарик, кўкиш-сарик ва тўқ хигаранг бойчечаклар. Улар қорнинг совуқ пинжида ётиб зериккан, энди офтобни кўришга муштоқ. Хомуш, гулкўрғони юмилганроқ, уятчан, гўёки онасига ҳам ўптирмаган қизчадай!..

Қирда шамол эсар, совуқ эди. Болалар қўй-қўзиларни чуқур сойликка келтириб қамашди. Кейин жарликдан бултурги гармсел тиқиб кетган хўл хашакни, ялангликда очилиб қолган чирик тезакларни териб келиб, кичкина гулхан қаладилар.

\* Гулхан бўлиб гулхан эмас, шунчаки бир олов, тезакнинг димоқёра исси, қўзиқулоқларнинг намиққан, кўзини ачитувчи сарғиш тутуни, олдиндан нимжон бир тафт, орқадан изгирин шамол ва тўрт болакай: Ҳазрат, Сафар, Қўзибой, энг кичиги — Тошпўлат. У кўзларидан ёш оқизиб бурқисиб ётган, тезак уюми тагидан пуфлайди.

— Мурод амакига маза-да, Тошпўлат! — деган эди ўшанда Қўзибой. — Доим ялангоёқ юради, оёқлари ҳеч совуқ емайди, қордаям этик киймай юради!..

Тошпўлат ишонмади. Ҳайратдан кўзлари катта-катта очилди.

— Нон урсин, ажина чалиб кетсин! — Қўзибой қоқсуяк панжасини бўғизига пичоқ қилиб қадади. — Ишонмайсанми, қордаям ялангоёқ юради!..

Уша баҳорда Ғайбаров роса бир ой тўшакка михланиб ётган эди. Хонанинг деразалари офтобга терскай, ичкарига унча ёруғ тушмас эди. Очиқ деразалардан вижирлаганча қалдирғочлар учиб киради, майналарнинг ҳадик тўла овози, кечалари қурбақалар... Овозлар кўп ва турфа хил. Ҳатто ҳаво ҳам қандайдир янгроқ, таранг тортгандек бўлиб туюларди.

Вужудини эзган иситма, муздек тер баҳорни баралла туйгани имкон бермайди. Юрак қисади. Ёстиқнинг ёнида мудом очиқ дастурхон, анорлар, қанд-қурс, Амма келтирган қизил олмалар, чойнакда яхна чой — шифтга тикилиб ётасан.

Шифт баланд эди. Умуман, Раим оқсоқол қурган биноларнинг ҳаммаси баланд. Девқомат, лекин юраги торроқ одам эди, пастак шифтни ёмон кўрарди. Тошпўлатга шифтнинг бир хил мовий тусидан кўра, оқ-сарик бир доғ қизикроқ бўлиб кўринарди. Мудом шунга тикилиб ётарди. Аввалига доғни кўршапалакнинг қуриган мурдаси фаҳмлаб чўчида, отасидан сўради. Раим оқсоқол кулди: бу Болтанинг иши, уйга кўчар кунимиз шу ерда битта кўчқорни нимталади, ҳаром томирини ажратгану шифтга қаратиб отган.

Ташқарида — баҳор, уйнинг ичи ғира-шира, шифтда қуруқшаб қолган гўшт парчаси, юрак димиққан, шунчалар зерикарли эдики, Тошпўлатга селнинг муздай сувига оёқ тиқиб ўтирганини эслаш ёқимлироқ туюларди... Бўтана бўлиб, пишқириб оққан сувни, ночоргина осма кўприкнинг тагида айланган, кўпикларига довуз лойқа гирдобни, унинг совуқ эпкинини қайта-қайта идрок этади. У муздай сувга оёқларини солиб ўтирибди. Қутурган сув осма кўприкни ялай-ялай деб оқади, сув кучли, у эса жуда кичкина, чумоли орқалаган ушоқдай, лекин катта бўлишни истайди, катталардай мард бўлишни, совуқдан қўрқмаслиқни, ҳатто қалин қорда ҳам Мурод амакидай бемалол ялангоёқ юраверишни истайди. Сўнг гирдобнинг чирпираклари ва пишқиргани, сувнинг совуғи... ҳамма-ҳаммаси кўнгилдан ташга чиқади, кўзлари олдида у умрида кўрмаган ярим афсонавий, қишнинг қорида ялангоёқ кезиб юрадиган мард ва чидамли одам — Мурод амакининг жуда хира, лекин ҳайбатли сиймоси қад кўтарадию буткул дунёни тўсиб қўяди!..

Ушанда Она қўрқди. Қўрққанидан авлиёга оқ кўчор атаб юборди. Она жуда қўрқоқ эди, гўёки худо унинг ҳар бир сўзини эшитиб турибди, салгина гуноҳни, дилнинг салгина қинғирлигини ҳам дарров сезадигандай...

Раим оқсоқол кулди: бекор қиялсан, хотин, қорасини атасанг бўларди, қора кўчқоримиз кичикроқ, оқининг гўшти кўп, қасосба пуллардик.

— Она унга йиғлаб тармашди: сизга бола керак эмас!

Болангиз бир ўлиб тирилди-ю, сиз битта кўчқорни қизғанасиз!

Раим оқсоқол муртларини бураб кулди. Кулмасдан илжи йўқ эди. Уни, Раим раисни, бир умр қилган иши толганини совурмоқ бўлган одамни, чўнтагида сарик чақа тутмаган одамни, бугун келиб хасисликда айблашяпти!

Раим оқсоқол мириқиб кулди.

Она йиғлади.

Сўнг Тошпўлат оёқга турган куниеқ уни Амманинг ортига ўтқазилиб, ўзлари бошқа уловларда, авлиёнинг мазорига қараб жўнашди. Олдинда — эгарга семиз оқ кўчқорни ўнгариб олган Наим амаки, ундан орқароқда, қора мода эшакнинг устида Амма билан Тошпўлат, кейин бошқалар... Ёлғизоёқ дашт йўлидан кетишди. Ҳовлида биргина Раим оқсоқолнинг ўзи қолди. У авлиёнинг мазорига боришни истамди.

Авжи баҳор эди. Ёлғизоёқ йўлни ёмғир савалаб қотирган. Ўтлар ювилгандек озода. Ям-яшил чимзор, саноксиз кўзигуллар, тошбақагул ва гулкайрағочлар, сарик ва гунафша... Йўлнинг икки тарафида паст-баланд, лекин бирдай ясси тепачалар... Тепачалар ғалати туюлди, Тошпўлат Аммадан сўради. Амма бирдан маъюсланди, кейин «тепача» деб тўшунтирди, лекин ёлғонга тили айланмади, ростига кўчди: одамлар ясаган, болам, тагидаям одамлари бор.

Авлиёнинг мазори ёнида кичкина хонақоҳ бор эди. Уловларни боғлаб, шу хонақоҳга киришди. Нам, чирик сомон ҳидини ютган кўйи ичкарига гир айланиб, деворларга бош уриб тавоф қилишди. Тошпўлатни Амманинг ўзи етаклаб олган эди. Тошпўлат ҳали тавоф қилишни билмасди. Амма унинг энсасидан тутиб, деворга томон ундади: тавоф қил, болам, авлиё буванг бошқа дарду балолардан эсрасин!..

Боши деворга теккан маҳали Тошпўлатнинг йиғлагиси келди. Аммага алами ошиброқ тикилди, лекин йиғлаёлмади, кўрдик, Амма ҳам пешонасини аямаяпти, қуруқшаган лабларини чўзиб, шўр босган деворларни ўплатти.

Хонақоҳдан чиқишди. Қоровул чол билан Наим амаки четроққа ўтиб, оқ кўчқорни сўйишди, кейин чол кўйнинг бўғзидан тизиллаб оқаётган иссиқ қондан бир пиёла келтириб, авлиёнинг гўри устига тўкди. Авлиёнинг гўри кўп қон ичган эди: устидаги тошларнинг ҳаммаси кўнғир тусда, қотган қон палахса-палахса бўлиб ёрилган.

Чеккадаги якка қайрағоч тагидаги ўчоққа шох-шабба қалаб, қозон осиди. Қоровул қўлини соябон қилиб пастга, қабристон этагидаги ғарибгина уйларга қаради:

— Сувни Муродбой опкелади.

Сўнг аёл-эркак ўчоқ олдида давра қуриб, Муродбойнинг сув келтиришини жимгина кутишди.

Ғайбаровнинг эслаб қолгани шу.

Кейин, бирор ўн беш йил ўтиб, Ғайбаров Шоирга Мурод амаки ҳақида озгина гапирмоқчи бўлди. Лекин Шоир унинг Мурод амакига ўхшашни истаб, селнинг бўтана сувига оёқ тиққанига ишонмади, аммо ўзини ишонгандек кўрсатди ва хитоб қилди: жуда нафис, Ғайбаров ака, сиз анча самимий одамсиз, асли ёзувчилик қилсангиз бўларди.

Ғайбаров беписанд кулди: мен нафис адабиётни ёмон кўраман.

Шоир тазкиладди: йўқ, йўқ, менинг гапимга ишонинг, Ғайбаров ака.

Ғайбаров ўзининг самимий эмаслигини айтди.

Шоир ранжиди, лекин у гапиршга ўрганиб қолган одам эди, зум ўтмай хафаликни унутди ва ўзининг ҳикоясини бошлади:

— Бизнинг юртимизда ҳам битта жинни бўларди, Ғайбаров ака. Онаси қари — уйдан кўчага чиқолмайдими, отаси қари — гузардан бери келмайди, бозор-ўчаргаям ҳалиги жиннини юборишарди. Одамлар қизик, Ғайбаров ака, минг фирромни бўлсин, минг каззоб бўлсин, лекин жинни билан етим-есирга қолганда кўп фирромлик қилишмайди. Ҳалиги жинни бозордан туппа-тузук харид қилиб келарди. Кейин онаси кўлига

иккита пақир бериб, кўчанинг нариги бошига сув опкелгани юборарди. Бир чақиримлар бор денг, Ғайбаров ака, жинни шунча йўлдан икки пақир сувни кўтариб келади. Иссиқ, йўл тошлоқ, бунинг устига жинни мудом оёқяланг юради, товонини ер тишлайди. Сизу бизга ўхшаган одам ҳар ўн қадамда бир марта дам олади, лекин у дамнинг нималигини билмасди. Пақир тўла сув, чарчоқ билан оғриқдан майишиб, зўрға юради, гандираклар кетади, лекин пақирларни ҳеч ерга қўймайди. Елкаси узилиб кетмаганига ҳайрон қоласан. Энди ўйласам, ростдан жинни бўлган экан, бир чақиримдан сув ташиган одамнинг пақирларни ерга қўйиб, ақалли бир марта бўлсам дам олгани ақли етмаганини қаранг!

Ғайбаров Шоир яна нималарни гапирганини эслаёлмайди. Шоир у пайтлар бошқаларга ёқишни, танилишни истарди, бунинг устига, андаккина кайфи ҳам бор — кўп гапирган. Ғайбаровнинг эслаб қолгани икки челақ сувни кўтариб, гандираклар-гандираклар келатган тентак бўлди, холос. Сўнг у хаёлидан Шоирнинг ўзини ва унинг тентагини қувлаб чиқарди. Бир зум ўтмишга боқди ва ортда, йигирма йилча ортда, қабристонни, ундан пастга қараб кетган сўқмоқни ва шу сўқмоқнинг бошидан икки челақ сув кўтариб келатган Мурод амакини кўрди. Мурод амаки мазор бошига етиб келгунча роса қийналди, майишди, гандиракларди, лекин челақларни ерга қўймади, челақларни ерга қўйиш мумкинлиги унинг ҳам хаёлига келмади.

Аммо Мурод амакини жинни дейишга Ғайбаровнинг тили бормади.

Мурод амаки хотиралар тубидан тиниқиб чиққан, хотиранинг ўзи сингари азиз, соф ва содда эди.

Шунда Ғайбаров ўзига бот ва бот уқтирди: сен унга тақлид қилганингдан уялма, дўстим, майли, фахрланмаслигинг мумкин, лекин ҳеч уялма!

Мурод амакининг ориятманд одамларга ўхшаб ўзи тўқиган тарихи йўқ. Унинг тарихини бошқалар тўқиган. Биладиган ва тушунадиган одамлар. Бу кўп серқайғу, лекин эгаси учун беташвиш бир тарих. Уни ҳамма билади. Мурод амакининг ўзидан бошқа ҳамма билади.

Айтишларича, Мурод амаки урушга боришни истаманган. У азал-аввал милтиқ овозини эшитса кўрқар экан. Урушга чақириб келишганда Мурод амаки урушнинг ўзини ўйламаган, бор-йўғи лашкар йиғадиган одамларнинг елкасига илиғлик милтиқлардан кўрққанидан қочган.

Биладиган одамларнинг айтишларича, Мурод амакини тегирмон тагидан топиб олишган. Топмасликлари ҳам мумкин экан, лекин Мурод амаки бекингани жой ахтариб, тегирмон тагида каламушлар борлигини ҳисобга олманган. Чамаси, у каламушлардан худди милтиқдан кўрққандай, балки ундан ҳам зиёдроқ кўрққан. Бекинишга бекинган-у, лекин каламушларни кўрган заҳоти дод солиб, тегирмон тагидан отилиб чиққан.

Биладиган одамларнинг айтишларича, Мурод амаки урушгача ҳам урушдан кейингидек содда экан. Қочоқлигини эслашнинг ўзиданоқ уни айёр бўлган, деб айтиш қийин. Негаки, урушдан қочган одам учун тегирмон тагидан ҳам бемаънироқ бошпана бўлиши мумкинми? Уруш бошланганда бошқа одамлар, биров мардлигидан, биров уялгандан, лекин ҳамма бирдай тинч, ортиқча гап-сўзсиз ҳарбга жўнаган. Лекин Мурод амаки уларга ўхшаган довурак ёки уятчан бўлмаган, урушга боришни истамай, тегирмоннинг парраклари остига яширинган.

Ғалателада Сотим пакана ҳам ҳарбийдан қочган. Уни ҳеч ким тополмаган. У роса беш йил сомонхона тагидан қазилган лаҳмда яшаган. Ташқарига фақат кечалари, эл уйқуга кетган маҳали чиқаркан. Ниҳоят, беш йил урушни ўтказиб, Сотим пакана чоҳдан чиқиб, келган, ўзини ҳукуматнинг қўлига элиб топширган, уч-тўрт йил қамоққа тушишни ўйлаб борган, лекин, уруш тугаб, одамлар бир муддат шафқатлироқ бўлиб қолганми, уни қамашга ҳеч ким ҳафсала қилмаган;

қайтиб келиб, тагин кутган, лекин биров ортидан излаб келмаган. Гўёки дунё уни буткул унутиб юборгандай, гўёки у — йўқ, ўлган, биров кўрганда салом бермайди, берган саломли аликсиз қолади.

Мурод амакига келсак, агар ақли кўтоҳ бўлганида уни ҳарбийга чақириммас эди. Эҳтимол, у сал-пал кўрқоқ бўлгандир, лекин асло жинни бўлмаган, бинабарин, милтиқдан ортиқ даражада дахшатга тушмаган, тегирмоннинг тагига ҳам бекинмаган, уни аскарлар қувлагани йўқ, каламушлар ҳам кўрқитган эмас. Буларнинг бариси ёлғон, биладиган одамлар Мурод амакининг қани ва иштирокисиз тўқиган гаплар.

Рости — Мурод амакининг кўп қатори урушга боргани ва ундан саноқли тирикларга қўшилиб қайтгани.

Рости — унинг ўзи ҳақида бир оғиз ҳам жўяли гап айтолмагани. Бир оғиз жўяли гап айтолмаган, лекин Ғалателани шунча йил ва йўллардан сўнг ўзи топиб, Каттақўрғондан Неъмат аравакашнинг улувига тушиб келгани-чи?

Қарасам, Каттақўрғондан чиқар йўлда Муродбой турибди. Кўриб тўхтатдим, индамай аравага минди. Гап сўрасам, жавоб бермайди. Энаси бечоранинг қазосини эшитган бўлса, шундан кўнгли хуфтон экан-да, деб ўйладим. Аравада чайқалиб, кўзи илинибди. Ғалателага кирар маҳали устига чакмонимни ёпдим. Кейин одамлардан суюнчи олдим. Умидвор одам кўп экан, кўп суюнчи беришди. Суюнчи узатган одамга чакмоннинг барини кўтариб Муродни кўрсатаман, у боёқиш гапдан беҳабар, тинчгина ухлаб ётибди. Уйларининг рўпарасига келиб туртиб уйғотдим, аравадан тушди, уйга қараб норюриш қилиб кетди. Лўкиллаб юрганига парвоям қилмабман. Ахир, шунча вақт ўтди, шунча қон тўкилди, энди шунча қиргиндан кейин уйига омон қайтган банд, югурмасдан, лўкиллаб кетганига балли! Бошқа одам бўлса, энтикиб ўларди!

Неъмат аравакаш Мурод амакининг лўкиллаб юрганига парво қилмаган. Лекин тоғаси бирдан пайқади. У ориятли одам эди, жияни Муроднинг лўкиллаб юрганини ҳеч ёқтирмади. Уни бирор ой эски оғилнинг тўридан қазилган хандақда сақлади, чалоп билан кўкпиёз бериб боқди, тузалиб кетар, лўкилламай, бошқа одамларга ўхшаб соппа-соғ юриш қилар, деб умидвор бўлди. Мурод тоғанинг умидлари пучга чиқди. Ойдин бир тунда ҳовлига чиқариб синашга юргизиб кўрганида Мурод аввалгидай лўкиллашини қўймади. Тоға уни қайтадан хандаққа ҳайдади. Кўнглига турфа ўйлар келди, лекин инсоф ыйлди, ҳарна бўлса ҳам туғишган жияни, беғона эмас, хандақни текислаб юборгани кўнгли бўлмади....

Пешинда Ғалателани айланиб юриб, Жалилнинг ҳовлисига кирдим. Мени кутмаган эканми, кўзлари бежо бўлаверди. Мен эски оғилига қараб боряпман-у, Жалил ёнимда илонга ўхшаб эшилади, бу бир номаҳрамроқ жой, хотиннинг ашқал-дашқаллари қалашиб ётибди, деб айтади. Мен колхознинг йўқолган бир яшар новвосини излаб юрибман, бу менга хотинини пешкаш қилади, кўзимга бирем ёмон кўринди, бирем ёмон кўринди!.. Йўлимдан четлатиб, ичкари кирдим. Қарасам, Муродбой бечорани хандаққа тиқиб қўйган экан. Занғар Жалил оёқларимга тирмашиб йиғлади. Муродбойнинг ўзидан гап сўрасам, ҳеч индамайди, мўлтираб тоғасига қарайди. Бу ёқда Жалил йиғлаяпти, энди Муродбойни бошимда кўтариб юраман, дейди. Ёмон ғазабим қўзиди, ўлдириб-нетиб қўйишим ҳам ҳеч гап эмасди, бир амаллаб ўзимни босдим, Жа-

лилнинг елкасига беш-ўн қамчи тушириб, Муродбойни ҳандақдан чиқариб олдим, озодликка қўйиб юбордим.

Раим оқсоқолнинг бу гаплари қирқ олтинчи йилга тегишли. Ҳшандан бери Мурод амаки озодликда яшайди. Уйи йўқ, жойи йўқ. Боши очиқ — истаган тарафига кетади. Раим оқсоқол мошиначи Рифқат абзийга айтиб, икки сидра кийим-боши қилиб берганида ҳам эгнига илмади. Ҳзининг урушдан кийиб қайтган эски шинелини афзалроқ кўрди. Шинелини то тўзиб қолгунча кийди, ямоқлари чиригач, устидан яна ямоқ солиб кийди.

Ҳайбаров Мурод амакини эргаштириб боғ бурчагидаги ўчоқ тарафга берди. Улар келиши билан фонус ёруғида сабзи арчаётган одамларнинг суҳбати тинди. Кимдир сурилиб, ёнидан жой кўрсатди:

— Ҳтиринг, домла.

Ҳайбаров ўтирди. Нима қиларини билмай, дастурхон четида ётган пичоқлардан бирини қўлга олди, лекин Маҳанбой изн бермади:

— Қўябер, ўзимиз эплаймиз.

Жим қолишди. Мурод амаки Ҳайбаровнинг елка тарафига келиб, боя олган пулини ёруққа тутиб қаради, сўнг эгасига қайтариб узатди:

— Ббўлмайд... Биссўм бер!..

— Бир сўмликдан бошқа пулни олмайди, — деди Маҳанбой, кейин гапининг исботи учун Мурод амакига ўгирилди: — Бу уч сўмлик экан, амаки, катта пул, бир сўмликдан уч марта катта!

Мурод амаки қўлидаги пулни тағин ёруққа тутиб қаради, лекин катталигига ишонмади.

— Биссўм, — деди Ҳайбаровга. — Биссўм бер!..

Маҳанбой тиззаладию шимининг чўнтагидан бир сўмлик чиқарди:

— Мана, амаки, олинг.

Мурод амаки пулни олди. Кейин ҳалиги уч сўмликини Ҳайбаровга узатди.

— Муниям киссага солинг, амаки, — деди Маҳанбой. — Эртага ўзим майдалаб бераман. Сиз менга уч сўмлик битта пулни берасиз, мен сизга бир сўмлик учта пул бераман. — Маҳанбой учта бармоғини кўрсатди: — Мана шунча бир сўмлик. Энди боринг, амаки, дамингизни олинг. Мана, сизга битта сабзи... Мурод амаки Маҳанбой узатган сабзини қўйнига солиб, даврадан нари кетди.

— Бекор қилдингиз, Маҳан ака, — деди ёшгина бир йигит. — Сабзига тиши ўтмайди.

— Ҳйламабман, махсум, — дея иқрор бўлди Маҳанбой.

— Муродбой қариди, — деди чеккада ўтирган Соли қассоб. — Уни соб қилган ёнғоқфурушлар бўлди. Қўрқанидан ҳовучлаб узатган, энди қарабсанки, битта соғ тиши йўқ. Қачонки қозон осилганда келса, унга бир парча қуйруқ бераман. Мундайроқ гўштга тиши ўтмайди.

— Яхши қиласиз, қассоб, — деди Маҳанбой.

— Ҳзимнинг ҳам битта тишим йўқ, — деди Соли қассоб. — Лекин Исмаилла тиш қилиб берди. Кечқурун ухлар маҳали олиб қўяман, эрталаб яна оғизга соламан.

— Мурод амакининг тиши бор, — деди кимдир қоронғида туриб. — Тиш буткул бўлмаса, бурни иягига тушиб кетарди.

— Бор-у, лекин бари чириган, — деди Маҳанбой.

— Сен тишини очиб кўрмагандирсан? — деди Соли қассоб.

— Сиз кўпюришли одамсиз, қассоб, — деди Маҳанбой, — Мурод амакигаям битта шундай нарсадан топиб берсангиз бўларди.

— Унга тишининг кераги йўқ, — деди бояги йигитча. Уни Ҳайбаров келбатига қараб, мулла Дониёрнинг кенжа ўғли, деб тахмин қилди. — Кунни оз қолган. Тиши соғ одамлардан ози қоляпти-ю...

— Сен кўп маҳмадана бўлма, — деб жеркиди Маҳанбой. — Ҳарна бўлсаям, кунни битмаган одамга тиш керак.

— Мен унга ўлим тиламадим-ку! — деди мулла Дониёрнинг кенжаси.

— Мен сени биламан, сен занғар, отанг ўлгандаям парво қилмагансан, — деди Маҳанбой.

— Мен шаҳардан бир суриштириб кўрай, — деди Соли қассоб. — Балки, Муродбойгаям тиш онкеларман. Лекин кўп излаш керак шекилли.

— Ҳзини оборинг, дўхтирлар кўриб, мос тушадиганини ясаб беради, — деди Маҳанбой, кейин мулла Дониёрнинг кенжасига юзланди. — Сен Мурод амакидан ор қиласан, номард.

— Мунинг гапга нима даҳли бор? — деб ҳайрон бўлди мулла Дониёрнинг кенжаси.

— Ҳамманг ор қиласан, — деди Маҳанбой. — Мана, қассоб унга ачингандай бўляпти. Қозон бошига айланиб келганида қуйруқ берармиш. Лекин ҳамма гапи ёлғон. Тўй-пўйда берган бўлса бордир, тўйнинг емиши ҳамманики, лекин қассоб уни атай уйига чақириб, битта ўзига деб бир кило гўшт қайнатармиди? Ҳлганда қайнатмас!.. — Маҳанбой Соли қассобга ҳўрозланиб қараб қўйди. Қассоб миқ этмай ўтирарди. — Мурод амакининг тиши тугул, жағи узилиб тушса ачинмас!.. — У баттар авж қилди. — Шаҳарга эргаштириб боргани уялади. Мурод амакининг уни жулдау, бунинг устига хунук лўкиллаб юради... Уялади, қассоб уялади!..

— Мен уялсам, сен ўзинг обор! — дея зарда қилди Соли қассоб.

— Обораман! — деди Маҳанбой. — Маърака ўтсин, ўзим обораман.

— Сен мошин ҳайдайсан, сенга осонроқ, — деб қўйди Соли қассоб.

— Ҳғлимнинг отиниям Мурод қўяман! — деди Маҳанбой. — Ҳамманг ор қиласан, ўттиз йилдирки, нечта ўғил бола туғилса, ичида Мурод дегани йўқ. Мазах қилиб, ҳамманг бир сўмдан берасан. Кейин ундан Тўрабой алдаб олади.

Ҳеч ким индамади. Овозни баланд қўйиш ўнғайсиз эди. Бировнинг маъракаси. Ҳазил гап эмас, кимсан, Раим оқсоқолнинг маъракаси... Галатепани эллик йил оғзига қаратган одам, азасида низо қилиб ўтириш яхшимас. Маҳанбойники кечиримли, қариндошлиги бор, кейин марҳумнинг тўнғичи билан ошначилик қилади. Қолаверса, унинг бир хил гаплари рост: Соли қассоб ҳеч қачон Мурод амакини етаклаб, шаҳардаги тиш дўхтирига бормади, Мурод амаки тирик экан, бирорта галатепалик ўғлини унинг оти билан атамайди — ирим қилади.

— Тўрабойнинг икки дунёсиям қуйиб кетган, — деди Соли қассоб.

— Орқасидан сасиманг, қассоб, — деб тағин кўрс гапирди Маҳанбой. — Ҳзини кўрганда пастқамга уриб кетасиз-у, бу ерда гарданкашлик қиласиз!..

Яна жим қолишди. Ҳайбаров ўзининг ортиқча эканини сездди: у келгунча одамлар ўзларининг гапини гапириб ўтиришган эди, энди... Инсоф билан айтганда, Раим оқсоқолнинг ўлими улар учун катта йўқотиш ҳам эмас. Наридан борса, унинг раислигини, қилган бирикки хайрлироқ ишини эслашади, кейин маъракаси қандай ўтганини эслашади: фалончи қаза қилганда фалон жойдан фалончилар келди...

— Косонга одам кетганмиди? — деб сўради Соли қассоб.

— Менинг хабарим бўлмади, Соли ака, — деди Ҳайбаров. — Косондаям, Қаршидаям ошналари кўп эди.

— Раҳматли ошначиликни жойига қўярди, — деди Соли қассоб сал туриб. — Кейин ўзи фириб егувчи эди. Ҳаммасини билмайман, лекин битта Маҳаммад деган самарқандлик ошнаси бўларди. Қарз сўраб келди. Оқсоқол гапини синдирмади, кўзимнинг олдида сўраганича санаб берди, кейин, оқсоқолни қамашганида шу Маҳаммад ақалли ҳол сўраб Галатепага келмади.

— Балки турмага боргандир, қайдан биласиз? — деди Маҳанбой.

— Турмагаям бормаган, мен оқсоқолдан сўраганман, ўзи ошна тутинганига афсусланиб юрарди.

— Пулини қайтариб олгандир? — деб сўради мулла Дониёрнинг кенжаси.

— Ғалчасан-да, болам, — деди Соли қассоб. — Оқсоқол пулига ачингани йўқ, қадрига куйди. Пул деганинг нима, кўлнинг кири-да! Худди тариқнинг донасидай, бармоқларинг орасидан шувиллаб тўкиладик-кетадик!.. Оқсоқол, раҳматли, ошнани Маҳамматнинг лоақал бир пиёла чой ичгани келмаганига ачинарди. Лекин у келмади, номард!..

— Оқсоқол эгарда маҳали тиллани кўп қилиши керак эди, — деди мулла Дониёрнинг кенжаси. — Ана, Назар маҳсумнинг пуркурор ўғли Санақул, пулдан пора берсанг, кетимни артаманми, деб дастаси билан юзинга отармиш, қизиладан оларкан, кейин яхлит ғишт қилиб қуярмиш...

— Тек ўтир-эй, жинқарча, мулланинг боласи!.. — дея ўдағайлади Маҳанбой. — Одам менгашниям эп-лаши керак-да! Нима, сенга оқсоқол аттормидики, мол-дунё йиғса!.. Э, ўзи бизлардан бу дунёда нима қоларди, ташиб кетармидик... Икки-учта кўнгил етар жўранг бўлиб, овунтириб турсаю ўлар соатинг келганини сезмай қолсанг, шу керак-да ўзи!..

Ғайбаров ажабланди, Маҳанбойнинг тажанг юзига синчиклаброқ тикилди. Ичида унинг гапларини такрорлади, баттар ҳазин тортди.

— Оқсоқол кўлидан келганини қилди, — деди Соли қассоб. — Тошпўлат домлани ўқитди, Зокирбой дўхтир бўлди. Қолганлариям, шукр, юртнинг орти эмас, манзили, тутган исканаси бут, оқсоқол кўнгли тўлиб кетди...

Ғайбаров бошини қуйи эгди. Бу гап унга аталган эди. Уни юлатишмоқчи, далда беришмоқчи.

— Раҳматли бирор нима қолдирган чиқар? — деб

тусмоллади мулла Дониёрнинг кенжаси. — Ақли бор одамнинг ҳаммаси ҳам озми-кўпми йиғинади, болачақани ўйлайди.

— Оббо, энағар-эй!.. — деб бошини сараклади Маҳанбой. — Отанг раҳматли ақлли эди, лекин сенинг ақлинг киссанга тушган кўринади.

— Рост-да, — деди мулла Дониёрнинг кенжаси Маҳанбойнинг гапларига парво қилмай. — Оқсоқол шунча йил давр сурди, кўлида пул тутган, мол тутган... Ёмон кунга деб асрагани ҳам бордир? Йў-ўқ, бир нима қолдирган.

— Васият қолдирибди, — деди Ғайбаров сал ўн-ғайсизланиб.

— Ана, айтмовдимми!.. — дея қувониб сўзлади мулла Дониёрнинг кенжаси.

Кўрдаги одамлар Ғайбаровга қарашди.

— Васият қолдирибди, — дея такрорлади Ғайбаров. — Лекин мен ҳали ўқиб кўрмадим.

— Тилла-пилла кўмган жойини айтган бўлса керак, — деб яна таҳмин қилди мулла Дониёрнинг кенжа ўғли. — Уни очик сарфлаб бўлмас...

— Жим тур, бари бир у тилла сеники эмас, — деб Маҳанбой унинг биқинига туртди.

— Ростдан ўқимадим, — деди Ғайбаров. — Ҳали менга кўрсатишмади.

У негадир айбсиниб, қимтиниб гапирди. Аваал ҳам ишонқирамай турган одамларнинг баттар шубҳаси ортди. Ўзи ҳам бир зум гўмонга борди: ростдан ҳам отам сездирмай йиғинган бўлса-я!..

Ишонмади, лекин кўнглининг четида гўмон қолаверди.

Кўрда ўтирганлар бошқа гап сўрашмади. Улар Ғайбаровдан, кўрга қўққисдан келиб қўшилган, туриштурмушига шаҳар нуқси урган одамдан салгина ийманишар, лекин уни бегона санамас эдилар.

Ғайбаров шунисига шукрона айтди.

## 4. ҚИЗИЛ ОЛМАЛАР

— Илойим, уйи куйсин, — деб қарғанди Анзират кампир.

...бу гапниям отамдан мерос олган.

Фақат бу гап Анзират кампирнинг оғзидан қарғиш бўлиб чиқади. Раим оқсоқол айтганида сўкишдай чиқарди. Кейин Раим оқсоқол аёлларни сўкмаган, ор қилган — аёлнинг ўзи нимаю яна уни сўксанг... Эркакларни, уйинг куйгур, деб сўкарди. Унда одмироқ сўкишларда тилга олинадиган мавҳум хатти-ҳаракатлару шаллақилиқдан асар ҳам йўқ, сўкаётган одамнинг эркаклиги ва нафратнинг аниқ миқдори сезиларди: уйинг куйсин.

...уйинг суврати, қиммати, ёнғин, ҳисобга чақилади-ган зарар, хуллас — манзара.

— Амманинг уйи куйсин, — дея қарғанди Анзират кампир. — Тухуми қурисин, амма бўлатуриб шу гапни айтибди. Жон чиқар чоғида раҳматлининг бошида ўтирган экан.

— Бекор гап, — деди Ғайбаров. — Амма эмас, Наим амаки ўтирган. Зокир айтди.

Ғайбаров кеча укасидан ҳаммасини сўради: беморнинг бошида ким ўтиргану кимлар ҳол сўраб келган... Англадики, отасининг касалига ҳеч ким парво қилмаган. Нар и борса — тумов, ўз-ўзидан ўтиб кетади, деб ўйлашган. Раим оқсоқол яқинлари учун ҳам жуда ҳайбатли одам эди: неки низо бўлса, унинг ўзи ечади, маслаҳат ошларининг тўри ҳам уники, гўё қариндошлар ҳаммаси муриду Раим оқсоқол — пир, кўзлари тийрак, боши балан, нақ осмонга туташиб кетган! Эҳтимол, қариндошлар Раим оқсоқолнинг ўлмоғи мумкин эканига ишонмагандир ҳам?

Унинг бошида биргина Наим ўтирди, Наим, Салимбой билан Майрамнинг ёлғиз ўғли, Раим оқсоқолнинг ёлғиз жиғани. Беш кун тугал ёнидан жилмади.

Ғайбаров четроқдаги тол сават устида ўтирган эди, Анзират кампир, алами ошган, унинг ёнига йиғлаб келди. Чамаси, кампир Ғайбаровни ўзига яқин хаёл қилди. Гўёки улар иккиси ҳам бу ерда бегона, иккисини ҳам четга суришди, айиришди, мана, энди улар иккиси одамлардан нарида, ҳеч нарсага аралашмай туришибди.

Ғайбаров кампирнинг кўз ёшига дош беролмасликдан кўрқди.

— Ичкарига киринг, эна, — деди. — Кутиб қолишади.

— Менга ким ҳам маҳтал бўларди, болам, менинг бировга керагим бормиди...

Кампир шундай деди-ю, лекин ичида, бари бир буям бегона, деб ўйлади. Хўрлиги ошди. Раим оқсоқолнинг қилган номардлигини эслади. Бу ўй кўп эски эди, уни Анзират кампир салкам қирқ йилдан бери ўйларди. Бу ўй энди келиб жуда ўтмаслашиб қолган, ортиқ жонни қийнамас эди. Кўҳна ўйлар энди ҳеч асқотмайди, улар ҳозир, Раим оқсоқол зах ерда ётган маҳал, жуда ёмон туюлади: кўй, Анзират, қарғанма, яхшими, ёмонни, имонини берсин, раҳматли тинмаган одам эди, энди у ёқда тиним топсин...

Анзират кампирнинг кетмоқчи эмаслигини кўриб, Ғайбаров ўрнидан турди, сават устидаги шолчани тўрилаб, кампирни ўтқазди:

— Озгина дам олинг, эна.

— Сенга гапим бор, Тошпўлатжон, — деди Анзират кампир. — Эсингда бўлсин, амманг — сенинг душманинг!..

Ғайбаров Амманинг душманлигини ҳеч тасаввур қилолмади. Амма қари эди, қариб-чуриган бир кампир, Анзират кампирдан ҳам кексароқ.

Раим оқсоқол Наимни унча ёқтирмасди. Боши ёс-тиққа теккач, қариндошлардан биргина Наимни чақириб олганда, ҳамма ажабланди. Ахир Раим оқсоқол уни қанча ёзгириб гапирган, бўшанг одам, деб айтган, оғзига кесак қаласанг ушоғи турмайди, мунинг устига қўли эгри, елкаси ивиброқ терламас!..

Наим тоғасидан ийманарди, лекин ёмон кўрмасди, унинг гапларини жимгина туриб эшитарди: «Сени йўргагингда уриб кетган, Наимбой, ўлгандаям биринг икки бўлмайди».

Наимга алам қилади, бирини икки қилишни ўйлайди. Тоғасига қасдма-қасд, ўзини унга кўрсатиб қўймоқчи бўлиб. Лекин ҳеч иложини тополмайди.

Наимнинг чирангани Раим оқсоқолнинг завқини келтиради, ётиб қолгунча кулади: «Яша, жиян, яша, Наимбой! Сенга шунча пул бердим, мол бердим, қани улар? Энди мени ҳисобга қўшмай қўй, майли, улуснинг ушоқ молини боқ, таксасини ўзим қўяман, қўй бошига бир сўмдан, эчки бошига — эллик тийин, мингга қўй боқсанг, минг сўм пул топасан!..»

Кейин ўзи бош бўлиб, улуснинг подачилигини Наимга олиб беради.

Булар Раим оқсоқолга бир эрмак эди — у Наимнинг хашаки ғазабини кўриб ҳузур қиларди. Ахир, Наим чидаёлмади, бир гал тақдири таваккал қилиб ҳам кўрди, уятни бўйнига олдию ўзни худога топширди. Баҳор маҳали эди, эрталабки туман ичидан бир гала бўри чиқиб, сурувга оралади, ярмини айириб олиб, билганини қилди. Чўпоннинг ўзи йўқ, итларининг ҳам шашти суст, номига бир-икки ақиллаб ортага қайтиб кетишди. Сўнг туман тарқаб, кун ёйилиб кетган маҳали хабар етдию Галатепанинг мардуми қирма-қир, сойма-сой юриб; қўйларнинг ўлигини терди. Бўғизланган, қуйруғи шарт юлинган, қорни ёрилган... ҳали жон сақлаб турганлари... ҳаммаёқ қон, қирон... Одамлар, қўлларига пичоқ, ҳали ўлмаб хириллаб ётган қўйларнинг бўғизига тиғ тегизиб, ҳалоллаб қолишди. Чўпоннинг ўзини кўрган киши бўлмади.

Буриларни ҳам ҳеч ким кўрмади. Улар аллақачон кетиб улгурган эди. Роса афсус қилишди. «Бу нокас Наим вақтида хабар берса, балки аламига икки-учтасини отиб олармидик!..»

Наим икки кунгача кўриниш бермади. Учинчи кун ичашоғда келиб, аввалига тоғасининг уйига кўнди: «Кўрқдим, тоға, шунча касофатдан кейин одамлар урадим, деб кўрқдим... Келсам, аччиқ устида ўлдириб қўйишарди...»

Раим оқсоқол уни тўрға ўтқазди, атай ош дамлатди, кейин, Наимнинг қорни тўйғач, секин сўради: «Ўзингиз нечтасига бўрилиқ қилдингиз, Наимбой?»

Наим тоғасига зорланиб қаради: «Бор-йўғи элликта, тоға». «Пайшанбанинг бозорига обордингизми?» «Пайшанбага, тоға, Жоминг бозори яқин, кейин у ерда ўзимизнинг жаллоблар олди-сотди қилади». Раим оқсоқол кулди: «Уша гап — гап, сенинг пешонанг терламайди, жиян, мени айтди, дейсан, балки, ҳозир киссанг тўла пулдир, лекин биринг икки бўлмайди, сени йўргагингда уриб кетган...»

Галатепанинг одами ҳамма гапни сизди. Бир хили, энди Наим бойиб кетади, деб ўйлади. Аммо Раим оқсоқолнинг айтгани келди — ўғирланган қўйларнинг пули Наимга юкмади. Хайриятки, бўри баҳона, ундан биров товон сўрамади. Камбагал одам, қўли эгри-ю, бироқ бола-чақаси кўп — раҳм қилишди. Қолаверса, бу ёқда Раим оқсоқолнинг кўзи тирик, оғринадими, деган хаёлга бордилар.

Бу турфа хангамаларнинг саноғи йўқ. Гўё Раим оқсоқол умр бўйи Наимнинг устидан кулиб ўтгандай. Қизиғи шуки, кейин у ўлар соатида биргина Наимни хузурига чиқиртирди.

Кеча Зокир айтди: Наим амаки ғаддороғ-у, лекин отамдан ҳайиқарди, доим ундан уялиб, иложи бўлса четлаброқ ўтарди, кейин отамнинг ўзи чақириб олди: энди, ака, очигини айтганда, отам билан иккови биров-бировига ҳаммадан кўра яқин-да, отам раҳматли, мундан бошқа кимим бўра, деб ўйлаганми...

Раим оқсоқол ёлғиз жиянидан кечирим сўраб чақирган эди — буни Ғайбаров энди тушунди.

У ҳушини йиғиб, Анзират кампирга қаради: эзилган, ночоргина, толсават устида бир бурда бўлиб ўтирибди — раҳминг келади!

— Отангни, ўларидан олдин ғарғара тортди, деб айтибди...

— Ким айтибди? — деб талмовсиради Ғайбаров. — Шу гапларни қўйинг, эна. Наим амаки мундай демайди.

— Наимнинг дардини олсин, Наим тилло-ку, тилло! — деди Анзират кампир. — Аммаси айтибди! Аза тугамай туриб, бу мегажин гап сотади!..

Ниҳоят, Ғайбаров англадики, Амма, марҳумнинг гуноҳи кўп эди, шу сабаб, қийналиб жон берди, демакчи бўлган.

...ахир у аммаси эди-ку? Балки бу гапни Анзират кампирнинг ўзи тўқиган чиқар?

Ғайбаровнинг онаси Аммани яхши кўрарди. Неча бор уни Раим оқсоқолга мақтаб, дакки ҳам эшитган. Гўёки қариқиз ҳақида гапиргандай бўларди. Онанинг ҳикояларидаги Амма аслига ўхшамайди, гўё унинг пешонасини кесган тарам-тарам ажинлари йўқ, осилиб тушган ҳалқуми ҳам йўқ, гўё Амма бахти чопмаган мунис бир жувон-у ундан ҳамдардликни аяшнинг ўзи гуноҳ.

Амманинг кичкина қизил қутиси бўларди. Тошпўлатнинг тиши оғриб қолганда онаси қўлидан етаклаб, Амманинг уйига олиб борарди. Амма жуда куончак эди, боланинг шишган лунжини кўриб, ўзини қўйгани жой тополмасди: «Вой, боёқиш, сен шўрликнинг болагинаси, сенинг шугина бошингга шунчалар азобми? Сенга келган дард менга урса нима қиларди!»

Кейин пойгакда ётган супургидан чўп синдириб, учига пахта ўрарди, пахта устидан атир тегизиб, чўпни оғриган тишнинг қавагига тикарди.

Ғайбаров бир гал қишлоққа келганда, соқолни қиртишлаб, иягига пуркагичдан пиш-пиш атир сепган маҳали тўрда ўтирган Раим оқсоқолнинг афти буришди: «Амманга ўхшайсан, болам!..»

Ғайбаров атирнинг моҳиятини шунда англади. Атир — Амманнинг ёшлиги эди. Энди атир ҳам, Амманинг ёшлиги ҳам узокда, эски замонларда қолиб кетган. Атир кўп қўйилган, лекин Амма... Амма бари бир қарийверган. Фақат одатни тарк этмоғи қийин. Амма Раим оқсоқолдан кўрқарди. Шу сабаб, атирни фақат кечалари сепарди, анвойи ҳидлар уфуриб, хўрлик билан, кўз ёшларига беланиб ётарди!

Эҳ, бевафо дунё!

Оғриқ тиш қавагига пахта тикилгач, Амма қутини қайта очарди, унга атир шишасини бекитиб, биттагина қизил нақш олма олиб, болага узатарди.

Бу тартиб ҳеч қачон ўзгармаган: Амма аввал оғриган тишини муолажа қилади, кейин албатта олма узатади, олмадан ҳам атир ҳиди келади. Тошпўлат атир ҳиди урган олмаларни яхши кўрарди. Бу меҳр шунчалар зўр эдики, Амманинг атир ҳиди келадиган олмалари олдида бошқа олмаларнинг, олмалар тугул, буткул дунёнинг ҳам туси қочарди.

Шундай зўр эдики, у сўлоқмондай ўсмир бўлиб, чириган тишлари йўқолиб, ўрнида янгилари ўсиб чиққанида ҳам, Амманинг қутисидидаги қизил олмаларни ўйлаганда лунжини чангаллаб, онасини алдашга мажбур бўларди: «Тишим, эна, тишим!..»

Ва шу пайтда тишидан бошқа ҳамма аъзолари қақшаб оғрирди!

Кўз олдида Амманинг кичкина қутиси: ичида олмалар, битта, ўнта, мингга — жуда кўп! Ҳеч қачон тугамайди! Қути эмас, нақ қайнар ҳумча!..

Бечора она ўғлини етаклаб таҳмин йўлга тушарди. Улар келгач, Амманинг кулбасидаги қутининг оғзи очилади: пахта, атир... Атирнинг аччиқ таъми оралаган қизил олмаларнинг ширадор эти...

Ва Амманинг сокин, сал макрли овози: «Вой, боёқиш, вой, сен шўрликнинг боласи, сенинг шугина бошингга шунчалар ситамми!..»

...яхши эди, бари бир яхши эди!

Ғайбаров энтикди, титраб кетди. Қаршисида яна Анзират кампирни — Амманнинг ширин олмаларини емаган, тиши ҳам оғримаган Анзират кампирни кўрди. Анзират кампир дарғазаб эди. Унга Амманнинг муолажаси ҳам, атири ҳам, қўтидан чиқариб ҳады этадиган олмалари ҳам — ҳеч нарса керак эмас! Унингча, Амма — гар, тамом-вассалом! Анзират кампир, истаидики, йўқ, иташ ҳам гапми, имонини кафил қўядики, Раим оқсоқол ҳеч фарғара тортмаган, осон жон берган. Амма бекорларни айтибди. Раим оқсоқолнинг гуноҳи кўп эмасди. Унинг биргина гуноҳи бор — Анзиратни қўйгани. Лекин унисини Анзират аллақачон кечирган.

— Сиз, парво қилманг, эна, — деди Ғайбаров. — Отамнинг бошида Амма ўтирмаган, Наим жияни бор экан. Зокирингиз дўхтир одам, ўзи айтди, отам бир ухлаганича қайтиб уйғонмабди...

Анзират кампирнинг кўзлари катта-катта очилди. У Ғайбаровнинг овози сокинлигидан ҳайратга тушди.

Ғайбаров ўзини айбли сездди: марҳумнинг ўғли бундай гапирмаслиги керак эди.

— Васиятда мени тилга олмабдими, болам? — деб сўради Анзират кампир. — Васият қолдирган эмиш...

Ғайбаровнинг жаҳли чиқди. Васият борлигини ҳамма билади, фақат у билмайди, у ҳатто кўргани ҳам йўқ.

— Билмадим, эна, — деди у ўзини босиб. — Отам бизга ниманиям васият қиларди, мол-дунёси бўлмаса... Борини баҳам кўрамиз-да...

— Мен сенга мол дедимми, болам?.. — деди Анзират кампир оғриниб. — Бор молини борида ўзлари бўлиб олган, кимнингки қорнини тўйдирган бўлса, бугун келиб, ортидан сасийди... Айт, болам, не қасди борки, амманг мунча сасийди?

...сасийди?

Кампирни шу бир сўзи учун гумроҳликда айбламоқчи бўлди. Лекин кампир гумроҳ эмасди, бор-йўғи содда, айтган сўзига ўхшаш содда. Ғайбаров ўйладики, аслида ҳеч нарса ўзгармабди, ўзлигича қолибди. Унга улуғ кўринган қайғу бошқаларнинг, ҳатто бир замонлар отасига хотинлик қилган аёлнинг кўнглида ҳам узоқ яшолмайди. Биров сал эрта, биров сал кечроқ, лекин ҳар ким тагин ўз ҳолига қайтади. Уйладики, Анзират кампир ҳозир ўз ҳолига қайтди. Эҳтимол, у умр бўйи бевалик туфайли чеккан ҳасратини дақиқа сайин эслаб тургандир? Аммага тутган кеки ҳам фақат ўзи ваҳжидан бўлса-чи? Ахир у Раим оқсоқолнинг хотини эди! Кек ҳам, бошқаси ҳам унинг ўзи туфайли, ҳозир Анзират кампир дунёда энг осий санаган одамнинг (яхши одам уни қўйиб, бошқага уйланармиди?) гуноҳсиз бўлганини ўзига — яна тагин ўзига! — исбот қилмоқчи.

Ғайбаров хомуш тортди. Биз кичкина одамлармиз, деб ўйлади, бизнинг қайғумиз мисоли қизамиққа ўхшайди — салга юқади, салгина оғритади, сал ўтиб қўйиб юборади...

— Эна, — деди у туйқусдан, — отам билан кейин ҳеч гаплашганимиз?

Анзират кампир саволдан ажабланмади, ҳатто Ғайбаровга андак рағбат билан қаради. Умри бўйи унга ҳеч ким бу хил савол бермаган эди, бу эса, мана сўраяпти... Кампирнинг меҳри ийди. Саволнинг муҳимлигини, наинки муҳимлиги, муқаддаслигини туйди.

Мўмин аёл эди Анзират кампир!

— Гаплашганимиз йўқ, — деди секин. — Кўришардик, лекин гаплашганимиз йўқ. Салом бергани тилим айланмасди, болам...

Ғайбаровнинг кампирга раҳми келди. Бу бечора қирқ йил, роса қирқ йил сабр қилган, деб ўйлади. У ўзи нимани кутган? Улимними? Қани эди, бизни ҳам шундай кутишса! Йўқ, бизга фақат дақиқалар насиб қилган, холос. Бизни соя-салқин боғларда, кўчалардаги соат осиглиқ устунлар остида, серғалва бекатларда кутишади, холос...

Галәтепада Анзират ҳақида гап кетгудай бўлса, унинг онаси Ойшани муқаррар тилга олишади. Анзират Раим оқсоқолдан талоқ олгани учунгина унга бошқа харидор чиқмаган, деб айтиш аини гумроҳлик. Раим оқсоқолни ўйлашгани рост, лекин ўзига ишонганроқ одамлар чиқиб, совчи қўйса ҳам ҳеч гап эмас эди. Ҳамма гап Анзиратнинг ўзиди. Унга ишонишмаган, қайта эр қилмайди, деб ўйлашган. Улар бутун зот-зурёди билан шундай — отаси ўлганида онаси Ойша, минг йиллик удумни оёқости қилиб, то қабристонгача борган. Жаноза ўқиган мулла, қўй, қизим, деб айтган, сен бу ниятнинг қўй, ҳали ёш бошинг бор, мундайин савдони бўйнингга олма, оғирлик қилади.

Ҳалигича алҳазар аралаш эслашади: ўшанда Ойша марҳум эрининг этигини кийди, тўнини кийди, эркак тус бўлди, сўнг қўлига қайчи олиб, тақимига урган сочларини қирқиб ташладию эрининг жасади солинган тобутнинг четига елка тутди. Тобут — талаш, тобуткашлар ҳар ўн қадамда алмашади, лекин Ойша тутган чеккани бировга бермади, тошлоқ йўлларда қоқилиб-суриниб, эрининг расо тўнига ўралишиб, унинг ўлигини қабрга элди.

Уни ботинмасе керак, нари борса, мазор олдидан қайтар, деб ўйлашди, аммо Ойша қайтишни ўйламади, қабристонга аёл боши билан кириб борди ва шу ондан бошлаб эркак ҳисобига ўтди — энди қайтиб эр қилолмайди.

Кейин Ойша ўла-ўлгунча эркак ҳисобида юрди. Эркакнинг ишини қилди, ўтин ёрди, мол боқди, ер чопди. Унга биров аёл деб қарагани журъат қилолмади.

Анзиратни ўша кўрс, шафқатсиз хотин — Ойша туққан. Анзират ҳам Раим оқсоқолдан йигирма бешда ажралиб, бошқа эр тутмаган.

Ким билсин, балки онаси Ойшага ўхшаб чеккан азовларидан лаззат туйганими?..

## 5. УЧ КУН АВВАЛ

Чошгоҳ маҳали Ғайбаров бозорга кириб, далада қолган шериклари учун қора кишмиш харид қилди. Бозорда узум деганнинг тури кўп эди: ҳусайни, шивилғони, мускат, доройи... Лекин у қора кишмишни танлади. Татиб ёки савдолашиб ўтирмади. Хира йилтиралаётган қора узум доналари қишлоқни, ишқом қилинмасдан, шундоққина пушталар устида ёйилиб ётадиган узумзорларни эслатди. Болаликда укалари билан қора кишмишдан бош-бош узиб, муздек қудуқ сувига ташлаб қўйишарди, кейин оғизга тушган данаксиз узум доналари тиш тегиши билан қарсиллаб ёриларди...

Унга қора кишмиш солинган сават ортида турган

узумфурушнинг ўзи ҳам маъқул тушди: эгнида оқ жома, қўлида оқ доқа, дам-бадам тошу тарозисини артади, харидор татиб кўрсин деб, атай бир парча мато устига катта бош тоза ювилган узум қўйган. Хуллас, у Ғайбаровга ўта шинаванда одам кўринди. Узумидан икки килосини тарозига қўйиб, Ғайбаровнинг қўлидаги елим халтага бошма-бош авайлаб солди, сўнг тарози палласига ёпишган ҳўл баргни пуфлаб, доқа билан яхшилаб артди.

— Тозаликка нима етсин, ука, — деди у мулоийм жилмайиб.

— Ҳа, энди... — дея Ғайбаров ҳам илжайди. —

Килоси бир яримдан, жами уч сўм, энди қайтимини берсангиз, ака...

— Қанақа қайтимини?— дея дабдурустан ажабланди узумфуруш.— Сиз ҳали пулини бермадингиз.

— Йўғ-э, — деди Ғайбаров ҳижолат чекиб. Қизариб-бўзариб чўнтакларини кавлай бошлади.— Беш сўм узатгандай бўлувдим-ку?

— Ҳали пулингизни олмадим, ука, — деди узумфуруш.

Раста ёнида турган бир-икки харидор уларнинг гапига қизиқсингандай бўлди. Ғайбаров ўнғайсизланди, чўнтагида бор пулини чиқарди.

— Беш сўм берган эканман, — деди у.— Мана, битта ўнталик билан битта учталик қолибди. Жами ўн саккиз сўм пулим бор эди. Йўғ-э, ака, шунгаям одам янглишадими, ахир, нархини сўрабоқ пулини бердим-ку?..

Узумфуруш ҳам чўнтагидан пулини олди. Унталиклар, бешталиклар, учталиги бир сўмлик майда, эскиюянги — унинг пули кўп эди.

— Балки... манавидир?.. — Ғайбаров алоҳида таҳланган беш сўмликка ишора қилди.— Янгироқдай эди...

— Йўқ, — деди узумфуруш қатъий.— Менга пул бермадингиз. Ҳамёни тузукроқ кавланг.

— Далага чиқиб кетяпман, ҳамён нима қилади! — деди Ғайбаров куюниб, лекин чўнтакларини яна бир бор тинтиб чиқди. — Беш сўмлик йўқ. Ёдингиздан кўтарилган чиқар, ака, бир ўйлаб кўринг...

— Э, қизиқ экансиз-ку, йўқ пулнинг ёдини қиламанми!.. — деди узумфуруш тажанглашиб. — Гапни калта қилинг, ука, пулини тўланг!

— Мен пулингизни бердим.

— Ув, худодан кўрқ, ошна! — дея узумфуруш сенсирашга ўтди. — Тўхматнинг тоши оғир-а!

Ғайбаров бирдан жаҳлланди, қўлидаги узумни халтачадан саватга ағдарди:

— Узумингиз ўзингизга буюрсин!

— Пулини берсанг оларнинг, укам! — деди узумфуруш писанда қилиб. — Менга сендақаларнинг пули керакмас, садақасиз ҳам куним ўтади.

— Майли, майли, шу беш сўм билан бой бўлинг! — Ғайбаров алам билан қўл силтади ва оёғи остидаги эски челақни кўтарганча нари кетди.

— Текинтомоқни қаранг! — деди узумфуруш ҳамма эшитадиган қилиб. — Чучварани хом санабсан, узумни-ку, майли, бепул берай, лекин яна қайтим сўраганингга ўлайми!..

Ғайбаров ўн қадамча узоқлашиб қолган эди, аммо ортдан қилинган замзамага тоқат қилолмади, узумфурушнинг ёнига қайтиб келди. Уч-тўртта томошатаалаб одам ҳам унинг ортидан эргашди.

— Кетсам бўлмас экан, — деди у. — Эран-қаран бозорга тушиб, сизнинг қуруқ жамолингизга беш сўм қолдирайми? Кетсам кетардим, беш сўм садқаи сар, лекин, ўйласам, кейин ёмон алам қиларкан...

— Ҳалиям кетавер! — деди узумфуруш.

— Кетолмайман, — деди Ғайбаров. — Агар мен индамай кетаверсам, сиз ҳақ бўлиб чиқасиз.

— Иззатинг битди, бола!.. — Узумфуруш шундай дедию сават ёнига батариб терилган қадоқ тошлардан залворлироғини қўлига олди. — Яхшиликча кет! Ғирт товламачи экансан!

Ғайбаров ноҳос тақилган айбдан гарангсиб қолди.

— Шуни ўйлаброқ айтсангиз бўларди, — деб алам билан бош чайқади у.

— Жўна-е, бошимни қотирма! — деди узумфуруш, сўнг қўлидаги тошни қўйиб, чўнтагидан фикимланиб кетган бир сўмликни чиқардию Ғайбаровнинг юзига отди: — Ма, шуни олгину тўёғингни шиқиллат!..

Ғайбаровнинг миясига сўйил тушгандай бўлди, ҳарчанд уринмасин, ўзини тутолмади, узумфурушнинг ёқасидан гиппа бўғиб, силкита бошлади. Атрофдаги одамлар ҳай-ҳайлаган бўлишди, лекин ҳеч ким ажратмади. Қандайдир жиккаккина бир сержант пайдо бўлдию Ғайбаровнинг қўлини орқага қайириб олди — Ғайбаров оғриқдан ўнг тарафга майишди.

— Қўйвор!.. — деди у инграниб.

Сержант қўймади, баттар буради. Ғайбаров оғриқдан баттар майишиб кетди.

— Қўлини синдирасан, номард! — деб қичқирди кимдир ўктам овоз билан. — Кўрдик, ботир экансан!..

Сержант овоз келган тарафга ўқрайиб қаради, бироқ қичқирган одам етмишлар атрофидаги барваста чол эканини кўриб, зўрма-зўраки илжайди, Ғайбаровнинг қўлини бўшатди, лекин буткул қўйиб юбормади, енгидан тутиб турди.

— Узум олиб, пулини бермади, — деб шикоят қилди узумфуруш чолга юзланиб. — Яна икки сўм қайтим сўраяпти.

— Узумингиз бошингизда қолсин! — деди Ғайбаров, лекин хотинқарғаш қилаётганини пайқаб уялди, жиддийроқ гапирди: — Пулимни қайтариб берсангиз бўлди.— Сўнг енгидан тутиб турган сержантга ўгирилди: — Мендан бирор ёруғлик чиқмайди, бекорга овора бўляпсиз.

Сержант бир олайдию қўлини тортди.

— Сурлигини қаранг! — деди узумфуруш. — Уртоқ сержантниям ҳақорат қияпти!..

— Узингдан гапир, — деди чол энсаси қотиброқ. — Сен, мелиса болам, бориб ишингни қил, бу сен аралашгудай нозик масалага ўхшамайди.

Сержант чолнинг гапини қайтаролмади, нари кетди.

— Хўш, гапир, — деди чол узумфурушга.

— Бу одам менга тўхмат қияпти, ота, — деди узумфуруш. — Умримда бундай маломат эшитганим йўқ эди.

Раста ёнида йигирматача одам йиғилган эди. Узумфурушнинг нолишидан сўнг шовқин кучайди. Чол қўлини кўтариб, андак тартиб ўрнатди.

— Тек туринглар, аввал нима гаплигини билайлик, — деди у. — Хўш, узум ўзингизникими ёки олиб-сотармисан?

— Узимники, — деди узумфуруш. — Узим қаламчасини суқиб, ўзим пуштасини олганман, ота.

— Тузук, — деди чол соқолни силаб. — Лекин деҳқон одам бундай бақириб гапирмайди-ку?

— Э, бунақада фариштаям сўкиниб юборади! — деди узумфуруш фўғони чиқиб.

Чол Ғайбаровга ўгирилди:

— Хўш, сен кимсан?

— Юрган бир одам, — деди Ғайбаров хуши келмайроқ. — Харидорман.

— Қизишма, отингни айт, — деди чол. — Бўлмаса, кимлигингни қайдан биламан?

— Отим Тошпўлат, — деди Ғайбаров.— Далада иш-лаётганларга озроқ узум олай деб кирувдим. Битта ўнталигим, битта бешталигим, кейин битта учталик дулим бор эди, лекин энди бешталик йўқ...

— Беш сўмни бердим, дейсан-да?

— Кавламаган киссам қолмади, бермасам қайга кетарди?

— Пул берганда одамнинг кўзига қараш керак, — деди чол. — Сен қарамабсан-да?

— Беш сўм одамнинг хуни эмас, — деди Ғайбаров юраги безиллаб. — Алам қиларкан, ахир, бунинг қўлимдан пулни олгани рост-ку!

Чол Ғайбаровнинг эғнидаги тўзиброқ қолган арзонбаҳо костюмга, пошналари ейилган латта этигига разм солди. Унинг қўлидаги ўтмас пичоқлар ва турли чўткалар билан тўла эски челақ ҳам чолнинг назаридан четда қолмади.

— Беш сўмга ичинг ачимаса-я! — деди у кулиб. — Маошинг неча пул ўзи?

— Уч юз эллик, — деди Ғайбаров, овозида андак мақтанчоқлик сезилди, баттар ўсал бўлди. — Солиқ-полигиям шунинг ичида, — дея ғудраниб қўшиб қўйди у.

Атрофдагилар ишонмади.

— Бу дегани туппа-тузук профессорнинг ойлиги-ку! — деди кимдир баралла кулиб.

— Балки уч сўм эллик тийин оларсиз, ука? — деб сўради бошқа бирови.

— Энди, мукофотиниям қўшса, уч юз эллик бўлади-да!.. — дея пичинг қилди учинчи киши.

Чол кулмади. Барваста, гўштдор юзи жиддий, лаблари қаттиқ қимтилган — унинг на ишонгани ва на ишонмаганини билиб бўлар эди.

— Буларнинг савдосидан кимнинг хабари бор? — деб сўради у раста ортида тизилган бозорчилардан.

— Қўлида беш сўми бордай эди, — деди ўнг қўлидаги олмафуруш. — Лекин бунинг берганини, унинг олганини кўрмадим. Ёлғончи бўлмай, бешак гувоҳлик беролмайман. Балки бошқа одамнинг қўлида кўрган-дирман... Бозор ўз оти билан бозор-да, ота, бозорда мол билан пулдан бўлак ниманиям кўрардингиз?..

— Беш сўмлик энди йўқ, — деди Ғайбаров.

— Бор нарса йўқолмайди, — деди узумфуруш. — Сенда ўзи бешталик бўлмаган.

Чол уларнинг баҳсига бир муддат индамай қулоқ тутди, сўнг дафъатан узумфурушга амр қилди:

— Қани, гапни чувалтирмай узумингдан тор!

— Мен бу одамдан узум олмайман! — деди Ғайбаров. — Беш сўмни берсин, бошқа бировдан оламан.

— Йўқ, шундан оласан, — деди чол чўрт кесиб.

— Ҳа, сен нега қараб турибсан, тортмайсанми!..

Узумфуруш тихирлик қилолмади, икки кило узум тортди. Чол Ғайбаровнинг қўлидан халтачани олиб, узумни жойлади.

— Энди икки сўм қайтимини бер, — деди. — Йўқ, яхшиси, сен бунга яна бир ярим кило узум бер. Қани, бўл!

Узумфуруш норози ғудраниб, яна бир ярим кило тортди. Чол буни ҳам жойлаб, халтачани эгасига узатди:

— Мана, молингни ол. Энди розимисан?

— Йўқ, — деди Ғайбаров ва халтачадаги узумдан оғирроқ бир бошини олиб узумфурушнинг саватига ташлади.

— Чиноқ экансан-ку, — деб кулди чол. — Мўлжални хато олдинг, қайтариб ташлаган узуминг кўп, йигирма беш тийин берақолсанг тузук эди.

Ғайбаров индамади.

— Мен қилган ажрим шу бўлди, мусулмонлар, — деди чол. — Икковингдан бировнинг айбдорсан, ё сенинг деҳқонлигинг ёлғон, ё сенинг пул берганинг... Бу ёғини қиёматда яратганининг ўзи ҳал қилади... Сенинг отинг нимаёди, деҳқон?

— Аброр, — деди узумфуруш.

— Гап шу, Аброр, агар алдамаган бўлсанг, шу тўрт бош узум бошингдан садақа, илойим, давлатингга давлат қўшилсин, — деди чол, кейин Ғайбаровга юзланди: — Сен ҳам барака топ, молинг ҳалол бўлса, бемалол ейсан, узумда айб йўқ, майли, ош бўлсин!.. Молинг ҳаром бўлса, бари бир еёлмайсан, томоғингдан ўтмайди, тешиб чиқади! Омин, ҳалолига буюрсин!..

Чол юзига фотиҳа тортди-да, растанинг нариги бошига қараб юрди. Йўл-йўлакай, башанг кийинган сулув бир жувонни тўхтатди:

— Олманг тушди, қизим.

Жувон тўхтаб, тўрхалтадан балчиққа тушган олмага қаради, иккиланди.

— Лой бўлса, артиб ол, қизим, — деди чол. — Узимизнинг лойдан чиққанимизга кўп бўлгани йўқ, ирганма, қизим.

Ғайбаровнинг бирдан юраги орзиқди. Отасини эслади. Гўё у қайтадан болага айландиқ отанинг елкасига минди, сариқ бошмоқчали оёқларини типирлатди, бошмоқларидан отанинг тўнига лой юқди, ота бошмоқларни тўнига баттар ишқади, кулди: майли, болам, отаси бошқа лой-да...

Яна жувонга қаради.

Жувон қизарган кўйи ерга эгилди, балчиққа беланиб ётган нақш олмани олдию нозик бармоқлари билан арди, авайлаб арди, бамисоли зарини кўчириб қўйишдан кўрққандай... Қайтиб тўрхалтага солмади, қўлда тутганча растадан узоқлашди.

Жувон Ғайбаровга ёқди. У жувоннинг кўп қаватли бинонинг саноқсиз зиналаридан ҳориб тепага чиқишини, тўрхалтани эшик остига қўйиб, қалит ахтаришини,

кулфни очишини тасаввур қилди. Уйда ҳеч ким йўқ, у нимёруғ хонага кирадию қўлидаги нақш олмани столга қўяди, стол усти силлиқ ва ялтироқ, олма унда аксини топади...

Узига келиб, қаршида яна узумфурушни кўрди. Безовталанди.

— Алдаганим йўқ, — деди зорлангандай бўлиб. — Эсингиздан чиққандир, кечкурун пулни бир санаб кўринг, ака...

Узумфуруш у билан гаплашишни истамай, юзини тескари бурди. Ғайбаров бир зум танг бўлиб турга, бир қўлида узум солинган елим халтача, унисиди эски челақ, бошини ҳам қилиб растадан узоқлашди. Қўлидаги юкини ташлаб югургиси, қочгиси келди. Гўё бутун бозор ахли унинг ортидан қараб тургандай, гўё ҳамма уни бармоғи билан нуқиб кўрсатаётгандай эди...

Бозордан чиқиб, юкини қўйди, чўнтақларини тагин тинтиди, астарларигача ағдариб кўрди — беш сўмлик топилмади. Ғайбаровнинг кўнгли сал енгил тортди, қадди тикланди.

Катта йўл четидаги қабристонни оралаб, қазиш ишлари бораётган кенг далага чиқиб олди. Сийрак қамишзор ортида археологлар тиккан чодирнинг учи кўринди. Қамишлар тугаб, яйдоқ ер бошланди. Ғайбаров каттаю кичик саноқсиз чуқурларда бирорта ҳам одам йўқлигини кўриб ажабланди. Чодирнинг оғзи ёпик, узоқроқдаги икки баҳайбат соябоннинг таги ҳам бўм-бўш. Энди орқага қайтмоқчи бўлиб турганда чапдаги ясси тепалик тарафдан гўнғир-гўнғир овоз эшитилгандай бўлди. Уша томонга қараб юрди. Бориб, тепаликнинг нариги этагида қазилган каттакон чорбурчак чуқурда икки киши ишлаётганини кўрди. Аниқроғи, бир киши — йигирма уч ёшлардаги антрополог қиз Замира ишларди. Унинг қўлида эритма тўла шприц, чуқур четидаги хира суратлар битилган қадимий девор тупроғига қотирғич суюқлик шимдирмоқда эди. Иккинчи киши, кўзига қора кўзойнак тутган йигит, чуқурнинг узоқ бурчида, асбоб-ускуна солинган қути устида омонатгина ўтирарди. Ғайбаров биқиниб-роқ бориб чуқурга сакради. Замира чўчиб ўрнидан турди, қўлидаги шприц ерга тушиб кетди.

— Утакамни ёрдингиз!.. — деди у норозилик билан. — Нима бало, йилингиз мушукми, мунча сездирмай юрасиз?

— Келинг, Тошпўлат ака... — Қора кўзойнакли йигит ўтирган жойида қимирлаб қўйди. — Замира кетолмади, унга дардисар бўлиб ўтирибман.

— Парво қилманг, Қобил, — деди Замира. — Менсиз ҳам эплашади, кимдир бу ерда қолиши керак эди. Ғайбаров челақ билан халтачани ерга қўйди-да, бориб Қобил билан кўришди.

— Афсус, — деди у кулиб. — Сизларни нақ жиноят устида қўлга туширмоқчи эдим...

— Ҳай атанг, — деди Замира шаддодлик билан. — Сал кечикдингиз, Тошпўлат ака.

Ғайбаров узум солинган халтачани олиб, оғзини турмаклади, сўнг пешонасига шап эткизиб урди:

— Узум олиб, нон эсдан чиқибди!

— Нон бор, — деди Замира. — Қобил опкелувди.

У кераксиз сопол синиқлари тўлдирилган челакни кўтариб, чуқур четига тақаб қўйилган тахтадан юқорига чиқиб кетди.

— Мени эрталаб Самад ака опкеб ташловди, — деди Қобил ҳижолат чеккандай. — Сизни кўргим келди...

— Узингни оқлаяпсан шекилли, Қобил? — дея ажабланди Ғайбаров. — Қўявер, ошна, Замира менинг қайлиғим бўлсаям бир гап эди.

— Йўқ, — деди Қобил баттар каловланиб. — Мен бошқа гапни айтмоқчи эдим...

Замира оқ рўмолга ўралган иккита ширмой нон келтирди. Синдириб, Ғайбаров билан Қобилга улашди. Ерда ётган сумкачасидан иккита оқ олма ҳам чиқарди.

— Олмани қўйинг, — деди Ғайбаров, сўнг уларга



халтачадан узум олиб берди. — Нон узум билан яхши кетади.

• Ғайбаров узумдан бир донасини оғзига ташлади. Сал сўлиганроқ экан, у кутгандек тишлар орасида карсиллаб ёрилмади, лекин ширали эди, данаги ҳам йўқ.

Замира қўлидаги узумни еб бўлиб, лабларини артди. Уриндан турди. Ғайбаров узумни ҳам унутиб, қизнинг самбитдай тик ва нозик қадагига бир зум маҳлиё бўлиб қолди.

— Зўр! — деб хитоб қилди у. — Бундан ортиғи бўлмайди, Замира. Мевани пишигидан жуда ўтказиб юбориш ҳам яхшимас!

— Сиздан бошқа нимаям гап чиқарди! — деди Замира ўпкаланиб.

— Тўғриси айтяпман-да.

— Бўлди, Тошпўлат ака, бас қилақолинг, — деб жаҳлланган бўлди Замира, лекин жаҳли чиқмади, лабларига кўнган кулгини яширмоқчидек истаб юзини бурди.

— Чиройли аёлларни кўрганда миямга ғалати фикрлар қуйилиб келаверади, — деди Ғайбаров баттар авж қилиб. — Бирам дадил, бирам хур фикрларки, юрагим тарс ёрилай дейди!..

— Бунақа хур фикр учун сизни тошбўрон қилиш керак, — деди Замира жилмайганча.

— Мунча золимлик! Ким у, мендан ростгўйроқ бўл, деб талаб қиладиган?..

— Ростгўйлик ҳам эви билан-да...

— Нима, сал ошириб юбордимми? — деб талмовсирари Ғайбаров.

— Рост гап одобга зид келмаслиги керак.

— Алвидо, хур фикр, асов ғалаён!.. — деб хитоб этди Ғайбаров кўлларини намойишкорона ёзиб. — Рост гапни доим таъқиб қилишган. Уни деб одамларни ўлдиришган, ёқишган, тириклигини терисини шилиб олишган... Қуръон, Таврот, тўртта Инжил, Талмуд ва саноксиз вэдалар! Шариат ва инквизиция, минг хил таъриқ!.. Хур фикрга омонлик борми ўзи?

Замира ортиқ кулмай қўйди.

— Бас энди, — деди озорланиб. — Нега ўзингизни майна қиласиз? Ахир, сиз аслида бунақа эмассиз-ку?

— Йўқ, худди шунақаман, — деди Ғайбаров қовоғини солиб. — Одамзод ақлдан озган-нетган бўлмаса, ўзининг тошини ўзи билади. Қўлтиққа сув пуракаб нима қиласиз, мен шу билан яхши бўлиб қолардимми?..

У жим қолди. Замира афсуслангандай бошини сараклади, лекин сўз демади, лабларини қаттиқ тишлаганча чуқурдан чиқиб кетди.

— Узумдан берайми, Қобил? — деб сўради Ғайбаров.

Бир чеккада мунғайиброқ ўтирган қора кўзойнакли йигит отини эшитиб андак жонлангандай бўлди.

— Раҳмат, мен тўйдим, — деди у. — Ширин узум экан. Бир марта Йўлдош Паркентдан бир сават шунақа узум опкелувди, қора кишимиш...

— Буюм ўша тарафдан чоғи, — деди Ғайбаров эриниброқ. — Шу Йўлдош сабаб, доим паркентликлардан узум оламан. Ёдингда бўлса, у уйланганда тун бўйи базм қилдик, кейин эрта тонгда йўлга чиқдик, ҳали қоронғи эди, ҳар қадамда одам, биқинида узум солинган сават, машина кутиб ўтирарди...

— Тоғ райони-да, — деди Қобил. — Уларнинг ризқи рўзи ишқомга илинган. Ушанда Шоир бизни таксида опкелган.

— Китоби чиққан эди, пули кўп эди, — деб эслади Ғайбаров. — Унда ҳаммамиз ёш эдик.

— Ҳалиям ёшмиз, — деди Қобил руҳсизгина.

— Узуми ўша тарафдан, лекин сотган одами Йўлдошга сира ўхшамайди, — деди Ғайбаров. — Мени ёмон уялтирди, хайриятки, битта чол бор экан...

— Қанақа чол? — дея тушунмай сўради Қобил.

— Яхши чол, — деди Ғайбаров.

У Қобилга бозордаги можарони айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин фикридан қайтди, яна кайфияти бузилшидан қўрқди. Узум солинган халтачани четроққа, соя жойга элиб, қўлига чўтка олдию Зами-

ра қолдириб кетган эски идишни тупроқдан тозалашга тутинди.

— Тошпўлат ака, у қанақа хур фикр эди, Замира хафа бўлди? — деб сўради Қобил бир муддат ўтгач.

— Хафа бўлди, деб ўйлайсанми?

— Мен сездим, ҳазилга олди-ю, лекин кўнгли оғриди, — деди Қобил.

— Э, қанақа фикр бўларди? — деди Ғайбаров. — Бўй-бастига қараб, ўзинг билган ўйни ўйладим. Гапга кашта чекишнинг нима кераги бор? Замира яхши қиз, инсофли, бекорга тирғалмайди. Менга шундай қизлар ёқади.

Қобил қаншаридан кўзойнакни олди. Унинг қабоқлари оппоқ, кўзлари яшилга мойил, жуда чуқур, жуда тиниқ ва бутунлай жонсиз эди.

— У чиройлидир, Тошпўлат ака? — дея секингина сўради у.

— Нима десам экан... — деди Ғайбаров чайнаиб. — Гапнинг рости, мен ундан чиройлироқ аёлларни ҳам учратганман. Ҳақиқат — ҳуснда эмас.

— Рашкинги келди, — деб кулди Қобил. — Замира чиройли. Овозидан ҳам билинади. Сиз шу қизга уйлансангиз бўларди, Тошпўлат ака.

— Мана, сен уйлангансан, уйланиб бирор ҳикмат топдингми? — Ғайбаров гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди. — Бу ёғи бола-чақа, ташвиш...

— Ташвишсиз бўларканми, — Тошпўлат ака? Мазлума яхши аёл, усиз бирор кун ҳам яшолмасдим.

— Чарчаганинг йўқми, биз ҳали кўп ишлаймиз?

— Йўғ-э, мен кетмон чопмасам, қуруқ гап сотиб ўтирибман-да.

— Майли, озгина дам олак, уйқуни яхши кўрасан-ку. Ғайбаров уни чуқурдан етаклаб чиқди, нарироқдаги чодирга бошлаб кириб, йиғма каравотлардан бирига авайлаб ўтқазди.

— Мен бораё, ҳадемай кун қизиб кетади. Ҳарна, нониними оқлашим керак...

— Озроқ ўтиринг, Тошпўлат ака, — деди Қобил унинг қўлини қўйиб юбормай: — Ухлагим келмаяпти. Оғирим тушяпти, кечирасиз, лекин озгина ўтиринг...

— Қиз болага ўхшама, Қобил, — деб жеркиди Ғайбаров, бироқ кетмади, Қобилнинг ёнига чўкиб, елкасидан секин кучди. — Ҳай, майли, иш бўлса қочмас, икков аввал бир хиргойи қилайлик...

— Менга ачинасиз-а? — деб сўради Қобил.

— Йўқ, ошна, — деб ёлғонлади Ғайбаров. — Кел, изҳори дил қилиб ўтирмайлик. Биз аввалгидай ошнамиз, Қобил, ортиқ ҳам, кам ҳам эмас. Бугун ўзи шундай... кайфият йўқроқ. Кайфиятни ўғирлашди. Бозордаги чол муваққат ажрим қилди, ҳақиқатни маҳшарга қолдирди. Яхши чол, Қобил, унақалар ўтиб кетаётгани ёмон, дўстим, ким билади, сену мен уларнинг ўрнини босамизми, йўқми...

— Қанақа чол эди ўзи, боядан бери шуни гапирасиз?

— Яхши чол, — деб такрорлади Ғайбаров. — Шум чол, кўнгли нозик, одамларни билади. Э, қўй қўшигини айт, ошна! Анави... «Тановар»ингни айт!..

Қобил унинг сўзини ташламади, бошини қуйи эгганча бир-икки томоқ қириб, «Тановар»нинг ўртароғидан, ўзига энг маъқул байтдан бошлади:

**Оқ илон, оппоқ илон,  
Ойдинда ётгонинг қани!  
Мен ёмондан айрилиб,  
Яхшини топгонинг қани!..**

Қобилнинг свози Ғайбаровнинг кўнглида ғалати ўйлар уйғотди. Гўё бу овознинг ортида яна овозлар бордай туюларди. Гўё бу овоз қўшиқнинг ўзи каби қадимий. Йўқ, сал ўзгачароқ, шундай бир овоз бўлганки, у дастлаб тўлиб-тошиб бўзлаган одамнинг бўғизидан чиқиб, лафзма-лафз кезган ва бу кун Қобилнинг кўнгли қатларига чўккандай. Бу овоз ва бу оҳанг шунчалар қадимийки, манави саргайиб ётган дала, қирлар, қадамлар узлиб, йўллар қирқилиб чўккан соқов сукунат завворига чиқолмай ер бағрига кирган кўхна

шаҳристон, унда мангулик даъвоси билан аср сайин бодраб чиқиб, сўнг яна барбод бўлган не-не салтанатлар, бозорлару карвонсаройларнинг минг бир лаҳжаси, не-не гўзал аёллару саодатманд эрларнинг безавол орзуларидан жонсиз бир осор, бир парча улги бўлиб оқланган бу кўҳна девор излари унинг олдида ҳеч нарса эмас...

Девордаги суратлар ҳам бекор. Уларни қотириш, сақлаш мумкин, лекин жон ато этиш қийин. Уларга қадим одамларнинг нафаси етишмайди.

Айни дамда жисмини титратқан зориқиш Ғайбаровга ҳар қандай моддийликдан аълороқ туюлди. Уйладики, оҳанг руҳ туйғайли тирик, руҳ туйғайли тиниққан, бева кўз ёшдади пок, асрдан асрга, бўғиздан бўғизга ўтиб юрибди. Кўшиғимиз ҳали тирик деб ўйлади у, ўйлагани баробар кўнгли юксалди. Кўшиғимиз тирик, ундаги аргумоқлар дупури, даштлардаги метин қўрғонларимиз, улар устида сарсари кезган гезарик ойимиз, аждодларнинг кўчманчи ва ҳур йўсини ҳам тирик.

Ва секин пичирлади: яна минг йиллар ўлмасин, ўлганда ҳам одил авлодлар тилида минг бора зиндалар бўлсин!

Бирдан юраги тўлиқди, чодир ичида ортиқ ўтиролмади. Ташқари чиқиб, дашт ҳавосидан тўйиб нафас олди.

Қобил чодир ичида кўшиғини айтаверди. Унга ҳозир бировнинг кераги ҳам йўқ эди.

Ғайбаров чуқурга қараб юрди. Замира у ерга қайтган, қўлида пичоқ, бир парча ерни кичик катакларга бўлиб, юзасини оҳиста қирқиб олмоқда эди.

Шаҳар йўлида машина кўринди. Ҳаял ўтмай, бўёғи ўчинкираган қизил «Москвич» чанг-тўзон эргаширганча елиб келдию чодирдан сал берироқда тўхтади. Ундан кўзлари йирик, қирғийбурун, қадди-баста келишган йигит тушди.

— Ассалому алайкум, Ғайбаров! — деди у гулдираган овоз билан. — Қаёқларда юрибсан, оғайни? Тинчмисан ўзи?

— Тинчлик, — деди Ғайбаров унга қўл узатиб. — Мен бекор ўтирибман, Замира ишлаяпти. Қобил шу ерда... Юрибмиз, Замида оғайни.

— Зерикмаяпсанми, ишқилиб? — деди Самад овозини пасайтириб, сўнг Замира ишлаётган тарафга имо қилди. — Балосан, Ғайбаров!..

— Унчаликмас, — деди Ғайбаров. — Эшитдим, эрталаб келган экансан. Узингда бир гап бор, серқатнов бўлиб қолдинг.

— Қўйсанг-чи, — деб қўл силтади Самад. — Болачақали одамман-а!.. Эрталаб Қобилни опкелувдим. Далага жуда ўрганиб қолибди, сен бу ердан кетсанг нима қиларкан? Уни олиб кетмоқчи эдим. Кечқурун вақтим бўлмас экан. Болаларни қайнонага ташлаб келганман, бориб опкелиш керак.

— Мен қоламан, Самад ака! Сиз айтинг, Тошпўлат ака, мен ўзим ҳам кетавераман!

Ғайбаров овоз келган томонга қаради. Қобил чодир эшигидан чиқиб, ичимлик сув солинган цистернанинг филдирагига суяниб турарди.

— Майли, қолаверсин, — деди Ғайбаров Самадга қараб. — Узим элтиб қўяман.

— Хотини тайинлаб юборди, — деди Самад. — Ҳа, яна бир омонат гап, Ҳайкал Ғаниевич, сени эртага эрталаб бир кириб ўтсин, деди.

— Нима иши бор экан?

— Бунисини айтмади. Мажлисми, лекциями...

— Мен командировкадаги одамман, лекцияга бало борми! — деди Ғайбаров.

— Айтинг, инсоф қилишин, Самад ака, — деди Замира чуқурдан чиқиб келиб. — Бутун бошли экспедициядан уч-тўрт киши қолдик. Биттаси шаҳарда, унис ёш болали. Бошқалар районга чиқиб кетишди. У ёқда канал қазिशаркан, археологлар сува ўтадиган пастқамдаги қабристонни кўчириб беришади.

— Колхозчилар билан ирригаторларнинг ўзи-чи? — деди Самад.

— Колхозчилар ирим қилишади. Ирригаторларга план керак, планлари бўлмаганда ҳам, умумий тартиб-

ни билишмайди, қабристонни бульдозер қўйиб суришлари ҳам мумкин.

— Унчалик бўлмас керак, — деди Самад ишончирмай. — Сизлар қандай кўчирасизлар? Иззат-икром биланми!..

— Ҳа, — деди Замира. — Биз марҳумларни иззат билан кўчирамиз.

— Бўпти, биз кетдик, — деди Самад тўсатдан шошиб.

— Мен қоламан, Самад ака, — деди Қобил. — Бир амаллаб етиб олармиз.

— Майли, мен кўнай, лекин келинга ваъда берувдим, унга нима дейман? — Самад танг қолиб ер тепинди. Кўзи оёқлари остида турган топилдиқ идишга тушиб, уни қўлига олди. — Бугун қилган ишларинг шуми? — деди Ғайбаровга қараб.

— Бориға барака-да. — Замира келиб, унинг кўлидан идишни олди. — Эҳтиёт бўлинг, нозикроқ матоҳ...

— Кўриб турибман, — деди Самад қизнинг муомаласидан ранжиб. Кейин киноя қилди: — Бу ерда қоровул-поровул йўқми? Булар кетса, ёлғиз қоласиз-ку? Ўғирлаб кетишмасин!..

— Ўғирлашмайди, — деди Замира пичоқ тўла челака ишора қилиб.

— Буларингиз ўтмас...

— Сиз келгунча чархлаб оламан!..

— Бир гапдан қолинг, Замира, — деди Ғайбаров босқикли билан. — Яхшиси, шаҳарга бориб, анази химикларга айтинг, учинчи чуқурдаги суратларни кўчириб олишсин, офтобда жизғанак бўлиб ётибди.

— Сизга нима оғири тушяпти? — деди Замира Ғайбаровнинг гап оҳангидан норози бўлиб. — Улар ҳам нонни кўзи билан емайди, ўзлари тушүнишар. Шусиз ҳам оқ кўйлагу мўтабар исломни маҳтал қилиб кўйдингиз...

— Кетайми? — дея зарда қилди Ғайбаров.

— Ихтиёрингиз, — деди Замира. — Сизни мен чакирганим йўқ.

У қовоқ уйиб, сал нарига бориб турди. Гўё Ғайбаровнинг кетишини кутаётгандай, қатъиятли, жиддий. Ғайбаров уни йўқотиб қўйиши мумкинлигини сезди, шоша-пиша, салгина ялтоқланиб, орани ҳазил билан юмшатишга уринди:

— Бекор қиялмасиз, Замира. Ғайбаровлар ҳар қадамда экиб қўйилгани йўқ.

— Ғайбаровсиз ҳам бир кунимиз ўтар!..

— Аёлларнинг гапига «хўп» десанг дегин-у, лекин асло ишонма, Ғайбаров, — деди кулимсираб Самад.

— Сафсатабозлар! — деди Замира жаҳл билан, лекин бари бир, кўпга дош беролмади, илжайди, оғзини кафти билан тўсди. — Э, боринглар-э, сизлар билан баробар бўлиб ўтираманми!..

— Балли! — деди Ғайбаров. — Аёл киши ўз ҳаддини билгани тузук. Нима дединг, Самад?

— Ҳаддингдан ошаверма, Тошпўлат, — деди Самад овозини пасайтириб. — Аёл киши бир ёмон кўрмасин, у ёғи чатоқ, умрбодлик деявер...

Замира Қобилни жўнашга кўндирди чоғи, машинага олиб бориб ўтказди, ўзи яна чуқурга қайтди.

— Ёлғиз қолясан, Тошпўлат, қиздан эҳтиёт бўл, — деди Самад.

— Ярашадиган гапни гапирсанг-чи!

— Ҳазил, ҳазил... — Самад ёни билан сурилиб келиб, Ғайбаровнинг елкасига туртди. — Хафа бўлма-ю, лекин сал галатиросан. Сену менга манави чуқурларнинг ҳеч кераги йўқ, ўзимизнинг номимиз ҳам етиб ортади. Бу қиз тўғри айтади, уларга даҳлинг камроқ. Нимани ахтараётганингни билмасанг қийин.

— Билмасам, ахтариб юрмасдим, — деди Ғайбаров. — Лекин ниманидир топсам ҳам ажабмас.

— Топибсан чоғи? — деди Самад Замира тарафга ишора қилиб. — Умуман, дидинг чаккимас, Ғайбаров.

— Сен ўқиган мактабда ҳеч одоб ўргатишмаган, — деди Ғайбаров.

— Энди кеч, Тошпўлат, — деб кулди Самад. — Хўп, яхши қол. Уйга бор, кеча Саида сўраётувди.

— Борарман кейинроқ.

Самад машинага кириб, моторни ўт олди. Ғайбаров орқа ўриндиқда кимириб этмай ўтирган Қобилга қаради ғалати бўлиб кетди. Уни олиб қолса ҳам бўларди, деб ўйлади, овунарни, бизга оғири тушгани йўқ эди... Йўқ, бу меҳр эмас, шунчаки Қобилга ичимиз ачийди, унинг кетгани ҳам тузук, зўрма-зўраки шафқат кўрсатганда ўзинг ҳам аянчи бўлиб қоласан... Шундай, дўстим Ғайбаров, деди ичида, эслаб кўрсанг, бир пайлар соз эди, ўйламадинг, ўз ҳолингча ғимирлаб юрардинг — кўчаларда, кафеларда, кутубхоналарда... Унда Замира ҳам йўқ эди, Қобил ҳам соппа-соғ, унинг шўхлигио кўркамлигига ҳамманинг ҳасади келарди. Қизлар унинг бир нигоҳига интиқ, буни туш кўриб чиқишар эди. У эҳтиёт бўлиб қарарди, синарди, танламоқчи бўларди, лекин энди — танлаб бўлганида бу аҳвол, хайриятки, танлаганда янглишмаган экан: Мазлума ташлаб кетмади, ўтирибди, дўхтирларга қаратяпти, узоқ шаҳарларга элтиб кўрсатмоқчи, ҳар ҳолда, дунёда умид деган нарса бор, қутишу интизорлик бор, инсоф ҳам йитиб-йўқолмаган, шуларни ўйласанг, йўғлагинг келади, лекин сен йўғлаганда, йўғлаб ўтирганингки сезадиган бирор жон борми, Ғайбаров?

Кўз олдида боя бозорда кўргани — ҳориган сулув жувон сиймоси гавдаланди. Жувон зиналардан судралиб чиқади нимқоронғи хонадаги столга бир донанакш олмани кўяди...

— Учинчи квадратга ўтамиз, Тошпўлат ака! — Замиранинг овози хаёлини бўлди.

Икковлон топталган ўт-ўланларни босиб, кўҳна шаҳристон четига қараб юришди. Учинчи квадрат деганлари қадимий қабристон бўлиб, Замира билан Хосият исми яна бир палеантрополог қиз асосан шу ерда иш олиб боришарди.

— Хосият кеча сўраб қолди, — деди Замира. — «Нега файласуф биз «гўрковлар» билан юрибди?» дейди.

— Илмий командировка эканини билмасмикан?

— Билади... Лекин тушунолмади. Тўғриси, мен ўзим ҳам тушунмайман.

— Ҳайкал Ғаниевичнинг хоҳиши билан келдим, — деди Ғайбаров, — у менга ёрдам бермоқчи, мен доктор бўлсам, унинг ҳам обрўси ошади. Очиғи, бу иш менинг ўзимга ҳам ёқиб қоляпти, мана, сиз борсиз...

— Муҳаббат изхор қилмоқчимисиз? — деб сўради Замира қовоғини солиб.

— Йўқ, — деди Ғайбаров. — Кап-катта одам, энди уяламан...

— Бекор қиласиз, — деди Замира. Ғайбаров унинг нима демоқчилигини тушунмади. Бу орада кўҳна қабристонга — чор бурчагига қозик қоқилиб, каноп ил билан тўсиб қўйилган майдонга чиқиб олишди. Замира четроқдаги очилган гўрлар устига ташланган брезент матони кўтарди. Қўлидаги халтачасидан кичкина фотоаппарат чиқариб, ерда ётган чаноқ суякларни ва чириган устихонларни суратга ола бошлади. Ғайбаров уни жимгина кузатиб турди — қиз жиддий эди, гўё бояғи қочириқни у эмас, бошқа биров айтгандай.

— Чаноқ суякларини олиб кетамиз, — деди Замира аппаратни халтачага солиб. — Қолганлари чириган, тиклаб бўлмайди.

Ғайбаров ўзига яқинроқ жойда ётган бош суягини олиб қаради.

— Буям чириб битибди-ку?

— Қолганлари тузукроқ, — дея таскин берди Замира. — Тиклаб оламиз, сиз менга ёрдам берасиз. Қиз калла суягини қоғоз халтага солиб, бир чеккага қўйди. Қолган чаноқларнинг ҳар бирини алоҳида қоғозга ўраб, устидан қалам билан қайси гўрдан олиганини белгилади, сўнг ҳаммасини каттакон каноп халтага жойлади.

— Кўтаринг, Тошпўлат ака, — деди. — Институтга элтамиз. Манави ночорроғини мен қўлда опкетаман. — Мени синамоқчи бўляпсиз-да?

— Нега? — дея ажабланди қиз. — Нордай йигит қолиб, қиз бола халта орқалаб юриши яхшими?

Ғайбаров норози ғудранган қўйи халтани елкасига

олди. Этим жимирлашса керак, деб кутган эди, ҳеч сесканмади, шунчаки юк, жуда енгил, лекин сел қаттиқроқ устихонлар этга ботади.

Қабристонни оралаб ўтган сўқмоқ йўлдан қайтишди. Қабристон обод эди. Ҳамма гўрларнинг устида мрамар тошлар, ёзувлар, йўл четларида ўриндиқлар, бесар ўсадиган ажриғу алафлардан асар ҳам йўқ, ҳар тарафда қулф урган атиргуллар серпарвариш, сербарг... Қабрлар тепасидаги жез ҳиллоларга зарҳал берилган.

— Озгина дам олайлик, — деди Замира. — Бу ер салкин экан.

Ғайбаров халтани елкасидан қўйиб, четга, эскироқ қабр ёнига ўтирди.

— Ҳадемай, бутунлай дам олгани шу ерга келамиз, — деб гап бошлади у жим турмаслик учун. — Опкелиб, иззат-икром билан кўмишади, кейин...

— Қўйинг, Тошпўлат ака, — деди Замира жиддий. — Бу гапларни бошқа қизларга айтсангиз бўларди. Касбимиз курсин, на мен, на Хосият, бунақа гаплардан кўрқмайдиган бўлиб қолибмиз. Хафа бўлмайсиз энди...

У Ғайбаровнинг оғзига ургандай бўлди. Йигит унга хушламайроқ қаради. Йўқ, шунчаки бир қиз, кўримли, нозик, лекин ҳамма қатори фақат бунинг ҳайратланмаслиги ёмон, бошқа аёл бўлганида ваҳимага тушарди, нозларини, бу эса, оғзингдан калом чиқса бас, ўтирган жойингга михлаб қўяди. Ўзига жуда ишонса керак. Лекин ундай десак, ўзига ишонган аёлнинг димоғ-фироғи қани?..

Ғайбаров дўстлари даврасида баъзан қабристон ҳақида «нутқирод қилиш»ни хуш кўрарди. Бундай нутқларнинг биринчиси ҳам қабристонда айтилган. Бу ерда эмас — Самарқандда, Афросиёбнинг гилтурпоқли қирларидан сал берида, Хўжаи Хизр мачити ортидаги қабристонда. Икки киши эдилар — Ғайбаров ва Шоир. Шоир унда тузукроқ танилмаган, танилишни истаб, яхши шеърлар ёзиб юрар эди. Афросиёбдан қайтатуриб, қабристонда, кичкина бир гужум тагида дам олгани тўхташди. Шоир балоғи биргаз шимининг тиззасини тепага тортиб ўтираркан, секин сўзланди:

— Мозорларимиз жуда хароб-да, Ғайбаров ака. Бизда гўристонни ҳеч обод қилишмайди.

— Сиз ўлганда чўнтакка бирор минг сўм солиб кетинг, Шоир, — деди Ғайбаров. — Балки, нариги дунёда ободончилик ишларига сарф қиларсиз.

Шоир ҳамроҳининг гапини ҳазил фаҳмлаб завқланди. Завқи зўр эди, зўр бўлгандирки, у яна бир ҳафта ўтиб, Ғайбаровнинг кўз ўнгида, ундан эшитган ўша гапини Тошкентдан келган Самад билан Абдували Соқолга такрорлади: «Ҳар биринг минг сўмдан жами икки мингни чўнтакка солиб кетинглар, у дунёда харж қиласизлар». Кейин у бировнинг гапини ўзгартириб такрорлаганидан уялди чоғи, ўзидан ҳам озгина кўшиб қўйди: «Майли, мен ўзим иккита ҳамён совға қиламан». Ҳамёнлар ҳақидаги гапдан сўнг кўнгли очилди, ўзининг ҳам зўқолигини сезди, Ғайбаровга менсимгандай назар ташлади...

Бу хил гаплар негадир шавқли эди. Улар негадир Ғалатепани, мозорга борадиган йўлнинг икки тарафида дўппайган эски дўнгликларни эслатарди. Энди ўйлаб қаралса, зеркиш ўшандаёқ бошланган экан.

Замира бу гапларни билмайди, лекин негадир билишни истайсан. Ҳаёт қизиқ: бегоналар қадрдонларга айлангани, бас, билгинки, сен ҳам кимгадир бегонасан, ammo бегоналарга эмас, эски қадрдонларингга: Шоирга, Самадга, бошқаларга...

Бу ёғи нима бўлади? Мана, ҳозир Замира билан қабристонда дам олиб ўтирибсан. Эски бир манзаранинг такрори — Афросиёб, Хўжаи Хизр, ўзга бир қабристон ва соддадил Шоир. Айтилаётган гаплар ҳам ўша-ўша.

Ғайбаров бу ёғи нима бўлишини ҳам тахминан биларди. Бирор беш дақиқа ўтиб, улар қабристондан чиқишади. Ғайбаров одат бўйича, дарвоза ёнида ўтирадиган сангтарош чолга салом беради, чол ҳам одатини қанда қилмайди, яъни мусулмони одилларнинг

хилхонасида қиз болани эргаштириб юрган кимса саломига алик олиб, лафзини булгагиси келмайди. Сўнг улар катта йўлга чиқиб, йўловчи машиналарга қўл кўтаришади. Киракаш таксичи тўхтади. Замира орқага, Ғайбаров каттакан халтаси билан олдинга, шофёрнинг ёнига ўтиради. Сал юришгач, Ғайбаров орқага ўгирилади ва секин ҳазил қилади: «Буларгаям ҳақ тўлаймизми? Бечоралар минг йил олдин яшаб ўтишган, тақсида юриш ҳаёлларига ҳам келмаган бўлса керак?» Замира илжаяди. У Ғайбаровнинг бу бемаъни ҳазилини роса ярим соат олдин ҳозирлаб, орқа-олдини тарашлаб, таҳрир қилиб қўйганини билмайди, секин илжаяди. Шофёрнинг қўлоқлари динг бўлади: «Яна кимга ҳақ тўлайсиз, оқа?» Бечоранинг қўли рулда, орқада ўтирган Замиранинг қорнига қараш қийин, Ғайбаровга кўз қирини ташлаб, омадли экан, занғар, шундай сулуви илантирибди, деб ўйлайди. Йигитнинг оёқлари орасида ётган халтага эйтибор ҳам бермайди. Ғайбаров унинг елкасига туртиб халтага ишора қилади: «Унта одамнинг калласи, оғайни!» Шофёрнинг кўзлари олайиб кетади, дудуқланади: «Йўғғ-э, оока!..» Замира унинг қўрқоқлигидан кулади: «Биз археологмиз, шофёр ака, бу киши ҳазиллашяпти», Шофёр ишонмайди, энди ишонай деганида Ғайбаровнинг навбатдаги гапидан баттар ҳуши учади: «Эски замонда ҳам одамлар тилла тиш қўяркан, оғайни!..»

Тоштарош чолнинг ғазаби, таксичи йигитнинг қўрқуви — булар бариси қизиқ туюлади. Фақат бир нарса, ҳали чолни ҳам, таксичини ҳам кўрмасдан бурун, қабристонда нафас ростлаб ўтирган пайтдаёқ завқли туюлган ёмон. Ғайбаровнинг завқи доимо чала қолади. Мабодо у кўп қаватли бино зиналаридан судралиб чиқсаю ҳаёлда бир эпкин, орзуи омонат бўлиб яшаётган ўша ҳорғин ва сулув аёлни — топса, муроди ҳосил бўлармиди?..

Нега у сулув ва ҳорғин? Нега, дейлик, Замирага ўхшамайди? Ахир, Замира яқинроқ-ку, шундоқ ёнида, қўл узатса етади?..

Чамаси, кўнгил қариб боряпти. Жўнроқ бўлиш пайти келганга ўхшайди. Қаршинда ўтирган қиз бир соат кейинги умрини бундан ярим соат олдинроқ яшаб улгуришга одатланмаган, айтадиган гапларини ҳам аввалдан тўқимади, пардоз бермайди, у ҳар бир

деқиқани яшайди, хомхаёлу сафсаталарга вақти ҳам йўқ, демак, сен шунчаки бекорчисан, сен учга ҳасад қиласан дўстим Ғайбаров...

— Бу ёруғ дунёда бир ошиқ бор эди, Замира, ўша келиб маҳбубасининг дарчасини чертди. — Ғайбаров қабр тошини чертиб кўрсатди. — Ичкаридан сўроқ сўрашди: кимсан? Ошиқ айтди: очақол, бу менман. Маҳбуба айтди: кетавер, бу ерда икки кишига макон йўқ. Ошиқ ноилож чўли биёбонга чиқиб кетди. Бирор йил ўтиб, яна қайтиб келди, яна дарчани чертди, яна ичкаридан сўроқ сўрашди: сен кимсан? Ошиқ айтди: оч мен — сенинг ўзингман. Шунда дарчани очиб, ошиқни ичкарига қўйдилар...

— Шунча узоқ ўйлаб юрибдими? — деб кулди Замира.

— Ҳа-да, илгари одамларнинг ўйлашга фурсати кўпроқ бўлган шекилли.

— Қизиқ, чўпчак экан,— деди Замира.— Узингиз тўқидингизми?

— Йўқ, — деди Ғайбаров. — Жалолитдин Румий тўқиган. Лекин бечора ошиқнинг узоқ кутгани рост.

— Унинг ўзи «Ичкарида ким бор?», деб сўраса бўлмасмиди?

— Бўларди-ю, чўчиган-да, — деди Ғайбаров айёрон кўз қисиб. — Ичкарида бошқа одам борлигидан қўрққан.

— У ерда ҳеч ким йўқ бўлса-чи? — деб кулди Замира. — Шунинг учун дашти биёбонга чиқиб кетиш шарт эканми?

— Билмасам, — деб елка қисди Ғайбаров. — Ростдан ҳам ичкарида бошқа одам йўқми?

— Ким билади, — деди Замира кўзларини олиб қочиб. — Балки у ерда ҳеч ким, балки маҳбубанинг ўзи ҳам йўқдир...

— Ошиқнинг ҳолига вой экан!.. — деди Ғайбаров ўрнидан туриб. — Кетдик!

У қабристон дарвозаси томон юрди.

— Қаёққа? — деб қичқирди Замира унинг ортидан. — Халтани ким кўтаради?

Ғайбаров истар-истамай ердан халтани олди. Қабристондан чиқар жойдаги тоштарошлик устахонаси берк, кўргазмага қўйилган тош битиклар ҳам кўринмас эди.

## 6. САМАД

Саккиз йил бурун, март ойининг бошларида, душанба куни Самад дўсти Ғайбаровга калитини бериб, уйига жўнатди: сен бориб чой қўятур, мен тезда келаман.

Улар иккиси ҳам фан кандидати, иккиси ҳам бўйдоқ, шаҳар бир, давра бир, хуллас орадан қил ўтмас ошна эдилар.

Ғайбаров унинг уйига борди, лекин қўлфга калит солиб улгурмасидан эшикни Самаднинг ёшгина маҳбубаси очди. Маҳбуба чой дамлади, дастурхон ёзди, кейин, Ғайбаров у билан тинчгина гаплашиб ўтирганида Самаднинг ўзи, хиргойи қилибми, хуштак чалибми («кўнгил сокинлигига ишора!»), кириб келди. Маҳбубаси бегона одам билан апоқ-чапоқ гаплашиб ўтирганини кўриб, гўё тилдан қолди, қизарди, бўғилгандек томоғини ушлади, сўнг қандайдир шилимшиқ сўзларни «туфлай» бошлади. Гаплари тарқоқ эди, бирор маъно аналтмасди — ғазабланган, ақлини йўқотган, рашқдан олов бўлиб ёняпти, сўзларнинг маъноси ва яхлитлиги ҳақида ўйлашга имкон йўқ.

Ғайбаров аввалига довдираб қолди, ҳатто ўзини айбдор ҳис қилди, сўнг рўпарасида руҳсиз ўтирган аёлга қаради, унинг алами ва изтиробини — ҳайратга ўрин қолмаган эди — кўрдию ҳамма гапга тушунди. Лекин у Самадга ҳалал беролмади, ўрнидан шартта туриб, унинг башарасига тушириш туғул, кўзларига тик боқишдан қўрқди. Сал ўтиб, кўнглида ожиз бир

шодлик уйғонди: парво қилма, синглим, қайтага сенга соз бўлди, муҳаббат-пуҳаббат деб юрма, яралар тез битиб кетади, минг марта шукр қил, Самад билан бир умр қолмаганинга, тўкилмай қолган ёшларинга, ситилмаган жигаринга шукр қил, синглим, шукрона кўнглини тўйдиради!..

Самад бўғзига тикилган ҳамма сўзларни айтиб, ҳалқумини бўшатди. Қиз ўрнидан турди, каноп тўрвачасини қўлга олди, ўзи келиб супуриб-сидириб юради-ган озода хонага бир қур кўз югуртирди, сўнг тек ўтирган Ғайбаровга қаради, унга нимадир демоқчи бўлди, лекин фикридан қайтди («бариси бир гўр!»), ҳеч сўз демасдан чиқди-кетди.

Самад қизнинг ортидан чопмади, юзида хижолатга ўхшаш бир нима кўриндию йўқолди, Ғайбаровнинг кўзларига тик қараб, гўё шу сўз билан дунё устидан ҳукм чиқаргандай қилиб:

— А б л а х м а н, — деди.

Ғайбаров ўша заҳоти, Самад ўзини аблаҳ атаган пайтда, ҳали ҳайрати сўнмасдан туриб, уни тушунгиси келди, тушуниб кечирмоққа шайланди...

Лекин Самад ўйламоққа фурсат бермади. Жон куйдириб ўзини оқлашга тутинди. Аблаҳман, дўстим, деди, асли бошдан адашдим, бошдан ўзгачароқ йўл тутиш керак эди: бу қизга жўнгина қилиб айтиш керак эди: жонимга тегдинг, менга ортиқ керагинг йўқ, ўқинингни ўқи, кейин қишлоғинга қайтиб кет. Лекин

мен бўшанглик қилдим, раҳмим келди, энди бўлса... мана шу, кўриб турганингдай... Оғир, менгаям оғир, мен ҳам уяламан, дўстим!

Самад узоқ вайсади. Ғайбаров жим ўтирди, кейин шарт ўрнидан турдию уйдан чиқиб кетди. Қайтиб оёғини босмайман, деб қасам ичди.

Эртаси куни Самаднинг ўзи келди, ердан кўз узмай ўтинди: илтимос, жўра, сен бориб гаплаш, тун бўйи мижжа қоқмадим, майли, мени нима десанг де, лекин сўзимни ташлама.

Ғайбаров борди. Қиз тўқимачилик институтида ўқир экан. Ғайбаровни кўриб очиқ юз билан сўрашди, кейин, сизга қўшмачилик ярашмайди, Тошпўлат ака, деди.

Самаднинг ўзи ҳам борди-ю, ноумид бўлиб қайтди. Яна борди, эртасига, индинига, роса икки йил йўлини пойлади, лекин қизга оғир боған экан, сўздан қайтмади, кейин Самад яна Ғайбаровга дил ёрди: «Энди нима қилай, жўра?»

Ғайбаров унинг аҳволини кўриб юрарди, ортиқ айблаб ўтирмади, маслаҳат берди: «Энди бошқа бирортасига уйлан, Самад».

Самад Маъсумага уйланди. Ғайбаров уларнинг тўйига борди, кейин қиз кўришганда Самадга қўшилиб туғруқхонага борди. Маъсума ичкаридан қизини кўтариб чиқди.

Самад хурсанд эди. Ғайбаров ҳам хурсанд. Ришталар қайтадан тикланган, таранг...

Самад Маъсума билан тотув яшаб кетди. Хотини, унинг қариндошлари, ҳамкасблари — ҳамма уни иззат қилади. Докторлиги ҳам тайёр бўлай деб қолган. Устозлари Ҳайкал Ғаниевич ҳам Самадни яхши кўради. Бутун бошли институтда биргина Самад Мансуров директор билан бемалол ҳазиллашади: «Эҳтиёт бўлинг, домла, мен доктор бўлсам, сиз ўтирган курс талаш бўлиб қолмасин!» Директор кулади. «Сиздан оладиганим шу-да, Самад Мансурович! Лекин, бир ҳисобда, сиз ҳам ҳақсиз, кекса авлод ўз иззатини билгани маъқул, майли, сиз доктор бўлаверинг кейин амал талашаверамиз...» У Самаднинг амал талашмаслигини билади, шу сабабдан, шунглини кенг очиб гапиради. Эҳтимол, сеvimли шогирди учун бирор кафедра очишни мўлжаллаб қўйган бўлса ҳам ажабмас.

Ғайбаров директор билан бундай гаплашолмайди, тили ёмонроқ, бўлар-бўлмасга қақиб олади. У бу азим шаҳарда ёлғиз одам — Самаднинг тўрт яшар қизчаси Саида билангина ҳадиксиз гаплашади. Улар қалин дўст, бир-бирига ёлгон сўзламайди. Онаси қизчани сал-пал қизганайди, лекин ғаш келганини ошқора билдирмайди. Фақат баъзида, қизча Тошпўлат амакисининг нақ елкасига миниб олганида ёки тепага, шифт баробар иргитишини талаб қилганида, уни одобга чақирган бўлиб, секин қулоғидан чўзади. Маъсума тушунган, оқ-қорани таниган аёл, Ғайбаровга ўчакишиб қизчани тергашдан наф йўқлигини билади. Шу боис ўзи ҳам ундан ўтказиброқ меҳр кўрगाзади. Лекин қизча билан Тошпўлат амакисининг дўстлиги бари бир мустаҳкам. Она бир куни эркалашлар оқибатини билмоқчи бўлиб, қизчадан секин сўраб кўрди: «Сен ҳам катта бўлганингда дўхтир бўласанми, қизим?» Қизча чўчиса ҳамки, болалигига бориб тўғрисини айтди: «Йўқ, ая, мен Тошпўлат амаки бўламан». Қизининг гапи қизик туюлиб, она кўнглига кек туголмади, кулди, бўлган гапни эрига айтди, эри — Ғайбаровга, Ғайбаров эса, бу гапни эшитиб, бирдан ғамгин тортиди. Бир кўнгли қизчани бағримга босай деди, лекин ийманди. Қизчанинг айтишича, Тошпўлат амакисининг бўйи жуда баланд, қўллари нақ хона шифтига етар экан.

— Бу уйларни қурган меъморларга ҳам балли, — деди Самад файласуфона сўлиш олиб. — Шифтнинг пастлиги боланинг тасаввурини ҳам чеклай бошлабди.

— Йўқ, айб менинг ўзимда, — деб кулди Ғайбаров. — Саида менга ўхшашни истар экан. Менда бўйдан бошқа тузукроқ фазилат бўлмаса, қизингга не айб?

Самад, Ғайбаровнинг қадрдон дўсти, бирга ўқишган, бирга ишлашди, турган гапни, унинг хулосасига

мутлақо қўшилмади. Хотини ҳам, энди қизчасининг бегонага бўлган меҳрига анча кўниқиб қолган, Ғайбаровнинг сўққабошлигини ўйладими, ҳар тугул, кўнгли товланиброқ гапирди:

— Кўйинг, Тошпўлат ака, бола деганингиз одамнинг яхши-ёмонини билади. Уйимизга сиздан бошқа ҳам қанча меҳмон келади, лекин Саида уларнинг бирортасига ҳам суйкалмайди-ку?

Самад хотинига кўз қисиб, гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди:

— Йўқ, Маъсума, Саида эмас, манави кап-катта амакисининг ўзи суйкалади. Асли булар бир-бирига жуда ўхшайди, иккови ҳам хаёлпараст, иккиси ҳам аразкаш, бўлмаса, биз ҳам бола бўлганмиз, лекин мен умримда бирор марта қўшнимиз Сокина хола бўлишни орзу қилмаганман. Мана, сен дўстим Ғайбаров, ҳадемай профессор бўласан, унвонни олиб, яна бирор ўн беш йил кутиб турсанг, Саида ҳам кап-катта қиз бўлиб қолади...

Ғайбаров дўстининг қалтис ҳазилидан ўнғайсизланди. Уйланмаса бўлмаслигини сезди. Йўқса, ошналар нақ қулоқни тешиб юборишади. Ҳар ҳолда, рўзгорининг афзалликлари ҳам бор, келганинга овқатинг тайёр туради, кийиминг доим ювилган, овқат билан тоза кўйлакка озгина меҳр ҳам қўшилса борми!..

Гапнинг очғи, у Самад билан Маъсумага ҳавас қиларди. Улар бошда муҳаббат нелигини ўйлаб ҳам кўришмаган. Шоирнинг қайнонаси Пошша хола ўртада турди. Маҳалласидаги доцент Ёкубовнинг Маъсума деган қизи борлигини куёвининг дўсти Самадга келиб айтди:

— Юриш-туриши жойида, дипломи ҳам бор, тайинли жойида ишлайди, топиш-тутиши ҳам чакки эмас, сиз шунга уйланинг болам, менинг гапим — гап, аввал бир кўрсангиз ҳам майлига, хусни таровати ҳам тузуккина, ҳеч афсус қилмайсиз.

Самад, гарчи холанинг гапларига ишонмаган бўлса-да, синчковлиги тутди, цирк ёнидаги майдонга чиқиб, қудахола бошлаб келган қизни кўрди, маъқул топди, қиз ҳам суқсурдек йигитни кўриб, сал тоб ташлагандай бўлди. Қисқагина, лекин пухта қилиб гаплашиб ҳам олишди.

— Сизу мен бугуннинг одамларимиз, Самад ака, — деди Маъсума. — Бундай намоишлару қуда хола билан юришлар менга ҳам сира ёқмайди, лекин Пошша холанинг кўнглини қолдирмай, дедим. Ҳар ҳолда, у кишининг куёвлари тузук йигит, элда ном қозонган, сизни у кишининг дўсти бўлади, деб айтишди, кейин Шоир аканинг дўсти ҳам бамаъни одамдир, деб ўйладим, майли, бир синашиб кўрайлик. Энди, очиқ гапирганим учун хафа бўлмайсиз...

Самадга Маъсуманинг дангалчилиги айниқса ёқди, уялиб-нетиб ўтирмай, ўзининг турмушидан сўзлади, яъни кандидат эканлиги, докторлиги яқин қолгани, тушаётган маоши, икки хонали квартираси...

— Сизни пакана бўлса-я, деб кўрққан эдим, — деб ҳазиллашди у, — хайриятки, бўй-бастимиз баробар экан.

Қиз уялиб, бошини қуйи солди, ибо билан ўзини анча хокисор тутиб сўзланди:

— Сиз мендан баландроқ экансиз, Самад ака.

— Энди, Маъсумахон, худо бўйдан берган-у, ақлдан ҳам аямаган бўлсин, — деб кулди Самад, сўнг яна жиддийлашди. — Майли, ҳазил ҳам ўз йўлига, асосий гапга ўтайлик... Менинг ҳам ўзимга яраша ёр-биродарларим бор, уларнинг уйга келиб туриши бор, уларга қовоқ қилмайсиз, қачон келса ҳам дастурхон очасиз. Ургатмоқчи ёки йўлига солиб олмоқчи, деб ўйламанг, азалдан удумимиз шу — дастурхонимиз очиқ бўлган.

Бир ой ўтиб тўй бўлди. Мана энди, тинч-тотув яшаб юришибди. Фарзандлари бор, Саида, тўрт яшар, жуда ширин, ҳатто инжиқ Ғайбаровнинг ҳам меҳрини ийдирган қизча. Борди-келдилари ҳам ўзларига яраша. Танишлари орасида икки-учта академик, битта депутат, иккита раҳбар (бири Маъсуманинг қариндо-



ши, униси Самаднинг ҳамқишлоғи), учта ёзувчи, битта шоир бор; ой сайин бўлмаса ҳам, ой оша келиб туришади, буларнинг ўзлари ҳам тортинмай боришади. Илгарилари унча ўрганиб-ўрганмай, кўпроқ тил учидан айтиладиган ширин гапларга учиб ошна бўлишарди. Шундан фириб ҳам едилар — киночи Акмалнинг оиласи билан ошналиклари кўнглисиз хотима топди. Акмалнинг ўзи бир нави-ку, лекин хотини Саломат жуда ғаддор чиқди, бир гал тумонат аёл ўртасида Маъсуманинг кузларига бақрайиб туриб, сиз билан эрингиз бизнинг даврага муносиб эмассиз, деб айтди. Маъсумага ёмон алам қилди, уйга қайтиб, эри иккита расво фильм олгани билан Саломат худо бўп кетди-ми, уларни асли сиз топгансиз, менинг танишларим орасида бунақа бетамиз нонокўрлари йўқ, деб Самаднинг бошига таъналар ёғдирди.

Хайриятки, пайти келиб, Маъсуманинг қасосини Шоир олди. Киночи Акмалнинг хотини Саломат Шоирнинг шухратига тузоқ қўйиб, оила дўстлари сафига қўшмоқчи бўлганида роса таъзирини еди. Шоирнинг андак кайфи бор эканми, жеркиб ташлади: «Мен билан эрингиз келиб гаплашсин, хотинлар билан ошна бўлмайман, Саломатхоним! Умуман, мен ёғли луқмалардан безорман, томоғимдан ўтмай қолди, шу пайтгача ўтганини қўсолмасдан гаранг бўлиб юрибман».

Уша кун Маъсума учун байрамга айланди. Қасосли дунё деб ўйлади, Саломат билан эри бизни менсиммаган эди, мана, Шоир ака уларни менсимади, таклиф этганига пушаймон қилдирди.

Шу гапдан кейин Маъсума бу дунёда ҳақиқат борлигига қайтадан ишона бошлади. Эрининг дўстларига меҳри ортди.

Унинг фикрича, Ғайбаровнинг ягона айби — сўқабашлиги. Хотини бўлганида, балки обрўси зиёдроқ бўларди. Маъсума дугоналари билан келишиб, келинликка бир-икки номзодлар ҳам топди. Лекин Ғайбаров учрашувга унамади, ваъда берди-ю, айтилган жойга (цирк ёнидаги майдонга) бормади.

У Самаднинг уйига доимо бир ўзи келади. Бошқа меҳмонлар бўлмаганда, шунда ҳам дўсти билан маслахатни баҳона қилиб, аслида эса унинг қибчаси Саида билан гаплашиб ўтиргани келади. Баъзида ойлаб қорасини кўрсатмайди. Биздан зерикди, деб кулади Самад шундай пайтларда, сену мен ўта босиқ одамлармиз, Маъсума, Ғайбаров эса ҳали тийилмаган, кимлар биландир олишиб юрибди, у ўзи шунақа, биров билан баҳслашмаса, бировнинг кўнглини оғритмаса туролмайди, сен уни катта олимлар қанчалик хушламаслигини билсанг эди!.. Билимсиз, деб айтолмайман, билими бор, лекин тузукроқ биров иш қилмагани ёмон, охирги китоби чиққанидан бери беш йил ўтибди ҳамки, бу акам хотиржам, шунчаки лайлак ҳайдаб юради!..

Самаднинг Ғайбаровга ён босгани, унга хайрихоҳлик қилгани Маъсумага ёқади. Эри инсофли, бошқа одам бўлганида эски дўстидан юз ўгириши ҳам мумкин эди. Самад жуда салобатли, Ғайбаровнинг ҳам кўриниши тузук-ку, лекин билмаган одам уни Самаднинг шофёри бўлса керак, деб ўйлайди. Бир кун Бухородан келган меҳмон Ғайбаров Саидани ўйнатаётганини кўриб Самадга, шопирингиз кўп болапарвар писар экан, деб айтди. Кейин Ғайбаров нимадир ишни баҳона қилиб чиқиб кетганида Самад роса кулди:

— Э, барака топкур, Шайдулло ака, бу йигит писар эмас, Ғайбаров, катта домла!

— Йўғ-э! — деб хитоб қилди Шайдулло ака.

Самад меҳмонни ишонтириш учун жавондан Ғайбаровнинг китобини олиб кўрсатди.

— Те Ре Ғайбаруф... «Шариат», — деб ўқиди Шайдулло ака. — Э, бу болапарвар мундойчикин домла экан-ку, мусулмонликдан рисола ёзибди-я! Мулла битишли экан, қайси мачида хизмат қилади?

— Мачида эмас, институтда домла, — деди Самад баттар кулиб. — Фан кандидати. Кандидат нималигини биларсиз, Шайдулло ака?..

— Э, нодонлик қурсин! — деб кулди Шайдулло ака пешонасига уриб. — Ахир, бизди шаҳарда канди-

дотларнинг мана мундойчикин ишқамбаси бўлғувчи эди-ку!..

Меҳмон гапираркан, Самад камзулининг жез тугмаларини ўйнаб ўтиради. Уларнинг ҳар бирига биттадан сариқ чаён шакли зарб этилган. Тугмаларни Самаднинг ўзи Тбилисидан олиб келган, Маъсуманинг иримчилигидан кулиб, қўявер, зора шуни кўриб мендан чўчишса, деб айтган. Умуман, Самад жуда пўрим кийнади. Чаёни тугмалар, шайтонтери камзул, бўйинбоғ, кўйлак, бўйин, юз — ҳаммаси оҳорли ва ажинсиз. Пешонасига тушган чиқиқлар ҳисоб эмас, улар эркак одамга кўрк. Сочлари қалин қулоқлари устида андак жингала тортган, лекин бўёқ ёки қиздирилган тароқ тегмаган — ўзиники, кумушранг ва кўримли. Маъсуманинг саришта хотин эканига шунинг ўзи ишбот. У эрининг келбатияу гапларидан завқланади, айниқса, у ўзига тенг одамлар билан суҳбат куриб ўтирган чоғларда кўриб кўзи тўймайди.

Мана, ҳозир ҳам Самад Ғайбаров билан сўзлашаркан, унинг қулоққа сингавермайдиган баъзи алмойилжойи гапларини сира бўлмай эшитди, сўнг, у ичида борини тўкиб бўлгач, секингина сўради:

— Шуми?

— Қолгани кейин, — деди Ғайбаров қовоғини солиб.

Самад кўзойнагини олди, стол устига ташлаб илжайди.

— Аҳмоқ эмаслигинг тайин, Тошпўлат, — деди. — Аммо ақллисан, деб айтишим ҳам қийин, айтсам ҳам, бари бир ишонмаган бўлардинг.

— Тўғри, — деб бош ирғади Ғайбаров. — Ишонмаган бўлардим.

— Узинг биласан, менинг қарзга мақтайдиган одадим йўқ. Кел, яхшиси, жўнроқ гаплашайлик.

Ғайбаров итоат маъносидан бош эгди. Бунга кўриб Маъсуманинг кулгиси қистади. Одатда Ғайбаров Саиданинг буйруқларини бажаришдан олдин ҳам мана шундай бош эгиб олади. Маъсуманинг кулгиси Ғайбаровнинг назаридан четда қолмади, дўстининг хотини пайпоқ тўкиб ўтирган бурчакка ҳадиксираб қараб олди.

«У аёллардан кўрқади, — деб ўйлади Маъсума. — Бечора ғалати бўлсам яхши йигит, хотини бошига чиқиб олмаса гўрга эди...»

— Кел, жўнроқ гаплашамиз, — деб тақорлади Самад. — Ғиди-бидини четга қўяйлик, мард бўлсанг айт, сен Ғайкал Ғаниевичга нечта мақола ёзиб бергансан?

Ғайкал Ғаниевич — уларнинг директори, фан доктори, профессор. Маъсума дастлаб унинг исмини шунчаки лақаб бўлса керак, деб ўйлаган эди, кейин билан, ростдан ҳам исм экан. Ислигини билиб кулди, лекин суҳбатда ҳозир сўлган Шоир унга танбёх бериб, исмларда ҳеч айб йўқ, дейлик, маймун сўзи — аслида чиройли дегани, деб айтди. Маъсума оддий бир врач аёл, бу гапдан кейин ҳар қандай ғалати исмларни эшитганда ҳам ўйлаброқ куладиган бўлди.

— Иккита, — деди Ғайбаров. — Лекин бирортаси ҳам босилмаган.

— Тушунарли, — деб салмоқлади Самад. — Бунга сенинг қувлигинг айбдор. Ёки услубинг тўғри келмаган. Катта олимларга кўпроқ услубсиз шогирдлар керак. Аслида, гап услубда ҳам эмас, устозларнинг ялқовлигида. Фикр маъқул бўлса бас, услуб сўзларни рандалаб олиш қийин эмас. Лекин улар негадир ялқовлик қилишади. Энди, жўра, буларнинг бариси олди-қочди гаплар. Мақсадга келайлик. Фан номзоди бўлганимизга саккиз йил бўлди. У пайтлар ориқ, камтар йигитчалар эдик. Эслайсанми, базмларимиз ҳам камтарона ўтган.

— Отам камбағал, — деди Ғайбаров. — Менга оқ фотиҳадан бошқа нарса беролмаган.

— Бу гаплар ортиқча, — деди Самад. — Бари бир сен бой бўлолмайсан, Тошпўлат. Бўладиган одамнинг сиёғи бошқа, дарров билинади. Менинг докторли-

гим тайёр эканини биласан, лекин сен, қадрдон дўстим, саккиз йилдан бери нима иш қилдинг?

— Ҳеч нарса,— деди Ғайбаров.— Ҳали бир қарорга келганим йўқ.

— Шунча вақт ит етаклаб юрдингми?— деб сўради Самад.— Чўпқакдан кўпроқ йиғилган бўлса, фольклорчиларга қўнғироқ қилайлик?

— Керакмас,— деди Ғайбаров.— Рост, кўнглим жойида эмас, қийналиб юрибман, ошна.

Самад сал ажабланди, аммо суриштириб ўтиришдан эринди чоғи, шунчаки бир хитоб билан чекланди:

— Менга қара, Тошпўлат, сен ҳаммага ҳам шундай очиқ гапираверасанми?

— Дўст бўлгандан кейин...— деб чайналди Ғайбаров.— Очиқроқ гаплашгинг келса нима қиласан?..

— Инсон камол топгани сайин ростгўйликнинг ҳам тури кўпаяркан,— деб кулди Самад.— Ҳали сену мен яйраб даврон сўрайдиган пайтлар ҳам келади. Ушанда айни бугунги ошналаримиз билан рақобат қиламиз. Кексаларни ҳисобга қўшмаслик керак, унда уларни тополмайсан. Қолаверса, кексаларнинг ғазабидан қўрқиш шарт эмас. Сену мен Арасту бўлсак ҳам бир пул, бари бир улар бизни менсимайди. Улар хушомадга ўчоқ. Ақлли ёшларнинг аксарияти ўжар ва худбин, улар илиқроқ гап айтиб юбормаслик учун хўрознанишади, гоҳо одобни ҳам унутиб қўйишади. Шу сабабдан, баъзи катталар ўз атрофида гирдиқапа-лак бўлиб юрадиган одобли, аммо бориб турган истеъдодсиз ёшларга ҳомийлик қиладилар, уларни қулоғидан тортиб бўлса ҳам, тепага қараб судрайдилар. Бир кун кўрибсанки, юксакликка эришган одобли шогирдлар ҳалиги одобсиз, худбинроқ, лекин аслида ақлли ва талантли ёшларнинг шўрини қурилади. Ўзаро курашларнинг янги босқичи юзага келади. Сен ҳам вақти-вақти билан катталарга илиқ гап айтиб туришни унутма. Мана, Сотволдиевни олайлик, анчайин чиноқликлардан йироқ одам, лекин баъзида ёшлар салом бермаса оғринади.

Ғайбаров Самадни энди кўраётгандек ҳайратланиб қаради, кўзлари катта очилди. Маъсума ҳам ажабланди — у эридан ҳалигача бундай гапларни эшитмаган эди.

— Унга салом беришади чоғи? — деди Ғайбаров.

— Ҳар доим ҳам эмас,— деди Самад.— Аммо у ақлли одам-да,— ғазабини тияди. Ахир, саломни бировдан тилаб олмайсан-ку!

— Шундай.

— Балли, Ғайбаров! — Самад мамнун қулимсиради.— Энди менга айт, чинакамига ҳалол, қатъиятли бўлишга қурбинг етадими?

— Билмадим, Самад...

Ғайбаров ўйланиб қолди. Чўнтагидан папирос чиқарди. Маъсума олиб берган кулдонни кресло тирсагига қўйиб, гугурт чақди, тўйиб тамаки тутунини ютди.

— Мен ўзимнинг нархимни билмайман, Самад,— деди у сал ўтиб.

— Э, қўйилган нархларнинг ҳаммаси бекор,— деб қўл силтади Самад.— Одамнинг қадри ўзига боғлиқ.

— Кўп яхши гапларинг баландпарвоз бўлиб туюлгани ёмон,— деди Ғайбаров.— Аслида улар ҳаммамизга дахлдор, ҳаммамизнинг кўнглимизда бор. Ватан, садақат ва фидойийлик қалбда яшагани маъқул, қонда эътиқод бўлмаса, энг улғу шiorлардан ҳам заррача наф йўқ. Шуларни ўйлаб, камсуқумлик билан миқ этмай юрамиз, қарабсанки, ўзимиз ҳам сезмаган ҳолда чеккага чиқиб қолибмиз...

— Тўғри, нутқ сўзлашга уста одамларга кўпроқ ишонишади,— дея маъқуллади Самад.

— Бирор иблис садақатдан лоф урган пайтда мен соқов бўлиб қоламан. Бу ҳам таъмагир экан-да, деб ўйлашларидан қўрқаман. Уша иблис, сўзамол аблаҳ, ипириски мансабпараст менинг кўнглимда пинҳон яшаётган муқаддас сўзларни ошкора сотиб кун кўради. Фожиа шундаки, унга эътироз билдиролмайсан, унинг ҳамма гаплари умуман тўғри бўлиб чиқади. «Умуман

тўғри гаплар»дан асрасин! Камтарлик яхши нарса, лекин баъзида шунақа панд бергани ёмон...

— Ҳўш, нима қилмоқчисан? — деб сўради Самад. Ғайбаров дўстига ранжиброқ қаради:

— Нима қилиш кераклигини билсам, сендан маслаҳат сўраб ўтирмасдим. Уйлаяпман, дўстим, кўпдан бери ўйлаб юрибман.

— Шундай бир асбоб ихтиро қилсанг,— дея гап қўшди Маъсума,— одам рост гапирганда жим турса-ю, ёлгон гапирганда чинкириб юборса!

— Балки шундай қилиш керакдир... — деди Ғайбаров руҳсизгина.— Кулги бўлишдан чўчкисан одам, инсоф деганингнинг аниқ бир ўлчови бўлмаса, ким ҳам ўзини ёмон санарди?..

— Бекор гап! Ҳақ гап эгасини топади,— дея эътироз билдирди Самад.— Сен, агар хушинг келса, эснамасдан ёзишинг мумкин. Ана, Шоир, унинг биздан ортиқроқ жойи бор эканми?

Самаднинг овозида озгина ғайрилик сезилди. Маъсума таъна қилгандек эрига ер остидан бир қараб олди.

— У сену мен ҳам туйган нарсаларни бизга нисбатан тузуқроқ ифода этади,— деди Ғайбаров.

— Эҳтимол...

Самад Ғайбаровнинг гапига шунчаки кулиб қўяқолди. Маъсума хижолат чекди, эри унга сал кибрилли бўлиб қолгандек туюлди. Ғайбаровнинг оғринмаганини кўриб, хиёл ажабланди: бунчалик латта бўлмаса, нега индамайди, йўқ, мендан кулишса тек турмасдим, Самад акам бўлсам тек турмасдим, бу эса пинагини бузмай жим ўтирибди... Тагин у ичида кулаётган бўлса-я?

Ғайбаров креслода, оёқларини чалиштириб, беғам, беташвиш, папирос бурқситарди.

— Фикр тарзинг жўнроқ, Тошпўлат,— деди Самад.— Соддароқ фикрлайсан, ўртоқ.

— Ким билсин, балки ростдан овсардирман... — деб ғўлдиради Ғайбаров.

— Биров сени овсар деяётгани йўқ,— дея танбех берди Самад.— Лекин бари бир соддалигинг бор. Сен ҳақингда мендан сўрашсин, молининг феъли эгасига маълум... У пайтлар студент эдик, Маъсума,— деди у хотинига юзланиб.— Ғайбаровнинг алмисоқдан қолган қўнғироқли соати бўларди. Қўшни хонадагилар биздан бир соат олдин туриб кетишарди. Ушлар Ғайбаровнинг соатини олиб, кейин қайтариб беришмади. Ўзлари вақтида уйғонади, биз бўлсак, соатимиз уларда, дарсга ҳар кун кеч қоламиз. Ҳар кун миң марта узр сўрашади, эртагаёқ янги соат оламиз, деб ваъда беришади, лекин олишса қани! Бу акам, ўзининг соатини сўрашдан уялиб, бошқа соат харид қилганлар!..

— Ўзлари билиб қайтаришмаса нима қилай? — деди Ғайбаров қизариб.— Ўзи менга бир бало бўлган, доим бир ғалвага учраб юраман... Сен айт, нега мен бировнинг чўнтагидан тушиб қолган ўн сўмни чўнтагимга солмайман, ўзига қайтариб берман? Ахир у одам пули тушганини билмайди, мени ҳам танимайди... Нера?

— Эгаси кўрмаса олармидингиз? — деб сўради Маъсума.

— Йўқ, бу олмайди, ташлаб кетаверади, орқадан келган одам олади,— деди Самад.— Эсингда борми, Ғайбаров, студентликда уч сўмнинг баҳридан кечиб ерга ташлаганимиз? Ушанда бирор бешта одам эга чиқувди. Эгалик ҳам нисбий. Йиқилиб қолгудай бўлиб кулганларинг ёдингдан чиқмагандир?

— Гапни опқочма,— деди Ғайбаров.— Сен айт, нега мен бировнинг ҳақини ололмайман? Виждон деганлари шуми? Виждон бунчалар жўн эмасдир?

— Бир марта олсам, кейин шунақа бўп қоламан, деб кўрқасан,— деди Самад.— Виждон эмас, шунчаки олифталик.

— Соат менинг эсимдан ҳам чиқиб кетган экан — деди Ғайбаров сал ўтиб.— Ростдан ҳам қайтариб беришмаган. Фашим келарди, лекин индаёлмасдим.



Сен улар нега соатни қайтариб бермаганини билмайсанми?

— Сабаби аниқ, — деди Самад. — Узинг талаб қилмагансан.

— Сўраш шартми, улар шусиз ҳам менинг соатим эканини билишарди-ку? Сабаби бошқа ёқда, Самад. Улар мени менсимадди, дўстим. Тушунасанми, мендан муллақо уялишмасди, мен нимаю манави жонсиз девор нима — уларга бари бир эди. Лекин менинг девордан фарқи бордай, буни биламан, афсуски, кўнглимдагини дўстимиз Шоир каби сўзларга тиза олмайман. Унинг мендан устунлиги ҳам шунда. Унинг тили бийрон, меники наҳ тараша...

— Ошириб юбординг, — деди Самад. — Мана, туппа-тузук гапириб ўтирибсан-ку? Ўша гапларниям гапир-да!..

— Қийин, — деди Ғайбаров. — Кўпроқ аламинг келганда гапиришни истайсан, лекин, афсуски, у пайтда сени тушунишлари қийинроқ...

Самад Ғайбаровга ачиниbroқ қаради. Маъсума ўйланди, тагин хавёли қочди: ростдан ҳам, Ғайбаров ким ўзи? Эри уни биладими? Ёки фақат бирга ўқигани баҳона, ўлганнинг кунидан гаплашадими? Ғайбаров, менсимайсан, деб айтгандай бўлди, шу ростми? Эрининг тепадан келишию кулишларини шунчаки ҳазилга йўйиб бўлармикан! Нега унда орани узиб қўяқолмайди ёки бирор тил қисқикли жойи борми?.. Ундай десаанг яна бояги гап — нега менсимайди, нега кулади? Бу дунё қизиқ-да, деб ўйлади аёл, эримнинг баланд келгани менга оғир ботмайди, қайтага, унинг устунлигидан қувонаман мабодо, Самад акам эмас, Ғайбаров эрим бўлганида-чи?..

У гўё эрига хиёнат қилиб улгургандек қизарди, шоша-пиша кўлидаги пайпоққа машғул бўлди. Эшик кўнгириги чалиниб, унинг хаёли бўлинди. Бориб эшикни очди: Самаднинг жияни Холида, ишдан қайтаётиб, Саидани ҳам боғчасидан олибди. Узун-қисқа бўлиб остонада туришибди.

— Саида келди, Тошпўлат амакиси, — деди Маъсума қизчасини хонага бошлаб кириб.

— Ассалом... — деб салом берди қизча, сўнг ойиси ўргатгандек салгина эгилиб тазым қилди.

— Салом, оппоқ қиз! — деди Ғайбаров. — Уқишни билай деб қолдингми?

Қизча уялиб, кўзларини ерга тикди.

— Боғча опалари мақтаяпти, — дея қизининг ўрнига жавоб берди Маъсума.

Одатда, Ғайбаров уч-тўрт кун келмай қолса, қизча бирданга кўникиб кетолмас эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Саида унга яқин келмади, ичкари хонага кириб кетди.

Самаднинг жияни кириб салом берди. Ғайбаров алик олгани ийманди. Қиз саломи жавобсиз қолганидан уялиб кетди. У ярим йилча аввал ўқишга келиб, йиқилди. Тоғаси ёрдам бермади, майли, бирор йилча қийналсин, кейин ўқишнинг қадрига етади, деди. Энди Холида тўқувчи бўлиб ишляпти, гарчи тоғасини қора тортиб келган бўлса-да, на унинг уйига, на хотинига ва на шаҳарга тузукроқ кўниккан.

— Саиданинг қийимини кийдиринг, Холидахон, — деди Маъсума унинг жонига ора кириб, сўнг, қиз ичкари киргач, Самадга қараб деди: — Бечора қийналарди юрибди, бир уйига обориб келсангиз бўларди.

— Узиям йўлни билади, — деб тўнғиллади Самад. — Автобус соат сайин қатнайди, жума кечқурун кетса, яқшанбада қайтаверади.

— Шу баҳона, ўзингиз ҳам ўйнаб келардингиз... — дея эътироз билдирди Маъсума.

— Мунга қара, мендан қутулишни кўнгли тусаб қопти! — дея ҳайратланган бўлди Самад. — Шу, дўстим, хотинларга ишонма!

Ғайбаров гап қўшмади. У Самаднинг усталигини биларди. Жиянини яхши кўради, лекин сиртига чиқармайди. Самад қўттиққўллик билан тергаб-тежагани сайин хотинининг раҳми кўзгайди, қизни унинг тус

тоғасидан ҳимоя қилишга ўтади. Турган гапки, жиян бундай янганнинг соясига кўрпача солади. Тоғасидан ҳам ранжмайди, ҳар қалай, жигари, ёмонлик тиламайди.

— Шу, дейман, Тошпўлат, сен менга мундоқ хушомад қилсангу Холидага уйлансанг нима бўларкан? — деб ҳазиллашди Самад. — У менинг жияним, сен менинг дўстим, бегонага узатгандан кўра...

— Сенга худо бас келсин, ошна, — деди Ғайбаров. — Эсинг жойидами ё мени уйингга келмайдиган қилмоқчимисан?

— Нега, қариндош бўлсак ёмонми?

— Холида ҳали ёш-ку? — Маъсума бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини пайқамай қолди. Лабини тишлади. Ғайбаровга зимдан разм солди: йўқ, оғринмабди, туси ўша-ўша.

— Булар бари ҳазил, — деб кулди Самад. — Дарвоқе, Тошпўлат, кўпдан бери сўрамоқчи бўлиб юрман, ҳалиям Галатепага кўмилишим шарт, деб ўйлайсанми?

— Ҳар ҳолда туғилган жойинг...

— Жинни бўпсан! Эҳ-ҳе, ҳали ўлимгача минг марта уйланиб, минг марта ажралса бўлади. Қариган чоғингда минг биринчи қилиб бирорта галатепалик кампирни топиб олардинг-да!.. Инара деганинг бўларди, ҳалиям хат ёзиб турадимми?

Маъсуманинг қулоқлари динг бўлди — у ҳалигача бундай исми эшитмаган эди. Умуман, унга эри билан Ғайбаровнинг узоқ шаҳарда кечган студентлик йиллари шубҳалироқ бўлиб туюларди, ким билсин, улар қайларда ва қиллар билан юрган... Эслаб туришлари рост, лекин фақат ичган пиволаро ҳамиша оғайнларини эшлашади. Аёлларнинг исми аталмайди ҳисоб, аталганда ҳам, ё профессор кампир, ё кутубхона мудираси, ёки жуда нари борса, курс онабошиси бўлиб чиқади.

— Нега индамайсан? — деб қистади Самад.

— Ёзмай қўйди...

Ғайбаровнинг ўтган кунларни эслагиси келмади. Чалғимоқчи бўлиб хона деворидаги каттақон суратга қаради. Дўстлари Абдували Соқол чизган Самад билан Маъсуманинг сурати ўзларига жуда ўхшайди, Самаднинг бўйи баланд, тик қараб турибди, Маъсуманинг боши унинг кўкраги баробар, гўё эрининг юрак уришига қулоқ тутаётгандек.

— Нега индамай қолдиларинг? — дея илмоқ ташлади Маъсума. — Очмайсизларми эски гуноҳларингми?

— Бизнинг хотиннинг синчковлигини қара, Тошпўлат! — деб хитоб қилди Самад. — Қўрқма, Маъсума, у бир фаррош аёл эди, боди бор эканим, Ғайбаровга бир-икки марта туя жуни сўраб хат ёзган. Узинг биласан, бу акам галатепалик, буларда туя-пуя деган жониворлар кўп бўлади.

Узини боладай лақиллатишга уринишгани Маъсумага ёқмади. Эркакларнинг гурунгига аралашган мен ҳам тентак, деб ўйлади, майли, гапираверишин...

У ўз хонасига чиқди. Алами ҳадеганда тарқайвермади. Тепадан думалаб тушганлар, деб ўйлади ичда, сўнг ўйидан ўзининг кулгиси қистади, Галатепа, Қўрғонтепа, Тиллатепа, ҳатто Самад акасининг теп-текис қишлоғининг номида ҳам тепаси бор, Қўштепа, қафдек яланг жой-ку, лекин номи Қўштепа. Уларнинг қишлоғи асли Самарқанд тарафда экан, кейинроқ одамлар қўриқ очишга жўнаганда бийдай дашта қишлоқларининг номини олиб келишибди. Маъсума беш йил Самадга хотин бўлиб, эрининг қишлоғини қиндагина бориб кўрди. Қўнган уйлари энди сувоқдан чиққан эди. Тўрт хонали дангиллама уй, жиҳозлари мўл, бирор ҳафта яшаб қайтишди. Сени илгари очкегани уялувдим, анани уйда турардик, деди Самад четроқдаги томи чий билан ёпилган эски бир кулбани кўрсатиб. Маъсума эри машинани янгилайман деб йиғиб юрган пулларининг қайга кетганини энди тушунди — уни деб уй қурибди. Ҳафта сайин қишлоққа қатнаб юрганлари бежиз эмас экан. Хотин кетган

пулга ачинмади, эрининг кунту эътиборидан қувонди. Қайтадиган кунлари Самад уни ўша эски кулбага киритиб айтди: бузиб ташлагани кўнглим бўлмади, ёлғиз ўғил билан қари эна, икковимиз шу жойда яшардик... Бу гапларни айтганида овози титраб кетди, кўзлари намланди. Маъсума уни маҳкам кучоқлаб олди. Эру хотин, бир-бирларига меҳрлари ошиб, шу алфозда туриб қолишди. Самад онасини эслади, Маъсума келинлик чоғларини...

Хонага кўғирчоғини кўтариб Саида кирди.

— Тошпўлат амаки кетди, — деди у.

Маъсума қизини эргаштириб меҳмонхонага чиқди, эрига таъна билан қаради:

— Овқатга қол, демабсиз-да?

— Кўнмади, Маъсума, — деди Самад кўлидаги журнални четга қийди. — Эски ярасини янгилаб қўйдим, мениям жин урсин, Инарани гапириб нима қилардим... Айб ўзида, тайёр ошини оғзидан олдириб юради.

— Шу жўрангиз сал бўшангроқ, — дея унинг гапига қўшилди Маъсума. — Уятчанроқми-ей...

— Сендан уялади, — деди Самад. — Ким билади, балки сенга зимдан кўнгли бордир.

— Айниманг, дадаси!

Маъсума қизарди, эридан ранжиди. Самад уни шундай қалтис ҳазиллар билан уялтиришни хуш кўрарди.

— Уни ҳадеганда тушуниш ҳам қийин, — деди Самад жиддийлашиб. — Бир қарасанг булбулигўё, бир қарасанг — мум тишлагандай жим.

— Хаёлпараст, — деди Маъсума.

— Йўқ, Тошпўлат яхши олим, — дея эътироз билдирди Самад. — Мендан яхшироқ. Кўп нарса билади, лекин сал ялқовлиги ёмон...

Маъсума эрига ажабланиб қаради. Аммо эридан хафа бўлмади, қайтага камтарлиги учун унга меҳри баттар йиди, ақинроқ келиб, эркалангандай суйканди. Самад хотинини ўпди.

— Сиз яхшисиз жоним, — деб шивирлади у. — Сизни ҳеч кимга бермайман, ҳеч кимга алишмайман.

## 7. МУҲАББАТ

Файбаров шаҳарга келиб илк бор ошиқ бўлганида, сўнг эрта баҳор Галатепага қайтиб, Наим амакининг уйига меҳмонга берганида кайфи андак ошиб, унинг қамгап, меҳрибон хотинига «келин бўлмиш» ҳақида сўз очди. Келин ҳақидаги чўпчак, Файбаровнинг ўзи тўқиб, ўзи ишонган чўпчак, ўшанда жуда сирли кўринган. Аслида у истаганидан жўнроқ эди: гира-шира томоша зали, курсдош қизнинг қўли, кейин чап тиззаси, оқ матода узунасига от чопаетган суворийлар, кейин бирор соат ўтгач, кинотеатрнинг қишки боғидаги чанг босган пальма ортида олинган ҳуркак ва бегуноҳ бир муччи.

Файбаров янгасига на қизнинг қўллари, на чап тиззаси ва на ўпич ҳақида ҳикоя қилмоқчи эди. Унда Файбаров нақ бўғизгача бахтиёр эди; Галателанинг чанг кўчаларида ҳариш хўтиқдай ағанаб ўсган, мана, бирор беш кундирки, булардан узоқлашган бола, ҳали шаҳар ҳавосига тўймаган, ўзининг нақ қаҳрамонлик кўринган уddaбуронлигидан журъат ва жозибасидан маст, боши айланган — ўзини қайга қўярини билмайдди, дунё ёлғиз уники, унинг амрига мунтазир, кўнгли тусагани бўлади, бўлиши шарт! Бор-йўғи шу ҳиссиётни сўзларга тишиш керак, бор-йўғи...

Лекин Файбаров сўзларининг бешармлигини сезди. Кўнглида озода, шабнам янглиғ мусаффо ҳисларни туйгани кўйи, жамики беозорлики булғатувчи бир қатор яланғоч ва шафқатсиз сўзларни кўрди.

Йиғлагиси келди.

Наим амаки унинг ҳолини кўриб, қафтларини бири-бирига ишқади:

— Балли, қариндош! Отангиз мени дўзахи атайди, энди, сизлардан ҳам битта чиқсин-да!

Янга, мунис, ювош, Файбаровни яхши кўрадиган янга эрини қарғади:

— Улинг сиз, бу гўдакнинг айби нима? Сўкса, тоғангиз сўкибди, мунда нима гуноҳ? Энди бу уйга маст бўлиб борса эчкингиз эгиз туғармиди?

— Хусурим тарқайди, хотин! Тоғам ўзини осмон чоғлайди, энди манави арзандаси ичиб борса, қани, кўрай-чи, аҳволи не кечаркин!..

Файбаров, кўнглида ҳали мақтанчоқлик ҳисси тарқаб улгурмаган маст ва саодатли Файбаров, уйга боришни истамади. Галатепадан чиқиб, Қизилтошга кетар йўлдаги чўчқахонага қараб юрди. Дўсти Маҳанбой шу жойда ишларди. Файбаров гандираклаганча, дўстининг фанер тахтадан тикланган бўлмасига кирди. Маҳанбой бир ўзи зерикиб ўтирган экан, уни кўриб хурсанд бўлди, кепак солинган қопни титкилаб, бир шиша ароқ чиқарди. Ичишди. Сўнг Маҳанбой уни ташқарига

сўдради. Очиқ ҳавога чиққанлари заҳоти Файбаров тагин кўнглида муҳаббат туйди, кўкси ёрилиб кетгудек бўлди. Ялангликдаги чўчқалар қазиб ташлаган чуқурчаларни оралаб бораркан, сабри чидамади, тил бутунлай бошқа ёққа кетди, қизнинг қўли, чап тиззаси ва лабларидан гапирди. Буниси осонроқ эди — Файбаров сўз ахтариб қийналмади. Маҳанбой унинг гапларини тоқат қилиб эшитди, лекин Файбаров кутгандай завқланмади, чўчқахонанинг хунук қўққайган томига бир-икки бор маънос қараб олди, кейин секин сўради:

— Ёшми ўзи?

— Ёш, ўзимиз қатори.

— Кўп бўлдими?

— Қаёқда, ўзи борганимга беш ой бўлди-ку!

— Сен бу гапингни қўй, Тошпўлат, — деди Маҳанбой. — Бундан бир иш чиқмайди. Отанг сени ўқишга юборган, олаҳуржун бўйининга тушиб юрмасин... Оғзинг бўш сенинг. Тўйган қўзичоқдай бўп юрмайсанми? Ана, отанг қандай, оғриган жойини билдирмайди! — Маҳанбойнинг овози йўғон ва жиддий эди. Юзи ҳам жиддий. Қўлидаги тол хивич билан қорса этигининг қўнжини савалаб борарди. — Менга қилса, ўзимиздан уйланганинг маъқул, ошна, ҳарна аламингга шерик бўлади.

Файбаров ранжиди.

Маҳанбой уни чеккароқдаги бир қўра олдига бошлаб борди. Ҳиди димоқни ёрай дерди — Файбаров бурнини жийирди, лекин Маҳанбойнинг нафратидан кўрқиб, атрофи ғов билан тўсилган қўрага бақамти келди.

— Қара!.. — деди Маҳанбой. — Зотдор чўчқа, бирданига ўн бешта туғди. Кўзимнинг олдига турмаса бўлмайди, булар ўзи туққанини еб қўяркан. Буниси емади. Қара, болалариям катта бўп қолди. Шу, жўра, мен ўзим аҳмоқлик қилдим, асли сенга ўшаб шаҳарга кетишим керак эди. Мусобақа дейишди, бошқа дейишди, хуллас оғримаган бошимни оғритиб ўтирибман. Мана, сен шаҳарда юрибсан, нима, мендан ортиқ жойинг бор эканми? Ҳисобни мендан кўчириб олардинг, эсингдами? Мен умримда ҳисобдан «тўрт» олган банда эмасман. Сенинг отанг тузук, меники бўлса... Кўриб турибсан-ку, Тошпўлат!

Файбаров индамади. Унга зотли она чўчқа, унинг ўн бешта қип-қизил боласи ва дўстининг тан олинмай қолган ҳисобдонлиги ўзи кўнглига тугиб келган баландпарвоз гаплардан минг бора афзалроқ ва маъниллироқ бўлиб туюлди.

...Кейинчалик, анча йиллар ўтиб, Маҳанбой билан бўлган ўша суҳбатни Файбаров Инарага сўзлаб берди.

Инара жилмайиб қўйди. Умуман, унга Галатепа ҳақида гап очилса, сен Галатепага келин бўлиб тушасан, деб айтилса бас, ўзини туголмасди, кулиб юборарди. Узоқ, номи каби нотаниш Галатепаю унга келин бўлиб бориш ғалати эканидан завқланиб, мароқланиб куларди. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, бизга ҳам бегона ўлкалар ва шаҳарларнинг номлари ғалати ва сирли туюлади, дейлик, Гренада, Қурдоба; Алабама; Миссисипи-Миссури, Гвадалахара... Эҳтимолки, Инарага Галатепа дегани Хеваю Бухоро, Самарқанду Урганчдек бир жой бўлиб туюлгандир? Албатта, ўзимиз тарафда Галатепанинг унчалик қадри ҳам йўқ. Қайдансиз, дўстим, деб сўрашади, Галатепадан, деб айтасан. Ҳа-а, Галатепадан, денг?.. Галатепа, деб аташмаганига шукр!

...Сени чимилдиққа олиб кирамиз, Инара, аввал сочингни сал ўстирамиз, кейин қорзага бўяймиз, шундай қара бўладики, Саъдийнинг шерозлик гўзаллари ҳасаддан қорайиб ўлади, атлас кўйлагу лозим кийиб, оқ ҳарир рўмол ўраб, ўн беш кунлик ойда, кашта чекилган қизил бахмал чимилдиқ ортида ўтирасан, бундан олдин мулла Дониёр келиб никоҳ ўқийди, калима қайтаришинг шарт эмас, мулла ақлли одам, сену менинг динимиз муҳаббат эканини яхши билади, Шайх Санъон қиссасидан хабардор, розимисан, Инара қизим, деб сўрайди у вакил отангдан, агар тили келишмаса, сени Инара эмас, Анора ёки Анор деб атар, айт, Тошпўлатга, Раим оқсоқолнинг ўғли, Ғайбар соқовнинг невараси Тошпўлатга хотин бўлишга розимисан?

Бутун Галатепани тўйга айтамиз, Галатепа атрофидаги ўн бир даҳани ҳам айтамиз, Инара, Галатепаю Жом, Сарсону Чўнқаймиш, Анжирлию Шўркудукдан отлик-яёв, ёшу қари — ҳамма бирдай йиғилиб келади. Сени оқ бедовга миндириб оламан, оқ бедов сен минганингни сезса бас, нақ Ғиротга айланади, қанот чиқариб учади, шундай тез учадики, сен қўрқувдан мени маҳкам қучоқлаб олсан, мен эса, ортага ўгирилиб, сени мана бундай кучиб оламан! Мана бундай, мана бундай!..

Инара оқ бедовнинг борлигига жуда ишонарди. Биз эса, бисотимизда биргина қора чўбир от борлигини ўйлаб улардик, дўстим Ғайбаров, уялардик, лекин қора чўбирни оқ бедовдан кам кўрмасдик, тақдирдан мўъжизалар кутардик ва ишонардикки, қора чўбир ҳам қанот чиқаради, ҳовли саҳнида ёқилган катта гулхан ёнига узангио эгар-жабдуқларини ялтиратиб, кишнаб келади, сўнг куёв билан оқ ҳарир рўмол ўраган келинни сағрисига ўтқазиб, тун қаърига парвоз қилади. Зимзиё тун ва оқ ҳарир рўмол, чўбир отнинг чўбирлиги асло билинмайди, келин ҳам, куёв ҳам асло кўринмайди, биргина оқ ҳарир рўмолнинг ўзи қоронғи само қўйнида хилпираб учиб боради... Биз шундай чиройли манзараларни чизганимизда, Инара бизга паққос ишонарди, баттар завқи ошиб куларди, дўстим Ғайбаров!

Қора чўбир сағрисига ёзилмиш эртақ уч йил давом этди. У яна кўп чўзилса ҳам ажаб эмасди, лекин учинчи йил охирига келиб, мулла Дониёр қазо қилди. У кўзлари кўк, сариқ сочларини тимқорага бўяган қизининг Галатепага келин бўлиб тушарини ортиқ кутолмади.

Хуллас, ҳикоямиз чўзилиброқ кетди, дўстим Ғайбаров, алқисса, бир куни Инаранинг тоби қочиб, касалхонага тушди. Бир ойча ётди, бир ой тугал юзимизга қарагиси келмади. Сен унинг ёнига ҳар куни қатнайсан, ҳар куни кўринг келади, ҳар куни совға-салом кўтариб борасан, совға-салом оларга эса пул йўқ, лекин бари бир дарсдан кейин бозорга қатнайсан, расталарни безаб турган дўпписи дол юртдошларингдан нақш олмалар харид қиласан, юртдошларинг гўё юртингни шундоқ елкаларига ортиб, бу томонларга кўчириб келишган, олма дейсанми, анор дейсанми, беҳи, ноқ, узум, олмақоқию қовунқоқи... Шу сабаб, ҳаммоллик қилиб, тунлари вагонлардан ун туширамиз, нонвойхонада ўша ундан ёпилган нонларни машинага ортамыз, хуллас, озми-кўп пул топамиз, майли, деб

ўзимизга таскин берамиз, бу пуллар юрт неъматларию ажиб муҳаббатимизга нисор бўлсин, булар нима бўпти, дунёни пойига тўшаб ташласак ҳам оз, аммо Инарани энди таниб бўлмайди, неъматлар солинган елим халтага кўзи тушса бас, ажинсиз пешонаси тиришиб кетади: сен шу билан мени сотиб олмоқчимисан, Ғайбаров?! Шунда унинг юзига тарсаки тортиб юборганимиз ажаб, шундай истак хуруж қилгани рост, лекин ўзимизни тиярдик, ўйлардикки, у бетоб ётибди, бемор одам сал асабийроқ бўлади, унинг ҳарне гапи кечиримли, феълимизни кенгроқ қилайлик, дўстим Ғайбаров, унга олмаю анор эмас, бир оғиз ширин сўз керак...

Бир гал касалхона йўлагига даволовчи врачга дуч келдик. Ёш, кўхликкина аёл экан, уялинқираб, ўртоқ Ғайбаров сиз бўласизми, деб сўради, сўнг хонасига таклиф этиб, Инара албатта тузалиб кетади, деб ишонтирди, бунга бизнинг ишончимиз комил, палатадаги аёллар сизни унинг энг яқин одами, деб айтишди, мана, қўлингиздаги гуллар ҳам жуда чиройли, ҳали дуркун турибди, Инарани шу гулларга қиёс этгим келади, у жуда яхши қиз, ҳали жуда ёш, тажрибасиз, гап сўрасак индамайди, биздан уялади, шу сабабки, сизга мурожаат қиляпмиз, ўртоқ Ғайбаров...

— Ғайбаров, — деб тузатди у.  
— Узр, тилим келишмаяпти, — деди врач баттар қизариб. — Мен сиз билан очикроқ гаплашмоқчи эдим. Врачлик бурчим шуни тақозо қилади.

— Марҳамат, сўрайверинг.  
Врач бир варақ қоғоз олиб стол устига қўйди, қўлга қалам тутди:

— Ёшингиз?  
Ғайбаров ёшини айтди — унда ҳали ёш эди, ёшлигидан хижолат чекарди.

— Ота-онангиз, қариндош-уруғларингиз бирон бир ирсий, яъни, наслдан наслга ўтувчи касаллик билан оғриманганми?

— Оғриманган.  
— Тутқаноқ?..  
— Тутқаноғим йўқ.

— Қизамиқ билан оғриганмисиз?  
— Ҳа. Кейин кўкйўталга чалинганман. Болаликда зотилжамга йўлиққан эдим.

— Силга айлангани йўқми?  
— Йўқ, зотилжамлигига ўтиб кетган.  
— Гепатит? Юқумли гепатит?..

— Йўқ, уруғимизда сариқ касали тугул, сариқ башарали одам ҳам йўқ.  
— Ҳазилкаш экансиз. Аждодларингизда пуштсизлар бўлмагандир?

— Нима деяпсиз, ҳаммасининг камида ўнтадан боласи бор!  
— Ўзингиз?

— ...  
— Нега индамайсиз? Уялманг, ўртоқ Ғайбаров!  
— Нима десам ишонасиз?

— Демак, Инарага уяланасиз?  
— Албатта.

— Қиз бола билан жуда авайлаб муомала қилиш керак, ўртоқ Ғайбаров. Туғма одоб тўфайли улар кўпинча ўз туйғуларини ортиқ даражада тийишади, оқибатда асаб ишдан чиқиши мумкин... Иложи бўлса, тўйни тезлаштиринг. Чўзиб юрманг.

— Пул камроқ, ўртоқ доктор.  
— Студентсиз, ҳеч ким айб қилмайди.

— Лекин...  
— Қизиқ. Ахир, икки одам бир-бирига кўнгил қўйса бас-да! Уялаб кўринг, ўртоқ Ғайбаров. Инара яхши қиз. Бунақасини кейин тополмайсиз.

— Биламан, доктор.  
— Муҳими, Инаранинг ўзи...  
— Сизга ўзи арз қилдим?

— Йўқ, у арз қилишни билмайди. Мен врачман, арзсиз ҳам билишим керак. Сиз уни кўп қийнаманг...

...Ғайбаров касалхонадан ўйга чўмиброқ қайтди. Самад келиб ҳол сўради. Дўстан сир яшириб бўл-

майди, баъзида не-не сирларни ҳам ошкор этасан, ҳамдард излайсан, оғайни, деб айтасан, шундай бир нозик савдо, на куларингни биласан ва на ўларингни, врач мени тутиб олиб, шуларни айтиб ўтирса-я!..

Начора, деб ўйлади Ғайбаров, табиат бизга нисбатан донишмандроқ, унга қарши бориб бўлмайди! Энди эсласанг алам қилади, айниқса Инаранинг ғазаблангани... Унинг ғазабини эсласанг бас, кўнгилда аламли бир кулги уйғонади, кейин бу кулги юзга тепади — уят, уят, минг бора уят, уятдан баданинг олоз бўлиб ёнади, негаки, Инаранинг кафтлари юзига маҳкам босилган, бармоқлари орасидан ёш сирқийди, у ҳеч нарсани кўрмайди...

«Нега аввал айтмадинг?»

«Аввал айтадиган эмасди».

«Қачон? Қачон бўлди?!»

«Айтмайман».

«Ким?»

«Айтмайман».

«Мен танийманми?»

«Айтмайман. Сенга осилиб олганим йўқ. Келма, бошқа келма энди, менга керагинг йўқ, эшитяпсанми, бошқа келма, сен фақат чўпчак айтишга устасан, чўпчакларинг жонимга тегди, мени тинч қўй, Тошпўлат, бу ёғи нафрат, фақат нафрат... энди мени яхши кўролмайсан!»

Ғайбаров аламзада, дарғазаб, унинг ҳузуридан чи-

қиб жўнайди, лекин қайтиб бормасдан туролмаслигини сезади, нафрат ва алам ортидан меҳр уйғонади. Бормаслик учун ўн қадоқли тошни бел баробар кўтариб мўлжал қилади, сўнг тош ўнг оёғи устидан босиб тушади, оёқ зум ўтмай кўкариб, шишиб чиқади. Ғайбаров оғриқдан увлаб юборади. Хонани у бошидан бу бошига ҳақкалаб сўкинади.

Сўнг Самад келади. Унинг латта билан чирмалган оёғини кўриб, афтини бужмайтиради, бироқ дўстлигига бориб Ғайбаровни овутади: қўй, ўзингни қийнама, қадрдон дўстим, садқаисар, ўзим сенга онаси ўпмаганини олиб бераман, қайғурма, қайғураверсанг, тез да қариб қоласан...

Ғайбаров ноилож илжаяди. Ожизлигини билдиргиси келмайди, нималар деяпсан, Самад, деб айтади, шунчаки, кайфият йўқ, ошна, юртимизни соғиндим, кетай десам, иложим йўқ, Бир ёқда камхаржлик, бу ёқда оёқ... кеча ариқдан илкисроқ ҳатлаган эканман.

Самад сир бой бермайди. Лекин у зийрак, ҳаммасини билади, дўстининг ожизлигини ҳам, бошқа гапларни ҳам, бироқ уни аяйди, сезганини сездирмайди...

Бу — олис бир хотирот. У Самаднинг — салкам фан доктори, бахтли хонадон соҳиби Самад Мансуровнинг ёдидан аллақачон чиқиб ҳам кетган. Лекин Ғайбаров, саодатга ташна Ғайбаровгина бу хотираларни ғуссага ботган кезларида эслаб-эслаб қўяди.

*Охири келгуси сонда*



Келгуси сонда ҳурматли журналхонларимиз эътиборига самарқандлик ёш ёзувчи Асад ДИЛМУРОДОВнинг «Шердор» деб номланган ҳикоясини ҳавола этамиз.

Отлар елар қора тун аро,  
Янграр хатар тўла тақалар.  
Хуркиб кўкка сапчир бесадо  
Тун уйқуси — қора қаргалар.  
Отлар елар, тилларанг хазон  
Суворилар узра сочилар.  
Элас-элас янграйди азон —  
Тоғлар узра осмон очилар.  
Отлар елар, терлаб, кўпириб,  
Уйғотганча мудроқ йўллари.  
Гўё тўғон бандин ўпириб  
Тошқин қувиб келар уларни.

«Заҳириддин, қайга борурсан  
Бобонг тахтин, юртингни ташлаб!  
Қора тақдир сени қул каби  
Қаёнларга кетмоқда бошлаб!  
Заҳириддин, бу қандай савдо,  
Қора ҳижрат сари юз тутмоқ.  
Юрагингни этар-ку адо —  
Тирик туриб Ватандан кетмоқ!  
Заҳириддин, ортга бир қара,  
Ортга бир боқ, токи сен омон,  
Ахир, кейин тушларингда ҳам  
Бу тупроқни кўрмоғинг гумон».

От пишқириб тўхтар, суворий  
Узангига тирар оёғин  
Ва бўғзига тўплар алами  
Вужудига тўлган титроғин.  
Алам билан юраги урар,  
Шивирлайди титроқ лаблари:  
«Ҳамма ердан кўриниб турар  
Самарқанднинг миноралари».

\* \* \*

Оқиб ётар қадимий дарё,  
Боқсанг, юрак ҳайратга тўлар.  
Сархуш бўлиб, мудраб, бесадо  
Рақс тушади қирғоқда толлар.  
Поёни йўқ пахтазор дала  
Икки қирғоқ бўйлаб югурар.  
Бунда ҳар тонг икки қиз бола  
Сув қўйнига оҳудек кирар.  
Сув бўйида жуфт кетмон қуёш  
Кўзларини қамаштиради.  
Икки қизнинг хаёли қари  
Дарёни ҳам адаштиради.  
Фақат шу ер яқин юракка,  
Фақат шунда қувонар кўзлар.  
Фақат шунда лўппи кўкракка  
Эрк беради кетмончи қизлар.  
Улар сузар оққушдек яйраб,  
Чўмилишар бирга тонг билан.  
Кейин қушлар мисоли сайраб,  
Артинишар саратон билан.



Хуршид  
ДАВРОН

\* \* \*

Судхўр — кузак сархуш юради  
Шамол билан ўйнаб чорбоғда.  
Қайта-қайта санаб кўради  
Тилласини овлоқ-овлоқда.  
Хасис судхўр бунча очофат,  
Ечинтирар ҳар бир дарахтни.  
Шамол билан тил бириктириб  
Айлантирар тиллага вақтни.  
Қасослидир дунё барибир,  
Қулоқ солмай оҳи сасига  
Фаррош кампир — исёнкор кампир  
Ўт қўяди куз тилласига.

\* \* \*

Мезон кечди.  
Қандай шошиб кечди бу мезон.  
Араваси лойларга ботиб.  
Сочи оқарди.  
Мезон кечди.  
Қандай маънос кечди бу мезон.  
Оромни, уйқуни унутиб  
Қариди.  
Юлдузларга ўлашиб берди  
Дарахт учларида қолган нокларни.  
Чинни косаларга шаробни қўйиб,  
Келинг, мезон билан хайрлашайлик.  
Қишда уни яқин дўст каби  
Жуда кўп бор эспаймиз ҳали.

## Баллада

Ой нурида порлаган  
Адир томонда нохос,  
Пайдо бўлар терлаган  
Тулпор минган чавандоз.  
От безовта кишнайди,  
Яғринида қизил доғ,  
Чавандоз шивирлайди —  
Уйғонар бутун қишлоқ.

\* \* \*

Мен истайман, шеъримда  
Жарангласин ҳар сатр.  
Худди қиз қулган каби  
Ё тушган каби садр.  
Мен истайман, шеъримда  
Сўз куйин, сўз рақсини,  
Нон деган сўздан кейин  
Ўнқиган нон исини.  
Мен истайман, шеъримда  
Яра ҳақда куйласам,  
Оқаётган қоннимас,  
Оғриқни туйсин одам.  
Мен истайман, шеъримда  
Бўлсин менинг нафасим,  
Оғриғим, бахтим, дардим,  
Ичимда қолган сасим  
Ва баҳорга ташна қалб,  
Қорлар босгач изини,  
Менинг шеъримдан узиб  
Ҳидласин гул сўзини.  
Ватан, сени севишим,  
Халқим, сени севишим,  
Гулим, сени севишим  
Бўлсин менинг шеъримда!

\* \* \*

Йигитларнинг дил ўтидан  
Тирилади тунда най.  
Рақс этиб сув ўтидай  
Наво ойга ўрмалар.  
Қиз сочлари илон каби  
Товланади ойдинда.  
Ортида тун мавжланади,  
Дарё гувлар олдинда.  
Қиз тушида бинафшанинг  
Сочларини ўради.  
Ва танига бинафшанинг  
Хушбўй иси уради.  
Оҳ, бу атир йигитларни  
Айиради ҳушидан!  
Уйғотинглар тезроқ қизни,  
Уйғотинглар тушидан.

Мен бугун бир сўзни кашф этдим —  
 Ҳали ҳеч ким айтмаган сўзни.  
 Мен бугун бир сўзни кашф этдим —  
 Осмондек бепоён, дилга сиғмади.  
 Мен бугун бир сўзни кашф этдим —  
 Нафасим етмади уни айтмоққа.  
 Мен бугун бир сўзни кашф этдим —  
 Бўғзимни кўйдириб юборди бу сўз.  
 Мен бугун бир сўзни кашф этдим —  
 Кимга айтмоғимни билмайман уни.

## Жийда

Шамолга айланиб юлдуз нафаси  
 Қорайган боғларга кириб, ҳижжалаб  
 Уқий бошлаганда майсалар исмин  
 Уйғонар далалар аро жийдалар.  
 Йўлларни олқишлар шамоллар эсса,  
 Йўловчи кўринса антикар бахтдан —  
 Хушбўй шамол эсар, йўловчи эса  
 Кўзини узолмай турар дарахтдан.

\* \* \*

Сенинг хонангда чироқлар кулар,  
 Менинг хонамда чироқлар йиғлар.  
 Сенинг дарчангдан бошланар осмон,  
 Менинг дарчамдан бошланар замин.  
 Сенинг гулларинг байроқдек ёнар,  
 Менинг гулларимнинг юзида қон йўқ.  
 Сенинг ҳовлингни итлар қўриқлар,  
 Менинг ҳовлимнинг девори ҳам йўқ.  
 Сен ўз севгингни қилмайсан ошкор,  
 Менинг севгимни қушлар ҳам билар.

## Булбулни

### кўрмоқ

Булбуллар сайрайди олис-олисда,  
 Сен ҳали кирмаган даралар аро.  
 Булбуллар сайрайди ғамгин, осуда,  
 Таралар сеҳрли, қўл етмас наво.  
 Дарахтзор қўйнида қадамлар саси  
 Навони узади бамисоли гул.  
 Заъфарранг япроқлар ичида сени  
 Мен қандай илғайин, жавоб бер, булбул!  
 Ёлғиз сенинг кўйинг соғинчга нажот,  
 Ёлғиз сенинг кўйинг дунёда бепул,  
 Наҳот, кўролмасам мен сени, ҳайҳот,  
 Ниҳо бер, ўзингни кўрсатгин, булбул.  
 Шунда олислардан келар ногаҳон,  
 Булбул сайроғига ўралган бир сас:  
 — Сен мени кўрмоғинг жуда ҳам осон,  
 Фақат атиргулга айланолсанг бас.

Муҳаммаджон ҲАЙДАРОВ

## Тулпор

У улоқчи тулпор эди, улоқларда совриндор,  
 Ғўзалларга суқлангандек суқланарди кўрганлар.  
 Юлдузларни кўзлаб учган юлдуз эди жонивор,  
 Муродига етар эди миниб жангга кирганлар.

Лекин умр ўтар экан, ўтар экан шиддат ҳам,  
 Тирикликнинг тирқишига тутқун бу кун, ҳайрондир.  
 Аравани зўрға судрар бели букик, боши ҳам  
 Тўғидан ўт чақнатиб юрган кунлар армондир.

Ғира-шира эслайди у, қайси бир бой тўйидан,  
 Чавандози қочган эди келинчакни ўнгариб.  
 Ушанда хўп маст бўлувди мушку анбар бўйидан  
 Эркаловчи бармоқларга қолган эди ўрганиб.

Бир кун хуфтон намозига чорлаганда муаззин,  
 Чавандознинг дарвозаси синиб тушди ногоҳон.  
 Бой сўроқлаб келган экан арзанда, қочоқ қизин,  
 Уша куни чавандозга аза тутди оломон.

Эгасини дорга осиб, уй-жойини ёндириб,  
 Тулпорини миниб кетди келинчакнинг хунига.  
 Аравага қўшди уни, шиддатини сўндириб,  
 Уша-ўша тулпор шўрлик тушди итнинг кунига.

\* \* \*

Қирқ газли қанотин ёйиб самода,  
 Тушларимга кирар афсонавий от.  
 Кун чиқар тарафга кўз тикиб Барчин,  
 Алпомишни кутиб қилмоқда фарёд.

Шарқ тонги оқарди, тонгнинг қўйнида,  
 Ғимирлаб кўринар кичик бир нуқта.  
 Оқ кўпикка ботиб михлар зарбидан,  
 Бойчибор яшиндек учмоқда кўкда.

Эгарда кўринмас полвон жиловдор  
 Йиғлагин, йиғлагин Барчин янгажон.  
 Алпомишсиз қолдинг, тиззангга муштлаб,  
 Йиғлагин, йиғлагин титрасин осмон.

Балки Алпомишнинг кипригига тенг,  
 Кичик бир зарраман тенгсиз жаҳонда.  
 Бойчибор тўғин изига чўкиб,  
 Бағрим минг порадир қолиб армонда.



Шодмонбек ОТАБОЕВ

# КУЁВБОЛА

**ҲИКОЯ**

**У**ч кундан буён осмоннинг туби тешилгандай тинимсиз ёмғир шивалайди. Бийдек чўлнинг қоқ ўртасидаги дала шийпони бўронда адашган ёлғиз кемага ўхшайди. Бекордан худо безор, ноилж «лангар ташлаган йўловчи» — ҳашарчилар обдан зеркишган. Эзиб ёққан ёмғирдан сўнг пахта териш у ёқда турсин, оёқни эплаб кўтариб юриш ҳам амримаҳол.

«Куёвбола» ғира-ширада совуқдан қунишиб уйғониб кетди. Қараса — оёғи буклама каравотдан осилиб ётибди. У ўнглиниб, яна бир оз мизғимоқчи бўлди. Аммо, рўпарадаги омонат эшик тирқишидан изғирин уриб турганига жунжикиб, кўзи қайта илинмади. Шифт бурчагида тек қотган калтакесакка тикилганча ўйланиб қолди.

«Куёвбола»нинг чўлга келганига икки йилдан ошди. У нима иш буюрилса, шуни қилиб кетаверади. Ҳозир шаҳардан ҳашарга келган музей ходимларига ошпаз. Ёмғирли кунларда бошқалар маза қилиб дам олса, «куёвбола»га тиним йўқ. Чунки одам боласи туя эмас, бир кунда камида уч маҳал овқат емаса бўлмайди. «Куёвбола», четдан қараганда, огиркарвон кўринса-да, ҳамма ишга улғуради. Бирон марта оғиз очиб зорланмайди. Кичкина эски дўппини бошига омонат қўндириб, яғири чиқиб кетган қора чопон устидан каноп ип боғлаб олган «куёвбола» гўё фақат мана шу макону мана шу юмушлар учунгина яралгандай.

Дарвоқе, унинг Тоҳиржон деган бинойидек исми бор. «Куёвбола» лақаби ҳашарчилардан чиққан. Лақаб узукка кўз қўйгандай ярашиб тушди. Ҳатто ўзи ҳам асл исмини унутиб юбораёзди. У «Ҳа, Куёвбола», дейишганда нимага шама қилинаётганини ўзича тасаввур қилиб, худди шоколад еган боладай яйраб кетар, чўл шамолида қорайган, табассумга мойил, хушрўйгина, аммо сал анқовроқ кўринадиган чехраси аллақандай илинж ва миннатдор назар билан қулиб турар, шунда беўхшов супрақулоқлари беихтиёр бир қимирлаб қўяр эди.

Баъзилар Куёвболани «Ақлу ҳуши сал мундайроқ», дейишади.

Расми **Л. САЛИМЖОНОВА** чизган

Балки шундайдир. Лекин, ҳар ҳолда, «Куёвбола» ҳали беғубор болалигидан унча йироқлашмаган. Агар бу нақаларни жиннига чиқараверсак, унда жинниларнинг бsrлигига шукр қилиш керак. Қолаверса, нима бўлганда ҳам Куёвболаники узрли. Ахир, шоир ҳам «Мухаббат дардидан бемор қалблармиз, ўғай бўлсак не тонг соғлар орасида?», деб бежиз айтмаган. Гапнинг пўсткаллеси — Куёвбола ҳашарчи қизлардан Зухрага ошиқу беқарор бўлиб қолган. Кўз тегмагур Зухра таманно билан қараганда ҳар қандай соғ одамни ҳам телба қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Куёвбола қизни ҳар кўрганида биров юрагига туз солиб қўйгандай кўкси ачишар, қиз то кўздан ғойиб бўлмагунча мунғайиб қараб қолар эди. Бир гал у тушлиқда Зухранинг қосасига нуқул гўшлардан териб солди. Қиз бунга жавобан миийғида секин бир кулиб қўйди. Кейинги сафар Куёвбола яна хушомад қиламан деб қовун туширди: азбаройи қизга маҳлиё бўлиб, овқатни унинг қосасига эмас, қўлига қўйиб юборди. Зухра анча кунгача қовоқ-тумшук қилиб юрди.

Куёвбола қизнинг муомала-муносабатига яхши тушунолмасди. Баъзан уни кўрганда беҳтиёр оғзининг таноби қочиб, мўлтиллаб қараса ҳам, Зухра бурнини жийириб, худди кўрмагандек ўтиб кетарди. Аммо, айрим пайтларда йигит билан астойдил саломлашар, ҳатто бошқалар каби «Ҳа, Куёвбола», дея ҳазиллашиб ҳам қўяр эди. Шунда Куёвболанинг боши осмонга етиб кетар эди. Унга айниқса, қизнинг гоҳида уялиб-қимтиниб, қизариб, гўё кулгисини зўрға босаётгандай узук-юлуқ гапириши жуда-жуда ёқарди. Чунки у бўлғуси қайлиғини ҳаммиша шундай тасаввур қиларди.

Шифтдаги калтакесак чўчиб тушгандек пастга югургилай кетди. Куёвбола нонуштага чой қайнатиш учун оҳиста ўрнидан турди. Каравотнинг остига қўл чўзиб, пайпасланди: этиги қўлга илинмади. Энгашиб қаради: этик йўқ. У шийинқираган қовоқларини ишқаб, оғир уҳ тортгач, секин телпадагиларга қаради. Ҳашарчилар уч қаватли ёғоч сўрилларда ётишар, хонанинг тўридаги «чимилдиқ» тортиб қўйилган хос хоналар «канизаклар» — қизларники эди. Ёлғиз Куёвбола эшик ёнидаги тор йўлакка каравот қўйиб, гўё ҳашарчиларни қўриқлаб ётарди.

— Ҳа, Куёвбола? — Тепадан таниш овоз келди. Учинчи қаватда жойига ярим ёнбошлаб, иякларини кафтига тираганча Азим қараб турарди. Куёвбола кўпинча Азим жиддий гапиряптими ёки ҳазиллашяптими — билолмай шошиб қоларди. Чунки Азим жиддий тарзда ҳазиллашишга ёки ҳазил тариқасида жиддий гапиришга, ҳар қандай одамни лақиллатиб, юз мақомга солишга уста бўлиб, қоса тагидаги нимқосани пайқаш жуда мушкул эди. Унинг ўзи ҳам ҳазил билан жиддиятнинг жонли омухтасига, баъзан эса шайтоннинг тимсолига ўхшарди.

— Шу... этигимни тополмаяпман, — деди Куёвбола Азимга илинж билан кўз тикиб.

- Этикми?
- Этик.
- Қанақа этик?
- Қора этик.
- Қоп-қорамми?
- Ҳа энди... қорароқ.
- Сал эскироғ-а?
- Эски, эски.
- Чап товони сал ейилганмиди?
- Ейилган.
- Размери қирқ иккимиди?
- Худди ўзи! — Куёвбола юраги чақоб бўлиб, бир ютинди.
- Йўқ, кўрмадим!

Қаттиқ қаҳқаҳа янгради. Ҳашарчилар ётиб олиб, қоринларини чангаллаганча мириқиб кулишди. Куёвбола ўзи ҳам беҳтиёр уларга қўшилиб кула бошлади. Азим эса худди садақа қилган бойваччадек кулгига парво қилмас, ҳаммага бир-бир истеҳзо билан қараб чиқмоқда эди.

Тепадан кимдир этикни ташлади. Куёвбола этикни кийиб, нонушта ҳозирлагани чиқиб кетди.

Усти қора қоғоз билан ёпилган бостирма таги — ошхона. Қаердандир ёмғир сизиб, бурчакдаги ўтинни ҳўл қилган, Куёвбола уввало уринмасин, аланга олди-ролмас эди. У ўтин тагига қоғоздан кўпроқ тиқиб пуфлашга тушди. Лунжи сғриб, юзлари қизарди. Кўзлари ҳам тутундан ачишиб, ёшланди. Аксига, бак ҳам пастроқ ўрнатилган эди. Куёвбола тиззалаб, яна пуфлай бошлади. Аланга олдиришга кўзи етмай, ўрнидан турди. Чўккалаган жойида олмадек иккита чиройли чуқурча қолди, тиззаларига лой илашди.

— Ҳа, Куёвбола, бўлмаятими?

Оркада Азим икки қўлини белига тираб турарди. У жинси шим кийган, елкасида ял-янги пахталик, кўнжи қайрилган кирза этиги ярқираб эди.

Куёвбола Азимга ҳавас билан тикилди. У бир умр мана шундай пўрим, келишган, ҳамманинг назарига тушадиган йигит бўлишни орзу қиларди.

— Утин ҳўл, ёнмаяпти, — деди Куёвбола худди бунинг учун ўзи айбдордек хижолатомуз.

— Керосиндан бир челагини қўйвормайсизми? Ути-расизми бошингизни қотириб! — Азим чирт этказиб ерга туфлади.

— Чойга хиди урмасин дейман-да, Азим ака.

— Э, қизиқ экансиз, бу девонатолмасда сассиқ чойнинг борлигига шукр қилишсин! Афандига ўхшаб, «Ёқса ёқди, ёқмаса — тоғдаги гап», демайсизми?!

— Тоғдаги гап?.. — Куёвбола унга анқайиб қаради.

— Эшитинг бўлмаса! — Азим Куёвболанинг елкасига қўл ташлади. — Подшо энг зўр шеър ёзган шоирга мукофот беражагини айтиб жар солдирибди. Хотинининг қистови билан Афанди ҳам илҳом қидириб тоққа чиқиб кетибди. Тоғда бир овчига йўлиқибди. Овчи Афандини кўриб, мақсадини сўрабди. Афанди айтибди, ёзган шеърдан ўқиб берибди. «Э, шуям шеър бўптими?! — дебди овчи бурнини жийириб. — Бу шеърингиз подшога ёқмайди». «Ёқса ёқди, ёқмаса — пада-рига лаънат!», дебди Афанди қўл силтаб. Ниҳоят, подшо шоирларни саройга тўплабди. Афанди қараса, ўша кунги овчи — подшо экан. Навбати келганда у, бўлар иш бўлди, дебдию тап тортмай ўша шеърни ўқибди. «Э, шуям шеърми?», дебди подшо яна энсаси қотиб. Шунда Афанди таъзим қилиб дебди: «Шоҳим, ёқса ёқди, ёқмаса ўша — тоғдаги гап!»

Азим Куёвболага жиддий тикилиб турарди. Куёвбола негадир ўнғайсизланиб, жилмайди.

— Ҳўш, қалай, бўладими? — сўради Азим.

— Бўлади, бўлади, — дея шошиб жавоб қилди Куёвбола.

— Нима бўлади?

— Нимани сўрасангиз — ўша-да, Азим ака!

— Мен латифани айтяпман.

— Мен ҳам... Яхши латифа экан. — Куёвбола мумкин қадар жиддий бўлишга уринар, аммо эпполмас эди.

— Унда нега кулмадингиз? — деди Азим гўё ачиқ-лангандай қовоғини уйиб.

— Ҳи-ҳи. — Куёвбола кулгини ҳам эпполмай, Азимга мунғайиб тикилди. — Бирга кулишадиган шерик бўл-маса, одамга ғалати туюлар экан, Азим ака!

Азим юраги сиқилиб, осмонга қаради.

— Ҳаво ҳам очилиб кетадиганга ўхшайди, — деди хўмрайиб. — Яна бир-икки кун ташлаб турганда зўр бўларди.

— Йўғ-э! — Куёвбола Азимга хавотир билан қаради.

— Кун ўтса бўлди-да. Солдат ухлайверади, хизмати ўтаверади, дейишади-ку!

— Одамларга жабр бўлади-да, Азим ака.

— Қайси одамларга?

— Ҳаммага.

— Ҳаммага денг? Сизга ҳамми? Сизга ҳам жабр бўлиши мумкинми? — Азим Куёвболага бир зум ҳайрат билан тикилган бўлди. Ногоҳ бир нима эсига тушгандай юмшаб, бошқа қиёфага кирди. — Дарвоқе, Куёвбола, бу ҳалиги... интим масалалар нима бўляпти?

— Қанақа масалалар? — Куёвбола тушунмай қайта





сўради. У мабодо Азим яна латифа айтса, бу гал астойдил кулиб, уни хурсанд қилишга чоғланди.

— Ҳалиги... «канизаклар» томонга ўтиб турибсизми? — Азим ўта муҳим ва сирли гапни айтётгандай деярли шивирлаб гапирди.

— Энди... ўзлари гоҳида чақириб қолишади... иш билан.

Дарҳақиқат, Куёвбола ҳамisha қизларнинг раўйига қараб, уларнинг ҳар қандай илтимосу топшириқларини бажондир бажарар, бунини Азим яхши билар эди.

— Сиздан умидимиз катта, Куёвбола! — дея Азим гапни узоқдан бошлади. Куёвбола қулоғини динг қилди. — Назаримда, келинпошша сиздан сал хафароқми-ей...

— Йўғ-э?! Нимага?

— Эйтибор қилмас эмишсиз, бошқа қизларга кўп тикилар эмишсиз. Ростми?

— Худо урсин агар, бошқа қизларга қараган бўлсам! — Куёвбола Азимнинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. — Қарасам қарагандирман, аммо-лекин тўғриликча қараганман.

— Эйтибор қилмаганингиз-чи?

— Буниси қанақа бўлади, жон ака, ўзингиз ўргатиб қўйинг, — дея астойдил ёлвора бошлади Куёвбола.

— Менимча, Зухранинг сизда кўнгли бор, бўлмаса, бунчалик куйинмасди. Узингиз ҳам кўп бепарво бўлмаган-да, сизни бекорга «Куёвбола» демаганмиз, Куёвбола! — Азим секин унинг биқинига туртиб қўйди. Бояқиш Куёвбола, ҳовлиқиб, кўзларига ёш қалқиганини сезмай қолди. — Гап бундоқ, Куёвбола: шанба куни келинпошшанинг туғилган куни! Ана энди агар кўнглингизда бўлса, бутун ҳиммат-этиборингизни кўрсатаверасиз.

— Нима қилай, ака? — Куёвбола бетоқатланди. Шу тобда у ҳамма нарсага тайёр, кўнглидаги хижиллик тезроқ тарқалишини истар эди.

— Аввало, келинпошшанинг сиз биринчи марта қатнашадиган туғилган куни ҳар томонлама зўр ўтиши керак. Юбилярга совға-салом дегандай...

Азим «арзимас харажатлар»ни яна узоқ тушунтирди, Куёвбола эринмай ёзиб олди.

Совуқ сувда ювингиси келмаган ҳашарчилар биринкетин кружка, шиша ва консерва банкаларини кўтариб, бак томон кела бошлашди. Куёвбола яна чўккалаганча, чала ёниб, ўчай-ўчай деб қолган чўғни пуфлашга тушди.

Уша куни ҳаво очилиб кетса-да, ер селгимагани учун теримга чиқилмади. Кечки таомдан сўнг кўп ўтмай диққинафас ҳашарчилар бемаврид кўндоққа чиққан товуқлардек ўринларига чўзилишди. Ниҳоят, тиниб-тинчимас Куёвбола ҳам ишларини саранжомлагач, ҳориб-толиб кириб келди. У ҳали нафас ростлашга ҳам улгурмасдан эшик ёғирлаб, остонада Азим кўринди.

— Шу бригадирга ҳам ҳайронман, — дея ўзича хунуб бўлиб гап бошлади у. — Кўргани нуқул Куёвбола! Нима гап бўлса — Куёвбола! Бу Куёвболанинг нечта жони бор, ахир?! «Қўйинг, Абдурасул ака, бу галча бошқасига буюрақолинг, бояқиш эрталабдан тиним билмайди», десам ҳам кўнмади. «Йўқ, ҳеч ким бу ишни Куёвболачалик дўндирилмайди», эмиш!

Азимнинг сўридаги қўшниси Комил оширмани сезиб, содда-муғомбирлик билан алангага чўғ ташлади:

— Нима дейди ўзи бригадир?

— Э, нима дерди, «Куёвболага айтинг, чиқиб ўтин ёрсин», дейди.

— Ҳозир-а?

— Ҳа-да!

Куёвбола каттиқ чарчаган, қимирлашга мадори йўқ эди. У, бригадир шундай топшириқ берганими, рост бўлса, нега боя ўзига айтақолмади — бу ҳақда ўйлаб кўрмас, фақат бир нарсани — бу гапларнинг ҳазил бўлиб чиқшини истар эди. Бироқ негадир ҳеч ким кулмади. Кимдир бемаврид иш буюрган бригадирни сўкиб қўйди, холос.

Куёвбола ноилож ўрнидан туриб, чопонини судра-

ганча чиқиб кетди. Қадамлар узоқлашгач, ичкарида гурр кулги кўтарилди. Ҳашарчилар шу билан мамнун ва шод эдилар, шу билан кўнгилларидаги ланжлик бирмунча тарқалгандек бўлди. Улар деразанинг хира ойнасида, тахта девор тирқишларидан Куёвболанинг ўтин ёришини мароқ билан томоша қилдилар.

Азим секин пастга тушиб, «канизаклар» томон юрди. Йигитлардан фақат угина хоҳлаган вақтида «чимилдиқ»дан нарига ўта оларди.

Кўп ўтмай, қизларнинг шўх ва нозик қиқирлашлари эшитилди. Айниқса, Зухранинг жарангдор кулгиси алоҳида ажралиб турарди.

Шийпон яқинидаги мотор тариллаб, асабни арралай бошлади. Шийпонда иккита кичик электр чироғи қизариб, хирагина нур таратди. Ухлашга ҳали эрта. Ҳар ким ўзича кўнглини хушлайди, ўзича вақтни «ўлдирди». Бурчак-бурчакда қартабозлик, латифагўйлик бошланди. Сигарет тутуни, сув кўрмаган пайпоқ-пайтава, тер ва яна алланималарнинг ёқимсиз ҳидидан нафас олиш оғирлашди.

Бир маҳал хонага терга ботиб, бошланг Куёвбола кириб келди. Уни гўё вақтинча нутишган эди. Куёвбола ечинмасданоқ жойига чўкди. Шунда нимадир қаттиқ тарақлаб кетдию Куёвбола ерга қулаб тушди.

Уни бутунлай нутишмаган экан. Кимдир буклама каравотининг оёқларини жўрттага омонат қилиб қўйган эди. Бу ҳам одатдаги энгил тузоқлардан бўлса-да, Куёвбола унга осонгина илинди. Яна кулги, яна жонланиш бошланди. Куёвбола ҳам бошқаларга қўшилиб кулар, аммо унинг кулгиси завқсиз, ўлик кулги эди, аянчли жилмайишга ўхшарди.

Шанба кuni бўладиган базми жамшидга жиддий тайёргарлик кўриларди. Азим ҳар кеч Куёвболанинг хайру саховати билан «маслаҳат оши» уюштирар, шунда кўнғиз мўйловини силаб, қироат билан гап бошлар эди:

— Куёвболанинг обрўйи учун курашишимиз керак, ўртоқлар. Дастурхон тўкин бўлишига ишонаман. Келинпошшага дурустроқ совға лозим. Эртадан қолдирмай сахарга одам юбориш керак. Тўғри, Зухра унақа ялтироқ нарсаларга ўч эмас, аммо дўст бор, душман бор, ҳар ҳолда, куёвболанинг йўриғи бошқа.— Азим Куёвболага қараб, алоҳида салмоқ билан таъкидларди: — Чол-камбир бўлиб, қўша қариганингларда бу кунларни эслаб юрасизлар.

Азим Куёвбола кўнглининг энг нозик, энг заиф жойларини беш қўлдек биладиган сеҳргарга ўхшарди. Пойгакда чўккалаб чой қўйиб ўтирган Куёвбола ширин ҳаяжондан энтикиб кетди. Раҳматли отаси «Қўша қаринглар», деган дуони кўп айтарди. Куёвбола мурғаклигидан онг-шуурига муқаддас калимадек сингиб кетган бу табаррук сўзларни Азим бамайлихотир айтаётганига гоҳ ҳайрон бўлса, гоҳ қойил қоларди. Назарида, Азим ҳар ишга қодир, агар хоҳласа, шанба кунги базми никоҳ тўйига айлантириб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Аммо Куёвбола бундай мўъжизани ожиз тасаввурига сиғдирилмасди.

Зухранинг туғилган кунини нишонлаш камбағалнинг кичикроқ тўйига ўхшаб кетди. Куёвболанинг қўли очик йигитлигига ҳамма яна бир карра тан берди.

Шийпон ичидаги йўлакка буклама каравотлардан тўрттасини узунасига териб қўйишган эди, бинойидек стол бўлди. Икки четдаги кўрпа-ёстиқли ёғоч сўрилар эса, дала шароитида ҳар қандай юмшоқ креслодан қолишмасди. Дастурхонда анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса муҳайё. Оқ-қизил, узун-қисқа шишаларнинг барча туридан бор. Мева-чева, қовун-тарвузку — деҳқончилик.

Стол тўрига Куёвбола билан келинпошшани ёнма-ён ўтқозишди. Куёвбола байрамларда киядиган қора костюм-шим, чуст дўппи кийиб, туппа-тузук ясаниб олган. Келинпошшани-ку айтиб ўтирмаса ҳам бўлади, қўшиқда куйлангандек — «Пардозга хожати йўқ, асли

ўзи чиройли». Фақат юзига оқ ҳарир етишмасди, холос.

Ҳамма жой-жойини эгаллади.

— Ҳурматли ўртоқлар, — деди Азим зиёфатни очиб. — Бугун биз икки бахтли ёшнинг... кхм, кхм... — Даврада гурр кулги кўтарилди. Азим қўлини кўтариб, тартиб сақлашни илтимос қилган бўлди. — Дарвоқе, узр, бугун биз ҳаммамиз учун, айниқса, яна бир киши учун қимматли ва азиз бўлган ажойиб синглимиз, ҳамкасбимиз Зухраҳоннинг илк бор кўз очиб дунёга келган қутлуғ кунига ўтирибмиз. Зухраҳоннинг ҳаётларида бундай бахтли дақиқалар ҳали кўп бўлади, мен бунга ишонаман. Аммо, бу галги юбилейларида мен, масалан, ўзгача, рамзий бир маъно кўряпман, ўртоқлар! Кхм... Биров Зухро юлдузини осмондан қидиради, бошқа биров эса уни шу она заминнинг ўзидан топади. Буни қарангки, тақдири азал буларнинг бирини Тоҳиру бирини Зухро қилиб яратибди. Тақдирнинг ҳазили... кхм, ҳикматини қаранг! Ҳаётда бундай бахтли тасодиф, бунақа ажойиб мўъжиза ҳамма вақт учрайвермайди. Фалакнинг гардиши билан Тоҳир-Зухралар шу ерда топишишган экан, биз бунга ҳар жиҳатдан олқишлашимиз, бундай бахтга ҳавас қилишимиз керак, ўртоқлар!

Қарсақлар янгради. Ҳамманинг кайфияти кўтаринки, ҳамма шоду хуррам эди. Ҳамма шу кечанинг асосий «гуноҳкорлари»ни завқ шавқ билан кузатарди.

Зухра уялибгина бошини эгди, зимдан Куёвболага табассум билан қараб қўйди.

Куёвбола ўзини қўярга жой тополмас, кўз олдини ғалати бир туманлик қоплаган, ҳамма нарса тушида содир бўлаётганга ўхшар, ёнида ўтирган қиз ҳар кунини ўзи кўриб юрган Зухра эмас, гўё афсонавий бир парирухсор эди. У шу тобда бу тантана ростдан ҳам Зухранинг туғилган кунини эканига ишонгиси келмасди. Дилида асраб-ардоқлаб юрган орзу-истаклари рўё эмас, балки ҳақиқат эканига энди шубҳаланмасди. Куёвбола елкасига фавқулудда бахт қўши кўнганини ҳис қилар, бу қўшни бирон эҳтиётсизлик ёки қўпол қаҳқаҳа билан учириб юборишдан қўрқар эди. У қўлларини гоҳ столга қўяр, гоҳ тиззасига олар, ўнғайсизланар, аммо чеҳраси очик, ҳаммага қулиб, мамнун боқар эди. Қайтаг, Зухра анча дадил чиқиб қолди. У ён-верига бемалол ўгирилиб, қизлар билан қиқирлашар, гоҳо Куёвболага энгашиб, «Қанзақасидан ичасиз?», дея шўх шипшир эди. Куёвбола «ҳи-ҳи»дан бошқасига ярамагач, энгашиб, катта стаканга тўлатиб ароқ қуйиб қўярди.

Совға-саломлар, келишилганидек, озгина «қизишиб» олингандан сўнг алоҳида тантана билан топширилди. Руболича билан дойрачи ғолибларга мукофот топширилганда янграйдиган аънавий марши чалиб туришди. Куёвбола жажжигина бахмал қутичадан бўйнига тақиладиган тилла тақинчоқни олиб келинпошшага узатаётганда атрофдан «Горько», «Горько», деб қичқиришди. Куёвбола нима гаплигини англаб етгунча келинпошша чаққонгина эгилиб, йигитнинг дўнг пешонасидан қўлп этиб ўпдию тезгина жойига ўтирди. Куёвболани ҳам «Ўтиринг», дея секин кийимидан тортиб қўйди. Узи эса ерга қараб олди. Давомли қарсақлар, қийқириқлар янгради. Куёвбола қиз уни худди ёш боладай эркалаб, пешонасидан ўпганига қаттиқ уялиб кетди. У, келин билан фақат тўйдан кейин, танҳо қолгандагина ўпишса керак, деб хаёл қилган эди. Куёвбола яна кўп нарсаларни хаёл қилар, хаёллари рўёбга чиқиши мумкинлигига борган сари кўпроқ ишонар эди. У Зухранинг қишлоқ келинлари каби желак ёпиниб, очилиб-сочилиб, ҳамманинг ҳавасини келтириб уйда хизмат қилишини, чилла чиққунча чимилдиқда ўтадиган тотли лаҳзаларни, бир-бирини эъзозлаб-эркалашларини кўз олдига келтириб, ширин хўрсиниб қўярди.

Шўх музика, рақс, ўйин-кулги, ҳазил-мутоиба узоқ давом этди. Шишалар тўхтовсиз алмаштириб турилди. Ахири, ўтиришдан файз кетди, биров билан бировнинг иши бўлмай қолди. Ширакайф Куёвбола мудрай

бошлади. Зухра қаёққадир\* ғойиб бўлди, «канизаклар» ҳам кўринмасди.

Куёвбола аста ўрнидан турди. Йўлак адоғидаги кавратини қидириб анча оворга бўлди. Кейин унинг стол ўрнида «хизмат» қилаётгани эсига тушиб, анчагача гангиб, тараддулланиб қолди. Сўнг ташқарига чиқиб, бостирма томон юрди. Куёвбола ҳар кеч ётишдан олдин ошхонани бир карра кўздан кечириб, бақка сув қуйиб қўярди. У бостирмага яқинлашганда тахта тўсиқ орқасидан енгил бир шарпа қулоғига чалинди. Куёвбола сергак тортиб, секин оёқ учида юриб борди. Энди икки кишининг шивирлашаётгани, энтикиш-ҳансирашлари аниқ эшитилди. Куёвбола Азим билан Зухрани овозидан таниб, ерга ўтириб қолди.

— Кўп ёпишманг менга, негадир кўнглим ғаш.

— Намунча энди?! Еки Куёвболани ростдан ҳам яхши кўриб қолдингми?

— Қўйсангиз-чи! Ҳар ҳолда яхши иш бўлмади.

— Э-э, битта меров учун шунча бошоғриғими? Қайтага яхши сабоқ бўлди: лақиллаб-лақиллаб, кўзи очилади.

— Ҳеч бўлмаса, совғасини қайтариб берайлик, шўрлик бунга яраша пулни ялло қилиб топмагандир.

— Майли. Шаҳарга қайтганимизда ўзим сенга бундан ҳам зўрини олиб бераман. Амаким заргарлик дўконига ишлайди.

Бир муддат жимиб қолишди. Улар ўтирган омонат чойқути ғичирлай бошлади.

— Бўлди энди, мўйловингиз ботиб кетди. Опташланг, девдим-ку!

— Битта ўпич деб шундоқ мўйловни увол қилайми?! Мўйловда гап кўп, жоним!

Бошқа гаплар қулоғига кирмади — Куёвбола қарахт бўлиб қолган, мияси тинмай ғувиллар эди. Бир пайт нимадир қарс этди. Гўё юзига шапалоқ тушгандай Куёвболанинг кўзи ярқ очилиб кетди.

Қадам товушлари йироқлаб, охири тинди. Куёвбола энди ер бағирлаб ётарди.

У шу кўйи узоқ ётди. Ниҳоят, кўксидан зах ўтиб, оғир бош кўтарди. Кейин бирдан ақли равшан тортиб, мияси тез ишлай бошлади. Шаҳд билан ўрнидан кўз-ғалганда ногаҳон момақалдироқ гумбурлаб, кетмакет чақмоқ чақди. Йўл четидаги яланғоч новдалари кўкка интилган ёлғиз тут бир лаҳза гулхандек қизғиш тусда товланди.

Куёвбола тутга тикилганча ҳайкалдай қотиб қолди. Кўз олди қоронғилашиб, ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Қонталаш шуёла бошқа кўринмади. Атрофга ваҳимали сукунат чўкди. Осмон ҳам тобора торайиб, ҳозир устига босиб тушадигандек кўркинчи туолди. Куёвбола қаттиқ қичкириб юборди, сўнг бошини қўллари билан чангалладио қаҳ-қаҳ уриб қулди. Даҳшатли ва ғайритабиий бу кулги узоқ-узоқларда акс садо берди. Гўё жамики изтироб-аламлари, армон у илинжлари шу қаҳқаҳа билан барҳам топгандай бўлди, ажууди ва руҳида ажиб бир енгиллик туйди.

Унинг учун энди кулги ҳам, йиғи ҳам бари бир, кулиб туриб йиғлар, йиғлаб туриб қулар эди...

## АДАБИЙ ҲАЁТ ҲАНГОМАЛАРИ

### ДЮМАНИНГ ҒАЛАТИ ОДАТИ

Энг сермахсул адиблардан бири француз романчиси Александр Дюма ота! ўз умри давомида 300 га яқин роман, ҳикоя ва пьеса яратган ижодкордир. Лекин у ўз ёзувчилик тажрибасида адабий ўғирлик қилишдан ҳам қайтмаган экан. Кейинчалик аниқланган бир қатор фактлар ана шундан далолат беради.

Рус ёзувчиси И. И. Лачежников томонидан 1835 йили ёзилган «Муздек совуқ уй» номи тарихий романни А. Дюма 1860 йили ўз номидан нашр эттирган. 1861 йили эса ёзувчи ўзининг Кавказ саёҳати ҳақида ҳикоя қилувчи янги романини эълон қилади. Бироқ кейин маълум бўлишича, бу асар А. А. Бестружев-Марлинскийнинг Россияда унутилиб кетган «Мулла Нур» повестининг сўзма-сўз таржимаси экан.

### «ЎЛИК ЖОНЛАР»НИНГ СИРИ

Ёзувчилар баъзан ёр-биродарлари, таниш-билишлари, ҳамроҳларидан эшитган воқеаларни ўз асарларига асос қилиб оладилар. Масалан, машҳур рус ёзувчиси Н. В. Гоголь «Ўлик жонлар» романи сюжети А. С. Пушкин айтиб берганлигини таъкидлаган.

Буюк шоир бу сюжетни қаердан олган!

Бу саволга А. С. Пушкин вафотидан 125 йил ўтгандан кейин жавоб топилди. Молдавиялик адабиётшунос Г. Ф. Богач шоирнинг таниши И. П. Липранди кундалиги ва эсдаликларини ўрганаётиб, қизиқ бир фактга дуч келди: ўтган асрнинг йиғирманчи йиллари бошларида Бессарабияда Бендера шаҳри — «одамлар ўлмайдиган» жой деган афсона тарқалади. Бу ерда кўп йиллар мобайнида ўлиш қайд этилмайди. Маъмурлар бу сирни аниқлашга киришадилар. Маълум бўлишича, Терлецкий деган кимса ўлик жонларни сотиб олиб, уларнинг номларига Россиядан қочиб келган деҳқонларни ўтказар в шу йўл билан кўп фойда кўриб келар экан. Терлецкий қамоққа олинган. И. П. Липранди бу ҳақда Пушкинга гапириб берган. Ўлик жонлар билан бундай гаройиб савдо-сотиқ қилиш шоирни қизиқтирган. У Бендерага қилган сафари вақтида «Терлецкийнинг иши» билан муфассал танишган, бир неча йил ўтгандан кейин эса бу ҳақда Гоголга гапириб берган.

Г. Ф. Богач маҳаллий архивлардан топган ҳужжатлар ҳам Терлецкий воқеасини тасдиқлайди. Демак, Пушкин Гоголга ўзк ўйлаб топган сюжетни эмас, ҳақиқий тарихни айтиб берган.

Ёзувчининг ўғли ҳам романнавиё бўлиб, у ҳам шу номда ижод қилган.



1926 йилнинг 4 сентябрига ўтар кечаси, Михайловскоега от қўйиб келган чопар Пушкинни зудлик билан яқиндагина тахтга ўтирган Николай Биринчи ҳузурига етказди. Подшонинг Пушкин билан холи суҳбати бу гал одатдан ташқари узоқ — икки соатча давом этади. Бу суҳбатдаги савол-жавобга диққат қилайлик:

Подшо: — Агар сиз 14 декабрь куни Петербургда бўлсангиз, нима қилар эдингиз?

Пушкин: — Сенат майдонида бўлардим.

Бу жавоб Пушкиннинг дўстларга шунчаки ҳамдардлиги эмас, балки ҳаммаслақ дўстлар — декабристларга садоқати ифодаси эди. Ана шу садоқат кейинчалик ҳам шоирнинг «Станслар» (1826), «Сибирь конларининг тагида...» (1827), «Арион» (1827), «Анчар» (1828) шеърларида очиқ-ойдин акс этган.

Ҳўш, шундай экан, декабристлар ҳаракати тор-мор этилмасидан аввал Пушкиннинг дўстларига муносабати қандай бўлган? Ёхуд баъзи тадқиқотчилар таъкидлаганларидек, бу ҳаракатдан шоир тамоман хабарсизмиди? Аксинча, Пушкин Кишинёвдалик пайтидаёқ дўстларининг махфий ташкилотидан, унинг 1822 йилда тор-мор этилгани, В. Раевский қамоққа олиниб, М. Орловнинг ўз лавозимидан туширилиши сингари воқеалардан яхши хабардор эди. Пушкиндек буюк граждон, ватанпарвар шоир бундай ҳодисалардан четда туриши мумкин эмас эди, албатта. 1824 йилда П. Осипованинг Тригорскоедаги қўрасида битилиб, кейинчалик декабристлар орасида ёд бўлиб кетган «Қуръондан иқтибос» ижтимоий-фалсафий туркумидаги шеърлар ана шу воқеаларга (хусусан, Кишинёв воқеасига) бағишлангандир.

Туркумдаги диний сюжетлар асосан Қуръоннинг «Кўр», «Шуаро», «Нур», «Бақара» сураларидаги (кўпроқ Қозий Байзавий тафсирига яқин) воқеалардан олинган бўлиб, улар шоирнинг исёнкор ўйларига бир ниқоб, холос. Аслида туркум лейтмотивини шоирнинг маслакдош дўстлари — декабристларни рағбатлантириш гоёси ташкил этади (Кишинёв воқеасини эсланг). Туркумда декабристлар эътиқоди: гоё — худо тимсолида, бу эътиқод пайғомчиси шоир эса пайғамбар образида аксини топган.

ТАРЖИМОН

А. С. ПУШКИН

# Қуръондан иқтибос

П. А. ОСИПОВАга бағишланади

I

Онт ичаман жуфту тоқ ҳаққи,  
Қилич ҳаққи, газоват ҳаққи,  
Онт ичаман мен Зухро ҳаққи,  
Хуфтондаги ибодат ҳаққи:

Айт-чи, сени қачон тарк этдим!!  
Мен гўшаи таскин ичра, айт,  
Бошин силаб кимни беркитдим  
Синчил нигоҳ таъқиб этган пайт!!

Мен эмасми, сен — ташна учун  
Сахро сувин йўқдан бор қилган!  
Мен эмасми, тилингни, бутун  
Ақлларга ҳукмдор қилган!

Мардона бўл, ёв бил, ёлгонни,  
Ҳақ йўлидан дадил юр, марғуб,

Етимларни суюб, Қуръонни  
Қулларимга айлагил тарғиб.

II

Эй, расулнинг пок аёллари,  
Устиворсиз жами аёлдан:  
Сизга даҳшат — фиққ хаёллари.  
Сиз оромбахш гўша ичра шан,  
Маъсум яшанг: сизгадир мерос  
Биби Марям ёпинган либос.  
Садоқатли қалбни асрангиз  
Ҳалол оғуш, қутлуг ишқ учун,  
Осийларнинг назари бу кун  
Юзингизга тушмагай ҳаргиз.  
Сизлар эса, эй, саҳобалар,  
Муҳаммадга бўларкан меҳмон, —  
Зинҳор уни ғайри йўл томон

Бошламоқдан қилинг тавбалар.  
У илоҳий ваҳийга шайдо —  
Яшар экан, боқмагай асло  
Мадҳиялар, ҳиссиз сўзларга:  
Шукр дея, эъзозлаб базмин,  
Пок дил билан қилингиз таъзим  
Уйидаги ёш канизларга.

### III

Қовоқ уйди кўнгли ғашланиб  
Кўр шарпасин сезган пайғамбар:  
Югурару ёмонлик яниб,  
Дилга раҳна солишдан қўрқар.

Каломулло, сенга, пайғамбар,  
Берилмаган шаккоқлар учун  
Тарғиб айла Қуръонни, магар  
Осийларни зўрламоқ нечун!

Нимасига кеккаяр инсон!  
Туғилгани учунми ожиз,  
Қўғирчоқдек яшаб нотавон  
Сўнг ўлгани учунми ожиз!

Тангри аввал ўлдириб фаршда,  
Сўнг жон ато этганигами!  
Кўнларини қўриқлаб аршда —  
Қисматга жо этганигами!

Ё бергани учунми ризқ-рўз,  
Зайтунни ҳам, хурмо, нонни ҳам!  
Меҳнатини олқишлаб бесўз  
Токзорни ҳам, пайкал, донни ҳам!

Сур тортади, бироқ, Исрофил;  
Ерда қўпар қиёмат кўни:  
Онасидан безади ўғил,  
Оғасини тан олмас ини.

Қути ўчиб, шунда қўрқувдан  
Барча энур тангрини таниб  
Ва осийлар қулар юз тубан  
Повуллаган ўтга чулғаниб.

### IV

Кўп қадимда, қодир яратган,  
Кибрдан маст ҳоким бир кўни  
Баслашмоқчи бўлди сен билан;  
Босиб қўйдинг, лекин, сен уни.  
Дединг: «Ерга бахш этиб ҳаёт,  
Жазоларман ўлим билан бот,  
Измидадир менинг бор дунё»,  
«Мен ҳам, — деди у, — бериб ҳаёт,  
Жазоларман ўлим билан бот:  
Мен сен билан тенгман, эй худо».  
Лек сендаги илоҳий шахтдан  
Учди осий такаббур уни:  
«Мен кўтаргум қуёшни шарқдан,  
Қани, кўтар ғарбдан сен уни!»

### V

Ер турғундир: гумбази само  
Дастингдадир, дастинг толмагай,

У қуруқлик ё сувга асло  
Қулаб, бизни босиб қолмагай.  
Сен қуёшни ёқдинг, яратган,  
У ёритгай еру кўкни тек,  
Биллур ичра ёғду таратган  
Зайтун мойи сингган пиликдек!

Яратганга сиғин, у қодир:  
Жазирама кунда ҳимоя;  
Булутларни кўкка йиғадир;  
Бахш этадир оғочга соя.

У шафиқдир: у Муҳаммадга  
Очди порлоқ Қуръонни аршдан;  
Топинайлик нури абадга,  
Кўзимиздан арисин туман.

### VI

Кирмадингиз тушга беҳуда  
Салла ўраб, айтиб такбирлар,  
Қўлда тутиб қонли шамширлар.  
Сиз хандақда, қалъа устида.

Тингланг, шодон дэъват сасини,  
Ўтли сахро ўғлонлари, сиз!  
Канизларни асир олингиз,  
Бўлашингиз жанг ўлжасини!

Сиз енгдингиз: сизга шон қулар,  
Қўрқоқларнинг аҳволи хароб.  
Газоватга бермади жавоб  
Сирли тушга инонмай улар.

Сукланганча ўлжага бу дам,  
Қилмишидан пушаймон, секин,  
Қўшиб олинг, дерлар, бизни ҳам;  
Сизлар эса рад этинг кескин.

Жангда шаҳид кетганлар албат,  
Жаннатмакон дея олди ном.  
Улар энди дохилсиз ором,  
Фароғатга чўмди то абад.

### VII

Қўзғол, эй хавфнок:  
Бу тун горингда  
Муқаддас чироқ  
Ёнур тонггача.  
Сидқий тоат-ла  
Қувгил, пайғамбар,  
Ғамгин ўйларни,  
Нопок рўёни!  
Тонггача тоат,  
Ибодат айла;  
Арш китобини  
Ўқи тонггача!

### VIII

Виждонингни сотиб рангпар фақирлик узра,  
Эҳсон сочма сен таъмагир қўл билан сира;

Аршга мақбул бўлмай фақат тўлиқ саховат.  
Маҳшар куни бўлиқ ҳосил берган ер

монанд,

Уруғ сочган, бахтли ихлосманд,  
У юз карра тақдирлагай заҳматинг албат.  
Лекин агар бу дунёда феълинг қилиб тор,  
Сен хасислик билан тутсанг гадога нисор,  
Бахил қўлинг юмиб турсанг оғриниб,

малул,

Билки, берган хайр-эҳсонинг харсангдан  
жала

Ювган гарддек йитар бир йўла; —  
Яратганнинг даргоҳида бўлмагай қабул.

## IX

Сўнг ҳорғин йўловчи шаккоклик қилди:  
Сув ила сояни тангри деб билди.  
Саҳрода тентираб уч кеча-кундуз,  
Ҳарорат ва чангдан зўрға очиб кўз,  
Боқаркан атрофга ноумид, нолон,  
Хурмою қудуқни кўрди ногаҳон.

У танҳо хурмога отди ўзини,  
Ёрилган тилию қақроқ кўзини  
Оромбахш сув ила сарафроз этди  
Сўнг хачир ёнида уйқуга кетди  
Ва ўтди устидан йиллар карвони:  
Бирубор тангрининг шудир фармони.

Келганда йўлчига уйғонмоқ они,  
Кўз очиб, тинглади олис нидони:  
«Кўпданми уйқуга кетдинг саҳрода!»  
У жавоб беради: «Кеча самода  
Чошгоҳнинг қуёши кезарди юксак,  
Чошгоҳдан то чошгоҳ ухлабман, демак».

Нидо дер: «Йўқ, йўлчи, ухладинг узоқ,  
Ётганда ёш эдинг, қарибсан-ку, боқ,  
Боқ, хурмо ўрнида бир ҳовуч кукун,  
Бу сувсиз масканда қуримиш бутун  
Қум босган ул қудуқ — саҳро булоғи;  
Боқ, ётар оқариб хачир чаноғи».

Ғам билан оҳ чекди бир лаҳзалик чол —  
Қалтироқ бошини эгиб бемажол...  
Мўъжиза рўй берди шу дам саҳрода:  
Барига жон кирди, янги жилода  
Яна бош силкиди эпкиндан хурмо,  
Яна сувга тўлди қудуқ руҳафзо.

Оқарган сўнгаклар тикланиб бир-бир,  
Вужудга кирдию ҳангради хачир;  
Йўлчи қувонч туйди, кучи жўш урди,  
Қонида тирилган ёшлик гупурди;  
Илоҳий бир ҳайрат кўзголда унда:  
Худони ёд айлаб йўл олди шунда.

1824

Абдулла ШЕР  
таржимаси

Йўлдош СУЛАЙМОН

## Онам қўшиғи

Онам жажожи укамни  
Алла билан ухлатар:  
«Кўзингни юмгин, болам,  
Йўқ сира ҳам хавф-хатар.  
Қўнган билан чумчуқлар  
Пўлат симлар узилмас.  
Ухла қўзим, ором ол,  
Тинчлигимиз бузилмас».  
...Онам алла айтади,  
У укамни ухлатар.  
Сингиб алла бағрига  
Укажоним донг қотар.  
Яна алла уйғотар  
Айни саҳар палласи.  
Хаёл олиб қочади,  
Ростми онам алласи!  
Алла айтган чоғида  
Тинчлигимиз куйлар у.  
Бизни қучиб, тинчликни  
Барқарор деб, ўйлар у.  
Келажакни, бизни деб,  
У тинчликнинг ошиғи!  
«Жаҳонгир» амакилар,  
Ростми онам қўшиғи!!

Сулаймон ШОДИЕВ

## Пискарёв қабристонида

Бунда қалбларни санамоқ душвор,  
Бунда ҳукмрондир мангу сукунат.  
Ҳар битик олдида тортасан ҳушёр,  
Ҳар ёзув хаёлни олар бир муддат.  
Алвон гулчамбарлар қоплаган барин,  
Қардошлар, қондошлар ётибди  
бунда.

Кечаги урушнинг мард шаҳидлари —  
Қўлдош-қуролдошлар ётибди бунда.  
Эҳтиром, сукутда этамиз тавоб.  
Марҳумлар оромин бузмаслик  
учун.

Бунда на савол бор, бунда на жавоб,  
Нақадар ғаройиб эрур бу очун!  
Сўрайман мотамнок юрагимдан

жим:

«Бу мангу уйқуда не синоат бор!»  
Ўнгимда тирилган каби бир марҳум  
Менга шу сўзларни айтади такрор:  
— Бизлар ухлаймиз ўзимизни деб,  
Бизнинг сийнамизда қотгандир

ғамлар.

Бизлар ухляпмиз тирикларни деб,  
Ухлаб қолмасин деб тирик одамлар!



Ражаббой РАУПОВ

## АРАВА

ҲИКОЯ

**К** уёш қирлар ортига ботиб, салқин шамол эсар, чўл адашган боланинг юрагидек нотинч, тобора ваҳимага тўлиб борар эди. Ярим соат олдин ёрдамчиларнинг шовқини, Қоратойнинг кишнаши, полизни эгаллаган қовунхўр қушлар галасига хаёлларим жўр эди. Ёрдамчилар кетдию ҳаммасини сукунат ютди.

Мен отамнинг эски чопонига ўралиб, пахта уюми ичига кириб олганча Рўзи, Жума, Талиб амакиларнинг қанорга пахта жойлашини кузатиб ётар эдим. Улардан бирортаси гапирмас, қош-киприклари ва уст-бошларига кўнган чанг, гард-ғубор туфайли қўполдан-қўпол кўринар, чамамда, hozir пахтадан бошқа нарсани кўрмаётган, ўйламаётгандек туюлар эди.

Улар Жилвонда ёз бўйи шу тахлит ишлашарди.

Тушгача уларнинг бор-йўқлигини унутиб, бепоён кенгликлар, баланд қирлар — чўл табиатига маҳлиё бўлиб ўйнаб юрардим. Ҳар кун уларни шу ҳолатда кўриш зерикарли эди. Бугун ҳашарчилар билан қишлоққа қайтмаганимга афсусланиб, амакиларнинг ишини кузатиб, улардан бирор гап чиқишини пойлаб ётардим. Бир мuddат ўтгач, тўнғиллаган товуш эшитилди:

— Узи ҳам тинмайди, бизни ҳам тиндирмайди...

Танидим, бу — Жума амакининг овози.

— Жони сабил одам-да! — деб қўйди Рўзи амаки унинг гапини маъқуллаб.

Бугун уларнинг отам ҳақидаги сўзларини иккинчи бор эшитдим-у, нафасимни ичимга ютиб давомини қута бошладим. Ҳар гал бу хил гаплардан сўнг отамни кузатар, ундан бирон бир камчилик ё шу сўзларга асос берадиган сабаб ахтарар эдим. Унинг кичик жуссаси, қўйқўзлари, ҳамиша барчага бирдек муомаласи, вазмин феъли, назаримда, бировга ёмонлик тиламасди. Ёки мен излаган нарсалар отамга буткул бегонами? Англолмасдим...

Бу гап-сўзлар унинг қулоғига кирмасди.

— Мукофот беради, ишла-я, ишла! Колхоз рози бўлса, сендан рози

Расми О. АСОМОВ чизган



бўлар!—Бу амакиларнинг бор зардаси тугиб отилган тош эди. «Мукофот» деган гап мени айниқса қизиқтирарди. Отамнинг чўлда ишлаётган тўрт-беш кишига бош эканига ақлим етарди. Бугун иккинчи бор шу сўзни эшитиб, отамга мукофот беришлари мумкинлигини ўйлаб, ўзимда йўқ шод эдим. «Мукофотга от беришса-я!», дея юрагим ҳаприқиб кетди. Назаримда, атроф ёришди, ваҳима йитди. Чўлнинг ҳар бурчидан мукофотга берилажак тулпор отлар кишнаганча мен томон ела бошлади. Атроф отларнинг кишнашию туюқларнинг дупурига тўлиб кетди. Отлар, отлар... беҳисоб тулпорлар...

Хирмондан аста сирғалиб тушдим. Отамни излаб, тўрт томонга алаңладим, сўнг Қоратой эсимга тушди. Югуриб кетарканман, ортимдан: «Айтади», деган товуш эшитилди.

Отани чайла орқасидаги бедапоядан топдим. Отни сўғораётган экан. Мени кўриб, отам савол назари билан, Қоратой эса кулогини динг қилиб тикилди.

— Ота! — дедим ҳовлиқиб. — Бизга мукофот беришаркан. От!

Отам кулди.

— Тушинга ҳам от киради-я, ўғлим. Ахир, ота-бонг чавандоз ўтмаган-ку, — деди у Қоратойнинг яғринини чўлтоқ супурги билан супиришаркан. Сўнг шошилмай сўзида давом этди: — Сен Жилвонга иш ўрганиш учун эмас, от боққани келасан шекилли. Тавба, гапла-

ринг бунча ҳавойи бўлмас! Дехқон боласига ўхшамайсан-а! Мендан ерни сўра, пахтани сўра... — У куйниб бош чайқади. — Билмадим-да, ўғлим.

Отамдан бу сўзларни биринчи марта эшитишим эмасди. Ҳар гал «Билмадим-да, ўғлим...», дея бош чайқаб кўйганида алланечук бўлиб кетардим. Лекин чурқ этмас, отам билиб-билмай эзгу орзуларимга тош отганини сездирмасликка тиришар эдим.

— Шу хаёл суришинг борми, одам бўлмайсан! — дея отам бирдан тўнини тескари кийиб олди. Дехқончилик юмушига аралашмаслигим отамга қаттиқ ботарди. Чамемда, у ёлғиз ўғлининг келажагини ўзи умр бўйи шуғулланиб келган ишда кўрарди. Менинг эса уйда ҳам, чўлда ҳам, йўлда ҳам хаёлларим фақат от ҳақида бўларди...

Рост, «ҳавойилик» менга атаб тикилган тўн, бироқ у ўзимга ярашади. Уни ечмасдан истаган жойга боргим, истаган одам билан суҳбатлашгим келар, бу эса, кўпинча отамга ёқмас эди.

Мен топган гапимдан ҳижолат чекиб, «Ким айтди сенга?», деган саволни кутдим. Бироқ отам индамади. Ҳозиргина юрагимни ҳаяжонга тўлдирган «мукофот» қувончи бирдан совий бошлагани, мен билан ҳеч кимнинг иши йўқлиги алам қилди. Секингина нари кетдим. Лекин кўнглим алланарсага умидвор қилар, кимдир бугунми, эртами менга учқур от ҳада этадигандек туюлар, бунга астойдил ишонар эдим. Хирмонга етгунимча хаёлимдан «Мукофот», «От» сўзлари аримас, тўғидан ўт сачраган учқур тулпор мени узоқдаги оқсоч тоғларга учуриб олиб кетмоқчи бўлар эди...

— Тур ўрнингдан! — Бир маҳал отамнинг овозидан чўчиб тушдим. — Уст-бошингни қоқ, кетасан.

Бўшашиб ўрнимдан турдим. Қоратой аравага қўшилган, жўнашга шай турар эди. Рўзи, Жума ва Толиб амакилар йўл бўйида сочилган пахталарни теришарди.

— Пахта йиғилиб қолди. Кеч бўлса ҳам бир арава ташйилик, ҳарна-да. Юкланглар. — Отам шундай деб, ўзи аравага чикди. Улар қопларни қўллашиб ортабошлашди. Отам эса ҳар бир қопни тартиб билан териб, устидан тепкилаб-тепкилаб жойлаштиради. Шу тахлит ўн иккинчи қоп юкланганда:

— Бас, — деди отам. — Йўл узоқ, отни ҳам ўйлаш керак.

Қопларни арқон билан маҳкам боғлагач, Қоратойни чух-чухлаб, аравани йўлга чиқаришди.

— Қани, ким кетади? — деб сўради отам аравадан тушмай. Ҳамма жим эди.

— Дам олинглар. Эртага раисга учраб, ёрдамчи масаласини ҳал қиламан. Аравани ҳам кўпайтирамиз, — деди отам тизгинни қўлига олиб. Амакилар индамай чайла томон бурилишди.

Биз йўлга тушдик.

Қирдан ўтиб, Қорадархтга бурилганимизда юлдузлар кўринди. Чўл этаги осмони билан битта бўлди. Қоратой оҳиста йўл босар, отам гапирмас, мен эса хаёлларим билан ўйин бошлаган эдим. Қанорлар устида чалқанча ётиб, юлдузларга тикилиш, араванинг бир маромда тебратиби, аллалаб бориши ҳузур бағишларди. Узоқдаги юлдузлар яқинлашиб, кўз қиса бошлади. Мен уларга қиёс изларканман, ниҳоят топдим: Қоратойнинг кўзлари! Унинг кўзларигина шундай чакнардди. Қоратой дунёдаги энг зўр от. Мен уни эртақдан топган эдим. Ўша эртақдаги Қуёш ерининг паҳлавони — Рустам мен эдим. Назаримда, отам мени шу чўлдан изғирин, қорда елкасида опичлаб, Гужумли тоғига элтаётгандек туюларди. Тоғда мен улғайишим, дўст топиши ва кейин... кейин ким биландир олишишим керак. Аммо ҳали душманларимни аниқ тасаввур этолмас, баъзан рақибларим йўқлигидан эзилиб, пана-панада йиғлаб ҳам олар эдим. Гоҳо тиним билмай ишлаётган Рўзи, Жума, Толиб амакиларга тикилиб, уларни ўзимча ганим қиёфасида хаёл қилардим. Лекин улар менга ганимлик қилиш у ёқда турсин, тузукроқ гапиришмасди ҳам.

Фақат Қоратойнинг борлиги умидларимга қанот бағишлар эди, холос...



Арава силкиниб тўхтади. Отам қамчинни визиллатиб отни қистарди. Арава жойидан кўзгалавермагач, ўрнимдан туриб, қарашга мажбур бўлдим.

Отам аравадан тушиб, қумга тиқилиб қолган ғилдиракларни кўздан кечирди, сўнг белбоғидан қотган нон олиб, отга тутди.

Мен ҳам пастга тушдим. Отам отнинг оғзидан сувлигини чиқариб, унинг лабларидаги кўпикни артди. Қоратой нонни курсиллатиб еб бўлгач, отамдан буйруқ кутмай олдинга талпинди. Отам бир қўлини қулоқчўпга тираб, иккинчиси билан отнинг нўхтасидан тутиб етаклади. Бироқ арава силжимади. Отам отнинг оғзига юганни солди-да, устига миниб олди. Қамчи билан Қоратойнинг сағрисига бир уриб яна чуҳ-чуҳлади.

Қоратой аравани бари бир тортолмади.

Отам дўнгликка — қум устига ўтириб, терлаган пешонасини енгига артди. Ёнида таёқдек қотиб турганимни кўриб, нима қиламиз, дегандек менга қаради.

— Қоратойни миниб кетсак-чи?

— Пахта қоладими? Айтдим-ку, ақлинг ўзингга яраша деб! — У мени йўлида учраган ортиқча буюмдек четга суриб қўйди, сўнг яна аравага андармон бўлди. Ярим соатлар ўтгач, рўпарада бир отлиқ кўринди. Уч-тўрт қадам қолгач, отам бошини кўтариб қаради.

Отлик:

— Ҳа, оқсоқол, — дея эгардан тушиб отам билан кўришди. От устида мен тенги бир бола ҳам бор эди. У юганни маҳкам тортиб турар, оти эса Қоратой томон талпинар эди. Қоратой боши эгик, ҳорғин кайфиятда турар, атрофида нима бўлаётганига қарамасди ҳам. Унга раҳмим келди, ёнига бориб пешонасидан силадим. Шу пайт отам:

— Нарӣ тур! — деб Қоратойни аравадан чиқарди. Бўйнидан бўйинчакни олиб, бола миниб турган оқ отга илдирди-да, уни аравага қўшди. Мен Қоратойни ушлаб, улардан четроқда турдим. Оқ отнинг эгаси отамга ёрдамлашди. Бола эса менга ёвқараш қилиб, ҳалиги кишининг белбоғидан тортиди.

— Нима дейсан?

— Аравасини ўзи тортсин! — деди у. Унинг овозидаги зарда оҳанги менга ва Қоратойга қаратилган эди, буни на отам, на оқ отнинг эгаси сезди. Билдимки, бола отини мендан кўра кўпроқ яхши кўради, кўпроқ аяйди. Отам билан ҳалиги киши шарақлаб кулишди.

— Уғлим, — деди у киши болани кўрсатиб.

Мен аламимга чидаёлмай, Қоратойнинг тумшугига бир мушт уриб, жиловни жаҳл билан ерга отдим. Қоратой таяқал қимир этмади.

Бир оздан сўнг отамнинг буйруғи билан яна аравага чиқдим. Дилим вайрон, кўзимга дунё қоронғи эди. Энди мен пахтага эмас, гўё тўрт-беш метр баландликдаги тикан уюмига ағанаб кетаётгандек эдим. Қулоғим остида оқ отли боланинг: «Кўрдингми, отим зўр!» деган ғолибона қичқирғи янгради. Қизиги шундаки, бу овоз тобора кучайиб борарди.

— Кўрдингми, буям сен тенги бола, — деди отам бир пайт. — Отасининг ёрдамчиси экан. Ойдинда бирга қўй боқишга олиб кетди.

Индамадим. Чунки, дунёда энг зўр от деб ишонганим — Қоратой энгилди! Мен ҳеч қачон Қоратойни боши эгилган, маънос қиёфада кўрмаган эдим. У бугун энгилди. У бугун мени унутди. Йиғлатди... Ахир дунёда Қоратойдан кучли, Қоратойдан зўр от йўқ эди-ку?! Наҳотки...

Йўлда Қоратой ўзини менчалик танҳо сезмаган бўлса керак. Мен бугун бутунлай ёлғиз эдим. Ниҳоят, тасаввуримда излаб юрган ғанимларни топгандек бўлдим: ҳа, ўша бола ва оқ от менинг душманам! Мен уларни энгишим лозим!

Қишлоққа кириб келганимизда одамларнинг олди ухлаган, кўчалар қоп-қоронғи эди. Уйимиз ёнидаги пахтахонага қанорларни тушириб, Қоратойни уйга

етақладик. Мен охурга беда солдим, отам Қоратойнинг устига шол ёпиб, айилини тортиб қўйди.

Уйда онам ва бувимдан бошқа ҳамма ухлаган эди. Кечаси уйқум келавермагач, ёнимда ётган бувимдан сўрадим:

— Буви, ҳамма отларни аравага қўшадиларми?

— Ухла, — деди бувим.

— Йўқ, айтинг?

— Эртага отангдан сўрайсан.

Бир оздан сўнг ёнбошимга ағдарилиб, яна сўрадим:

— Буви, отамга сира эртақ айтмаганмисиз? У киши букри девни ҳам, қафасдаги одамларни ҳам, Қуёш ерининг паҳлавонини ҳам билмайди.

Бувим анчагача жимиб қолди.

— Отангни меҳнатга туққанман, — деди ниҳоят, уҳ тортиб. Унинг истар-истамас, узоқ ўйлаб айтган гапини тушунмадим.

Уйғонганимда кун чошгоҳ бўлган эди. Отам аллақачон уйдан чиқиб кетган экан. Турасолиб совотга югурдим. Охурда майда қирқилган беда, ёнида челақ тўла сув. Қоратой бошини ерга қўйганча ғужанак бўлиб ётарди.

— Касал, — деди онам.

— Бугун отга сен қарайсан, — деди бувим.

Ширчайни ҳам ичмадим. Қоратойнинг ёнига келиб, пешонасини, ёлларини силадим. У кеча энгилиб мени хафа қилган бўлса-да, аҳволини кўриб қаттиқ раҳмим келди. Кеча уни урганам эсимга тушди. Қоратойни бўйнидан кучоқлаб йиғлаб юбордим.

— Осилма! — деб жеркиди бувим.

— Отнинг деви бор, қоч, болам! — деб хўрсинди онам. Кун бўйи отхонадан нари кетмадим. Отам уйга кечагидан кўра вақтлюроқ қайтди. У дарвозадан кирасолиб, отнинг ёнига келди.

— Емади! Ичмади! — деб бақириб юбордим тўсатдан. Отдан кўра кўпроқ менинг аҳволимдан ташвишланган онам ва бувим дарров югуриб чиқишди.

— Йиғлама, ўғлим, тузалади, — деди отам негадир қўлимдан ушлаб. — Тузалас, шуни сенга бераман. Ўзинг минасан.

Чамаси, у менинг отга бўлган меҳримга ниҳоят ишонган эди. Кейин яна чўлга жўнади. Мен отнинг ёнида қолдим. Тушдан сўнг Қоратой тўсатдан оёқларини чўзиб, бошини ерга қўйди. Бир неча бор бошини кўтаришга тиришдим — кўтаролмадим. Бувим қассобга югурди. Онам нима қиларини билмай, шошиб қолди. Қоратойнинг кўзлари тобора нурсизланиб борарди. Бувим бошлаб келган киши отни кўрдию:

— Ҳаром ўлибди, — деди.

Бувим уйга кириб кетди, қассоб орқасига қайтди. Уйдан онамнинг йиғиси эшитилди.

— Жим, гўдакмисан, ажали етса одам ўлади, — деган бувимнинг овозини эшитдим. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб, мени унутди. Бугун мен йиғлашим керак, Қоратой меники эди, у дунёдаги энг зўр от эди. У бирдан энгилди, энгилганига чидаёлмади — ўлди. Кўзимда шашқатор ёш, уни синчиклаб кузатдим. Қоринбоғ қўлтиқ ости ва қорнига из солган, бўйинча елқасини қириб, ёлларини қирққан...

Қоратойнинг арқонини ечиб олдимү гарангсиб алангладим. Кўзим устунга осилган бўйинча, қоринбоғ, юган ва пастдаги эгарга тушди. Ҳаммасини қўлтиқлаб кўчага отилдим. Абзалларни йўлдан четроқда шотиси осмонга қилиб қўйилган араванинг остига отдим-да, қайтиб уйга кирдим. Нима қилаётганимни билмай, титраб, банкада керосин олиб чиқдим...

Қоратойни арава ўлдирган! Мана шу арава!

Аввал пахтахона қоровули югуриб чиқди, сўнг йўқ жойдан бир талай одам тўпланди. Улар гуриллаб ёнаётган аравани ўчиришга уринишарди.

Мен қочиб уйга кирдим. Дунёдаги энг зўр от — Қоратойга кўзим тушдию ўқраб йиғлаб юбордим. Унинг олдида ҳеч ким йўқ эди.

ЮЛДУЗИМ

Кетар эдим, кетаверардим  
 Узун йўлнинг охирин кўзлаб.  
 Кетар эдим, кетаверардим  
 Кечмишимни шеър қилиб сўзлаб.  
 Дўлми, жала, қорми — беписанд  
 Кетар эдим тўхтамай бадар.  
 Тиллакори, мовий Самарқанд  
 Гушларимга кирмаса агар.  
 Кетар эдим тўхтамай бадар,  
 Нозланмаса заминни сўйиб  
 Осмон қизи — камалак агар  
 Марғилоннинг атласин кийиб.  
 Кетар эдим тўхтамай бадар,  
 Осмонда ой балқмаса тўлиб —  
 Қора баркаш узра қирмизи  
 Дашнободнинг анори бўлиб.  
 Кетар эдим тўхтамай бадар,  
 Соғинчимга сиғинмай қўйсам.  
 Хоразмча нағмаларни гар  
 Бир дақиқа соғинмай қўйсам.  
 Кетар эдим тўхтамай бадар,  
 Шамолларга тоблаб юзимни.  
 Мени энгиб тилларим агар  
 Куйламаса «Қаро кўзим»ни.  
 Кетар эдим тўхтамай бадар,  
 Минг кокилли булут авзойи  
 Сабаб, ёдга тушмаса агар  
 Кеч куз, момиқ ноябрь ойи.  
 Кетар эдим, агар хотира  
 Минораи калонни ўртаб,  
 Учиб кетган оппоқ лайлакдек  
 Вужудимни этар бўлса тарк.  
 Лекин бир бор кетмоғим ростдир,  
 Кетмоғим рост, сўзсиз, қай бир  
 кун —

Обидалар туби-тубида  
 Илдиз бўлиб кўкармоқ учун!

\* \* \*

Юрагинг — умрингдир  
 Ором билмайди,  
 Оғриси оғрисин  
 Қилмагил ҳасрат.  
 Неки ёниб яшар  
 асраб бўлмайди,  
 Неки табиийдур  
 бўлмайди асраб.  
 Бас, юракда борин  
 айла якқалам,  
 Юракдан сўзлагил  
 юракдан битиб.  
 Бақирар томоқни йиртиб  
 ҳамма ҳам,  
 Сен ҳайқира билгил  
 юракни йиртиб!



Саъдулла  
 ҲАКИМ

Кеч куз

Дарахтлар йўлларда машъалдек ёниқ.

ОИБЕК

— Бу не умр, кўзинг яйрамаса гар  
 На юксакни ва на тубани кўриб!—  
 Хитоб қилди Ҳаёт.— Сўнгсиз далалар  
 узра қалқиб ётган тумани кўриб.  
 Кейин фармон берди: «Табиат аҳли,  
 ёқинг чироқларни, фурсати етди!»  
 Кўчалар ва боғлар қўзғалди аҳил  
 Дарахтлар машъалдек ловуллаб кетди...  
 Гўё митти чироқ ҳар қизил япроқ,  
 Йўлларга тўкилди олов шўълалар.  
 Маъюс бир ойдинлик узатди оёқ  
 Лолагун шафақли уфқлар қадар.  
 Аммо зиё кетиб қуёш кўзидан,  
 Тоғларнинг сочига оқ тушган чоғлар  
 Тақдир қувватининг кучланишидан  
 куйиб чил-чил синди  
 тилла чироқлар...

Илтижо

Муҳаббат, юлдуз эсанг,  
 порлаб туравер.  
 Қўл етмас юксакликка  
 чорлаб туравер.  
 Муҳаббат, ханжар эсанг,  
 кўксимга санчил.  
 Чаманзор бўлсин бағрим  
 қип-қизил, сархил.  
 Шоҳ эсанг, хизматингда  
 итинг бўлайин.  
 Муҳаббат, дарё эсанг,  
 чўкиб ўлайин!



ШОҲМОР

# ҒАФФОР АМАКИ

ҲИКОЯ

Озарбойжончадан  
Сиддиқа АЪЗАМОВА таржимаси

Расми М. ШУВАЛОВА чизган

Директор бир парча қоғозни Орифнинг нақ бурнига тиқгудек важоҳат билан:

— Бу нима, а?— деб сўради.

Қоғоз узоқ районлардан бирининг милиция бўлимидан келган чақирик хати бўлиб, унда «АЗ 10—60» номерли машина ҳайдовчиси Ориф Асадов шошилич суратда, шу йил август ойининг йигирмасида район милиция бўлимига келиши керак!», деб ёзилган эди.

Ориф дастлаб ҳеч нарсага тушунмади. Директорнинг овози, кўз қараши уни эсанкиратиб қўйган эди. Қоғозга қайта кўз югуртириб, ўз исми, фамилияси, районнинг номини яна бир марта ўқиганидан кейин ҳамма нарсага тушунди, бироқ фикрини жамлай олмади, тили калимага келмай:

— Ҳа-ҳа... ҳалиги, қўй...— деди.

Директор унинг бошидан оёғигача ғазаб билан қараб чиққач:

— Ўзинг қўйсан, билдингми! — деди. — Лўттивозликни йиғиштириб, менга тўғриси айт, нима иш қилиб қўйдинг?

Ориф овози қалтираб:

— Уртоқ директор, — дея сўз бошлади, — олдинги ойда районга борган эдим. Қайтиб келаётганимда битта қўй ўзидан-ўзи ғилдиракнинг тагига кириб кетди. Шунга чақиришаётган бўлса керак.

Директорнинг чакаги очилиб кетди:

— Мени инфаркт қилмагунча қўймайсизлар шекилли (у аччиғи чиққанида доим ҳаммани қўшиб уришарди). Районда нима қилиб юрган эдинг? У ерда пишириб қўйган эканми сенга?! Эртага келиб мендан сўрашсаки (сўрашади ҳам-да, ёки шундоғлигича қўйишади дейсанми?), «Идорангга қарашли машина районда нима қилиб юрган эди?», дейишса, мен нима жавоб бераман? Менга билдирмай пул ишлагани борган, деса сам тузукми? Хўш, шунда: «Ўзинг-чи, ўзинг, қаёққа қараб ўтирибсан? Еки сен бошлиқ аталмиш қўриқчимсан?», дейишмайдами? Қутуриб келибсанлар. Ҳой инсон, тўйга бориб пул ишлайсан, азага бориб пул

ишлайсан, буниси майли, ҳа, районга нега борасан? — Сўнгра қўлини столга уриб: — Даф бўл, уч кун ичида бу масалани тинчитиб кел, — деди. — Кейин келиб машинани топширасан.

Эртасига каллаи саҳарлаб Ориф чўнтагига уч юз сўм пулни солиб (йўл харажатидан ташқари) автобусда йўлга чиқди. Дераза олдига ўтирган эди, юзига офтоб тушди, қараса терлайдиган, қўлини узатиб дераза пардани ёпиб қўйди-да, бошини орқага ташлаганча йўга чўмди: «Қўйни босиб олганимдан кейин қочмаслигим керак эди. Эгасини топиб: «Энди шунақа бўлиб қолди, билмай босибман, кечиринг энди», десам, мени еб қўймасди, ахир! Жуда нари борса, пулни берардим. Энди-чи, энди унинг олдига қай юз билан бораман?»

Район милиция бўлимида капитан унвонидаги семиз, қорамғаздан келган бир одам телефонда гаплашётган эди:

— Докторнинг қоғози борми? Бор, дедингми?! Қишлоқ советидан справка борми? Справка, деялман. Борми? Унда қўйиб юборақол. Қўйиб юбор, деялман.

Капитан гаплашиб бўлганидан кейин телефон дастанини жойига қўйди. Унинг бурни катта ва япасқи эди. Кўзларида, кўзларининг атрофида, лабларида майин табассум изи. Ориф ўзича хаёл қилди (биноқ нега шундай ўйлаганини ўзи ҳам билмасди): «Бу капитаннинг икки-уч яшар ёқимтой бир қизчаси бўлса керак (Орифнинг акасининг ҳам чиройли, жажжигина қизчаси бор эди. Ўзи ҳам айёр, нақ шайтоннинг ўзгинаси. Шундай ишлар қилиб, шундай сўзлар айтадики, уйдагилар ҳам, қўни-қўшнилар ҳам кулавериб ичаги узилар даражага етади). Ҳойнаҳой, бу капитан иш пайтида ҳам, одамлар билан суҳбатлашганида ҳам, ёзув ёзганида ҳам қизини эсласа керак. Қизининг ўйинлари, сўзлари ёдига тушиб, ишини тамомлаш билан уни кўриш, бағрига босиб ширин-ширин сўзларини эшитиш иштиёқига уйига шошилса керак».

Ориф кўнглига келган бу фикрдан далда олиб:

— Кирсам майлими, ўртоқ капитан? — деди.

Капитан тўсатдан остонада пайдо бўлган бу ёш йигитчага ҳам табассум билан қаради.

«Яхши одам», деган қарорга келди Ориф.

— Марҳамат.

Ориф чақирув қоғозини чўнтагидан чиқариб капитаннинг олдига қўйди. Капитан қоғозни ўқиган сари жиддийлашди, юзидagi табассум йўқолди.

— Демак, қўйни бостириб қочган сен экансан-да? —

Бу овоз «Марҳамат» деган товушга сира ҳам ўхшамас эди.

Ориф ўзини йўқотиб қўйди.

— Энди...

— Правангни бу ёққа бер-чи?

Ориф йўлда ўйлаб қўйган ёлғонни гапирди:

— Уйга ташлаб келганман.

— Нимани ташлаб келгансан?

— Правани.

Капитан кўрагини олдинга кериб Орифнинг кўзига диққат билан тикилди. У шу қадар узоқ тикилдими, Ориф капитаннинг йирик қўй-кўзлари қорачиғида йирилган, қора, оғир таҳдидни кўрди ва ўша захоти талвасага тушди. Лом-мим демай қўлини чўнтагига тикиб шофёрлик шаходатномасини чиқарди. «Йўқ, бу капитаннинг қиз-пизи бўлиши мумкин эмас. У тирноққа зор одам. Бундай зolimнинг икки дунёда боласа бўлмайди».

Капитан шаходатномани очиб кўрди, сўнгра индамай, одат бўлиб қолган чақонлик билан тортмани очди, шаходатномани қўйиб, тортмани ёпди.

— Энди гапир-чи, қўйни қандай бостирдинг?

— Ўртоқ капитан, ўтган оянинг йигирма бешинча районга келган эдим, қайтаётганимда...

— Районга нега келган эдинг?

Ориф гуноҳкор боладек, капитанга илтижо билан қаради.

— Нега келган эдинг, деб сўраялман? — деди капи-

тан овозини бир парда кўтариб. «Агар бу капитанни дунёда бирорта одам, бирорта тирик жонзод яхши кўрса, калламни ўн жойидан кесиб ташлайман», дея онт ичгандек, афсуслангандек ўйлади Ориф ва:

— Азага одам олиб келган эдим, — деди.

Капитан уэрни қабул қилгандек:

— Тушунарли, — деди. — Кейин-чи?

Ориф ҳамма нарсани бўлганидек гапириб беришдан бошқа иложи йўқлигини англади:

— Қайтаётганимда қаттиқ чарчаган эдим, — деди. —

Ундан кейин бошим ҳам оғриб турувди. Қишлоқдан чиқдим, йўлнинг чап томони чўл, ўнг тарафида катта анҳор оқаркан, анҳорнинг соҳилида бўлса толлар бор эди. Бундоқ қарасам, толнинг тагида икки бола бир-бирига ёпишиб олибди. Аввал урушяпти, деб ўйладим, синчиклаб қарасам, йўқ, кураш тушаётган эканлар. Кўп қараганим йўқ, шунчаки, бир-икки сония (шу ерда яна ёлғон ишлатди, мириқиб қараган эди). Йўлнинг чап томонида чуқурлик бор экан, у ерда қўй ўтлаб юрган экан. Мен болаларга алаҳсиганимда қўй йўлга чиқибди, негадир кўрмабман, кўзим илғамай қолибди.

— Қайси ғилдираги билан босдинг?

— Чап томондаги олдинги ғилдирак билан.

— Қўй биттагина эдимми?

— Ҳа.

— Нега энди машинани тўхтатмадинг?

— Тўғриси айтмайми? — деб қулди Ориф.

— Ҳали ёлғон ҳам гапирмоқчимидинг?

— Кўрқдим, ўртоқ капитан.

— Нимадан кўрқдинг?

— Қўйнинг эгаси жаҳлдор одам бўлса, «оллоҳ»нинг «берди»сини айтганимча, мени... дедим... Ўртоқ капитан, ўтган йили бир дўстим машина билан Набранга кетаётганида Худатда бир куркатовуқни босиб олган экан, шўрликни денг, роса дўппослаштипти...

— Бордию одамни босиб олганимда, айтилик, кураш тушаётган болалардан бирини бостирганимда-чи, унда нима бўларди? Чўлу биёбонга ташлаб қочаверармидинг? Бостириш бир жиноят, ташлаб қочиб иккинчи жиноят эканини биласанми?

Ориф капитаннинг бу мантиғи олдида мот бўлди: «Йўқ, бу одамни бир балога гирифтор қилади!»

— Ўртоқ капитан, нима деялсам ўзи, наҳотки мен қўй билан одамнинг фарқига бормасам?

— Кўп гапирма, мана қоғоз, мана қалам. Олдин тушунтириш хати ёз, кейин бориб қўй эгаси билан таниш, устингдан шикоят қилмоқчи эмаслиги ҳақида тилхат олиб кел. Кейин гаплашамиз...

«Бир томондан қараганда, бу капитан кўп ҳам ёмон одам эмасга ўхшайди, ўлай агар...»

...Ориф район марказидан қишлоққа эски, ранги ўчган «олабош» автобусда кетди. Йўл аввалига яхши, текис эди-ю, кейинчалик йўлим-чуқурлик, чанг-тупроқ, бемазагарчилик бошланди. Сочи устарада қирилган, телпагини тиззаси устига қўндирган, чарчоқдан кўзлари қизарган, эгни-бошидан тамаки ҳиди анқиб турган бир киши ўриндиқда ялпайиб ўтирар, Орифнинг бурчакка қисилиб қолганидан парвойи фалак эди. «Сал нарироқ ўтиринг, десам, «Сенга оғирлигим тушяптими?», дейиши турган гап». Ориф сочларига, оғзи-бурнига чанг ўтирганини ҳис қилар, қишлоққа яқинлашган сари гуноҳини тан олганидан юраги қаттиқ-қаттиқ урар, фикрлари чувалиб чарчоққа ўхшаш бир лоқайдлик вужудини қамраб олмоқда эди. Қўйнинг эгаси уни ёмон кутиб олишига, «Э-э-э, сен номардвачча, нега қўйимни ўлдириб қочдинг?», деб айтишига ишончи комил эди. Эҳтимол: «Э, берадига! пулнингдан ўргилдим... Ҳеч қандай тилхат-пилхат бериб: йўқ, йўқол кўзимдан! Модомки сенда одамгарчиликдан тариқча йўқ эканми, қонунга ҳавола қилдим, қандай хоҳлашса, шундай жазолашин», дер.

«Гаффор Бандалиев, Гаф-фор, — деганча Ориф қишлоқ кўчасидан кетиб борарди. — Қишлоқдагилар исмини шаҳардагилардан бошқача қўяр эканлар. Шаҳарда одамларнинг исми саранжом, оз ҳарфли, ўйноқ, юмалоқ бўлади. Масалан, Ориф. Ишни ёлғизгина

охирги «ф» ҳарфи бузиб турибди. «Ғаффор» сўзида ҳам ҳарф кам. Бироқ Ғаффор Ориф эмас-ку. Ғаф-фор. Ғаф-фор амаки. Исмои худди рессори ишдан чиққан машинага ўхшайди. Қизиқ, ўзининг одамгарчилиги қандай экан-а?»

У рўпарасидан чиқиб қолган, юзи офтобда қорайиб турган «қовунбош» бир боладан: «Ғаффор Бандалиевнинг уйи қаерда?», деб сўради.

Бола озини очиб лол-ҳайрон бўлиб унга қаради. — Ғаффор Бандалиевнинг уйини сўраяпман, Ғаффор...

Бола бирдан кулиб юборди. Унинг инжудек оппоқ тишлари кўринди. Боланинг тишларини кўриб, Ориф ҳам кулиб юборди.

— Нурушинг дадасини айтяпсизми?

— Ҳа-да, қўйлари ҳам бор.

Бола қўлини чўнтагидан чиқариб ўнг томонга узатди:

— Ҳув-в анави, анави битта дарахт турибди-ку, ўша дарахтнинг олдидаги четан девор шуларники бўлади.

Ориф дарахт олдида етгунича бола унинг кетидан қараб турди. Ориф шу пайтгача аввалдан ҳеч бир нарсани билолмаганига ҳайрон бўларди. Бордию бирор иш юзасидан, бирор масала хусусида ёмон фикрга борса, «Бас, бу фалокатдан қутулишининг ортиқ иложи йўқ», деса, аксар ҳолларда тескариси бўлар, ўша ишининг охири бахайр бўлиб чиқар эди. Баъзан бирор ишни назар-писанд қилмай: «Шу ҳам иш бўлдимми!», деса, албатта ишқал чиқар, ўзи ҳам қаттиқ қоқилар эди. (Қўйни бостириб қочганда ҳам шундай бўлган эди. «Битта қўйга ота гўри қозихона бўлармиди?») Шунинг учун ҳам Ғаффор билан юзма-юз келишни эслаганида, «Иш чатоқ, ўлдим энди», деб ўйларди.

Ориф бўёғи кўчган дарвозани тақиллатишни ҳам, турган жойидан: «Ғаффор амаки-и-и!», деб чақиритишни ҳам билмас эди. Тақиллатмади ҳам, чақирмади ҳам. Бошини кўтариб баланд девор оша ичкарига қараганида ҳовлидаги жўяк ичидан, даҳанини қўлидаги белкуракнинг сопига тираб унга қараб турган кишини ўриб қолди. Ориф озини очишга ҳам улгурмасдан у:

— Э-э, жиян, бу ёққа кел, кел, келавер! — деб қўли билан имлади.

Ориф дарвозанинг кичик эшигидан ичкари кирди, танасининг пастки қисми шилинган нок ёнидан ўтди, белкурак билан яқиндагина ағдарилган ернинг бир четидан юриб, уй эгасининг олдида борди.

Биринчи бўлиб мезбон қўл узатди:

— Ассалому алайкум!

Ориф ҳам уяла-уяла қўл чўзди:

— Ваалайкум ассалом.

— Жиян, сен четга чиқиб туратур, мен мана шу эгатни ҳам суғориб олай, кейин гаплашамиз.

Чанқоқ тупроқ сув ичгани сари қорайиб, кўпчиб борарди. Мезбон, охирги эгат ҳам оёқлагач, сувни дарахтларнинг тагига очиб юборди, сўнг белкуракни чап қўлига олиб: «Кетдик», дея Орифнинг юзига қия қараб қўйди-да:

— Жиян, — деди, — янглишмасам, қўйимни босиб кетган шофёр боласан, тўғрими?

«Ҳа», деган жавобни эшитиб:

— Э-э, отангга раҳмат, — деди. — Яхши, қўйни-ку, бостиришга бостирибсан-а, қочшга бало бормиди,а? Бу қанақаса бўлди? Қўрқансан, тўғрими? Ҳа-ҳа-ҳа. Э-э-э, бола фақир-эй, битта қўйга ҳам шунча қўрқасанми? Тўғри келиб: «Амаки, энди, фалокат босиб шундай бўлиб қолди», деганинда биз ҳам милицияю бошқаю деб юрмас, сенинг ҳам бошингни оғритиб ўтирмас эдик.

У Орифга: «Кетимдан келавер», деб ишора қилганда айвонга кўтарилди. Айвоннинг нариги бошида кекса бир аёл оқ сурп халтага олма қоқи тўлдириб ўтирарди. Кампир ё уларни кўрмади, ё қулоғи оғир бўлгани учун келганларини пайқамади — бошини бир марта ҳам кўтариб қарамади.

Мезбон очик эшикка қараб:

— Сора, ҳой Сора! — деб чақирди.

Уйдан ўрта ёшлардаги, ёноқлари қип-қизил, бошига дурра ўраган бир аёл чиқди.

Мезбон баланд овоз билан:

— Мехмон келди, айвонга жой қилиб юбор, — деди.

Утиришди. Мезбон сигарета тутатди, кейин чой олиб келган Сорага юзини ўгириб:

— Бу йигитчанинг кимлигини биласанми? — деди ва Соранинг саволомуз нигоҳига қараб: — Дадашининг келишига аталган қўйни бостириб қочган йигит худди шу бўлади, — деди.

Мезбоннинг очик чеҳра билан гапириши Орифга хуш ёқар, қалбида умид уйғотар эди. Бироқ ҳозирча бу умидни қалбига яқинлаштиришни истамас, негадир чўчир эди. Мезбоннинг: «Мехмон келди», деган сўздан кейин, кампир ҳам хиралашган кўзларини пирпиратиб Орифни томоша қила бошлади. Кутилмаганда:

— Бокудан келганмисан, ўргилай? — деб сўради у.

Ориф қари кампирнинг ёшига номуносиб, жарангдор овозига таажжубланиб:

— Ҳа, — деди.

— Ота-онанг борми?

— Бор.

Аёл бошқа гап сўрамади, бошини ғамгин тебратиб:

— Чойингни ич, ўргилай, чойинг совияпти, — деди.

Мезбоннинг авзойи ўзгарди, пешонаси тиришди, кўзлари бир нуқтада, чуқур хаёлга толганидан қўлидаги сигаретани, ёнидаги Орифни ҳам унутиб қўйди.

Ориф савқи табиий бир ҳис билан мезбоннинг бу кампирни кўргани кўзи йўқ эканини сизди. Нега бундай экан-а? Аёл Соранинг онаси бўлса керак, бир-бирларига жуда ўхшардилар.

«Ишим чатоқ, дегандим-а!», деб ўйлади Ориф ва мулоийм, меҳрибон, ялингансимон овозда:

— Амаки, — деди, — милиция бўлимида менга айтишдики, сиз менга «Даввом йўқ!», деб тилхат беришингиз керак экан.

— Шунақа дейишади-да, э болаи нодон, бошқа нима ҳам дейишарди. — Мезбон эгнига тўкилган сигарета кулини қоқиб ташлади. — Уғлим Дадаш армиядан келса, оёғининг тагига сўяман, деб ўша кўчқорни сув ўрнига ёғ бериб боқаётган эдим. Насиб-қисмат эса ҳалигиндек бўлди.

— Худо ҳақи, амакижон, мен атайлаб бостирганим йўқ. Босим оғриб турувди... Болаларга қарайман деб... Бу ёғига нима десангиз розиман, қанча пул тўлаш керак бўлса, майли.

Мезбоннинг юзи ёришиб кетди, Орифга қизиқиб қаради:

— Яхши, — деди. — Менга қара, жиян, лекин сен гапнинг бўладиганини гапир, бозорда ўшанга ўхшаган семиз кўчқорни қанчага беради?

Ориф нима деярини билмай қолди.

Мезбон эса ундан жавоб кутиб турарди.

— Саксон-тўқсон сўм, — деб Ориф унга беришни мўлжаллаган пулнинг миқдорини айтди.

Мезбон хандон ташлаб кулди:

— Ҳа-ҳа-ҳа... Мана бу бой бўлгурнинг гапига қаранг. Яхши кўчқорнинг нархи-чи, — деди у қошларини чимириб, ёш болага тушунтираётгандек, — икки юз сўмча бўлади. Бу ҳали менинг инсоф қилганим, ҳа.

Орифнинг кўзлари олайиб кетди:

— Ҳа... мен қанча беришим керак?


Мезбон ҳазиллашиб:

— Қанчага кучингиз етади? — деди.

— Юз сўмга, нарисси билан бир юзу ўн сўмга. — Ориф икки хил гапирганидан ва гапи ўрнини топмаганидан уялди.

— Э-э! Жиян, бу — одамни тунаш бўлади. Худо ҳақи, тўғриси айтяпман, бу — Исфандиёр ўғли Ғаффорни тунаш бўлади.

Ориф саксон-тўқсон сўм билан қутуларман, деб ўйлаган эди. Аммо бу кишининг гаплари уни эсанкиратиб қўйди. Ишнинг баттар ишқал бўлишдан кўрқиб,



зудлик билан қўлини ўнг чўнтагига тикди, олтита йи-гирма бешталикни олиб, столга қўйди-да:

— Улай агар, амаки, топган-таянганим шу, — деди. Лекин ич-ичидан севиниб ўтирарди. Яхши ҳамки, қишлоққа келмасидан олдин, районда ҳожатга кириб, уч юз сўмини икки чўнтагига бўлиб солиб олган экан. Ораги сезган-да

Кампир:

— Узинг инсоф бер, э худо! — дея инқиллаб-синқиллаб ўрнатил турди ва панжаранинг четига қўнган қизил қанотли жўжаҳўрозга: — Кишт, кишт, қанотинг тагингда қолгур, кишт! — деб қичқирди. Сўнг оёқларини битта-битта судраб, қовоғидан қор ёққан кўйи уларнинг олдидан ўтиб, уйга кириб кетди.

Кампир ичкарига кириб кетгунига қадар Гаффор амаки шундоқ рўпарасидаги айвон устунидан кўз узмай ўтирди, унинг қораси йўқолганидан кейин, бош чайқаб, танглайини такиллади. Гўё шайтонга «ҳай» бергандек бўлди. Сўнгра йўталди, юз-кўзида жиддий, салобатли ифода билан худди меҳнати ҳалолоидек стол устидаги пулларни олиб, санамасдан чўнтагига солди-да, жиддий қиёфада:

— Майли, баракасини берсин, — деди.

Ориф кўнглида «Хайрият», дея эркин нафас олди.

— Амаки, малол келмаса, икки энликкина қоғоз ёзиб берсангиз, кетардим, — деди.

Гаффор амаки:

— Ҳой, бой бўлгур, шундай бемаҳалда қаёққа борасан, қаёққа шошиляпсан, ким сени интизор бўлиб кутяпти, хамиринг ачиб қолмаётгандир ахир. «Шошган қиз эрга ёлчимас», деган мақол бор. Бугун бизникида меҳмон бўл, узоқ йўл босиб келгансан, чарчагансан, ётиб маза қилиб дамнингни ол, эрта билан йўлга тушарсан, — деди.

Бу гаплар Орифга маъқул келди.

Аста-секин қоронғи тушиб, кўкда илк юлдузлар милтиллаганда қишлоқнинг ҳар тарафидан машиналарнинг тариллаши, итларнинг ҳургани, қўй-қўзиларнинг маъраши эшитилганда, дарвоза шарақлаб очилди, олдинда битта-битта қадам ташлаб сигир, унинг кетидан беш-олтита қўй ва энг охирда қўлига хипчин ушлаган ўн икки-ўн уч ёшли Нури ҳовлига кириб келди. Гаффор амаки шоша-пиша айвондан тушди, унинг кетидан Ориф ҳам турди.

Гаффор амаки:

— Ҳа, уруғинг қурмагурлар-а! — дея, қўлларини силкита-силкита қўйларни қўра томонга ҳайдаб борди.

Сора опа қўлида сут соғадиган пақир билан сигирнинг ёнига чўккалади, пақирни тиззалари орасига олиб, соға бошлади.

Молхонага боғлаб қўйилган, сағрисидаги туқлари ғира-ширада майин ялтиллаётган бузоқ арқонини тортар, онасига қараб интилар эди. Сигир кавшана-кавшана боласига қарар, ҳар замонда кавшашдан тўхтаб тумшугини олдинга чўзиб, секингина маъраб қўяр эди. Сигир соғилгандан кейин Гаффор амаки катта бир шишани сутга тўлдириб, оғзига сўрғич тақди-да, бузоқнинг тумшугидан ушлаб, юқори кўтарди ва сўрғични бузоқнинг оғзига тикди. Бузоқ титрар, заиф оёқлари дам-бадам букилиб кетар, оғзидаги сут кўпикланиб, нам, қора лабларидан пастга тўкилар эди.

— Нега сигирни боласига эмизмаяпсиз? — деб сўради Ориф.

— Боласини яқинлаштирса, сигир сутини охиригача соғдирмай қисиб қолади, — деди Гаффор амаки.

Кейин айвоннинг, хоналарнинг чирогини ёқишди. Гаффор амаки меҳмонни жуда яхши сийлади. Нурига: «Бор, дўкончи Музаффардан битта «Экстра» олиб кел», деб кўчага чиқариб юборди. Ориф қўйни бос-тириб олган кунни тол тагида кураш тушаётган лўппи юзли Нури ҳам жуда яхши бола экан. Уятчан, гап сўрасанг, ерга тикилиб жавоб беради, денг, баъзи шилқим болаларга ўхшаб оғиз-бурнини қийшайтиришлар ҳам йўқ.

Овқатга ўтирмасдан олдин Гаффор амаки кула-кула, юзларини силаб туриб Нурига битта «тилхат» ёздирди.

Кампир кўрпача устида уларга орқа ўгириб ўтирар, ҳар замонда, бир уҳ тортиб қўярди. Гаффор амаки бехосдан сўз орасида: «Э, жиян, ишқилиб душманинг ичингдан чиқмасин экан-да!», деди. Бу гап кампирга теккизиб айтилаётганини Ориф дарҳол фаҳмлади. Кампир бир-икки марта ёлғондан йўталиб қўйди-ю, бироқ индамади.

Биринчи қадахни шу хонадон эшигини очиб келган Орифнинг соғлиғига ичишди. Иккинчи қадахни армиядаги Дадашнинг соғлиғига кўтаришди. Учинчи қадахга Гаффор амаки тилак билдирди.

— Садоқат, ишонч учун олайлик! — деб алёр айтди у юз-кўзларида майин табассум билан. — Садоқат, ишонч ҳар одамда, ҳар бир инсонда бўлиши шарт. Садоқат, ишонч бор жойда маъмурчилик бўлади, тиркичилик яхши ўтади. Қаердаки садоқат, ишонч йўқ экан, ўша ерда қут-барака ҳам йўқ, деявер. Гап орамизда қолсин, лекин мендан хафа бўлиш йўқ, жиян, юзингга айтавераман, агар сенда садоқат, ишонч бўлганида-чи, ўша қўрбонликка аталган қўчқорни босиб олганидан кейин қочиб кетмас эдинг, келиб менга: «Ҳой одам, ҳой амаки, — менга деса «Ҳой, ҳайвон!», десанг ҳам майли эди, — сенинг қўчқорингни босиб олдим», дер эдинг. Мен ҳам сенинг мард одам эканингни курганимдан кейин: «Билмай қипсан, майли, бўлар иш бўпти!», дердим. Тўғрими, жиян?

— Жуда тўғри, — деди тўлқинланиб кетган Ориф.

Ароқнинг таъсири, танасининг яйраши, мазали овқат, Гаффор амакининг гаплари, Нурининг жилмайиб ўтириши Орифни севинтирар, қулфи дилини очар эди. Кўнглида бирданига қадах кўтариб, тилак билдириш орзуси уйғониб кетди. «Раҳмат, амаки, умрингиз узоқ бўлсин, дастурхонингиз ҳамиша шундай тўкин бўлсин. Қишлоққа келаётганимда, мени итдек қолиб берсангиз керак, деб ўйлаган эдим. Сиз бўлсангиз, бир қадрдондек, туққан жигардек кутиб олдингиз. Шаҳарга йўлингиз тушгудек бўлса, бизникига албатта кириш. Нурини ҳам олиб бординг. Темирийўл бекатидан саккиз километр нарида, метронинг олдида тураминиз», демоқчи бўлди.

Шу пайт бехосдан кўзи шимига томган ёққа тушди. Қўлини чўнтагига тикиб рўмолчасини чиқарди, чиқарди-ю, ўзи жуда ғалати бўлиб кетди. Рўмолча билан бирга чап чўнтагига солиб қўйган юз эллик сўм пул ҳам илашиб чиққан эди. Нима қилаётганини яхши англаб улгурмай, шоша-пиша рўмолча билан пулни қайтиб чўнтагига жойлади. Олазарак бўлиб атрофга назар ташлади: Гаффор амаки овқатини ичар, Нури китоб ўқиб ўтирар, Сора опа онасига чой қўйиб бермоқда эди. Ориф енгил нафас олди, бироқ қадах кўтариб алёр айтиб ўтирмади.

Уйга жой солиб берайлиқми ёки ҳовлида ётасанми, деб сўрашганда, Ориф ҳовлида ётишини билдирди.

Тун салқини ёстиқ ва кўрпанинг оқ жилдини нам-хуш қилган эди. Ориф танасида бу намни ҳис этаркан, чарчоғи, руҳий бесаранжомлиги йўқолиб, қушдек енгил тортганини, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этаётганини ҳам сездди. Молхона ёнида ётган сигир кавш қайтарар, ҳар замонда тўхтаб туннинг тинчлигига қулоқ солаётгандек қулоғини қимирлатиб қўярди. Негадир сигирнинг шу пайтда жуда хафа эканини Ориф пайқагандек бўлди. Бироқ, бу нарса унга таъсир қилмади. Шунга қарамай худди шу онда у дунёда жуда кўп нарсаларга тушунмай яшаётганини ва қизиғи (энг қизиғи!) бундай ҳаётдан жуда хафа эканини Ориф пайқагандек бўлди. Бироқ, бу нарса унга таъсир қилмади. Шунга қарамай худди шу онда у дунёда жуда кўп нарсаларга тушунмай яшаётганини ва қизиғи (энг қизиғи!) бундай ҳаётдан жуда хафа эканини Ориф пайқагандек бўлди. Бироқ, бу нарса унга таъсир қилмади. Шунга қарамай худди шу онда у дунёда жуда кўп нарсаларга тушунмай яшаётганини ва қизиғи (энг қизиғи!) бундай ҳаётдан жуда хафа эканини Ориф пайқагандек бўлди.

Ҳавода шивир-шивир овоз кезарди. Боши тепасида япроқлар тебранар, худди унга: «Ухла, ухла...», деяётгандек эди. Япроқларнинг шивирлаши алладек таъсир этган Ориф чуқур ўйга толди.

Худди шу пайтда... ичкарида Сора опа бордоқчаю тақсимчаларни, овқатдан бўшаган идиш-товоқларни йиғиштираётган эди. У стол устини чиннидек қилиб артди ва нохуш хаёл суриб ўтирган онасига:

— Кириб ётсангиз бўлармиди, — деди.

Кампир ўрнидан турди, ён томондаги хонага қараб юраркан:

— Ҳаром, бу уйнинг суви ҳам, нони ҳам ҳаром, — Ориф дамини чиқармай, Гаффор амаки ётган жойни қузата бошлади.

Гаффор амаки кампирнинг қоқсуяк курагига узоқ вақт нафрат билан тикилиб турди-да, кўрс оҳангда:

— Ҳаром бўлса, еманг. Боринг, имонсиз Алиасқарнинг ҳақ йўл билан йиққан-терганини еб ўтиринг! — деди.

Кампир уй остонасида тўхтаб, шаҳд билан Гаффор амаки томонга ўғирилган эди, кесакига қаттиқ урилиб кетди.

— Алиасқар билан ишинг бўлмасин. Сен унинг кесиб ташлаган тирноғига ҳам тенг бўлолмайсан. У битта қўй туфайли оламга жар солмасди. Ҳалол меҳнатдан қочиб икки-уч кунлаб бозорда судралиб юрмасди.

— Имонсизнинг қизи имонсиз! Шундай кўчқорнинг гўштини итга едирсам тузукмиди?! Сотдим, ажаб қилдим!

— Бу қилиғингни худо кўриб тургандир! — Кампир қўлларини тепага кўтариб:— Сенда ор-номус деган нарсадан зиғирча ҳам йўқ, — деди.— Агар сенда ор-номус бўлганида, ҳаром ўлган қўйнинг гўштини бозорга олиб чиқиб одамларга сотмас эдинг.

— Ҳой, бойўғлининг қизи, ҳой кўппакнинг қизи, бу вайронада одамга ўхшаб яшашимизга қўясанми, қўймайсанми?

— Сен тўғри одам бўлганинда бола бечоранинг йиққан-терганини тортиб олмас эдинг. Ахир шўрлик ўз оғзи билан: «Топган-таяганим шу», деб айтди-я! — У боланинг ҳамма гапи ғирт ёлгон. Мушдек боши билан ёлғонни сувдек ичади. Товуқмия, мени кўрмади, деб ўйлади...

— Яратган эгам буни шундоқ қолдирмайди, ҳаммасини бурнингдан булоқ, кўзингдан чироқ қилиб чиқариб олади.

— Сенга нима? Бир оёғинг гўрда бўлса! Биратўла жонинг чиқақолса эди, биз ҳам кўз очиб ёруғ дунёни кўрардик. Улишга тобинг йўқ экан, кўчингни олиб ўз вайронангга даф бўл! Сора! Сора деяпман! — Гаффор амаки ҳовлини бошига кўтариб бақирди. — Ҳой итнинг қизи, тўнғиз қўпгур онанга айт, мени ўз ҳолимга қўйсин. Бўлмаса, бир кори ҳол бўлиши мумкин.

Гаффорнинг, кампирнинг ва Соранинг товуши ерга тушиб синган чинни товоқнинг овози билан қўшилиб кетди. Эшик зарб билан очилди...

Бир оздан кейин Сора опа ухлаб қолган Нурига:

— Нури, Нурижон, тур, болам, — дер эди. — Олдин бориб меҳмон ухлаяптими-йўқми, шуни билиб келгин-чи.

Нури уйқу аралаш минғирлаб девор томонга ўғирилиб олди.

— Тур, ойинг ўргилсин, яхши бола.

Нури туриб ўтирди. Уйқусираган кўзларини онасига тикиб унинг нима деяётганини тушунишга уринди. Сўнгра ўрнидан туриб эшикка чиқди, кўп ўтмай қайтиб кирди.

— Ухлаяптими?

— Ҳм.

— Яхшилаб қарадингми?

— Ҳм. Узи ҳам оғзини очиб хуррак отиб ётибди.

— Шўрликнинг бурнида ортиқча гўшти бордир-да. Нури эндигина чўзилган жойидан бошини кўтариб...

— Ойи-и,— деди.

— Нима дейсан, болажоним?

— Мен ҳам хуррак отаманми? Кўринг-чи, менинг ҳам бурнимда ортиқча гўшт йўқмикан?

— Йўқ, ўзимнинг оппоқ ўғлим, сенинг бурнингда ортиқча гўшт-пўшт йўқ. Сен худди кўзичоқдек беозор ухлайсан.

...Эртасига Ориф кўзини очганида офтоб ёйилиб кетган эди. Нафас олган сари тоза, шифобахш ҳавонинг енгиллигини ҳис қиларди. Нури унинг юз-қўлига сув қўйди, тоза сочиқ олиб келди. Ориф уйга кириб ўтирганида, ичкаридаги нарсалар унга таниш, азиздек кўринди. У ширин чой билан янги ивитилган жамуш қатиғидан ичди. Гаффор амакининг, Сора опанинг, Нурининг юзида хотиржамлик ифодаси зуҳур этарди. Кампир ҳовлининг бир четидаги экинларни ўтоқ қилиб ўтирарди. Нонуштадан сўнг Гаффор амаки Орифни кузатиб қўйди. «Мендан гина қилмай кет, жиян», деди хайрлашаётиб.

Орифнинг: «Бу нима қилганингиз, амаки, сиздан ҳеч қачон гина қилмайман! Урнингизда мен бўлганимда ҳам...» деб онт ичиб юборишига сал қолди.

Гаффор амаки гўё буни сезгандек:

— Яратганига шукр,— дея негадир «сиз»сираб қўлини чўзди.— Уйимизни таниб олдингиз. Бир зарурат бўлиб қолса, эшигимиз сиз учун ҳамиша очик. Бемалол, ҳеч тортинмай келиб-кетаверинг. Таниш орттирган яхши бўлади. Ҳўп, бўлмаса, яхши боринг.

Машина қишлоқдан чиққанидан кейин бир қанча вақт тўғрига юрди, сўнгра чапга бурилди. Бир-бирига уланиб кетган уйлар, яшил дарахтлар Орифнинг кечагидек юрагини сиқмас, кўнглида хафагарчилик, диққи-нафаслик уйғотмас эди. Аксинча, нишолда кўпигидек енгил, соф, ширин хаёллар уни чулғаб олган эди. Машина ҳар сафар чуқурга тушиб чиққанида, узоқдаги уйлар ҳам, дарахтлар ҳам тебраниб кўярди. Уйларнинг сакраши, яна жойида қотиб қолиши Орифга кулгили кўринар, худди жони борга ўхшаб туюлар эди. Ориф тўсатдан уйларни кечадан буён кўриб таниган одамларига ўхшатди. Ана, анави катта, баланд, томи қорайган уй кеча автобусда уни бир четга сиқиб қўйган одамга ўхшайди. Оқ шиферли, оқ тошдан қурилган анави уй эса шарақлаб куладиган Гаффор амакини эслатарди. Қишлоқнинг чеккасидаги бир томони қийшайган, кўҳна, тутдек тўкилиб турган кулба, кекса аёлнинг худди ўзи эди.

Охириги ўхшатиши негадир Орифнинг ўзига ёқмади ва у дарҳол уйлардан кўзини олди.





## Осмон тошни сақдамас

Воқиф ИБРОҲИМ

### Ленин

Ленин дедим—  
юрагимга имон оқди.

Ленин дедим—  
не ажабки,  
томиримдан Замон оқди.

Шу ном ила кекса дунё бир силкинди,  
тозаланди.

Шу ном ила юракларда  
не умидлар шуълаланди.

Шу ном бизга  
оғир кунда керак бўлди,  
кўмак бўлди.

Шу ном оғир курашларда  
бизлар билан  
чўллар ошди, тоғлар ошди.  
Зир оғизда сўнса бу ном  
минг оғизда гуллар очди.

Бу ном қатъий менга деди,  
сенга деди  
унга деди:

Толеини  
ёлғиз мансаб орқасида кўрса кимлар,  
ҳамроҳ бўлма!

Эркисиз, мазлум миллатларга  
озодликни

тиланчига назр каби берса кимлар,  
ҳамроҳ бўлма!

Бир тўп кучли бир кучсизнинг  
топганига шерик бўлса,  
ҳамроҳ бўлма!

Бир миллатга она тили  
таъқиқ бўлса,  
ҳамроҳ бўлма!

Шу ном ила  
орзуларни фатҳ айладиқ.

Бир асрлик узун йўлни  
биз бир йилда забт айладиқ.

Шу ном ҳаёт йўлимизга  
нур сочмоқда чироқ каби,

Шу номни биз келажакка элтажакмиз  
байроқ каби.

Элтажакмиз бу номни биз  
асрларга зарҳал ҳарф-ла  
нақш этгали,

Майдан сўнги авлодларга  
энг қимматли мерос каби  
бахш этгали...

С. РАҲМОН таржимаси

Осмонга тош отган, эй, ўйинқароқ,  
Осмонда тош қолиб кетмас, бил, ахир.  
Уғил бола бундай юрмас, укажон,  
Ким кириб бошингни

қилди тап-тақир!

Эгнингда кийиминг ўзингдан катта,  
Қара, у осмон-ку, кўзингдан катта,  
Осмонга тош отган, эй, ўйинқароқ  
Ҳозирча бошингга тушмайди қайтиб,  
отган тошларингни асрайди осмон.

Отган тошларингни тутиб қўлида  
сени йиллар бўйи йўқлайди осмон.

Қирилган бошингга чиққунича соч,  
То тиниқ кўзларинг  
тортгунча хира  
отган тошларингни асрайди осмон.

Кийганча киярсан,  
Еганча ерсан,

ўсиб-улғаярсан бир кун, укажон,  
Кўзларинг улғаяр, сен улғайганда,  
улғаяр ҳаттоки кўзингдаги ёш,  
Қўлларинг улғаяр, сен улғайганда,  
улғаяр осмонда ўзинг отган тош.

Бахтинг кулиб боқса ёруғ дунёда,  
Мабодо ажалинг кечикиб келса,  
Ўзинг кўкка отган ўшал тошлардан  
кўрғон қила билгил,

уй қура билгил.

Умринг узунликда камалак бўлса,  
бахтингга ҳар бир ранг рангин қўшади.  
Бир кун бу дунёдан сен кетар бўлсанг,  
қабр тошинг балки кўкдан тушади.

Осмонга тош отган, эй, ўйинқароқ,  
осмонда тош қолиб кетмас, бил, ахир...

Тоҳир ТОИС

### Уя

Вақт гулда очадир тупроқ кўзини,  
Баҳордан муҳаббат ёғар дунёга.  
Ёмғирлар зирвада синаб ўзини,  
Хушбўй мушк таратар баҳор дунёга.  
...Мен сени севардим, йўқ, тўғрироғи,  
Мен сени севаман демоғим керак.

Бўлажак уялар юрагимдадир,  
Оғримасдан ахир не қилсин юрак!  
Паришон кечади фасллар, йиллар,  
Тағин сен олдимга келарсан маним.

Уфқда ёришар янги бир саҳар,  
Саҳардек юзимга куларсан маним.  
Қушлар учиб кетар, уялар қолар,  
Қолган уяларда кўҳна болу пар.  
Олис уяларда неки бор—қолар,  
Фақат

қолган парлар бир кун кўқарар.  
Яралур оқибат ўша парлардан  
Қўл етмас бир уя, бехатар уя,  
Дунёда севги-ла яшаганларга  
Басдир само, қуёш,  
етар бир уя.

Озарбойжончадан Усмон ҚУЧҚОРОВ  
таржималари



Жумабой  
МАТЕҚУБОВ

## Кафтимдаги тупроқ

Кафтимда бир сиқим юртим тупроғи,  
Ота-боболардан мерос қолган ер.  
Широқ тирик бўлса бу ерни, чоғи,  
Шаҳидлар қонидан қотган гардлар, дер.

Кафтимда бир сиқим юртим тупроғи,  
Қачонлардан буён нурда ёнган ер.  
Хайём тирик бўлса бу ерни, чоғи,  
Майнинг ширасидан қотган гардлар, дер.

Кафтимда бир сиқим юртим тупроғи,  
Қуёшга кифтини тутиб турган ер.  
Деҳқондан сўрасам, айтарди, чоғи,  
Буни тупроқ қилган асли қайноқ тер.

Майданми, терданми, қонданми қотдинг,  
Эй, қуёш гирдида парвона замин!  
Бунча чарх урасан, нени йўқотдинг,  
Сени деб нимадан кеча олдим мен!

## Ҳайрат

Қанча баҳорларнинг хуш бўйларини  
Ёзлар ола кетди, қарадим-қолдим.  
Оғироёқ ёзнинг оқ ўйларини  
Кузлар ола кетди, қарадим-қолдим.

Залварли илдизлар тупроқда қолиб,  
Сомон томга чиқса — гўёки ғолиб,  
Қишнинг шамоллари қўйнига солиб  
Музлар ола кетди, қарадим-қолдим.

Серёғин кунларда оёқ тойса-да,  
Яланглик ҳар ёнга қулоч ёйса-да,  
Баҳор ижод этган яшил майсада  
Кўзлар қола кетди, қарадим-қолдим.

Баридан мен ушбу ҳайратни олдим!..



Саидмурод  
ХУЖАЕВ

## Қуёш юрти

Қуёш хандалар отади,  
Тебранар маст бўлган гуллар.  
Кунлар эшилиб кетади,  
Ташвишсиз яшайди кунлар.  
Дарахтлар қўлларин очиб,  
Нурларга ўқир шукрона.  
Гандираклайди майсалар,  
Нозланиб ясланар ёнга.

Лаҳзанинг ҳукмида ором  
Сассиз қўшиғин бошлайдир.  
Қайдадир хушёр тортган  
Шамолнинг унлари дайдир...

## Заррин кунлар

Изларингга юз қўяр япроқ —  
Заррин кунлар бошланиб кетди.  
Нигоҳингга мудраган жило  
Уйғонмоқда айни куз пайти.

Хаёлингда чарх урган мисра  
Кўзларингни тўсатдан намлар.  
Севмагунча тинч қўймас сира  
Энди сени бу рангин дамлар.

Кезинасан асабий, гаранг  
Яшин урган дарахт тагида.  
Рақс тушади телба оёғинг  
Хазон барглар теварагида...

## Сўнги йўқотиш

Икки дунё аросатида  
Оворадир кўзларинг, гўзал.  
Қулоғига булбулнинг энди  
Етиб бормас ҳеч қандай сўзлар.

Беҳудадир энди ҳайқирик,  
Унутганлар гулнинг отини.  
Кузатади заҳил япроқлар  
Лабларингнинг ҳаракатини...



## УСТОДЛАР ИЗИДАН

Кейинги йилларда республикамызда нафис мўъжаз расм — миниатюра санъати намуналарини нашр этиш, уларни ўрганиш бир қадар ривожлантирилди. Алишер Навоий девон ва дostonлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг «Вақоеъ» («Бобирнома») асарлари мўътабар қўлёзмаларига ишланган расмлар нашрлари кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

X—XIX асрлар давомида Шарқда тараққий топган нафис мўъжаз расм — ўта заҳматталаб бу ижод тури технологиясининг мураккаблиги, материалларининг ноёблиги, аввал тошбосма ва кейинчалик ҳозирги китоб матбааси тараққиёти туфайли, XX асрга келиб деярли тўхтаб қолди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Искандар Икромов ва Чингиз Аҳмаров ижодида классик миниатюра ютуқларини ҳозирги замон тасвирий санъати талабидан келиб чиқиб, ўзлаштиришга интилиш салмоқли ўрин эгаллайди. Талантли ҳажвачи рассом Тельман Муҳамедов ҳам ўз навбатида миниатюра санъатидан ижодий фойдаланиб, тасвирда ўта таъсирчанликка эришди.

Классик миниатюра санъатига қизиқиш кейинги пайтларда кўшни шарқ мамлакатларида ҳам авж олдирилди. Улар биринчи галда миниатюранинг классик намуналари нусхасини қайта яратиш билан бу санъат турини янгидан тиклашга интилоқдалар.

Республикамызда худди ана шу усулни ёш истеъдодли рассом Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ўз ижодида синаб кўрмоқда. Ш. Муҳаммаджонов талабалик йиллариданоқ мустақил равишда араб ва форс тилларида мутолаа қила туриб, миниатюра санъатига оид тадқиқотларни кунт билан ўрганди, уларда баён этилган технологияни тиклашга киришди. Уша йиллардаёқ у халқимизнинг афсонавий даврлардан шу кунгача бўлган тарихини акс эттирувчи расмлар туркумини яратишга бел боғлаган эди. Ҳозир бу туркумдаги ишлари сони ёш рассом ижодхонасида икки юздан ошиб кетди. Улардан икkitаси 1972 йили Чехословакия пойтахтида ўтказилган ёшлар асарлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланган.

Миниатюра санъати технологиясини Ш. Муҳаммаджонов П. Беньков номидаги билим юртининг охири курсларида тиклади ва диплом иши сифатида, қадимги мўътабар қўлёзма яратиш жараёнини акс эттирувчи тўртта миниатюра яратди. Ш. Муҳаммаджоновнинг дастлабки илзанишлари самарасини кўрган малакали рассом М. Воронский гоят ҳайратда эди. Чунки бу рассом қайта кўчирган кўплаб миниатюра нусхалари Тарих ва Адабиёт музейи залларида томошабинларга эстетик завқ бағишлаб келаяётганлигига қарамасдан, у ҳам миниатюраларни айнан ўлчамда такрорлай олмаган. Балки уларни икки-уч баравар катталаштириб, сувбўёқ технологияси асосида тиклаган эди. Миниатюра нусхасини айнан кўчириш мумкин эмаслигини мамлакатимиздаги энг малакали муляжист [нусхачилар] ҳам қайд этганлар. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи директори, марҳум профессор Ҳамид Сулаймон янги экспонатлар яратиш мақсадида Ленинграддаги энг машҳур муляжистларни йиғиб, Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонасида сақланаётган нодир миниатюралар нусхаларини, ҳар қандай маблағ эвазига бўлса ҳам, тайёрлаб беришларини илтимос қилганида, улар бу иш қаршисига ожиз эканликларини тан олганлар.

Ёш рассом Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг энг яхши ижодий илзанишлари томошабинни бефарқ қолдирмайди. Ҳозирча уларнинг аксариятида классик миниатюра аъёналари қарийб айнан такрорланганлиги ҳам қонуний. Зеро рассом дастлаб қадимги мусаввирлар маҳорат сирларини пухта эгаллагачина, уларни янада тараққий эттиришни ният қилган.

Жумладан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғат-иттурк» асарида келтирилган қадимги халқ қўшиқларига расм ишлар экан, ёш мусаввир ранг танлашда энг қадим-

ги миниатюра ёки санъат обидалари услубини эмас, балки халқчиллик тенденцияси гоёат кучайган XIX аср миниатюралари услубидан келиб чиқиб, ижод қилди. Рассом асар учун танланган ҳар бир қўшиқ руҳини ўз ишига сингдириб юборишга интилди. Бу борада, айниқса, табиат уйғонишини тараннум этувчи қўшиққа ишланган расм алоҳида диққатни талаб қилади. Баҳор қўшиғи Маҳмуд Қошғарий томонидан қуйидагича келтирилади:

Турли чачак ярилди,  
Барчин язим қарилди,  
Учмақ яри курулди,  
Тумлуғ яна калгусуз.  
Қуш қурт қамуғ тирилди...  
Йинқа яна киргусуз.

#### Мазмуни:

Турли чечаклар очилди,  
Ерга чиройли гилам тўшалгандек бўлди.  
Жаннат ери кўринди,  
Совуқ қайтмас бўлиб кетди.  
Ҳамма қуш ва қуртлар тирилди...  
Энди улар инларига қайтиб кирмайдилар.

Бу қўшиқ тасвирга бағишланган миниатюрада лолаларга бурканган ям-яшил дала — наботот, жону жониворлар уйғониши гўзал образларда ифодаланган.

Бу туркумдаги яна бир расм инсон дард-ҳасрати тасвирга бағишланган. Унда Афросиёб номи билан машҳур бўлган Алп Эртўнга вафотига бағишланган қуйидаги марсия мазмуни очишга ҳаракат қилинган:

Улишиб эран бўрлаю,  
Йиртин яқа урлаю,  
Сикриб уни юрлаю,  
Сигтаб кўзи ўртилур.

#### Мазмуни:

Мардлар йиғлаб, бўридек увлашдилар,  
Ёқаларни йиртиб бақриришдилар,  
Фарёд чекдилар,  
Қаттиқ йиғлаб-сиқтаганларидан кўзлари хиралашиб

Парда тортгандай бўлди.

Марсия тасвирида энди қўнғир фондаги дала, дала ўр-тасида эса Афросиёб — Алп Эртўнга тобути берилади. Расмда қорароқ, тўқ ранглар устунлик қилса-да, гўё аздорлик ғамидан эгилган дарахт барглари ям-яшилдир. Рассом дунёда ўлим, йўқотиш билан бирга, ҳаёт, яратилиш ҳам думмо ёнма-ён эканлигини таъкидлаётир.

«Девону луғат-ит-турки» асаридаги қадимги халқ қўшиқларига ишланган мазкур расмлар бир туркумни ташкил қилганликлари учун ҳам, уларнинг ҳаммаси деярли бир услубда яратилган. Бу асосан, табиат, кишилар, жониворлар талқинида, чизиқлардаги нозикликда, ранглар танланишида яққол кўзга ташланади. Аммо бу ишлар ҳамом ижодий изланиш маҳсулигина эканлигини ёш рассом яши биледи. Жумладан, уларнинг баъзиларида кўплаб персонажлар тасвирланса-да, классик миниатюралардаги каби эпиклик, яъни ҳажман кичкина сатҳда бирданига бир неча воқеалар тасвирини ихчамлаштириб жойлаштириш санъати кўринмайди. Шунингдек, нақшлардаги назоқа ҳали ҳам камолга етмагандек туюлади.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, республикамызда миниатюра санъатини қайта тиклаш йўлида бир мунча ташкилий ишлар амалга оширилди. Чунончи, Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи қошидаги халқ усталари уюшмасида миниатюралар бўлими, А. Островский номидаги Театр ва рассомлик институтида, П. Беньков номидаги бадиий билим юртида миниатюрачилар гуруҳлари ташкил этилдики, бу — маданий ҳаётимиздаги қувончли воқеалардандир.

Абдумажид МАДРАҲИМОВ

## АДАБИЙ ҲАЁТ АЖОЙИБОТЛАРИ

### ТОПИЛМА РОМАНИ ТЎЛДИРДИ

Д. Фурмановнинг кўп марта нашр этилган «Чапаев» романи тўла ҳажмда босилмаган экан. Адабиётшунос Е. Прохоров шундай хулосага келди.

Е. Прохоров асарнинг Иваново-Вознесенск «Қизил тўқимачилар» отряди ҳужум операцияси ҳақида ҳикоя қилувчи ўнинчи бобини қайта-қайта ўқиб, унда тушиб қолган жой борлигини аниқлади. У ёзувчининг А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институтини архивда сақланаётган қоралама нусхалари орасидан китобнинг биронта ҳам нашрига киритилмаган қўлёзма саҳифасини топишга муваффақ бўлди.

— Бу хатони мана бундай тушунтириш мумкин, — дейди Е. Прохоров, — Фурманов ўз романини қоғознинг иккала томонига ёзган, ҳар бир жумлани қунт билан силлиқлаган. Кўпдан-кўп ўчирмалар ва қўшимчалар шундан далолат беради. Бундай қўлёзamani кўчириш осон бўлмаган, албатта. 105-бетгача ҳамма нарса кўнгилдагидек борган. Шундан кейин машинистка қоғознинг орқа томонини ўгириб кўришни унутиб, навбатдаги саҳифани кўчиришга киришган. Буни асарни ўқиб чиқиш вақтида ақторнинг ўзи ҳам сезмаган.

«...Маруся Рябинина ҳам шу ерда эди. Ҳамма сингари милтиқ кўтариб олган йигирма яшар бу қиз ортада қолишни истамай, дадил одим ташлаб борарди», деган сўзлар билан бошланувчи абзацнинг ундан олдинги жумла билан нима учун боғланмаслиги энди аён бўлди. Бу ерга топилган саҳифа қўйилса, ҳамма нарса жой-жойига тушади. «Шу ерда» сўзлари — иваново-вознесенскиликлар орасида, деган маънони билдиради. Шундан кейин эса Маруся ўз дугоналари — Марфа Кожаная ва Елена Кунициналардан «ортада қолишни истамай, дадил одим ташлаб бораётганлиги» маълум бўлади. Автор М. Рябининанинг исми ва фамилиясини аслича қолдирган. Қолган персонажлар — умумлашма образлардир. Ивановолик тўқимачилар уларнинг прототиплари бўлган.

Архив топилмасининг фото нусхаси Фурманов шаҳридаги ёзувчи уй-музейидан жой олди. Верхне-Волжск китоб нашриёти бу топилма билан қизиқиб, уни романининг янги нашрига киритди. Бу китоб ўтган йили Чапаев дивизияси комиссари туғилган кўннинг 90 йиллигига бағишлаб чоп этилди.



Жирафанинг бўйнига  
Жарчи Маймун чиқволиб,  
Бор куч билан бақирар  
Тўрт тарафга жар солиб:  
— Ҳайвонлару ҳайвонлар,  
Тўрт оёқли полвонлар,  
Эшитмай қолманг тағин,  
Бугун ой чиқар чоғи  
Кино бўлар ўрмонда,  
Кўрмаганлар — армонда!..

Кечқурун катта майдон  
Тиқилинч ғижғиж ҳайвон:  
Жирафа, Фил, Шер, Йўлбарс,  
Бегемот, Тимсоҳ, Қўтас,  
Тулкной, Айиқ полвон,  
Каркидону Олмаҳон,  
Шунда ҳатто уялчанг  
Чувалчанг.

Икки тол ўртасига  
Қўйдилар чойшаб илиб.  
Бошланиб кетди унда  
Мана бундай мультфильм:

«Шаҳар. Асфальтли кўча.  
Аммо кўча бўлакча.  
Бир ёнида ҳайвонлар  
Учун махсус йўлакча.  
Роликли конькиларда  
Учишарди ҳайвонлар.  
Уларга яратилган  
Барча яхши имконлар.  
Кичиклари шод бўлиб  
Қатнашади мактабга.  
Ахир ўрганмоқ керак  
Болаликдан одобга!...  
Ҳайвонот боғидан ҳам  
Қизиқ кадр олинган.  
Шафқатсиз браконьерлар  
Қафасларга солинган...  
Кит фонтанин сачратиб,  
Кемага кўрсатар йўл.  
Матрослар хурсанд бўлиб  
Силкитишар унга қўл.  
Филча хартумчасида  
Сув сепмоқда гулларга.  
Товус чиройи билан  
Завқ бағишлар дилларга.  
Кенгурунинг халтаси  
Тўла мактуб, хат-хабар.  
Телеграмма ташишни  
Қойиллатар Кабутар...»

Кино қизиб, ҳайвонлар  
Ййраб турган ҳуш они,



Ҳамза  
ИМОНБЕРДИЕВ

Бирдан милтиқ овози  
Тутиб кетди ўрмонни.  
Пороҳ, тутун ҳидлари  
Кўмиб кетди ҳар ёни.  
Ҳайвонлар тум тарақай  
Қочар экан ҳар ёққа,  
Кўплари тушиб қолди  
Пистирма ва тузоққа.

Кенгуру жон-жаҳд билан  
Қочаётиб дафъатан,  
Бехосдан боласини  
Туширворди халтадан.  
Ётар эди питирлаб  
Кинномеханик Куён.  
Экранда эса кино  
Давом этарди ҳамон...

## Редактор

Кўз остлари кўкарган,  
Ёрилган лаби.  
Бу «Жайра» редактори —  
Ғиёсов Наби.  
Шу кўйга тушиб турар  
Баъзи-баъзида.  
Сабабими! Сабаби  
Бундай аслида:  
Бир бола соч ўстирар,  
Кечикар бири.  
Кимдир дарсдан қочишининг  
Устаси, пири.  
Биров жуда киборли,  
Осмонда боши.  
Чунки Раис буванинг  
Бел қариндоши.  
Кимдир чекар сигарет  
Бурқситиб чунон...  
Хуллас, қора иш кўрса,  
Ғиёсов шу он

«Жайра» саҳифасида  
Берар таъзири.  
Карикатура қилиб  
Чизар баъзисин.  
Кўплар бундан хатосин  
Англаб олади.  
Кимдир унинг йўлини  
Пойлаб қолади.  
Шунинг учун Набининг  
Баъзи-баъзида  
«Яшил чироқ» порлайди  
Кўзи остида.  
Лекин редактор бунга  
Ҳеч парво қилмас.  
«Тинч юр», деган «ўғит»ни  
Қулоққа илмас.  
Шу иш учун сарф этар  
Аямай кучин.  
Дер: «Осонмас курашмоқ  
Ҳақиқат учун!»



Иброҳим ҒАҒУРОВ

# ЗАМОНЛАРГА ЙЎЛЛОВЧИ МАЁҚ

ИНСОН ВА КИТОБ

*Китобни қандай ўқиш керак? Китоб инсоннинг маънавий камолатига қандай ёрдам беради? Танқидчи Иброҳим Ғафуров китоб мутолааси ҳақида фикр юритар экан, ана шу саволларга ҳам жавоб беришга ҳаракат қилади.*

*«Билдим, деб, хотиржам бўлмаслик ва билмадим, деб, бутунлай ташлаб қўймаслик — маърифат ҳамда камолатнинг узун, туганмас нурли йўли назаримда мана шу, — дейди танқидчи. — Ёш дўстларим бунни доимо ёдларидан тутсалар экан...»*

Инсондаги энг олий шодлик — ўз руҳий дунёсини бойи-тишдан, демаски, башар манфаатлари билан яшайдан келиб чиқади. Бундай олижаноблик ёнингдагиларнинг эҳтиёж ва манфаатларига эътибордан, ўзгалар тақдирини ўзиники деб англашдан бошланади. Маданий тараққиёт гултожи ҳисобланмиш китоб ҳам аслида ана шундай энг олий маънавий эҳтиёж маҳсулидир. Бинобарин, ҳар қандай яхши китоб инсонга эътибор, яъни инсон ҳаётини маърифат нури билан ёритиш ишқидан тўғилади.

Мен Собинтоғ хотирагоҳида ўқ тешиб ўтган китобларни кўрганман. Босқинчи фашистларнинг ўқлари бу ерда одамдан олдин китобга теккан. Улар китобларни худди тирик одамлар каби отган ва ўтда ёққанлар. Инсониятнинг барча душманлари аввало китоб душмани сифатида таниладилар, ўз ёвузликларини китобни топташдан бошлайдилар. Лекин маърифатпарвар инсоният доимо уларни тараққиёт йўлларида улоқтириб ташлайверади.

Ийгирманчи аср — китоб асри. Газета-журнал асри. Телевидение, кинематография асри. Спорт томошалари асри. Буларнинг ҳаммаси учун вақт керак. Вақт — умр эса чекланган. Биз китобни қанчалик севмайлик, баъзан унга ажратадиган вақтимиз етмаётгандек туюлади.

Телевидение ўз жозибаси билан тинимсиз чорлаб туради. Оқибатда, Жомий ва Навоий, Сервантес ва Шекспир, Толстой ва Достоевский бизни дўконларда, китоб жавонларида кутиб қоладилар. Аммо бу тўғри йўлмикин! Биз камолот йўлини тўғри танладикмикин!

Менимча, яхши китобнинг ўрнини ҳеч қачон ҳеч нарса боса олмайди. Китоб, телевидение, кинематография, спорт... Инсон маънавий ҳаётида буларнинг ҳар бири ўз ўрнига эга. Аммо улар инсон ҳаётидан бир-бирларини суриб чиқармасликлари, аксинча, муттасил суратда бир-бирларини тўлдирди боришлари зарур. Яқинда кекса бир ишқидан хат олдим. «Бўш қолдим дегунча, қаттиқ безовта бўлавераман, — деб ёзади у. — Худди мени биров кутиб тургандай. Мени кутиб турган ўша ҳаббим эса китобдир. Мен китобдан маърифат — ҳаёт ҳикматларини излайман. Уларни топганимда кўнглим уйи ёришади. Мен қариб қолдим. Бу ҳикматларнинг нега кераклигини билмайман. Аммо уларсиз ҳам яшолмайман».

Кекса китобхоннинг мана шу ҳаяжонли сўзлари давримизнинг улкан шоираси Зулфиянинг бир суҳбатда айтганларини ёдимга туширади: «Мен ўзимда доимо улғу шоирлар билан учрашиб туришга енгиб бўлмас бир эҳтиёж сезаман, — деган эди у. — Бутун икир-чикирлардан, ҳар қандай майда ташвишлардан пок-фориг бўлиб, уларнинг китобларини кўлимга оламан. Юксак ўйлар, жўшқин эҳтирослар, ажиб кечинмалар оламига фақат покиза ўй билан, тозарган хаёл билан кириш мумкин. Шунда улғу шоирлар маънавий дунёси менга янада тўлароқ, янада но-зикроқ очилади».

Китоб ўқишда ҳам ўқиш бор. Шундай китобхонлар борки, улар қўлларига нима тушса, шуни ўқийдилар. Бировлар фақат эл орасида шов-шув кўзгатган китобларинигина ўқишга интиладилар. Яна бировлар ўз соҳаларига оид китоблар билангина танишиб борадилар. Яна бир турли ўқувчи борки, улар китоб деганда мактаб ёхуд олий ўқув юрти дарсликларини тушунадилар. Дарсликни ўзлаштириб олгач эса бўлди, иш битди, дейдилару бошқа ҳеч қачон қўлга китоб олмайдилар. Баъзан айрим раҳбар ходимлар ҳам ана шундай фикрда бўладилар. Афсуски, савиясиз, тайёргарликсиз китобхонлар бизда ҳали анчагина. Зотан, улар кўпчилик бўлмаганларида, жаҳон классик ҳамда замонавий адабиётининг энг нодир намуналари ҳозир китоб дўконлари тоқчаларида чанг босиб ётмаган бўлур эди.

Ийгирманчи аср — маданий аср. Маданийлик эса ҳамма нарсада мунтазам изчилликни яхши кўради. Мунтазам изчиллик билангина ҳаётда кўзланган мақсадларга эришмоқ мумкин. Бинобарин, китоб ўқишда ҳам мунтазам изчиллик даркор. Назаримда, чинакам мутолаани қадимги дунё бадий обидаларидан бошламоқ зарур. Шу билан бирга, замонавий совет ҳамда илғор жаҳон адабиётини мунтазам равишда ўқиш керак. Совет классикасини чуқур ўзлаштириш, Михаил Шолохов, Леонид Леонов, Александр Твардовский, Константин Паустовский, Мухтор Аве-

зов, Берди Кербобоев, Айний, Абдулла Қодирый, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Чингиз Айтматов каби улкан санъаткорлар ижодини қайта-қайта ўқиш, бугунги адабиёт намояндаларининг энг яхши асарларидан хабардорлик, ёшлар адабиёти билан қизиқиш — ўқишни маълум бир изга солади. Бадий асардан олинадиган маънавий завқини онгли оқимга киритади.

Менинг учун ҳар бир улкан ёзувчи, шоир, санъаткор ижоди, уларнинг шоҳ асарлари кўп қаватли улуғ бинога ўхшайди. Йиллар, асрлар ўтган сайин бу бино қаватлари ажиб бир шиддат билан юқорилаб боради. Ҳажман унча катта бўлмаган «Игорь полки жангномаси» ҳақида яратилган асарларнинг ўзи ҳозир тўрт қаватли кутубхонага сиғмайди. Пушкиннинг буюк достони «Мис чавандоз» ҳақида жаҳон адабиётида олиб борилаётган илмий кузатишларнинг миқёси ҳам ана шунга яқинлаб қолди. Вахотланки, тадқиқотчилар «биз ҳамон «Мис чавандоз»нинг ҳамма қатламларига етиб улгурганимизча йўқ», деб эътироф этмоқдалар.

Бугун — йигирманчи асрнинг саксонинчи йилларида, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор сингари улкан ўзбек санъаткорлари янгидан кашф қилинмоқда. Инсонни тушуниш ва англаш, дунёни таниш фикри кучайиб, чуқурлашган сари, бу адиблар илгари сурган ғоялар, улар яратган миллий характерлар ҳам кўз ўнгимизда янгидан-янгидан қирраларини намён қилмоқдалар. Зеро, ҳар бир давр улуғ адибларни янгидан очади.

Ойбекнинг «Кутлуғ қон» романини ўсмирлик пайтларим, талабалик чоғларимда ҳам неча бор ўқиганман. У ҳар гал менга бошқача ҳаяжон, бошқача завқ бағишлаган. Лекин романи бир сабаб билан яқинда яна кўлга олдим. Энди менда бутунлай бошқача таассурот уйғотди. Романда тасвирланган миллий характер ва қаҳрамонлар аввал мен тасаввур қилгандан кўра, ўн чандон бой, қиррадор экан. Йўлчи онгидаги ҳаракатнинг нечоғли кучли шиддат билан ўсаётганлигини лоақал бир воқеа ичида кузатайлик. Йўлчи Абдушукур билан бойларнинг зулми ҳақида гап талашиб, ундан қаноатланарли жавоб ололмайди. Аксинча, Абдушукур Йўлчини чалғитишга, озодлик кураши йўлидан қайтаришга уринади: «Оламдан хабардор, кўзи очик одамларимиз бор. Урт қайғусига улар чора кўради. Санга нима! Сан ўз тирикчилигини қил. Қош қўяман деб, кўз чиқарма! Заволли Туркистон учун бойлар керак!» Йўлчи Абдушукурнинг кимлигини ана шундагина тушуниб етади, унинг қосидан этак силкиб чиқиб кетади. Худди шундан сўнг, устод Ойбек чойхонада бўлиб ўтган бир воқеа тасвирини келтиради.

«Вақт кечга оққан эди. Йўлчи яна бозорга қайтишни истамасди. Чойхоналардан бирга кирди. Устунга суяниб, тахта каравотда оёғини узатиб ўтирди. Чой қақирди. Чойхонада узун бўйли, узун куюқли қаландар кўзларини юмиб, қалин, янғроқли овозини баланд қўйиб, Машрабдан ғазаллар ўқийди. Пахталик чопони устидан узун, эски оқ ятак кийган, бошига каттагина салла ўраган, ўн-ўн икки яшар юмалоққина бола тийрак кўзларини жавдирашиб, чинқириқ товуш билан қаландарга жўр бўлади. Улар одамлардан чақа йиғиб ғойиб бўлгач, Йўлчи чойни оҳиста ҳўплаб, Абдушукурнинг сўзларини эслади, дам аччиғланиб, дам киноя билан илжайиб фикран Абдушукур билан баҳслашиб ўтираркан, биров унинг елкасини қаттиқ туртди. Йўлчи аланглаб қаради: чойхонада ҳамма тик туради, қўллар қовуштирилган, кўзлар қўрқувли, нотинч. Йўлчи ўзидан бир неча қадам нарида хўрайиб, ҳаммага разм солган шоп мўйлов, юмалоқ, сариғ полиция бошлигини кўриб қолди. Бу тўра «сартлар» тўпланган жойларда бирдан пайдо бўлар, ғазаб қақмоғини қақиб, ўз ҳокимиятидан «сартлар»ни огоҳлантириб, яна йўқолар эди. Айниқса, уруш бошлангандан буён бундай кезишларни ва зуғумни кучайтирган эди. Йўлчи илгари, ҳамма каби, ноилождан унга салом бериб юрар эди. Ҳозир унинг заҳарли назари остида, секингина ерга тушди, лекин қўл қовуштиради, қандайдир хомушлик, бепарволик билан жимгина турди. Полиция бошлиғи унга томон кескин қадам ташлади, пишиқ ўрилган чарм қамчини билан Йўлчининг очик кўкрагини ва бўйинини узиб олди. Йўлчи сесканмади, кўзларига ғазаб қуюлса ҳам, вазиятини ўзгарт-

мади. Қамчин унинг баданини эмас, кўнглини тилгандай бўлди. Полиция бошлигининг кўзлари кўк олов билан ёниб кетди, бўғилгандан юзи қизариб тиришди. Шу вақтда катта саллали, тетиккина бир чол кўлларини кўрагига қўйиб ялинди: «Тўрам, тақсир, мен беноват. Пажа-лиска, пажалиска. Бола парадкани сапсем билмайди. Кечиринг тўра!..» Ёшимни ҳурмат қил дегандай, кўркам оқ соқолини кўрсатди. Полиция бошлиғи ярим русча, ярим «сартча» сўкишлар билан чолни жержиб ташлади. Бу ҳодиса Йўлчининг юрагини эзди.

— Ота,— деди Йўлчи чолга бориб,— раҳмат сизга, лекин заҳарини солган илонга ялиниш ярамайди!

— Узр айт, болам. Золим билан тенглашма! — деди чол.

— Нима гуноҳ қилдим! Қамчинга узр сўрайманми! — деди-да, Йўлчи секингина ўз жойига ўтирди. Қўйдек ёвовош «сарт»дан бундай муомалани сира кутмаган полиция бошлиғи аччиғидан тутақди. Йўлчининг юз-кўзи аралаш яна қамчи солди. У қимир этмади, фақат қаққонлик билан қамчининг учини ушлаб қолди. Полиция бошлиғи кескин силтаб тортди, лекин йигит қўйиб юбормади. Полиция бошлиғи чала-ярим билан «сартча» сўкишларни қалаштириб, ёнган кўзларини атрофга, бошқа одамларга олайтира бошлади. Йўлчининг бу жасорати — шу ердаги ҳамма «сартлар»нинг иши эмасми, деган бир шубҳа унда туфилган эди. Йўлчи бунга пайқадиди-да, бир зумда одамларга қараб чиқди. Баъзиларнинг кўзида зулға нафрат, баъзиларида ёлғиз кўрқув кўрди. Эшикка яқин турган одамларнинг қочишга мўлжалланаётганини сездди. У ўзи туфайли бир тўп одамларнинг айбланиши мумкинлигидан қўрқди. Қамчинни аста қўйиб юборди-да, секингина ўрнидан турди. Аммо қўл қовуштирама яна лоқади қолди. Бир қўлида чилим, бир қўлида чойнак кўтариб, йўл устида чойхоначи югурдаги туради, у қўрққаниданми, Йўлчига ачинганиданми, кўзларидан мўл-мўл ёш қуяди.

Ҳамманинг тили кесак, фақат шифтга осилган беданалар уринади. Тўрқовоқ ёриғидан бир қанча тариқ ва қуш тезаги полициянинг шоп мўйловига, кўрагига тўкилди. Лекин у сезмади бунга. Одамларга ўтириш учун қўполгина ишорат қилди...»

Одамни анча ўйлатади бу парча. Йўлчининг юрагиданги олижаноблик, дарҳол вазиятни баҳолагани ҳолда, бир фикрга келиши одамни ҳайратга солади. У ўзини эмас, бир зумда халқни ўйлайди. Ҳозир полиция бошлигини кўтариб ерга урса, анча одамлар гуноҳкор топилиб, қамалишни англайди, ўзини тияди. Шу бир воқеада миллий характер ифодаси нақадар теран ёритилмоқда. Шу билан бирга, халқда, унинг илғор, зийрак вакили Йўлчида янги-ча қарашларнинг шаклланиши ҳаётнинг тарихий ҳақиқатидан келиб чиқиб, усталик билан кузатилади. Бу парчада келтирилган қаҳрамонлар ҳолатини бир зум диққат билан, синчков назардан ўтказайлик. Уларнинг ҳолат ва вазиятлари бизга етилиб келаётган ғоят улуғвор ҳодисалардан дарак беради. Йўлчига назар ташланг... У илгарлари полиция бошлиғига салом бериб юрарди. Лекин нега бирдан шу тобда, кун заволга кирган чоғда, осуда чойхонада у одат тусига кириб қолган саломдан бош тортди. Нега бу сафар аввалгидек қўл қовуштиради! «Бепарволик билан жимгина турди!» Ойбек унинг руҳиятидаги бу ўзгаришларни муаллиф тилидан изоҳламайди, сабабларини заррача бўлсин тушутирмайди. Ҳолатни узундан-узук таърифлаб баён ҳам қилмайди. Унда, хаёлан Абдушукурнинг ҳозиргина айтиб кетган сўзлари, ачимсиқ, калтабин фалсафаси билан қизгин баҳслашиб ўтирган Йўлчида, нечун, кутилмаганда, бунчалар зўр, қудратли ўзгариш содир бўлди!

Бу қаҳрамонимизда пайдо бўлаётган янги хилсат — фикрлаш натижаси эмасмикин!

Бу миллий онгнинг уйғониб келиши, янги сифат даражасига кўтарилишдаги кескин тарихий босқичи эмасмикин!

Бу исён эмасмики!

Шундай бўлса, Ойбек Урта Осиёнинг забун, меҳнаткаш йигити қалбда куртақлаган янги ижтимоий ҳиссиётларни нақадар теран акс эттира олган!

Абдушукурнинг камбағалларни ерга уриши, уларга бамисоли қўл деб қараши Йўлчига шу қадар қаттиқ таъсир

қиладики, у энди мана шу «майда буржуа фалсафаси» билан олиша туриб, бу фалсафанинг халқни камситиш ва ҳақоратлашга қаратилган маъзими чақа туриб, ўзида уйғонган қаршилик туйғусини сезмай қолади. Шу туйғу полиция бошлиғининг оддий халққа қилаётган дағдағасини кўрганда, исёнга айланади.

Абдушукур оддий халқни ўз фалсафаси билан таҳқирлаган бўлса, полиция бошлиғи халқни ўз хатти-ҳаракати билан топтамоқда. Йўлчи бу ерда зулмнинг икки даҳшатли кўринишига дуч келиб турибди. Миллатчиларнинг халқни оёқости қилувчи зулми, унинг ёвуз жиҳати — халққа, халқнинг иқодий кучлари, ижтимоий қудратига ишонмасликда, унга бениҳоя паст назар билан қарашида намоён бўлади. Полиция-террор аппаратининг зулми; у халққа зуғум, зўравонлик кўрсатиш, уни буткул забун этиш, мутелар подасига айлантириш истагида намоёндир.

Йўлчи бу зулмларни ўз кўзи билан кўриб, ўз бошидан кечирмоқда. Зулмнинг бир равишини кўриб, уни англашга уринаётган чоғида, иккинчиси билан омонсиз тўқнашмоқда.

Бу чинакам бедодлик эди. Тенгсизлик, ҳуқуқсизлик, ғарибликдан туғилган бедодлик. Йўлчи шу бедодлик қаршисида бирдан барваста қоядай юксалади. Унда ҳали ўзи ҳам тўла англаб етмаган бир куч — қаршилик кучи уйғонади. У биринчи марта полиция бошлиғи қаршисида эгилмайди. Тобеликни бажо келтирмайди. Қамчилар зарбилан ҳам эсанкирамайди. Қамчи тушгандан, букилиб қўя қолмайди. «Қамчин унинг баданини эмас, кўнглини тилиб ўтгандай бўлди»... Йўлчидаги ўзгариш қатъий тус олади. Кўнгли тилинган одам исёнга шайланади. Ниҳоят, исён унинг тилига ҳам кўчади: «Заҳарини солган илонга ялиниш ярамайди!», «Нима гуноҳ қилдим! Қамчинга узр сўрайманми!» Йўлчидаги исён ҳисси жуда изчил, лекин жуда ҳам вазминлик билан етилади. Аввало қўл қовуштирмасликда, сўнг қамчинга парво қилмасликда, сўнг айтилган аччиқ сўзларда, сўнг қуллуқ қилмай, яна секингина ўз жойига ўтиришида — туриш-турмушида тобора оловланиб бораётган исён намоён бўлади.

Полиция бошлиғи бундай бўлишини сира ҳам кутмаганлиги кўриниб турибди. У йигит бошига уст-устига қамчи тушира бошлаганида, Йўлчи ўз исёнида яна бир қадам ташлайди. У қамчини ушлаб қолади. Полициячи силтаб тортишига қарамай, қўйиб юбормайди. Бу ҳалигача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ботирлик эди. Шундагина полиция бошлиғи Йўлчининг онгли суратда қаршилик кўрсатаётганлигини англагандай бўлади. У атрофдаги одамларга, булар ҳам шерик эмасмикин, дегандек кўзларини олайтиради.

Айни ўринда Ойбек ўзбек халқининг Улуғ Октябр социалистик революцияси арафасида шаклланиб келаётган миллий психологияси, онигага шуъла ташлаб, ўткир нур билан ёритади. Халққа зулм, хўрликка нафрат етилиб келаётган эди. Лекин ҳамон нафратдан кўра, қўрқинч, ҳадисираш ҳисси кучлироқ, жаҳолат, билмаслик — ондаги қоронғилик қўрқинч ҳиссига стихияли тус берган эди.

Бунинг устига шарқона андиша!

Йўлчининг андишаси... «У ўзи туфайлигидан бир тўп одамларнинг айбланиши мумкинлигидан қўрқди». Бу қўрқинч ҳисси айни пайтда халқ психологияси билан ҳам оҳанг, у халқ қўрқинчидир. У андишадан туғилган. Андиша бу ерда исён ўтини ўчиради. Миллий характернинг тарихий шароит тақозосига кўра, намоён бўлиши бу: Йўлчи қамчинни аста қўйиб юборди. Уридан ҳам турди. Лекин барибир «қўл қовуштирмади!» Миллий курашчи характерида ана шу тарикқа қатъият, ирода, зулмга тоқат қилиш, аммо унга энди сира ҳам бўйсунмаслик ишончи туғилади. Бу — кўз ёши ва хўрликлар, ҳар томонлама зулм ичидан қад ростлаб келаётган халқнинг илк ирода-си, қасоси эди!

Китоб ўқиганда, улкан адиблар биздан ҳар бир сўзга тийрак кўз билан қарашни талаб қиладилар. Шундагина китоб бизнинг бебаҳо дўстиамизга айланади, ўзининг нозик сирлари, мўъжизаларини саховат ила тортиқ қилади.

Хассос ва устоз шоира Зулфиянинг юқорида келтирганимиз сўзлари китоб мутолаасига қадар ҳам ўқувчида жуда катта маънавий-руҳий тайёргарлик бўлиши зарурлиги-

ни кўрсатади. Усмирлик йилларимда ана шундай тайёргарлигим бўлмагани учун ҳам мен кўп нарсаларни тушунмай қолганман... Гулнорнинг Йўлчибойга ёздирган мактуби ёдингизда бўлса керак. Мактубни саводсиз Гулнорга ўртоғи Зайнаб ёзиб беради. Келинг, аввал ана шу мактубга бир қулоқ тутайлик:

«Кўз қорачиғим, дардли ёрим Йўлчибойга.

Жоним, ман мунча бахти қора яратилган эканманки, худо шўрлик бошимга шунча қулфатларни солди. Кошки туғилмасам, кошки сизни кўрмасам эди. Ушал кунни Шоқосим ақанинг ҳужрасида сизни пойлаб қишлоққа учишга қанотланган ўтирганимда, дадам билан махалла элликбошиси офатдай бостириб келишди. Дод-фарёдимга қулоқ солмай, дадам қўлимдан судраб уйга олиб кетди. Қайси бир раҳмсиз, ноинсоф малъун биз турган жойни уларга етказганлигини билмайман; бундан кейин кўрган азобимни худо ҳеч бандасининг бошига солмасин. Буни баён қилишга қалам ҳам ожиз, тил ҳам ожиз. Бир ой ўн кундан буён фироқ ўтида қовриламан. Қанотим йўқки, бойнинг зиндонидан учиб чиқиб ёнингизга борсам, бу ерда бир меҳрибоним йўқки, манга кўмаклашса. Дунёда ягона меҳрибоним, офтобим сиз эдингиз, бахти қоралик ора-мизни кесди. Бундан бир қанча илгари Унсинийдан айрилдим. Унинг кетишини эшитиб, кўнглим яна бузилди, ялиниб-ёлвориб олиб қолмоқчи бўлдим, аммо қизнинг ҳам сизнинг раъйингизга тўсиқ бўлишни муносиб кўрмадим, ҳам бу уйдаги хотинлар Унсиний оғир юмушларга сола бошладилар, буни кўриш манга жуда оғир эди. Майли, Унсиний сиз билан бирга бўлсин. Ёлғизман, ғариб-бенавоман, лекин кўнглим сизда, фикрим, хаёлим сизда. Кеча-кундуз ёдингиз билан яшайман. Ботир ёрим, биламан, сиз қайғу дарёсига мандан чуқурроқ ботгандирсиз. Энди ёлғиз муродим — сизни бир кўрмоқ, сиз билан икки оғиз сўзлашмоқдир. Агарда бу бахтсиз дўстингизни унутмаган бўлсангиз, хатни ўқитдиргандан сўнгра Унсинийни юбориб, бу тўғрида ўз фикрингизни билдирасиз. Дардли кўнглимни хўшнуд қилгайсиз. Гулнорингиздан салом. Ушбу номани ёзиб бергувчи кўзи ёшли, кўнгли нолон бир қиздан ҳам Йўлчибой акага салом, қитмир-қитмир...»

Ёт पोшалар остида эзилган чашмадан тинимсиз оққан кўз ёшларни Ойбек ана шундай қоғозга туширган. Лекин менинг хаёлимда бу «қитмир-қитмир» ўрнашиб қолганига кўп замонлар бўлди. Хат сўнггидаги бу «қитмир-қитмир» ҳар гал менга жуда сирли бўлиб туюлар, аммо унинг маъносини билмасдим. Анча-мунча одамлардан сўраб ҳам жавоб ололмадим. Луғатлардан ахтариб ҳам луғавий маъносини тополмадим. Лекин ҳар гал шу сўз эсимга тушса, худди қилинмай қолиб кетган зарур бир ишдек армон уйғотарди менда. Нима экан-а, бу «қитмир-қитмир» дегани! Узимча, кўп маънолар бериб чамалаб кўрар, лекин ҳеч биридан қониқмасдим. Буни қарангки, яқинда Москвада икки жилдлик «Дунё халқларининг афсоналари» деб аталмиш ноёб бир қомус нашр этилди. Мазкур қомуснинг биринчи жилдини варақлаб ўтириб, Асҳобул Қаҳф деган мақолага кўзим тушди. Унда, таъқибчилардан қочиб, мағорага кириб кетган етти йигит ва уларнинг қўриқчи ити ҳақидаги жуда қадимий ривоят маълумотлари келтирилган. Бу итнинг оти Қитмир экан. «Баъзи бир мусулмон мамлакатларида, — деб гувоҳлик берилади китобда, — мактуб йўқолиб кетмаслиги учун унинг тағига яхши ният билан, «Қитмир» деб ёзиб кўяр эканлар». Мана шу маълумотни ўқиганимдан кейингина, Гулнорнинг мактуби сўнггидаги сўз маъносини тушуниб етдим. Аммо шу бир сўзни тушуниб етганимча, орадан неча ўн йиллар ўтиб кетди... Чиндан ҳам, устоди коимл Ғафур Гулом айтганидек:

Беш йиллаб шогирдлик умрин яшайди

Созга қўшилгунча най бўлиб ғаров.

Билдим деб, хотиржам бўлмаслик ва билмадим деб, бутунлай ташлаб қўймаслик — маърифат ҳам камолотнинг узун, туганмас нурли йўли назаримда мана шу. Ёш дўстларим бунис доимо ёдларида тутсалар экан...

Зотан, замонлар қаъридан бизгача етиб келган бирдан-бир маънавий мерос ҳам, замонларга биздан етиб боргувчи бирдан-бир маънавий мерос ҳам — китоб!  
У замонларга йўлловчи маёқдир.





НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ

# ҚУТЛУҒ МЕРОС

*Сиз журналимизнинг аввалги сонларида чорвачилик муаммоларига бағишланган „Тоғлардаги гулхан шуъласи“ ва „Чўпон ташвишлари“ мақолаларини ўқиган эдингиз. Биз шу туркумдаги проблемали мақолаларни давом эттириб, эътиборингизга журналист Номоз Саъдуллаевнинг чўпонлар сулоласи ва уларга муносиб ворислар тайёрлаш ҳақидаги мақоласини ҳавола этаётимиз.*

Яйлов, чорва, чўпон ҳақида ёзмоқчи бўлсам, ҳар гал нуроталик ажойиб журналист, завқли шоир, марҳум Раҳмон ака Чинмирзаев беихтиёр ёдимга тушаверади. У киши билан тизма тоғлар бағридаги кенг яйловларни қадам-бақадам кезиб чиққанмиз, ўтовларда чўпонлар билан қизиқ-қизиқ гурунглар қилганмиз. Чорва илмини сув қилиб ичган чўпон боболарнинг ҳикояларини қоғозга туширганмиз.

Бугун чўпонлик касбининг келажаги ҳақида фикрлаб ўтириб, ўша гаштли кезларни яна хотиримдан ўтказдим. Ён дафтаримдан Раҳмон аканинг дилкаш сўзларидан бирини қидириб топдим.

— Номоз,— деган экан у бир жойда,— чорва ҳақида ёзганимда, чўпон дардини ҳам қўшиб ёз. Бобо касбларидан бири чорвадорлик бўлган элимиз яйловни яхши билади. Улардан кўп нарсаларни ўрганиб қолиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Уша кезлари «Совет Ўзбекистони» газетасида [1974 йил, 18 июль] ҳамкорликда ёзган «Ота изидан» сарлавҳали очеркимиз босилди. Унда «Қизилча» совхозининг бош чўпони Файзи Қўнисов ва Қўнисовлар сулоласи ҳақида ҳикоя қилгандик. Газета қирқмалари ёпиштирилган альбомдан ўша очеркни топдим. Уқиб чиқиб, чўпонлик касбининг келажаги ҳақида кўпдан буён ўйлаб юрган фикрларим бир қадар ойдинлашгандек бўлди... Раҳмон ака билан Қўнисовлар отарига бораётиб, йўл-йўлакай сўхбатлашганимиз ёдимга тушди.

— Файзихонни ҳали кўрмагансан-а,— сўради у бехосдан.

— Йўқ.

— Еноқлари туртиб чиққан, узунчоқ юзли, қотмадан келган қийиқ кўз бир йигит. Гапга чечан, ишга чапдаст. Шампан полвоннинг қайсар невараси.

— Қайсар дейсизми!— ажабландим.

— Файзихоннинг бобоси, Қўнис чолнинг отаси Шампан полвонни Нуротада билмаган одам йўқ,— хотиржам давом этди Раҳмон ака.— У Қизилқумда туғилиб, Қизилқумда яшаб ўтган. Бир туя, бир эшак ва мулланинг қалпоғидек бир кигиз ўтовидан бошқа нарсаси бўлмаган. Ҳали у бойга, ҳали бу бойга хизматга кириб, рўзгор тевратган. Бойлар ишлатиб-ишлатиб, ҳақ талаб қилганидан сўнг «Тўрт томонинг қибла», деб қуп-қуруқ ҳайдайверишган. Осмон йироқ, ер қаттиқ. Бечора жўжабирдай оиласини, кигиз ўтовини, тахта-ўқловини ортмоқлаб, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куюдиган ҳайбатли саҳрони дарбадар кезиб юраверган. Кексалар Қизилқумда унинг товоинини яламаган бирорта бархан қолмаган дейишади.

Узи полвон дейишгани билан номдор полвон бўлмаган, лекин Хожимуқондек эпчил, бақувват киши бўлгани аниқ. Тўй-маъракаларда ўртага чиқиб, биров билан бел ушлашганини ҳеч ким кўрганмас... Бир кунни сурувни укаларига топшириб, мол эгаси — бойдан ҳақ олиб келгани қишлоққа кетибди. Қайтиб келса бир сурув қўйдан битта ҳам йўқ. Укалари ҳамма ери қон, беҳол ўтирган эмиш.

— Ҳа, не бўлди,— сўрайди у.

— Қароқчилар...— дебди-ю укалари хўнграб йиғлаб юборишибди.

Шампан чўқморини белига қистириб олиб, из қувади. Икки кун йўл юриб, хуфтон маҳали бийдай чўлнинг қоқ ўртасида сурув кетидан етади. Қароқчилар кўп, у бир ўзи. Ловуллаб турган саксовул гулхани ёнида жанг бўлади.

— Жонинг керак бўлса, яхшиликча орқанга қайт, йигит,— дейди қароқчиларнинг бири гулханнынг бозиллаган чўғини кўрсатиб.

— Сенинг ҳам жонингдан умидинг бўлса, қўйни изига қайтар. Бўлмаса, бу ерларда ё сен юрасан ё мен,— бўш келмайди Шампан.

— Шундайми! Мана сенга!— Бехосдан қароқчиларнинг бири унинг оғзига мушт туширади. Олдинига Шампан эсанкираб қолади, лекин ўзини ўнглаб олиб, белидан чўқморини олади. Қони тошган бўз бола эмасми, кўз очиб

юмгунча учовининг суробини тўғрилайди. Қолганлари саксувул оралаб қолади. Шампан уларни қузиб ўтирмайди. Сурувни ҳайдаб, кўрага қайтади. Бўлиб ўтган воқеа ўтовдан ўтовга ўтиб, у Шампан полвон бўлиб кетади.

Қизилқум орасида сарсон-саргардон кезиб, Бозор кўничи, Азиз чўлок, Эрназарбой, Тошназарбой деган бойларнинг қўйини боқиб юрган пайтларида, ҳали суяги қотиб қотмаган ўғли Қўнисбой ҳам қўлига қайқи таёқ олди. Тепасида кун қайнайди, товоғида қум. Ярим оч, ярим яланғоч. Жазирама саратон, изғиринли қаҳратонда саксувулнинг панаси, барханларнинг ораси уларга маскан бўлди.

Иңқилобдан кейингина Қўнис отанинг афғор-афтода кулбасига ҳам нур кириб, елкасига офтоб тегди. Отанинг изидан ўғли Файзихон борди. Файзихоннинг изидан укалари Райхон, Даврхон қўлларига таёқ олдилар.

— Файзихоннинг қайсарлиги нимада!— сўрадим боя уни «қайсар неварар» деганини эслаб.

— Қайсарликка қайсар — ижобий маънода,— Раҳмон ака завқ билан гапира бошлади.— Давраларда бировларга ўхшаб биқиниб ўтирмайди. Дилида борини шартта шартта ўртага тўқади. Ютуқларни бўрттириб, нуқсонларини андаваламайди. Ҳалол, кўнгли тоза йигит. Қачон қараман бирор ташаббус ёки бирор таклиф билан қўйиб-қўйиниб, иши ўнгидан келса, суюниб елиб-югуради. Бировларнинг қулоқ солмаганига ҳам қўймайди. Ҳатто катталар ҳам охири «Жуда қайсарсан-да, Файзихон» деб унинг айтганига кўнишади. Депутат — ҳукумат аъзоси, ҳуқуқини билади.

Ҳозир «Қизилча» — «Нурота» совхозлари ўртасида автобус қатнапти, қирқ чақиримча йўлга асфальт ётқизилди. Саҳрода янгидан ўнлаб артезиан қудуқлар очилди. Утовлар шифр уйлар билан алмашди. Ҳаммаси унинг ташаббуси билан бўлди.

Яйлов бекалари илгариги «Исинмадим ўтинингга, кўзим тўлди тутунингга» деган хиргойиларини аллақачон унутиб юборишган. Ҳамма отарларда баллонли газ, саҳронинг қоқ ўртасида «зангори экран»: истаса Москва, истаса Тошкент, Фрунзе, Олмаота, мириқиб томоша қилишади. Ичкарида рах-рах китоблар, импорт мебеллар.

Раҳмон ака нимадир эсига тушиб, бир зум жим қолди. Кейин сўзида давом этди.

— Ҳали боргач кўрасан. Кутубхонаси тўрида Ленин портрети бор. Портрет ортида бир конвертга учта суратни солиб қўйибди. Биринчисида — ертўла. Учоқ бошида аёл. Сал нарида чўпоннинг ити. Атроф кўримсиз, ночор. Сурат остида қисқа ёзув — 1950 йил. Иккинчи суратда — томи лойсувоқ, гувала уй. Катакдек деразаси бор. Уй ёнида чўпоннинг эшаги боғлоғлиқ. Учинчи суратда — шифрли уй, росмана деразалар. Уй ёнида замонавий кўра, кичкина боғ, артезиан қудуқ, енгил машина. 1970 йил.

Ҳаммасини ўзи суратга олган, илгари бобоси кингиз ўтовси билан буд-шудини бир туага ортиб, пойи-пиёда саҳро кезган бўлса, бугун унинг остида оҳу сурати нақшланган учқур машина. Кўксига Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь революцияси орденлари, Олий Совет депутати нишони...

Вақт — оқар сув дейдилар. Раҳмон ака билан бўлган ўша суҳбатдан буён ҳам беш йилча ўтибди. Йўлим тушиб яна Нуротага бориб қолдим. Бу гал менга Раҳмон аканинг маслакдоши, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, район газетаси муҳаррири Ҳамдам ака Эшонқулов ҳамроҳлик қилди.

— Ҳамдам қорва тилини зукко тушунган қалам соҳибини,— таъриф қилди район партия комитетининг биринчи секретари.— Одатда илғор чорвадорларга «чорва академиги» деб нисбат берамиз. Менга қолса, бу нисбатни Ҳамдамга ҳам бемалол ишлатган бўлардим...

Ҳамдам ака мақтовдан ҳижолат тортиб, «ошириб юбордингиз» дегандек ерга қаради.

Йўлдамиз. Суҳбатимиз чўпон ва чўпон сулоласи ҳақида кетди.

— Районда улар кўп,— гап бошлади Ҳамдам ака ва бармоқларини бүкиб санай бошлади.— Чўли Хўжақулов, Абдуназар Умаров, Истам Рустамов, Гоффор Обидов, Абдусаттор Файзанов, Пирмат Нурмамаатов, ўзингиз билган Файзихон... Ҳаммаси чўпонлар сулоласи...

Хаёлимга Хўжақул ота келди. Нуротанинг Шакаррак маҳалласида тугилиб ўсган, умр бўйи қўй ортидан юриб, бутун бошли бир чўпон сулоласини яратган бу мўйсафид ҳақида кўп эшитгандим. Унинг ўғли Чўли Хўжақулов Нуротанинг илғор чўпонларидан. Невараси Муҳиддин эса отасига ёрдамчи. Келинлари Асалои билан Дилором чорвани мутахассислардан кам билмайди. Кичик неваралар — Муҳиддин, Муборақ, Ориф, Бахтиёр, Дилфуза, Дилором, Илёс, Дилафрўз, Ихтиёр, Уроз, Зухро — барчаси сулола эстафетасини олиб кетаётган ёш чўпонлар.

— Хўжақул ота тетикларми!— сўрайман.

— Бақувват. Саксондан сакраб, тўқсонга тўқнашаман деб турибди. Пир у бадавлат. Чўли ака Ленин ордени олди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси. Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин, кумуш, бронза медаллари нишондори, КПСС XXVI съезди делегати.

Гап билан бўлиб, Бафобой яйловига еганимизни ҳам билмай қолдик. Омадимизни қарангки, Нурота яйловларининг чинакам сардорлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норбой Эргашев, «қайсар» неварар Файзихон Қўнисов ҳам Чўли аканинг меҳмони экан. Қўзилатиш мавсуми олдиндан ҳар йилги одатларига кўра маслаҳатга келишибди. Ёмғирдан юмшаган шувоқ, янтоқ, ёвшани кирт-кирт тортқилаб, ёйилиб юрган қўй-қўзиларни Чўли ака ёрдамчи чўпон Каримжонга топширдн-да, бизни ўтовга чорлади.

— Чарчамаяспизми, Чўли ака!— ўртага чўккан сукунатни кўтариш учун сўз қотди Ҳамдам ака.

— Ростини айтмайми!— кулиб сўради у.

— Айтнинг.

— Мана шу йиллардан чарчоқ сезяпман. Ёш ҳам кетди-да, ука. Олтмишдан ошаман деб турибмиз.

— Шогирдларингиз кўп-ку! Таёқни уларга бериб қўйиб, ўзингиз ўтовда маза қилиб ётмайсизми!

— Қайдам. Ҳозир уларнинг ўзлари ҳам алоҳида-алоҳида отар олиб кетишди.

— Ёшлари бор-ку.

— Бор, лекин гапнинг тўғриси кейинги ёшларнинг чорвага ихлоси кўнгилдагидек эмас.

Орага жимлик чўкди. Норбой ака бошидаги сур телпагини олиб, ёмғир томчиларидан силкитди-да, бармоғи учида гир айланттириб гап бошлади.

— Кўпчилик гўшт, сут, ёғ, тилло ранг қоракўл терини яхши кўради-ю, чўпонлик қилишга юраги дов бермайди. Айримлари ҳатто ор қилишади, айниқса ёшлар. Мактабни битиргани ҳам, аскарликдан қайтгани ҳам ўқишга қираман деб, шаҳарга чопади, кирсаям-кирмасаям қишлоққа қайтмайди. Бир амаллаб шаҳарда, тўғри келган ишда қолиб кетади. Уқишга ҳеч ким қарши эмас-у, бироқ...

— Ҳамма ўқишнинг кетидан кетаверса қўйини ким боқадди демоқчимисиз!

— Йўқ, майли, ўқисин, удалласа олим бўлсин! Аммо аро йўлда қолиб, овора бўлаётганларига ачинаман-да.

Боядан бери суҳбатни жимгина тинглаб бораётган Файзихонга таъсир қилдими, касбдошини қувватлади:

— Совхозда қолганлариям оқборда, дўконда ишлайман деб туриб олади. Ҳой, широғим, чўпон бўлиш керак, десангиз бошини ирғайди. Менинг-ку жигарларим бор, бошқа отарларда бош чўпоннинг ҳам, кўмакчи чўпоннинг ҳам ёши эллик-олтмишдан ошган.

— Файзихон,— деди Ҳамдам ака унинг сўзини бўлиб,— сизингча, ёшларнинг яйловда қолмасдан шаҳарга интилаётгани, чўпонликка рай бермаётганининг боиси нимада! Шароит йўқми ё моддий томони...

Мен кўнглимдаги савол ташланганидан хурсанд бўлиб, қўшимча қилдим.

— Балки қизиқиш уйғотиш керакдир.

— Моддий томони яхши. Ҳозир чўпоннинг каттасиям, кичигиям бир олий маълумотли мутахассисдан кам мойна олмайди. Планини ошириб бажарса, устама мукофот уники. Қолдирган қўзиларини омон-эсон ўстирса, яна мукофот. Пулга чақсангиз ойига ўртача 250—300 сўмдан тушади. Яна имтиёзлари бор. Иззат-икром, обрў-эътибор ҳаммаси ҳозир чўпонники. Кўксига орден, остида машина, ҳовли-жойи бут.

Файзихоннинг бурро-бурро сўзлари йўлда ҳамдам ака билан бўлиб ўтган суҳбат тафсилотини эслатди. ҳамдам ака район чўпонларининг ҳаёти, иши, фикр-мулоҳазаларини кенг баён қилиб, шундай деди:

— Ҳозирги ёшлар қизиқ. Учирма бўлди дегунча шаҳарга чопади. Авлод-аждоди билан чорвадор ўтган айрим оилаларнинг ҳам фарзандлари ҳозир чўпон бўлгиси келмаяпти. Ёши бир жойга бориб қолган оталар кўлидан чўпон таёғини ким олади! Тетапоя бўлиб юра бошлаганидан буён кўй кетидан тоғу тоша, чўлу қум кезиб ҳориган, олдинлари бирдек чориқ, кейинчалик этик кийиб толиққан оёқларида заррача ҳақи қолмаган кекса оталаримиз қачонгача «ҳайт» деб сурув ортидан тентираб юраверади! Уларнинг кўлидан қайқи таёқни олиб, оғирини энгил қиладиған ким! Булар ҳақида ёшлар жиддий ўйлаб кўрмаяпти. Аниқроғи, «Чўпонлик ҳам касбми!» деб менимаяпти.— ҳамдам ака нимадандир таъсирланиб, бош чайқаб қўйди.— Агар шу ёшлар яйловда қолса борми! Тез кунда меҳнати билан «ялт» этиб кўзга ташланар, ўсиб-унар, иззат-икром топарди. Мана, «Нурота» совхозининг Куйбишев номли бўлимидан Қамариддин Эрмоновни олинг. Энг ёш чўпонлардан. Бу йил 608 бош тусоқ кўйнинг ҳар юз бошидан 160 тадан кўзи олиб, ўстиришга 400 бош кўзи қолдирди. Утовига бориб, «чўпон йўлдоши» папкасини кўрсангиз, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза медали, социалистик мусобақа голиби нишонлари-ю республика партия ва ҳукуматининг фахрий ёрлиқларини кўрасиз. Партия аъзоллигига кандидат. Яқинда уйланди. Хотини Ойдиной унга қўлдошу йўлдош.

— Чўпонликка ҳам ёшлиқдан қизиқтирмаса кейинги ташвиқотлар унча наф бермаса керак!— сўрайман ўсмоқчилаб. ҳамдам акага бу гапим ҳам «туртки» бўлди-ю қолган еридан давом этди.

— Шу ўринда ҳаёлимга бир гап келиб қолди. Эҳтимол, республика Маориф ва маданият вазирлиги шўғулланар, эҳтимол бирор бошқа идоранинг ишидир, ҳарқалай ўйлаб кўрилса, арзийдиган иш. Масалан, бизнинг районда чорваларнинг «пир»и бўлиб кетган чўпонлар кам дейсизми! Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг ўзидан 6 та, республикада хизмат кўрсатган чорвадорлар ўндан зиёд, қанчадан-қанча қўш-қўш орденли чўпонлар, мутахассислар бор. Лекин улар билан мактабларда ўқрашувлар, суҳбатлар ўтказилганини эслай олмайман.

Машинамиз саксовулзор оралаб ўтган тор йўлда беҳосдан тўхтаб қолди. Шофер тушиб, капотни очди.

— Суви қайнаб кетди,— деди у ва орқа юқдондан челақни олиб, сал нарида оқариб кўринган бинолар сари юрди.

— Сув узоқми!— сўрадим.

— Мактаб ёнида!— шофер ўрнига жавоб қилди ҳамдам ака, оқ биноларни кўрсатиб.— Боя биринчи секретарь гап орасида мактаб, интернат, боғча, кўчма ҳаммомлар тўғрисида ўзлаганда бормидингиз!

— Йўқ эдим, суҳбатларингиз охирида кириб қолдим, лекин гап мазмунига тушундим. Эшитганман.

— Бу фикр асли яқинда район раҳбарларининг ўзаро бир суҳбатида туғилган эди,— изоҳ берди у.— Мана, ҳозир ҳар бир човадор районда чўпон болалари учун мактаб интернатлари бор. Бу, албатта, яхши. Уларга бепул кийим-кечак, иссиқ овқат берилади. Кўп болали оилаларга ҳатто тузуккина моддий ёрдам кўрсатилади. Кўчма дўкон, кўчма кино хизмати муҳайё. Лекин нима учундир худди шундай боғча-ясли, кўчма ҳаммомлар хануз ихтиро қилинганича йўқ. Узингиз биласиз, тоғ-тош, чўл, яйлов шароитида оқин сувлар йўқ ҳисоби. Ёш болаларни вақти-вақти билан ювинтириб туришининг қадрига нима етсин! Ҳозирги атом асрида кўчма ҳаммом билан кўчма боғча ихтироси нима деган гап!

Сир эмас. Чўпон оилалари аксарият серфарзанд бўлади. Кўчма боғчалар ташкил этилиб, уларга ёш болалар жалб этилса, чўпон бекалари уй-рўзгор ишларидан ортиб, сурувни боқишда эркаларга кўпроқ кўмак берармиди!

Шофер сув олиб келиб, машинага қўйди. Ойналарини артиб, рулга ўтирди. Радио қуллогини буради. Чорвадорлар учун эшиттириш берилаётган экан. Диктор сўзи қўшиқларга уланди. «Қорабайир...»

— Бечора «Қорабайир»,— деди ҳамдам ака қулиб.

— Эски қўшиқ-а!— қўшилдим унга.

— Ҳа. Янгилари ўзи йўқ ҳисоби Чўпонлар, сут соғувчилар ҳақида бирор тузук куй, қўшиқ борми!

— Буниси шоиру бастакорларга ҳавола,— секингина қўшиб кўйдим мен. ҳамдам ака папкасини очиб, ундаги қоғозларни титкилашга тушди. Ўз номига келган хатлардан бирини излаётган экан. Топди.

— Ҳозир гап келиб қолди, мана бу хатни ўқинг,— узатди менга.— Ҳарбий хизматдан қайтиб келган бир йигит ёзибди. Жонли гаплари бор.

Мен ўқий бошладим:

«Ҳурматли редактор!

Ҳозир чўпонлик қилсаммикан, қурилишга борсаммикан, ё ёзда ўқишга кириш истагим бор, бир йўла шаҳарга кетсаммикан деб, ўйлаб турибман...

Яйловдагилар транзисторни бўйинларига тумор қилиб илиб юришади, ҳатто кўл телевизор кўтариб юрадиганлари ҳам бор... Эфирдан тинглаб, экрандан кўриб, шаҳарни, кўркем-кўркели комплекслардаги ҳаётни ҳаёлан тасаввур қиладилар, Шундай кезларда, табиийки, ҳар ким ҳам ўзининг кўримсиз овул ёки қишлоғи бағридан чиқиб, ўша гавжум ҳаёт қўйнига боргиси, у ердаги катта оқимга қўшилгиси келади...

Бундай ҳолларда, менимча, ота-онаси бағрида ўсган қишлоқ ёшларининг кўнглини ҳам тушуниш керак.

Ҳозир хўжаликлар анча бақувват, даромади ўзларига етиб ортади. Ана шу даромад ҳисобидан қишлоқ ободончилиги ва чорвадорларнинг маданий турмуш шароитини янада яхшилаш ҳақида ўйлаб кўриш пайти етмадикиман!..

Мамадали ЭРОНОВ,

«Қизилча» совхоз»

— Мағзли фикр!

— Мағзли бўлганда қандоқ?!— қувватлади ҳамдам ака.— Ҳозир ёшларнинг қишлоқда қолиб, ота касбини давом эттириши кўп жиҳатдан қишлоқ маданияти ва ободончилигининг даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Мана, биздаги Ленин номли совхоз посёлкасини олинг. Ҳар жиҳатдан тўқис, ҳеч шаҳардан қолишмайди. Шу боисдан ҳам ёшлар узоққа кетиб қолаётгани йўқ. Ҳозир совхозда 25 нафар ёш чўпон жамоат чорвачилигининг чинакам жонкуяри бўлиб етишмоқда. Барот Боқулов, Муҳиддин Хўжақулов, Рамазон Саидов... ҳаммаси ота касбини қадрлаб, чўпон таёғини маҳкам ушлаган ёшлар. Лекин бундай яхши шароит ёшларни оҳанрабодай ўзига тортадиган, замонавийликда шаҳардан қолишмайдиган чўпон посёлкалари жуда-жуда кам. Бундан ташқари, ёшларни чорвачиликка йўллайдиган, ҳақиқий билим, кўникма берадиган ўқув даргоҳлари ҳам керакка ўхшайди.

— Районларингизда чорвачилик учун кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юрти бор шекилли,— сўрадим.

— Ҳа, ҳунар-техника билим юрти бор, лекин унда ҳозир фақат чорвадор механизаторларгина тайёрланади. Битираётган ёшлар зооветеринария қондаларидан, чўпонлик сир-асорларидан мутлақо хабарсиз бўлиб чиқмоқдалар. Пировардида, сўнгги ўн-ўн беш йил мобайнида боболари чорва орқасида нон еган районимиз ёшларининг бирортаси ҳам ота изидан бориб, чўпон таёғини қўлга олганини эслай олмаймиз. Баъзан ўйлаб кўрсангиз, алам қилади... Чўпонлик осон касб эмас, унга иштиёқ керак, маҳорат керак, тажриба, тадбиркорлик керак. Бугунги кун талаби билан айтсак, катта билим керак. Областидаги қоракўлчиликка ихтисослашган учта йирик район—Томди, Қонимех, Нурота ёки қўшни Самарқанд областининг Қўшрабат ва Советобод, Қашқадарь областининг Деҳқонобод районлари оралиғида Самарқанддаги зооветеринария техникумининг филиали ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлув эди. Чунки республикамиз қоракўл қўйларининг тўртдан уч қисми ана шу чорвадор районларда жойлашган. Борди-ю шундай билим юрти ташкил этилса, унда ҳам билимларидан ташқари номи таниқил, тадбиркор чўпонларимизнинг илғор тажрибалари кенг ўрганилса нур устига нур бўларди. Лекин бунинг биз ҳозирча қайси министрлик адресида айтишни аниқ билмаймиз. Аммо шундай қилинса, айни муддао бўлади.

Утовдаги гурунгимиз соз ўтди. Суҳбатимизга 83 ёшли Хўжакул ота аралашди. У киши ҳар замонда аччиқ кўк чойни ҳўплаб ўтириб, анча узоқ гапирди. Гапирганда ҳам чертиб-чертиб, киши ёдида қолгудек қилиб сўзларди:

— Билакда қувват, юракда ғайрат борида йигит киши бирор хунарининг этагидан тутса яхши. Тутмаса ундан ёмонин йўқ,— салмоқлаб гапирарди у.— Ота касбига содиқ қолиш, уни давом эттириш кўп хайрли иш. Лекин бундан ишчининг ўғли ишчи, олимнинг ўғли олим бўлиши керак деган, хулоса чиқмайди. Қолаверса, оддий чўпоннинг ўғли ҳам олим бўлиб етишиши мумкин. Лекин фарзанд бир хунарининг этагини туттидан олдин чамалаб кўрса, ота касбидан бўлак касбада қанчалик узоққа боришини, эл-юртга қанча наф келтиришини танасига ўйлаб кўрса ёмон бўлмайди. Ахир ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тоштарозу деган гап бекорга айтилмаган.

Ота сўзлари замирида бир олам маъно бор. Агар ёшлар ана шундай устозлар йўриғига юриб, оилавий экипажлар ташкил этсалар, чўпонзодалар яна ҳам кўпайган, улар эл-юртга кўпроқ наф келтирган бўлур эдилар.

Навий — Нурота сафари тугади, Самарқанд облатининг йирик қоракўлчилик райони — Қўшработга ўтдим. Бу ерда мен Оқчоп қишлоғининг кекса отахонларидан бири Мамарасул ота Қодиров суҳбатида бўлдим. Ота билан тошдан-тошга урилиб, шовиллаб оқаётган сой ёқасида ўсган катта ўрик остида гурунглашиб ўтирибмиз. Суҳбатимиз айланиб-айланиб қишлоқ ҳаётидаги айрим муаммоларга — шахсий хўжалик чорвачилиги ва қишлоқнинг расмий чўпонларига бориб тақалди:

— Одамлар бир қошиқ «оқ» деб мол боқишади. Сигир, қўй, эчки қаслашади. Ёзининг жазирама кунлари бир кеса муздек қатик, айрон ёки чалопни тўйиб-тўйиб симиришга нима етсин!— Бошини сарак-сарак қилиб қўйди ота.— Лекин, ўғлим, ҳозир шаҳарни-ку қўятур, қишлоқда ҳам мол боқиш қийин бўлиб қолди.

— Нега!

— Совхозда ҳамма иш билан банд. Эртаю кеч далада. Молга қараш учун оилада бўш одам йўқ. Илгари чўпонлик қиламан, деган киши кўп бўларди. Энди бўлса, кўпчилик бу касбдан ор қиладиган бўлиб қолди: «Келиб-келиб, чўпон бўламанми!» деб баланддан келишади.

— Гап буёқда денг,— қувватладим уни. Орага жимлик чўкди. Кейин бирданига эсига нимадир тушди-ю гап бошлади:

— Тунов кунни бир тўйда тортишиб қолдик. Бировлар: ҳар бир оиладан биттадан киши чиқиб, молни навбат билан боқсин, дейишди. Ҳеч ким кўнмади, чунки оиласида даст-ёри йўқ кекса кишилар, Ватан уруши инвалидлари ҳам бор-да, ахир...

Отанинги гапи шу ерга етганда беихтиёр хизмат вазифаси билан Сурхондарёга қилган сафаримни эсладим. Ушанда тасодифан область газетаси — «Ленин байроғи»да «Подани ким боқади!» сарлавҳали мақолага кўзим тушди. Мамарасул ота билан суҳбат қилиб ўтириб, хаёлимга: демак, бу «дард» республикамизнинг ҳамма қишлоқларида бор экан-да, деган фикр келди.

Мана, ўша мақоланинг қисқача мазмуни: Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхозда қишлоқ чўпони масаласи ижобий ҳал этилди. Хўжаликда эл орасидан расмий равишда чўпон ажратилди. Унинг мол боққан йиллари иш стажига кирди. Чўпон ҳар ой охирида мол эгаларидан уйма-уй юриб, ҳақ талаб қилмайди. Ҳамма қатори колхоз кассасидан маош олади. Аниқроғи, колхозчиларнинг бир йиллик ўртача даромади қанчадан тўшса, у ҳам шунча ҳақ олади. Чунки подада моли бор кишиларнинг йиллик иш ҳақидан чўпонга тегишли пул колхоз бухгалтериясидан ушлаб қолинади. Шу тахлитда ҳар қишлоқда биттадан чўпон ажратилади. У колхознинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланиб, меҳнат дафтарчасига эга бўлади. Қарабсизки, одамлар тинч, чўпон хурсанд, хўжалик манфаатдор.

Ибратли тажриба! Шундай эмасми! Зеро, қишлоқ кишиларининг мол-ҳоли тинч бўлгач, кўнгли ҳам тинч бўлади-да! Энг муҳими — хотиржам ишлайди. Халқ хўжалигининг қайси тармоғида меҳнат қилмасин, шубҳасиз, яхши натижаларга эришади. Республикамиз хўжаликларида бу

тажрибани дадил ва кенг ёйиш лозимлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Лекин шу ўринда бир мулоҳаза туғилди. Республикамизда ҳозир қанчадан-қанча қишлоқ бор. Шубҳасиз, улардаги ҳар бир оила ўзига яраша мол-ҳолга эга. Улар ҳозирча чўпонсиз эмас, кимдир боқмоқда. Лекин ўша чўпоннинг пода кетидан юрган йиллари, меҳнат стажи нима бўляпти!

Мана ўйланг: ўша чўпон кексайиб ишга ярамай қолди дейлик. Энди қариллик гаштини суриши керагу, бироқ... Иш стажидида ўн-ўн беш йиллаб узилишлар бор. Расмий ҳужжатлар йўқ. Хўш, энди у давлат томонидан қандай қилиб нафақа олади!

Қўлимизда бир хат турибди. Хат муаллифи ва унинг адресини айрим мулоҳазаларга кўра атай келтирмадик. У жумладан шундай ёзади. «Ўн етти йил қишлоқда чўпон бўлдим. Менинги холис, ҳалол ва беғараз меҳнатим орқасида бошқалар тинч, хотиржам ишлади, тер тўкди. Эл-юртга танилди... Хўш, нега энди мен кексайган чоғимда одил, саҳий давлатимизнинг моддий ёрдамидан четда туришим керак! Мен ҳам Совет гражданиман-ку!»

Эшитяпсизми, чўпон бобо «Мен — Совет гражданиман!» деб фахр билан ёзаяпти. Айни пайтда кўнглида озгина афсусланиш ҳам бор. Унинг қўлига қалам тутқазган ҳам ана шу туйғу!

Эҳтимол, шахсий хўжаликлар мол-ҳолини боқаётган қишлоқ чўпонлари қалбидида кўпдан буён ниш уриб ётган бу истақ, бу туйғулар республика Молия министрлиги томонидан ўз шарҳини топар! Чунки, қишлоқларда шахсий хўжаликларнинг чорва молларини боқадиган чўпонларни расмий тайинлаб қўйиш вақти аллақачон келган.

\* \* \*

Кўз ўнгимда қўй, қўзи, чўпон! Осмон гумбазига тўш урган ҳудудсиз яйлов... Адоқлари ўрқач-ўрқач чўққилару кўм-кўк арчазорларга, залворли тоғ тизмалари-ю турфа хил майса унган бахмал қирларга, ям-яшил адирлару асрий кўм барханлари билан олишиб келаётган шувоқлар, янтоқзор, саксовулзорларга, ташналиктан танг қотган заранг ерлару сахро-чўлларга туташ яйловлар...

Бу ерларда йил ўн икки ой икки буюк куч мунтазам уйғоқ: табиат ва чўпон.

Чўпон қўлида эл-юрт бойлиги, мамлакат хазинаси бор. Миллионлаб қўй-қўзи, йилқи, туя ва чорванинг тақдири унга ишониб топшириб қўйилган. Тилларанг қўйлар фаровонлик манбаи, қўт-барака дарёси, санаот хом ашёсидир. Бу хазинани кўз қорачигидек сақлаш чўпоннинг бурчи. У кеча-кундуз туёқлар сонини кўпайтириш ишқи билан нафас олади. Бу ишқ уни жасорат ва қаҳрамонлик сари ундайди. Шу ишқ билан у ҳамisha, ҳар қачон қаҳратон қиш чилласию қайноқ ёз саратонига кўкси қалқон туради, қўй-қўзи ёнида, бола-чақаси-ю бўрибосар итлари билан уйғоқ юради. Тунни кунга, кунни тунга улайди. Унгида ҳам, тушида ҳам чорвани ўйлайди, тўй-маърақада, давраларда чорвадан сўйлайди. Қутлуғ эрта, эл-юрт, Ватан тақдирдан гапирари.

У яйловларда қазилган айрим қудуқларнинг суви ўта шўр эканлигидан сўз очиб, истеъмол учун уни чўчуқлаштиришда олимларни, мутахассисларни ҳамкорликка чақирганида ҳам, яйловбоп махсус чўпон ўтовлари ҳақида қай-ғуриб, уни ясада республика маҳаллий санаот корхоналарига асосий хом ашё — қора, сарқик толларни кўплаб ўстириш зарурлигини маслаҳат қилганида ҳам, узоқ отарларга газета-журнал, хат-хабарларни вақтида етказиб бериш учун транспорт воситалари ажратиш, иложи бўлса телефонлаштириш тақлифларини ўртага ташлаганида ҳам эл-юрт тақдири, Ватан тақдирини ўйлаётган, совет кишиларининг ягона тақдирдан сўйлаётган бўлади.

Унинг эгнисида оддий чакмонига бир боқинг-а! Бу чакмон тагида гўё олам яширинган, не-не очилмаган хазиналар ниҳон. Унинг заранг қайқи таёғи — таъбир жоиз бўлса қутлуғ касб-корининг шонли байроғи! Бу байроқ ота-боболарнинг ишончли қўлларидан авлодларга қутлуғ мерос бўлиб келмоқда.

Бу қутлуғ мерос 80-йилларнинг ҳам ишончли қўллари, муносиб эгалари — чўпонзодаларни кутмоқда.



Фан коллектив ижоддир... у  
асрлар давомида қуриладиган  
улуғ бир иморатга ўхшайди.

А. ПУАНКАРЕ

Хуршид ДУСТМУҲАМЕДОВ

# ИХТИРОНИНГ БЕШ ҚИРРАСИ

*Ҳар қандай фан илм аҳлларида  
фидойиликни, ўз ишига садоқатни,  
ғайрат-шижоатни талаб этади.  
Кашфиёт ва ихтиролар осонликча  
қўлга кирмайди. Улар ортида  
бетиним изланишлар,  
қанчадан-қанча уйқусиз тунлар  
бор...*

*Журналист Хуршид Дўстмуҳамедов  
пахтачилик машиналарини  
такомиллаштириш борасидаги  
кашфиётлари учун Ўзбекистон  
Ленин комсомоли мукофотида  
сазovor бўлган беш ёш ихтирочи  
олимнинг изланишлари ҳақида  
ҳикоя қилади.*

Ҳар бир соҳанинг тармоқларга ажралиб кетаётгани ва ихтисосликнинг чуқурлашуви, бир неча фан чорраҳасида янги фан соҳалари вужудга келаётгани — ҳозирги давр илм-фанининг ўзига хос хусусиятларидандир. Бинобарин, илмий кашфиётлар бир неча тадқиқотчининг баҳамжиҳат изланишлари натижаси ўлароқ вужудга келаётгани табиий бир ҳолга айланмоқда. Тўғри, якка шахс ҳам соф назарий янгиликлар яратиши, бу билан фан тараққиётига катта ҳисса қўшиши мумкин. Бироқ, ҳозирги замон талабига жавоб бўларли илмий изланишлар фақат коллектив томонидан амалга ошириляпти. Катта кемага катта сафар деганларидек, бир неча олимлардан ташкил топган илмий коллективнинг изланиш доираси ҳам серкўлам ва қамровли бўлади.

...Ҳалим Ҳайдаровичнинг хаёлини бир фикр кўпдан буён банд этган эди. Дастлаб тўқув дастгоҳининг автоматлаштирувчи механизми устида илмий иш олиб борган, сўнгра бутун ижодини пахта териш машиналарини такомиллаштиришга қаратган олим бу фикрни хаёлида пиширтар, уни ошкор этишдан аввал обдан тарозига солиб кўрарди. Шунда у ҳар сафар шпинделларни такомиллаштириш юзасидан олиб борган ишлари билан кифояланмасликка аҳд қилар, янги-янги тадқиқот йўналишларини белгилашга уринарди. Уша кунлари меҳрибон ўстози академик И. И. Артоблевскийнинг ўғитлари тез-тез ёдига тушар, бу унинг кўнглида пишиб етилаётган фикрнинг қанот ёзишига туртки берар эди.

«Ихтиёрингизда лаборатория бўлса, салмоқли тадқиқотлар учун майдон кенгайди. Истеъдодли йигитларни танлаш, тарбиялаш, лабораторияни ижодий кучлар билан тўлдириш, хуллас, халқ хўжалиги учун фойдали ишларни амалга ошириш имкониятига эга бўласиз».

Иван Ивановичнинг бу гаплари, хусусан, «Истеъдодли йигитларни танлаш» деган ибораси олимга далда берди. Мураккаб замонавий машина ва механизмлар ишини қайта ўрганиб, такомиллаштириш жиддий илмий тадқиқотлар ва ўзига хос конструкторлик ечимларига асосланмоғи лозим. Бундай масала фақат маълум бир технологик жараёни такомиллаштириш билан ҳал этилмайди. Аксинча, пахта етиштиришдан тортиб, то териб олинган ҳосил чувалгунча бўлган босқичларда фойдаланиладиган машиналарнинг ишлаш принципи яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилади.

Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаев хаёлидаги ғояни амалга оширишни ўзига хос кичик коллектив яратишдан бошлади. Олий ўқув юртини битириб, катта ниятлар билан фан даргоҳига келган, олимликнинг илк поғонасига қадам қўйган ёш тадқиқотчилардан беш киши танлаб олинди. Ёши, маълумоти, мутахассислиги жиҳатидан айтирли фарқланмайдиган беш нафар йигитнинг олинishi тасодифий бўлмади, албатта. Бешала тадқиқотчи ҳам институтда механизм ва машиналар техникаси соҳасида таълим олишган. Зеро, бошланмаж комплекс тадқиқотда уларнинг ҳар бири ўз ўрнида мустақил иш юрита олар, айни вақтда ўзаро биргаликда тадқиқотнинг яхлитлигини таъминлашар эди. Олдиндан айтиш мумкинки, бир проблема бўйича изланаётган тадқиқотчилар учун соғлом ижодий муҳит яратишнинг самараси нақадар улкан бўлиши мазкур мисолда ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, комплекснинг дастлабки босқичи Жабирхон Муҳамедовга топширилди. У ғўза баргини тўқувчи дори пуркагич дефолиант машиналар нуқсонини бартараф этиш йўллари излашга тутинди.

Маълум бўлишича, пахта етиштиришдан бошлаб, то ҳосилдан ип йигириш ва газлама олингунига қадар бўлган жараёнларда ишлатиладиган машина ва механизмлар орасида пахта териш агрегатлари энг мураккаби саналар экан. Бинобарин, терим машинасининг терува аппаратини тушириш ва кўтариш механизми ишини такомиллаштириш Заҳрирдин Бобоевга, шпинделлар ишини ғўза ва дала шароитига янада мувофиқлаштириш Камолхон Каримовга ишониб топширилди.

Республикаимизда йил сайин кўпроқ етиштириладиган ингичка толани пахтани чигитдан сифатли ажратиб оладиган махсус серунум машинанинг йўқлиги ишга панд беради. Ингичка толани чигитдан ажратишнинг янги усулини яратиш биз сўз юритаётган беш қиррали комплекс тадқиқотнинг тўртинчи қиррасини ташкил этди. Бу жабҳада Анвар Жўраев изланишлар олиб берди.

Комплекснинг сўнгги босқичида тўқув дастгоҳини мақсадга мувофиқлаштириш вазифаси турар эди. Буни Расул Каримов ўз зиммасига олди.

Албатта сизни изланишлар жараёни ва қўлга киритилган илк муваффақиятлар ҳам қизиқтиради. Келинг, яхши-си бу ҳақда тадқиқотчиларнинг ўзидан эшитайлик.

**Жабирхон МУҲАМЕДОВ:** Пахтани тоза териб олиш асосан ғўза баргини тўкиш сифатига боғлиқ. Унинг маромида ўтказилиши ҳосилнинг камида 90 фоизини барвақт териб олиш, пахтанинг асосий қисмини биринчи сорта топириш, пахта ифлослиги ва намлигини камайтириш имконини беради. Ҳозир ишлатилаётган замонавий ОВХ-14 агрегатининг кўпгина афзалликларидан кўз юлмаган ҳолда унинг тез-тез бузилишига эътибор бердик. Агрегатнинг ишчи қисмини ҳаракатга келтириш механизминини соддалаштириш устида изландик. Натижада ОВХ-14 нинг самарадорлиги анча ортди. Чунончи, машиналарнинг иш ҳажми кўпайди, уларни далада ремонт қилиш мумкин бўлди, илгари фақат бир мавсум ишлатишга мўлжалланган механизмдан энди бемалол 5 йил фойдаланиш имконияти туғилди.

**Заҳрирдин БОБОЕВ:** Ҳозиргача ишлатилаётган пахта териш агрегатларининг терим аппаратини тушириш ва кўтариш механизми анча нозик эди. Ҳар бири 420 килограммик тўртта терувчи аппарат уларни кўтариб турувчи гидроцилиндрга оғирлик қилар, бунинг устига, эгатнинг нотекислиги туфайли кўтариб турувчи система «шошиб» қолар, яъни тез-тез кўтарилиб-тушавергач унинг ишдан чиқиши осон эди. Биз тамомила янги кўтарувчи механизм яратдик. Унинг аввалгисидан афзаллиги шундаки, тўртта ла териш аппарати ғўзага, эгат сатҳига нисбатан энг мақбул мувозанатда сақланишини таъминлайди. Янги механизм шароитга қараб кўтарилиб тушганда кескин, силтовчи ҳаракатланмайди, балки шароитга оҳиста мослашади. Бунинг теримга эъни тегмайди.

**Камолхон КАРИМОВ:** Терим машиналари шпинделларнинг ишлашини синчиклаб кузатиб, унинг ҳаракатланиш тезлиги ўзгармас эканлиги ва бунинг терим сифатига таъсир қилиши маълум бўлди. Теримнинг яхши боришини таъминлайдиган маълум қонуният асосида тезлигини ўзгартирадиган планетар механизм яратиш йўли топилди ва шу механизмнинг умумий назарияси ишлаб чиқилди, айна вақтда инглиз олими Виллис назарияси умумлаштирилди. Мўҳими — шпинделларнинг айлана ҳаракатини, яъни планетар механизмни бошқарувчи ўқ — водило узунлигининг ўзгарувчанлиги таъминланди. Янада соддалаштириб айтсак, шпиндель илгаридегидек цилиндрсимон айлана кўринишда эмас, балки ясси айланатарзида ҳаракатланадиган бўлди. Шпинделнинг бундай ҳаракати пахтани кўп ва тоза териб олишни таъминлайди.

**Анвар ЖУРАЕВ:** Қанчадан-қанча машаққат эвазига етиштирилган, териб олинган ингичка толани пахтанинг чигитдан толасини ажратиш чоғида сифатини йўқотиши ачинарли, албатта. Бинобарин, толани чигитдан ажратиш технологияси изчил ўрганишга киришилди, янги механизм яратиш ва унинг мақбул ўлчамларини ишлаб чиқиш йўл-

лари изланди. Натижа чакки бўлмади — ингичка толани пахтани чигитдан ажратувчи машинанинг янги ротацион ишчи механизми назарияси яратилди. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, мазкур механизм фақат асосий техноло- гик жараёнда иштирок этиб қолмасдан, балки толани чигитдилардан тозалашда ҳам асқотади. Бу эса толанинг сифатлигини таъминлайди.

Тадқиқотимизнинг фақат ана шу босқичидаги изланишлар туфайли устоз ва ҳамкасблар билан биргаликда 20 та ихтиро учун авторлик гувоҳномаси олингани айниқса қувончлидир.

**Расул КАРИМОВ:** Тўқув дастгоҳининг ишлашида ғалати қарама-қаршилик бор — у тез ишласа маҳсулдорлик ортгани ҳолда шовқин кучаяди ҳамда механизмнинг ишдан чиқиши тезлашади. Хўш, нима қилиш керак!

Биз батанли механизм (тўқув дастгоҳининг асосий қисмларидан бири)нинг тез-тез ишдан чиқадиган икки звеносини соддалаштириш устида бош қотирдик. Чунки буларнинг ремонти кўп вақтни олар, уларни алмаштириш учун эса дастгоҳ ишлаб чиқариладиган Климовск (Москва яқинидаги) тўқимачилик машиналари заводидан зарур қисмлар келтирилар эди. Мумкин қадар шунга йўл қўй-маслик мақсадида дастгоҳнинг ишлаш тезлиги минутига 300 айланга) баробарига ишлатилар эди. Тадқиқотлар ниҳоясида АТПР-100 маркали дастгоҳ батанли механизмининг икки нозик звеноси эгилувчан элементдан ишланадиган бўлди. Тегишли ўлчамлар топилди. Улар бузилган тақдирда ҳам ўзимизнинг шароитда тузатиш осонлашди. Энди дастгоҳнинг ишлаш тезлигини минутига 360 айла-нишга ошириш мумкин. Лекин унинг зўриқиши 300 айла-нишдаги даражасида қолаверади. Шовқин ҳам пасаяди.

\* \* \*

Академия ва олий ўқув юртларида фаннинг ишлаб чиқариш билан мустаҳкам ўзаро ҳамжи-ҳатлиги илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ҳамда фан ва техника ютуқларини тезроқ жорий этишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ш. Р. РАШИДОВ

Кунига неча ўнлаб, ҳатто юзлаб янгилик юз бераётган ҳозирги вақтда ҳар бир фан ва техника янгилигининг амалда жорий этилиши ҳақиқатан ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бирон со-ҳада топилган техник ғоя 6-8 йил ўтар-ўтмас ўз аҳамияти-ни йўқотади. Ўз-ўзидан равшанки, ғоядан амалиётгача бўлган масофанинг қисқартирилиши ҳар жиҳатдан фойда-лидир. Шу ўринда ҳар бир ихтирочининг ўз билимига ишончи, дадиллиги, умумий савиясининг юқорилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Механика ва иш-шоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтининг беш нафар ёш олими олиб борган комплекс тадқиқотнинг бош фазилати ҳам шунда, яъни назарий топилмаларнинг бевосита амалга татбиқ этилишида бўлди. Тадқиқотнинг ҳар бир босқичида яратилган янгилик бевосита «Ташсель-маш», «Ташхимсельмаш», Чортоқдаги пахта тозалаш за-водлари, Тошкент тўқимачилик комбинати, Климовск тў-қимачилик машиналари заводида, шунингдек, Сирдарё областидаги пахта далаларида сновдан муваффақиятли ўтди. Ихтироларнинг айримлари ялпи ишлаб чиқаришга қабул қилинди. Дастлабки хомчўтларга кўра, мазкур та-дқиқотларнинг бир қисми йилига 850 миң сўм иқтисодий самара бера бошлади.

Дарвоқе, кези келганда илмий ихтиро билан амалиёт ўртасидаги масофани қисқартиришнинг асосий чоралари-дан бири ҳақида ҳам қисман тўхталишга тўғри келади. Гап шундаки, сўнгги йилларда йирик илмий текшириш инсти-

туллари қошида экспериментал ва ишлаб чиқариш базалари ташкил этилмоқда. Чунончи, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиз Фанлар академияси институтлари орасида шу типдаги дастлабки илмий марказга айланди. Бу тадбир назарий янгиликларни қисқа муддатларда амалда синаб кўриш имконини беради. Агар биз сўз юритаётган тадқиқот жараёнида синов тажрибалар ўтказиш учун юқорида санаб ўтилган корхоналарга бориш-келиш, улар билан турли кўламдаги муомалани кўз олдимизга келтирсак, вазиятнинг қанчалик мураккаблиги аён бўлади.

Тўғри, мазкур тадбирни барча институтларда бирданига амалга ошириш анча мушкул. Лекин ҳаёт тақозо этаётган, қолаверса, партия ва ҳукуратимиз томонидан муҳимлиги қайта-қайта таъкидланаётган ушбу чора-тадбирнинг амалга ошиши тезлашса илм-фан соҳиблари зиммасидаги вазифаларнинг бажарилиши анча осонлашган бўлур эди.

Беш ёш олим ихтиролари кенг илмий жамоатчилик томонидан катта эътибор билан қарши олинди. Киевда ўтказилган назарий ва амалий механикага бағишланган IV ва V Бутуниттифоқ съездида, Олмаотада бўлиб ўтган механизм ва машиналар назарияси бўйича I Бутуниттифоқ съездида, пахта териш машиналарининг унумдорлигига бағишланган Тошкент конференциясида ҳамда бошқа илмий анжуманларда ўз докладлари билан иштирок этган комплекс тадқиқот ижодкорлари йирик мутахассислар таъсирини сезиб бўлишди.

Амалга вобаста илм партия ва ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди: Ж. Муҳамедов, З. Бобоев, К. Каримов, А. Жўраев, Р. Каримовлар пахтачилик комплекси технологик машиналарининг ишчи механизмларини тадқиқ қилишдаги муваффақиятлари учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотида сазовор бўлишди.

\* \* \*

Йирик олим ўз теварагига муносиб шогирдлар тўплайди ва ўзи ҳам улардан ўрғанади. Ўз устозига қандайдир янгилик бера олмаган, ўз ютуқлари билан устозини фахрлантира олмаган шогирд чинакам илм кишиси бўла олмайди.

И. КИКОИН,  
академик

Қониқмаслик, доимий интилиш — ҳаёт қонуни. Олимларнинг изланиши ҳам чегара билмайди. Эришилган натижа сўнгги марра эмас. Ватанимиз халқ хўжалигини юксалтиришда ўзбек «оқ олтин»ининг улуши нақадар катта эканлиги ҳаммамизга маълум. Йиллик пахта хирмонимиз узлуксиз ошиб борапти, унга бўлган эҳтиёж ҳам тўхтовсиз ўсмоқда. Бинобарин, пахтачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётган техник воситаларни янада замонавийлаштириш, унинг янги хилларини яратиш, бу билан пахтакорларимиз машаққатини енгиллатиш мутахассис олимларимиз зиммасидаги муқаддас бурчдир.

— Пахтачилик машина ва механизмларини такомиллаштириш соҳасида муҳим ихтиро яратган беш нафар ёш олимимиздан умидимиз ҳам, улардан талабимиз ҳам катта. Зеро, ҳар қандай механизмни такомиллаштириш, эскисини янгиси билан алмаштириш ниҳоясиз давом этувчи жараёндир...

Комплекс тадқиқот ташаббускори, ёшларнинг меҳрибон устози, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаевнинг бу сўзларини тўла қўллаб-қувватлаш мумкин. Чунки, бу беш ижодкор катта фан даргоҳига ўзининг муносиб тўхфалари билан дадил кириб келди. Дастлабки муваффақият уларни янги изланишлар сари илҳомлантирмоқда.

## АДАБИЙ ҲАЁТ АЖОЙИБОТЛАРИ

### СИМЕНОННИНГ ШУҲРАТИ

Париждаги китоб магазинлари пештахталарида эндиликда машҳур бўлиб кетган комиссар Мегрэ ҳақидаги дастлабки бешта роман пайдо бўлганидан буён ярим аср вақт ўтди. Ушандан буён бу романлар муаллифи, таниқли француз ёзувчиси Жорж Сименон ўнлаб мавзуларда, хилма-хил жанрларда кўплаб асарлар яратди. Аммо Сименонни машҳур қилган асарлар комиссар Мегрэ номи билан боғлиқ.

Сименон асарлари эллик миллион нусхада, дунёнинг 55 тилида нашр этилган. Бу асарлар сюжети асосида 52 бадиий ва 300 телевизион фильм яратилган.

Сименоннинг сўнгги китобларидан бири Париждаги «Пресс де ла Сите» нашриётида чоп этилган мемуар асаридир. Муаллифнинг қайд этишича, бу асарни ёзиш анча оғир кўчган. Агар у Мегрэ тўғрисидаги романлари учун белгиланганидан бирмунча ортиқроқ вақт сарфлаган бўлса, ўзи ҳақидаги мемуарни ёзишда ҳар кун ирта ҳисобда 6 соатдан 8 ой сурункасига ижод қилди.

— Мен ҳақимда 50 монография ёзилган, — дейди кекса ёзувчи, — СССР, АҚШ, Япония, Франция ва бошқа мамлакатларда 50 дан ортиқ диссертация ҳимоя қилинди. Шуларни ҳисобга олиб, ҳаётлигимда ўзим ҳақимда бирмунча илиқ фикрлар айтишга ҳақим бор, деб ўйлайман.

### ШЕРЛОК ХОЛМСНИНГ АДРЕСИ

Машҳур инглиз ёзувчиси А. Конан-Дойлнинг саргузашт характеридаги асарлари кўпчиликка маълум. Унинг кўп асарлари доимий қаҳрамони машҳур изқувар Шерлок Холмсдир. Ёзувчи айрим асарларида ўз қаҳрамонининг адресини аниқ кўрсатган. Гўё у Лондон шаҳридаги Беккер-Стрит кўчаси 221«Б» уйда истикомат қилар эмиш. Ҳозиргача бу адресга унинг мухлисларидан кўплаб хатлар келиб туради. Уша уйда яшовчи одам эса бу мактубларнинг муаллифларига «Шерлок Холмс саёҳатда, сафардан қайтиши биланоқ хатингиз унинг қўлига топширилади», деган жавоб юборади.



Муроджон МАНСУРОВ

# МУҲАББАТ ГУЛИ

БИР СЕВГИ ТАРИХИ

Биз Қибрай яқинидаги санаторийлардан бирида дам олаётган дўстимизни кўргани бориб, сой бўйидаги ёғоч каравотда суҳбатлашиб ўтирган эдик. Шабада гоҳ муздай сув эпкинини, гоҳ сойнинг нариги бетидан асал ҳидидай бир тотли исни олиб келар, шунда беихтиёр атрофга аланглаб қолар эдик.

— Ҳиди маст қилгудек-а, жониворнинг! Сезяпсизми, бу ниманики!— сўради дўстимиз.

— Узум гулиники шекилли. Узум гули маҳалида ток-зордан шундай эпкин эсади,— дедим мен.

— Йўқ, бу жийда гулиники. Қаранг, ҳув анави қўш жийдани. Ўша ёқдан келяпти...— деди дўстим сойнинг нариги бетига ишора қилиб.

Жийдалар одам бўйигача бирга ўсиб чиқиб, кейин икки ёққа тарвақайлаб бош эгишган, ҳозир офтоб нурида барглари кумушдай товланиб, майда гуллари тилла ҳалдай ялтирар эди.

— Унинг ҳиди нимагадир асалнинг таъми-ю бўсанинг тотига ўхшайди,— деди шоир шеригимиз.

— Биласизми, нега шундай!— дея сўраб қолди дабдурстан дўстимиз тўлқинланиб. Биз елка қисдик. Унинг ўзи тушунтира кетди.— Ривоят қилишларича, у — дунёда камдан-кам учрайдиган энг тоза севги гулимиш. Шунинг учун ҳам у ҳамма мевалардан энг кейин ўзи алоҳида гуллармиш. Гулидан боя сиз айтгандай одамнинг бошини айлантиргудек бир муаттар бўй келиши, одамни қиз бола муҳаббатидек маст қилиши шунданмиш... Жийда қачонлардир ҳаётда қовуша олмаган, лекин севгисидан ҳам тонмаган икки ёшнинг бир қайсар муҳаббати тимсолимиш...

— Энди ундай покиза муҳаббатлар қаёқда!— деди кимдир даврадан.

— Нимасини айтасиз. Ҳозирги ёшларнинг муҳаббатидан худбинлик анқийди. Йигитларки, кимнинг қизига уйлансам, келажаким қандай бўларкин, деб турадимми, уёғини гапирмаса ҳам бўлади,— деди бошқаси.

— Мартабалироқ ерга қуда бўлишга уринишлар, ўғил-қизининг бахтини фақат бойликда кўришлар-чи!!

— Замон дориламон бўлгани сари одамлар худбинлашиб, муҳаббат ҳам майдалашиб кетмаяптими, а!..

Боядан бери сойнинг у бетиданги бир жуфт жийдага хаёлчан тикилиб, гапга аралашмай ўтирган ўрта яшар нотаниш ҳамроҳимиз ялт этиб бизга қаради. Унинг юзлари қорайиб, кўзларида аллақандай норозилик учқунни чақнаб кетгандек бўлди.

— Бекор айтибсиз!— деди у қатъий бир оҳангда.— Муҳаббатнинг қадри ҳамиша баланд бўлган. Ҳозир ҳам шундай, ҳеч қанақа майдалашиб кетмаган.

Ҳамма бирдан жимиб қолди. Лекин дўстимиз орани юмшатмоқчи бўлди шекилли:

— Ҳа, энди унчалик бўлмаса ҳам илгаригидай суйганини деб жони-жаҳонидан кечиб юборадиган ошиқ-маъшуклар йўқ-да,— деди.

Дўстимиз билан бирга санаторийда дам олаётган ҳалиги палатадош ҳамроҳи энди юзи ёришиб, чин дилдан кулди:

— Бор бўлса-чи!!

— Ҳарқалай биз билмаймиз: кўрмаганмиз ҳам, эшитмаганмиз ҳам.

У энди жиддий тортди:

— Мен эса, ўзим шундай муҳаббатнинг шоҳиди бўлганман. Ҳали ҳеч қанча бўлганича йўқ у воқеаларга.— Кейин шаҳд билан ўгирилиб менга қаради.— Сиз агар ёзаман десангиз, дунёда мана шундай тоза муҳаббатлар ҳам бўлади, у ҳозир ҳам бор дея ёзсангиз — мен айтиб берман. Бўлмаса...

Мендан олдин даврадагилар ўртага тушди:

— Ёзади. Арзиса ёзмай нима қилади. Биз кафолат беремиз.

Бу ҳикояни мен ўша санаторийда, жийда гули иси уфу-



риб турган сой бўйида эшитдим. Мана Сиз ҳам эшитинг ўша бир муҳаббат тарихини...

«Уқишни тугатиб, учувчилик қила бошлаганимга ярим йиллар бўлиб қолган эди. Бир куни Тошкент-Москва рейсини тугаллаб, аэропорт биқинидаги меҳмонхонага ҳамкасб дўстлар билан чиқиб кетаётган эдик. Кутилмаганда ойнаванд йўлақда ташқарига хомуш тикилиб қолган бир йигит кўзимга иссиқ кўриниб кетди-ю, унга яхшироқ разм солиб:

— Ҳаёт, ўзингмисан!!— дея қичқириб юборай дедим. Мен уни кулча юзига ярашиб турган қўш холидан, туташ қора қоши, болаликдан тараққа бўй бермайдиган жингалак сочидан таниган эдим. Фақат қизларникидан қолишмайдиган чиройли кўзларидаги ҳозирги аллақандай маъюслик бир кўришдаёқ одамнинг шаштини қайтариб қўяр, ҳеч ким унга шу топда дабдурустандан бир нима дейишга журъат эта олмасди.

Мен ҳам ҳамкасбларимдан секин ажраб қолиб унинг ёнгинасида тўхтадим. Лекин у шунчалик хаёлга берилиб кетган эдики, ҳатто юзларига тикилиб турганимни ҳам сезмасди. Менинг эса юрагим бир хапқириб келади, яна ўзимни босаман. Неча йиллардан бери кўрмаган мактабдош дўстимни кучоқлаб олиб чирпирак қилиб айлантиргим, юз-кўзларидан ўпгим келади-ю ҳозирги ҳолатида бунга журъат эта олмайман. Юзларига тўймай тикиламан: у ўнинчини битираётгандаёқ анча дуркум, кўркам, баъзилар айтмоқчи қиз боладек кўҳлик йигит эди. Энди ўқиш анча сиқиб кўйганми, ўзи қотма тортган, кўзлари ҳам чуқур-чуқур тушиб киртайиб қолгандай. Мана ҳозир ҳам қўлида дипломати билан илм кетига тушиб, анча сиқилиб қолган аспирантга ўхшаб кетади.

Наҳот отаси профессор, авлодида қанча олим бўла туриб илм ўлида шундай қийналиб, сиқилиб қолган бўлсал! Йўғ-е...

Мен унинг енгидан секин тортдим. У ўгирилиб қаради-ю дабдурустандан танимай, ўзининг ноҳуш хаёлларидан дарров қутула олмай бир зум туриб қолди. Кейин таниб қолиб кутмаганда лайлатулқадрни кўрган одамдай севиhib кетди.

— Эй, Олим, дўстим, бормисан!— дея кучоқлаб олди.

Буни қарангки у ҳозиргина бизнинг самолётда учиб келган, энди юкларини кутиб турган экан. Уша куни бир отамлашайлик деб уни аэропорт меҳмонхонасида олиб қолдим. Неча йилдан бери кўришмаганимиз шарафига ресторанга кириб, бир чеккада ўтириб қиттак-қиттак ҳам қилдик. Кейин гапдан-гап очилиб, мен унинг кўнглига қўл солдим.

— Ўзи нима гап, дўстим, иши ҳеч юришмаган одамдай хафа кўринасан. Тинчликми!— дедим.

Ҳаёт чуқур тин олиб оғир бош чайкади:

— Эй, дўстим, нимасини айтасан! Бир кам дунё деганларича бор экан.— Кейин тушунтирди.— Шу ерда аспирантурадан. Илмий ишим ҳам битиб қолган. Бу ёқдан камчилигим йўқ. Уларнинг — у Тошкентдаги ота-онасига ишора қилди.— ёрдамига ҳам муҳтож эмасман. Лекин улар, шундай тушунган, кимсан — фалончи бўлган одамлар мени бошқа бир нарсадан ёмон қийнашяпти. Битта гапда туриб олиб, одамни хун қилишяпти. Эмишки, мен улар айтган одамларнинг қизига уйланмай ўз келажигимга ўзим болта ураётган эмишман. Одамнинг келажиги олдида кўнгили нима деган гап эмиш. Муҳаббат бир пул эмиш. Бир қизни севиб, шунча йил уни деб, уни куттириб юрганларим ҳеч гап эмасмиш. Ё тавба! Ўз жигарларинг жону-жаҳонингдан ҳам ортиқ кўрган бир одамнингдан кеч деб турса, «у сенинг тенгинг эмас, оддий бир хизматчининг қизи экан, бизга тенг бўла олмайди, бола, келажигингни ўйла» деб турса, нима дейсан!! Кимга дондингни айтасан!! Туғилганидан бери энг азиз санаб келган ўз ота-онангки шундай деб турса, сен сиғинган, юрагининг тўрида сақлаган ҳисларингни, муҳаббатингни бир оғиз сўз билан оёқ ости қилса, дил-дилигини вайрон этаётганини била туриб, аҳдидан қайтмаса — сен ҳам дўстим не кўйларга тушмасдинг! Мени улар шундай замонда севганимдан, Саодатимдан айирмоқчилар, дўстим!

Бида туриб, кўра туриб айирмоқчилар. Ўзинг ўйла, мен энди у қизнинг олдида нима деган одамман!! Бурдим, субутим, ваъдаларим қайда қолди! Бир умр у мени қаргаб ўтади-ку! Наҳот шунга ўйлашмасал!

Кейин билсам, Ҳаётнинг ота-онаси «Қани, ўша ўзинг ёқтирган қизни ҳам бир кўрайлик, жуда осмондаги ой бўлса ҳам», деб қизниқига боришибди. Қиздан айб топилса олмагач, ота-онасини суриштириб, кимлигини билишибди-ю бурниларини жийриб «Бизнинг тенгимиз эмас экансизлар» деб қайтиб кетишибди. Уйда эса ўғиллари Ҳаётни ўртага олишибди: «Сен ўзи кимсан-у кимга кўнгили кўйиб юрибсан!! Сен келажакда катта одам бўламан десаң биз айтган одамнинг қизини олсан. Шунда келажакнинг яхши бўлади. Ўзинг ҳам тезроқ каттароқ ишга ўтиб олсан. Биз сенга зинапоя вазифасини ўташимиз керак. Бу бизга ҳам қарз, ҳам фарз. Муҳаббат нима!! Уткинчи нарса. Унутилиб кетади», деб гап сўқишибди.

Бечора дўстимнинг Тошкентда кўнглига қил сиғмай Москвага, ўқишига жўнаворгани, ҳар қадамда бир хаёл суриши, ўзи паришон тортиб, кўзлари киртайиб қўлгани шундан экан. Мен уни юпатдим, «Кўнма, шу Москвада юра тур, улар ҳам ҳовридан тушиб, тушуниб қолар», деб маслаҳатлар берган бўлдим. Меҳмонхонада ҳам аллама-ҳалгача гаплашиб ётдик. Бир маҳал ҳамкасбларим мени уйғотиб рейсга шошириб қолишди. Ҳаёт эса бир бурдадай бўлиб қолган юзини ёстиққа босиб ўхлаб ётар, шу ётишида ҳам алаmidан ёстиқ чангаллаб ётган одамга ўхшар эди. Мен уни уйғотишга кўзим қиймай бир парча қоргозга адресим, телефон номеримни, узримни ёзиб қолдириб, Тошкентга қайтиб кетдим. Лекин чакки шундай қилган эканман. Дўстлардай хайрлашмаганимизни эслаб йўлдаёқ кўнгилим хижил бўла бошлади. Ҳатто адресини ҳам сўраб олмабман. Ҳеч бўлмаса бир парча хат билан кўнгили сўраб турардим-ку, дейман. Яна ўзимга-ўзим таскин бераман. Балки ўзи кўнгироқ қилиб қолар дейман. Йўқ, орған неча ҳафта ўтиб кетса ҳамки, на кўнгироқ, на хатдан дарак бор эди. Унинг тақдирини нима бўлганини — ҳали ҳам суйганидан узоқда дарбадар юрибдимми ё ноилож Тошкентга қайтдимми буни ҳам била олмасдим. Ҳаётнинг Москвадаги адресини олганимдан ўзимни-ўзим ҳамон койир, Тошкентдаги ота-оналаридан суриштиришга эса тортинардим. Кутилмаганда бир куни кечкурун уйга кўнгироқ бўлиб қолди. Хотиним ёқтирмайгина:

— Сизни аллақандай бир қизча телефонга сўраяпти,— деди.

Трубкада ўзини зўрға босиб турган қизнинг ташвишли овози эшитилди:

— Алло, Олим ака Сиз бўласизми! Ҳаёт акамнинг учувчи дўстларимсиз!..

— Ҳа, мен. Нима эди! Ҳаётнинг ўзи қаерда! Москвадан қайтдимми-йўқми!— деб сўрадим.

Трубканинг нариги ёғида қиз нимагадир жим қолди. Хўрсиниқ аралаш элас-элас йғи овози келади. Мен шошириб қолиб, уни чақиршига тушдим:

— Алло! Алло! Нима гап ўзи! Нега индамайси!

Ниҳоят, у анчадан кейин ўзини босиб:

— Мен Саодатман... Ёрдамнингиз керак, Олим ака... Москвага етиб боришим керак. Эртага учинчи операция...

— Саодат, тушунтириброқ айтинг! Қанақа ёрдам! Қанақа операция!...— Юрагим худди бир нарсани сезгандек гурс-гурс уради, қайтариб-қайтариб сўрайман. Лекин қиз қани энди жавоб бера олса... айта олса!..

Охири сабрим чидмай:

— Айтсангиз-чи, Ҳаётга нима бўлди! Нима қилди унга!— дедим бақиргудек бўлиб. У айта олмади. Айтишга тили бормас, трубкадан фақат пиқ-пиқ йғи овози келарди.

— Қаердасиз, айтинг, мен ҳозир етиб бораман,— деди унинг аҳволига тушуниб.

Саодат унамади:

— Келиб овора бўлманг. Агар билет олишга ёрдам бера олсангиз... Бирорта ҳамшира дугонамдан эртага ўрнимга навбатчилик қилиб туришларини илтимос қилмоқчи эдим.

— Яхши. Ярим соатдан кейин телефон қилинг. Мен уриниб кўраман. Албатта, кўнгироқ қилинг. Хўпми!

Уша куни бир амаллаб битта билет тўғриладик. Мен уни тўғри кассага йўллашим ҳам мумкин эди. Лекин Ҳаётга нима бўлганини билиш учун касса олдига ўзим чиқиб бордим.

Саодат билетга келганида мен уни кўриб донг қолдим. У қизмисан-қиз, ҳақиқатан, осмондаги ой эди, қараган ҳам қарар, қарамаган ҳам қарар эди. Тавба, дея ёқа ушладим, Ҳаётнинг келаганини шундай қиздан баланд кўйишибдими, а! Улар қандай бағритош одамлар эканки, қандайдир бир лавозимни деб, обрў, шон-шўхратни деб шундай — узукка кўз қўйгандек бир-бирига мос тушиб турган икки ёшни ажратиб ўтиришса! Наҳот муҳаббатнинг уволига қолишларидан кўришмасан!!

Билетни олиб ташқари чиқарканмиз, сабрим чидмай сўрадим:

— Ҳаёт тузукми! Унга нима бўлди ўзи!

Саодат чуқур-тин олиб ерга қаради:

— Яна беш марта операция қилишлари керакмиш... Шунинг кўтарсалар омон қолишларига нажот бормиш... Қаёқданам мен уларга учирадим, уларни яхши кўрдим!! Мени деб, мендан воз кеча олмай шу кунларга қолди бошлари!! Мени демасалар йўқ эди шу фалокат ҳам!..

Эй, кўр фалокат! Узининг бахти чопмагани, суйганидан воз кеча олмай дарбадар юргани етмаган эканми!! Яна бошига шундай кунларни солмасанг... У хаёлпаридон бир ҳолатда катта кўчани кесиб ўтатуриб, катта тезликда келаётган машина олдида чиқиб қолганмиш... Ақл бовар қилмайди.

Эртасига Саодатни самолётга кузатиб қўярканман:

— Саломингизни албатта етказаман. Билет олиб берганингизни ҳам. Ҳаёт акам эшитиб хурсанд бўладилар. Раҳмат. Минг раҳмат сизга,— деди у.

— Арзимади. Лекин келишингиз билан кўнғироқ қилинг. Мен Сизни тополмай юрмай,— дедим.

— Иложини қилсам эрталабки рейсдаёқ қайтаман. Бўлмаса уйдагилар хавотир олишади, ўзлари зўрга жавоб бериши,— у уялиб ерга қаради.

Мен эса шундан-шубҳага бир марта эмас, учинчи марта кетаётган, шунга ўзида журъат топа олган, яна бунинг устига ҳали уйлантирилари даргумон бўлган йигитни кўриб келишга ота-онасини рози қила олган бу мард қиздан кўзларимни уза олмасдим. Севгисига шундай вафодор қизлар борлигини ўз кўзларим билан кўриб турардим.

Бешинчи операциясида Саодатни мен ўзим билан Москвага олиб кетдим. Бирга Ҳаётни кўргани бордик. Бечора дўстим! Бошдан-оёқ бинтланганча ётар, фақат кўзлари билан юзининг бир четинга очқ эди. У бизни кўриб хурсандликдан кўзларига ёш қуйилиб келди, ўзи жовдираб тикиларкан «раҳмат, минг раҳмат, азизларим» дея пичирларди.

Саодат бир иш билан ташқарига чиққанида эса орқасидан гурур билан:

— Биласанми, дўстим, у кимга ўхшайди,— деди. Кейин ўзи жавоб қилди.— Мен Саодатнинг ҳар гал операцияга қандай етиб келишини ўйласам, негадир Пушкин замонида ўтган Мария Волконская эсимга тушаверади. Ҳатто подшонинг қаршилигига ҳам қарамай неча минг чақирим йўл босиб, қор бўронлари оша Сибирга — декабрист эри ҳузурига кетаётган ўша аёл кўз олдимга келаверади.— У кўзларида ёш айланиб, шифтга тикилганча жим қолди. Яна менга қаради.— Уларда қандайдир ўхшашлик бор. Мен бахтлиман, дўстим, шундай бир вафодор қизни учратганимдан, — дея пичирлади, — агар менга бирор нима бўлса, сендан илтимос, уларга — уйдагиларга шундай деб айтиб қўйсанг... Билиб қўйишин...

— Ҳаёт, унақа дема, сен ҳали тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан.— Мен уни юлатишга тушдим. У бўлса ҳаммаёғи бинтланганча кўзларини юмиб ётар, миждаларида биттадан икки томчи ёш милтирар эди...

Юраги сезганича бор экан, Ҳаёт сўнги операциядан чиқмади. Оталари ваъда қилган келажақдан воз кечиб, муҳаббатини етим қилиб кетди. Худбин ота-она шундай покиза муҳаббатни жувонмарг қилганидан энди пушмонда

қолган, ўғли Ҳаётнинг ҳақиқат-ҳурмати деб Саодатга ҳар турли илтифотлар қилишга, кўнглини олишга интилар, ҳар йили ҳар турли санаторийларга путевкалар олиб бермоқчи, ҳар турли яхшиликлар қилмоқчи бўларди-ю қиз барчасини рад этар, менга фақат Ҳаётнинг ўзи керак эди, тириклигида уни раво кўрмадингиз, энди ҳеч нарсангиз керак эмас, керак эмас, деярд эди.

Лекин орадан неча йиллар ўтиб, Саодат турмушга чиқиб кетган бўлса ҳам Ҳаёт билан дўстлигимиз ҳақиқат-ҳурмати орадаги борди-келдимиз давом этар, у ўғли, эри билан бизни келиб турарди. Уч кун бурун бу ерга Саодат ўғилчаси билан кўргани келган эди. Мен уни кузатиб чиқиб, остановада автобус кутиб турган эдик. Бир вақт шундай ёнгинамизга оқ «Волга» келиб тўхтаб, унинг олдинги эшиги очилди. Шофер илтифот билан жой кўрсатди.

— Чиқинглар, марҳамат.

Саодатнинг беш яшар ўғилчаси машинага талпинди:

— Ойи, юринг, кетдик,— дея бир зумда олдинги ўриндиққа чиқиб ўтириб олди.

Лекин Саодатнинг кўзи орқада ўтирган барваста оқсоч одамга тушиб юзлари оқариб кетди. Уғлига қаттиқ қаради:

— Ҳаёт, бу қандай одобсизлик! Туш, бегона машинадан!

Бола қовоғини уйиб истамайгина пастга тушаркан, орқа ўриндиқдаги оқсоч одам худди ҳаво етмаётгандай ўзини орқага ташлаб кўзларини юмди-ю қўллари билан юзини беркитди. Машина бир қалқиб юриб кетди. Мен уни танидим. У қариган чоғида ўзини оддий инсоний бахдан — бува бўлиш бахтидан жудо қилган ўша катта занг ота эди...

Нечта автобус келиб кетди ҳамки, биз хайрлаша олмасдик. У иккимизнинг ҳам юрагимизни алғов-далғов қилиб кетган, уларни деб муҳаббатига эриша олмаган Ҳаётни эсимизга солиб кетган эди. Ниҳоят, мен бир машина тўхтатдим-да Саодатга:

— Кетдик, уни зиёрат қилиб келамиз,— дедим.

— Майли, биз эртага тўғилган кунларида бормоқчи эдик. Эртага ўттиз учга тўлар эдилар,— деди у маъносиз бир ҳолда.

Олдинги ўриндиқда ўтирган ўғли:

— Ким, ая! Кимни айтяпсиз! Мен танийманми!— дея қақажонлик қилди.

Саодат ночор жилмайди:

— Йўқ, ўғлим. Афсуски танимайсан...

Мен анчадан бери унинг қабрига бормаган эдим. Бориб, унга қўйилган мармартош билан қумуш панжарани, унинг бош томонига ўтқазилган бир туп жийдани кўриб лол қолдим. Жийда ҳали ёш, одам бўйига энди етган бўлса-да шох ёзиб биринчи йил гулга кирган, устида асал-арилар беозор гувиллар, ён-атрофга эса асал ҳидидай бир бўй, муҳаббат гулининг муаттар ҳиди таралар эди.

Саодат билан ўғилчаси қабр устига гул қўйишаркан, мармартошда жийда гули рангида тилла ҳал билан битилган шу сўзларни ўқидим:

Бир жуфт оққуш эдик ишқ бўстонида

Ногоҳ қайирдилар нозик қанотим.

Гарчи мени сендан эдилар жудо

Доимо биргасан қалбим, Ҳаётим.

Уни қаранг: ким нималарни деб, нималарни ўйлаб ўз фарзандининг муҳаббатига зомин бўлиб, уни жувонмарг қилибди-ю, ким аёл боши билан шу муҳаббатни эъзозлаб унга ёдгорлик қўйибди...».

Бундай покиза муҳаббатли, вафодор аёлларни инсоният ҳаммаша улуглаб, унга таъзим қилиб келган. Биз ҳам бу тарихни битарканмиз, Саодатнинг жасорати билан сўнгисиз муҳаббатига таъзим бажо айлаб:

— Яшасин, ҳаммаша бор бўлсин, шундай покиза муҳаббат!— деймиз.



# ЭНГ ИНСОНИЙ КАСБ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ  
МОСКВА РАЙОН КОМИТЕТИНИНГ  
БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ  
Н. ТУРСУНОВ ШАРҲЛАЙДИ

«Ешлик» журнали саҳифаларида давом этаётган «Ўқитувчи, ўқувчи, маънавий олам» баҳсида таълим-тарбияга оид жуда муҳим, долзарб масалалар ҳақида сўз бормоқда. Аввало, баҳсни районимизда кўп йиллик самарали меҳнати билан обрў-эътибор топган СССР Халқ ўқитувчиси Мамажон Абдурасулов бошлаб бергани бизни қувонтирди. Баҳсда кўтарилган масалалар партия ташкилотлари ҳам бевосита дахлдор. Чунки ўқув-тарбия ишини янада юксак савияга кўтариш, ҳар томонлама ривожланган, олижаноб фазилатларни ўзида мужжасамлаштирган келажак кишини тарбиялаш ҳаммамизнинг муқаддас вазифамиздир. Бу жараёни яхшилаш таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов айтганидек, энг инсоний касб эгаси бўлмиш ўқитувчининг обрўсини ҳар томонлама юқори кўтаришга боғлиқ. Район партия комитети бу вазифани бутун масъулияти билан ҳал этишга интилоқда ва тегишли тадбирлар белгиламоқда.

Бизнинг районимиз ва шаҳримиздаги 52 умумтаълим мактабларида меҳнаткашларнинг 33721 ўғил-қизи таълим олмақда. Уларга 1738 педагог таълим-тарбия бермоқда. Бу педагогларнинг 521 нафари коммунистлардир.

Район партия комитети умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия ишларини яхшилаш, мактабдан ташқари муассасалар ишини такомиллаштириш, мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш соҳасидаги тадбирларни изчил амалга ошириб келмоқда. Районимиз маорифчиларининг ўқувчиларни мактаб ошхоналарида иссиқ овқат билан таъминлаш ва мактаб кутубхоналари ишини яхшилаш соҳасидаги тажрибалари республика маориф министрлиги коллегияси томонидан маъқулланганлиги ва оммалаштирилганлиги ҳам бунга мисол бўла олади.

Мактабларда ўқув-тарбия ишида алоҳида ўрнатилган педагогларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилаяпти. 1981—82 йилнинг ўзида 40 га яқин ўқитувчи энгил машина ҳамда 100 дан зиёд ўқитувчи район партия комитетининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Баҳсда тўғри таъкидланганидек, кейинги йилларда умумий таълим мактабларида «иккисиз» ва «икки йилликсиз» ишлаш авж олгани тўғри. Афсуски, бу масала кўп ҳолларда осонгина «икки қўймаслик» маъносига нотўғри ҳал этилмоқда. Бу масалада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг партиямиз XXVI съездида қилган Ҳисобот докладыда: «Бугунги асосий вазифа мактабда ўқитиш, меҳнат тарбияси ва ахлоқий тарбия сифатини оширишдан, ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг меҳнат самараларини баҳолашда расмиятчиликка барҳам беришдан, таълим билан ҳаётнинг боғланишини амалда мустаҳкамлашдан иборат...» — деган сўзлари жуда ўринлидир.

Кўпчилик педагогларимиз мактаб программаси материаллари мураккаблиги, ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун оғирлигини, дарсликлар стабиллиги талаб даражасида эмаслигини айтишади. Эҳтимол, бу тўғрида ҳам жиддий ўйлаб кўриш зарурдир.

Ўқитувчи обрўси тўғрисида гап кетганда, мен ўтган йили атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Литературная газета»да ёритилган «Одамгарчилик камайяптими!» мақоласида билдирилган фикрларга тўла қўшиламан. Чиндан ҳам бир хил шароитда, бир коллективда меҳнат қилаётган икки ўқитувчини олиб қарасак, улардан бирининг обрўси салмоқли бўлади. Бу нимага боғлиқ? Шубҳасиз, у сабр-матонат билан қилинган самарали меҳнат тўғрисида обрў топган. Бу ўқитувчи изланади, ўз билимини ошириб

боради, илғор тажрибаларни қўллаиди, қисқаси, кўп меҳнат қилади. Билими, одоби, жамоат ишларида активлиги билан ҳам эл орасида нуфузга эга.

Мен СССР Халқ ўқитувчиси Мамажон Абдурасуловнинг фаолиятини бунга мисол қилиб кўрсатмоқчиман. Уртоқ Абдурасулов ўз ўқувчисига «2» баҳо қўймас экан. Нимага дейсизми!

— Ўқувчи ўтган дарсини ўзлаштиролмас, берилган топшириқни бажармас, албатта, аччиқланасан киши. Лекин унга дафъатан ёмон баҳо қўйиб, танбеҳ бериш маъқул эмас. Ўқувчи қандайдир сабабга кўра ўзлаштиролмаган. Билмаганлигидан унинг ўзи ҳам ҳижолат. Бунинг устига ўқитувчи «икки» қўйса, танбеҳ берса, ўқувчи руҳан тушкунликка тушиши мумкин, — дейди у.

М. Абдурасулов яхши баҳога жавоб беролмаган ўқувчисини биринчи гал огоҳлантириб, «Бунақада ўртоқларингдан орқада қолишинг мумкин, ишонаманки, сен эртага бунга тузатасан» деган мулоим гаплар билан руҳлантириб, ўзлаштиришга даъват этар, қўшимча журналига белги қўйиб кўяр экан. Шу ўқувчи эртасига ҳам яхши жавоб беролмас, яна огоҳлантириб, учинчи сафар ҳам жавоб беролмас, шундагина «2» баҳо қўйиб, унинг ота-онасини мактабга суҳбатга таклиф этар экан.

Ҳар қайси ўқитувчи ўз қадрини билиши, такрор айтман, ўз обрўси учун курашиши, фақат бугунги кун эмас, эртанги кун ҳавоси билан нафас олиши, ўқувчисининг, аниқроғи, ўзининг келажаги доим кўз ўнгига туриши керак.

Аммо бу тўғрида чуқур ўйламайдиган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас. Худди шундай педагоглар ўз вазифасига енгиллеп қараб, ҳатто ноўрин ҳатти-ҳаракатлари билан ҳалол меҳнат қилаётган бошқа ҳамкасблари номига ҳам доғ туширадидлар.

Балки бунга сабаб, ўқитувчи меҳнатини (албатта самарали, машаққатли меҳнатини) моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш системасининг мукамал эмаслигидир! Чунки бир коллективдаги яхши, ўртача, ёмон ишлаётган ўқитувчиларнинг маошларида деярли фарқ йўқ. Дарс ставкаси олдида барча баробар. Кимнинг дарс соати, стажы кўп бўлса, ўша кўп олаверади.

Яхши ўқитувчи иложи борича камроқ дарс олиб, яхши ўқитиш ниятида бўлса, (ахир, дарсларга тайёргарлик, кўргазмалар қурол, тарқатма материаллар тайёрлаш, қўшимча адабиётлар ўқиш озмунча вақт оладими!) куним ўтсинга ишлаётган ўқитувчи эса кўпроқ дарс соати олишга интилади.

Шу ўринда яна шуни айтмоқчиманки, хизмат кўрсатган ўқитувчининг оширилган ставкаси ва бошқа баъзи рағбатлантиришлар миқдори жуда ҳам оз. Масалан, областдаги йирик районлардан бири бўлган бизнинг райондаги 1738 ўқитувчининг фақат 7 нафари республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, холос.

Албатта, бу соҳада республика маориф министрлигига эътирозимиз йўқ. Чунки «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони жуда катта тажрибага эга, кўп йиллар самарали меҳнат қилган кишиларга берилади. Бироқ, ўқитувчиларни аттестациядан ўтказилганда «Катта ўқитувчи», «Ўқитувчи методист», «Ўқитувчи-инспектор» унвонлари берилади-ку! Ўқитувчиларга маош тўлашда ана шу жиҳатлар ҳисобга олинса бўлмасмикан! Ўқитувчи меҳнатини маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни Фахрий ёрликлар, табриклар, раҳматномалар, совғалар, орден ва медалларга тавсия қилишни жойлардаги партия, совет ташкилотлари ўз имкониятлари доирасида амалга оширишлари мумкин.

Энди ўқувчиларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш масаласига келсак, албатта, уларни меҳнатга муҳаббат, коллективизм, жамият манфаатлари учун жонбозлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу коммунистик тарбиянинг ажралмас бир қисмидир. Аммо ҳар бир ишнинг ўз меъёри бор. Мактаб ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилганда, бажариладиган иш уларнинг ёш хусусиятларига, жисмоний имкониятларига мос бўлмоғи керак. Педагогика ва медицинанинг таъкидлашича, боланинг меҳнатга лаёқати, қизиқиши маълум соатларинигина ташкил этади.

Биз ҳозиргача ўқувчиларни дала ишларига жалб этиб келдик. Сабаби районимиз хўжаликларида ҳосилдорлик ўртача 35 центнердан юқори белгиланган. Бу жуда кўп меҳнатни талаб қилади. Ҳар йили 54—55 минг тоннадан пахта етиштирамиз. Аммо шунга қарамасдан иложи борича ўқувчиларни дарслардан қолдирмаслик, дала ишларига ҳўда-беҳўдага жалб қилмаслик чораларини кўрмоқдамиз.

Ёш авлод тарбияси шарафли, шу билан бирга масъулиятли иш. Районимиз партия ва совет ташкилотлари ана шу масъулиятни чуқур ҳис этиб, таълим-тарбия ишини янада яхшилашга бутун кучни сафарбар этадилар.

\* \* \*

Мен 1918 йилдан 1971 йилгача маориф соҳасида ишлаб келдим. Ўқитувчилик қилдим, техникум, рабфак, ФЗУ мактабларида дарс бердим. Ўз тажрибамга асосланиб шуни айтишим мумкинки, «иккисиз» ва «икки йиллик» сиз ўқитиш янгилик эмас, беҳўда уриниш ҳам эмас. Тўғри, бир синфдаги ўқувчиларнинг характери ва дарсларни ўзлаштириш қобилияти бир хил бўлмайди. Ўқитувчи ҳар бир дарсни қизиқарли қилиб ўтиши билан бирга ўзлаштира олмаган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериши, отаналари билан яқин алоқада бўлиб, қўшимча дарслар бериб туриши лозим. Шундагина синф бўйича 100 процент ўзлаштиришга эришиш мумкин бўлади.

Дарсни юзаки ўтиб, ўзлаштирмовчи ўқувчиларга «икки» баҳо ўрнига «уч», «тўрт» баҳо қўйиш ёки устма-уст «икки» баҳо қўявериш чинакам кўзбўямачилиқдир. Бу ўқувчининг бир йиллик умрини бекор ўтказиш, унинг кўнглини мактабдан совутиш демакдир.

Мен яна бир масала хусусида ўз мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман. Юқори синфларга дарс беришдан кўра, бошланғич синфда дарс ўтиш қийинроқ. Мен бошланғич синфни юқори синфнинг пойдевори деб ҳисоблайман. Иморатнинг пойдевори қанча мустаҳкам бўлса, у шунчалик ишончли бўлади. Пойдевори мустаҳкам бўлмаган уй эса чўкади. Шунинг учун ҳам бошланғич синфда дарс беришни энг тажрибали ўқитувчилар қўлга топшириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш лозим.

**А. АШРАФХОНОВ,**

Ленин ордени ва Меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери, халқ маорифи аълочиси, шахсий пенсионер.

Тошкент

\* \* \*

Биз ўқиган даврда магазинларга дарслик китоблари келган кун чинакам байрам бўлиб кетар эди. Бир, икки ой илгари дарсликларни сотиб олиб, тайёрланиб юрар эдик. Энди эса аҳвол бошқача. Фарзандимга бир йил аввал китоб ахтаришга тушман, ҳатто районларга ҳам бориб қидириб келаман. Тўғри, мактабларда дарсликлар бепул тарқатилади. Аммо уларнинг кўпчилиги титилиб кетган, баъзи бетлари йўқ, ичига қизилган. Ўқувчи бу китобни қўлига олиб, ўқигиси ҳам келмайди. Албатта ҳозир қоғоз танқис. Шунинг учун ҳар йили китоб чиқарилсин демоқчи эмасман. Иккита синфга битта дарслик чиқарилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, 5-6 синфлар учун она тили, математика, рус тили, адабиёт китобларини битта қилиб чиқариш мумкин. Шунда бир дарсликдан ўқувчи икки йил фойдаланади. Китоб ҳам 4 йил ичида бор-йўғи иккита ўқувчининг қўлидан ўтади. Қолаверса, анчагина қоғоз ҳам тежалади.

**М. ИБРОҲИМОВ**

Наманган

\* \* \*

Ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиниши таълим-тарбия жараёнига зарар етказмаслиги учун бундай ишлар муддати бир ойдан ошмаслиги керак. М. Абдурасулов таъкидлаб ўтганидек, меъёридаги дала ишлари болаларнинг меҳнат ва жисмоний тарбиясида ижобий роль ўйнаши мумкин. Аксинча бўлганда эса, болалар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан зарар кўради.

Олтин медаллар беришда таниш-билишликка йўл қўйиш, кўзбўямачиликка қарши қатъий курашиш керак. Ур-тача ўқиган ўқувчиларни мукофотлаган мактаб директорларини муҳокама қилиш керак. Корхона, колхоз, совхозларда кўзбўямачиликка йўл қўйган шахслар қандай жазоланса, маориф соҳасида ҳам уларга қарши жиддий кураш олиб бориш керак.

**Р. СЛОНОВ,**  
ТошДУ аспиранти

\* \* \*

Ўқувчиларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда бадий асарнинг роли нақадар катталигини ҳамма билади. «Чин инсон ҳақида қисса», «Ёш гвардия», «Пўлат қандай тобланди» каби асарлар илгари ҳам, ҳозир ҳам ўқувчилар учун нечоғлик қимматли эканлиги барчага аён. Лекин бунақа китобларни ҳозир мактаб кутубхоналаридан топиш жуда қийин. Борлари ҳам қўлга олишга яроқсиз, титилиб кетган.

Кутубхона ҳақида гап очилди, яна бир нарсани айтиб ўтайлик. Маълумки, қишлоқ жойларида одатда учта кутубхона бўлади. Бири қишлоқ советида, иккинчиси колхоз ё совхозда, кейин мактабда. Шу уч кутубхонадан энг ғариби, кўпинча мактабга тўғри келади. Аввало, мактаб кутубхоналаридаги китоб фонди етарли эмас. Кутубхона ўзбек совет ёзувчиларининг асарлари ҳисобига тўлдирилиб, янгиланиб бормади.

Баъзан шундай бўлади. Бирор тарихчи ёки тилчига дарс етишмай қолади-да унга кутубхонани қўшиб беришади. Бу ўқитувчи қўли бўшаганда кутубхонани очади, баъзида эса ҳафталаб уни очмайди. Ёки бўлмаса ўнинчи синфни битириб, олий ўқув юртига киролмай қайтиб келган ёш йигитчани кутубхоначиликка тайинлайдилар. У на китобларни гуруҳга ажратишни билади, на болаларга китоб танлаб беришни. Ўқувчилар бундай кутубхонага асло қадам босгилари келмайди.

Хуллас, мактаб кутубхоналари ишини тубдан яхшилаш, уни зарурий китоблар билан таъминлашни кескин ўзгартириш пайти аллақачон келган.

**Э. АБДУРАҲМОНОВ**

Сурхондарё области

\* \* \*

Ҳар бир соҳада ҳам ўз ишига масъулиятсизлик билан қарайдиган шахс сифатсиз, яроқсиз маҳсулот тайёрлайди. Завод ишчиси брак маҳсулот тайёрласа, маҳсулот қайта ишлашга юборилади ва кептирилган зарар учун ишчига жарима солинади. Ўқитувчи «брак» маҳсулот тайёрласачи! Унинг қилган хатосини жарима эвазига тўғрилаб бўлармикин!

Ўқитувчи келажак авлодни — ишчи, колхозчи, врач, инженер, санъаткорни тарбиялайди. Ўқитувчидаги бефарқлик, лоқайдлик, аввало, ўқувчига сингади, унда шаклланади, у орқали коллективнинг бошқа аъзоларига ҳам таъсир кўрсатади. Бир ёмоннинг қилиги мингга татийди, деб халқимиз бекорга айтмаган.

Маълумки, ўқитувчи фақат билим бериб, оламнинг объектив ривожланиши ҳақидаги қонун-қондаларнигина ўргатмай, ўз ўқувчилари онгига ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, инсонийлик, коммунистик ғоявийлик каби фазилатларни ҳам сингдиради. Афсуски, айрим муаллимларнинг билим ва эътиқодлари бир-бирига мутаносиб эмас. Республиканинг баъзи олий ўқув юртлари студентлари ўртасида ўтказилган «Сизнинг атеизм ва динга муносабатингиз» деган мавзудаги социологик тадқиқот ҳам бунини тасдиқлайди. Берилган саволларга жавобан студент М. Амонов шундай ёзади: «Мен ўқиган мактабда жамиятшунослик предметидан дарс берувчи ўқитувчимиз ўқувчиларга атеизм ҳақида гапириб, «динга ишонманглар, шайтон, фаришта ва бошқалар йўқ», дер эди. Лекин, ўзи уйда, оила аъзолари ўртасида эскиликка муккасидан кетган шахс эди. Уйлашимча, бу хусусият педагогга мутлақо тўғри келмаса керак. Ўқитувчимиз сабабли бўлса керак, синфдош ўртоқларим орасидан динга ишонадиган ва эскиликни қўллаб-қувватлайдиганлар ҳам чиқди. Баъзилари эса дарсларга бефарқ қарайдиган бўлиб қолишди. Ахир улар келажакда жамиятимиз учун фойдасиз кишилар бўлиб етишмайдими! Шу савол мени қийнайди».

Ўқитиш, тарбия системасида бундай ўқитувчилар озчиликни ташкил қилса ҳам, афсуски, ҳали бор. Шунинг учун ҳам «Ўқитувчи, ўқувчи, маънавий олам» мавзусида журнал бошлаган баҳс жуда ўринли деб ҳисоблайман.

**Ш. БОТИРОВ,**  
фалсафа фанлари кандидати,  
доцент



Юсуфжон АҲМАДЖОНОВ

## ЖОНЛИ ЭКСПОНАТ

КЕЛАЖАК ҲИКОЯСИ

Валетнинг аризаси ҳаммани ўйлантириб қўйди. Завод директори, ўринбосарлар, маҳаллий комитет муаммони қандай ҳал қилиш йўлини излашар, лекин бир тўхтамга келолмай ҳайрон эдилар. Гап шундаки, командировка мuddатини ўтаб бўлган Валет заводда бутунлай қолишга рухсат сўраган эди. Атиги икки ойгина слесарлик қилган нептунликнинг бу истагини қондириш мушкул эди. Чунки, шу мuddат ичида заминнинг пешқадам корхоналаридан ҳисобланган бу завод Валет туфайли охириги ўринга тушиб қолди. Мабодо Валет яна ишда қоладиган бўлса, заводни бутунлай «ўтқазиб» қўйиши мумкин эди. Нега деганда бу азим корхонада шу пайтгача ҳамма иш аниқлик билан бажарилар, ишга кеч қолиш, брак маҳсулот каби нарсалар фавқулодда ҳодиса ҳисобланар эди. Малака ошириш учун келган Валет корхонани издан чиқариб юборай, деди. Унда қадимги замонлардаги айрим шахсларга хос «хислат»ларнинг қарийб ҳаммаси — лаганбардорлик, прогулчилик, таъмагирлик, ичкиликбозлик — барчасидан бир қатра-бир қатра бор эди.

Завод директори аризаси жавобини сўраб келган Валетни яхши гап билан кабинетидан чиқариб юборди-да, шошилинч кенгаш чақирди. Зум ўтмай катта экранда корхона активларининг ташвишли қиёфаси намоён бўлди.

— Уртоқлар, сизларга Валетнинг аризаси юзасидан муурожаат қиляпман. Таклифлар қисқа, конкрет бўлсин, — деди директор.

— Уни қабул қилишга тўғри келади. — 4-цех бошлиғи биринчи бўлиб гап бошлади. — Меҳмондўстлигимиз шуни тақозо этади.

— Корхона тақдирини ҳам ўйлаш керак, — эътироз билдирди директор ўринбосари. — Уни Нептунга бир илож қилиб қайтариб юборишни таклиф қиламан.

— Кечикдик, — луқма ташлади маҳаллий комитет раиси, — у кеча ўз идораси билан ҳисоб-китоб қилиб, кўчини олиб келибди. Ягона йўл — ишга олиш.

— Бўлмайди, — гапга қўшилди корхонанинг ветеран ишчиси. — Бунақа шахсларнинг жойи музейда!

— Эврика! — қичқариб юборди директор. — Таклифнинг ўринли. Уни музейга ишга юборамиз. Директорлик штати тўрт йилдан буён бўш турибди.

— Кўнмаса-чи? — Экрандан бир неча киши бараварига савол берди.

— Кўнади, уй, юлдузлар, ракета ваъда қиламиз. Директор айтган музей оламда ягона эди. Утмишда яшаган бюрократ, лаганбардор, бракчи, порахўр, таъмагир каби шахсларнинг мўмиёланган нусхаси сақланадиган бу музей таърифи коинотга тарқалганди...

Валет беш хонали уй ва юлдузкезар ракета калитини қўлга олгач, таклифга рози бўлди.

Бир ҳафтадан сўнг телегазеталарнинг маҳсус сони корхонанинг яна илгариги обрўси тиклангани тўғрисида хабар қилди. Газеталарнинг сўнгги саҳифасидаги тўрт сатрлик билдириш айниқса кўпчиликда қизиқиш уйғотди:

«Антиқа нусхалар музейига янги директор тайинланди. У музейнинг «Жонли экспонати» номи остида картотекага киритилди...»

Душанбе

# ҲАДИК

ҲАЖВИЯ

Зокиржон билан бир қишлоқданмиз. Тепишиб катта бўлганмиз. Урта мактабни бирга тугатгандик. У ўқиди. Олим бўлди. Ҳозир институтда катта ўқитувчи. Мен колхозда сувчиман. У қишлоққа келганда биргаллашиб ўтган-кетганлардан отамлашамиз.

Бора-бора Зокиржон қишлоққа кам келадиган бўлиб қолди. Сўнги йилларда эса умуман қорасини кўрсатмай қўйди. Ёлғиз онасидан ҳам хабар олмайди. У қариб қолган, тез-тез бетоб бўлиб турарди.

..Бир кун фалокат рўй берди. Ҳамқишлоқлар мени шаҳарга, Зокиржоннинг олдига юборишди. Кириш имтиҳонлари авжида экан. Институт ҳовлисига одам сиғмайди. Уни қидирдим. Бир пайт кўриб қолдим. У ҳам менга бир тикилди-ю, тескари бурилиб кетди. Танимади, ё мени илтимос билан келган, деб ўйлади чоғи, деб ўзимни оутдим. Яна у ёқ-бу ёққа ўтди. Чақирсам эшитмаганга олди. Ҳайрон бўлман. «Бу Зокиржон эмасмикан-а, адашяпманми? Йўқ, ўзи. Ҳув ана, ўнг қошининг устида холи ҳам бор».

У липиллаб ёнимдан яна ўтди.

— Зокиржон! Ҳо, Зокиржон...

У кўрсаткич бармоғини лабига босди.

— Тис... Ҳозир гаплашиш, сўрашиш мумкин эмас,— деди пичирлаб ва тескари қараб кетди. Мен дўстимни энгидан тортдим.

— Зокиржон, менга қара...

— Тис-с... мумкин эмас. Ҳозир имтиҳон бўляпти. Кейинроқ кел, оғайни.

Хунобим ошди. Бўғилиб кетдим.

— Нега сўрашиш, кўришиш мумкин эмас?!— деб бақирдим,— сен қамоқда эмассан-ку, эркин қушсан. Имтиҳон эмиш. Имтиҳон бўлса нима қилибди? Ўзинг тўғримисан, тилинг қисик эмасми ишқилиб? Бўлмаса, нега чўчийсан?

Қарасам, оғайним зувиллаб жўнаб қолибди. Шошмай тур, яна кўзимга кўринарсан, дедим.

Анча пойлаб турдим. Бир замон йўрғалаб Зокиржон ўта бошлади. Ерга қараб олган, қовоғи солиқ. Йўлни тўсиб чиқдим, тўғри ёқасидан олдим.

Унинг кўзлари олайиб кетди.

— Қўйвор ёқамни, аҳмоқ!— деди пишиллаб,— изимда одам бор, илтимос-пилтимос айтадиган пайтмас ҳозир.

— Менинг илтимосим йўқ. Мен ўқиш ёшидан ўтганман. Болаларим уйли-жойли. Ўқишга кирадигани қолмади.

— Бўлмаса нега орқамдан пойлаб юрибсан?

— Негаки, бугун азонда онанг оламдан ўтди. Кўмолмай, сени кутиб ўтиришибди қишлоқдагилар. Шунга айтгани келдим номард!

— А?!

— Ба-а!— дедиму тескари ўгирилиб кетдим.

— Зокиржон «Ҳув, тўхта, шошма!» деганча қолаверди.

# Муҳокама

Бор жонзотлар тўпланишиб, тилга кириб кетдилар, Шўрлик булбул кўшиғини муҳокама этдилар.

Кучук деди: «Хатоси кўп, ҳеч бирини кўрмапти,

Энг ёмони, кўшиғида бирор марта ҳурмапти».

Бойқуш деди: «Кўшиқми шу, кимга ёқар! Нимаси!

Инсоф керак, заррача ҳам йўқ ахир ваҳимаси».

Мушук деди: «Кўшиқчининг негадир йўқ мўйлови,

Ашуласи тузатилсин, бўлсин миёв-миёви».

Сигир деди: «Кўшиқ ёзган мундоқ ўйлаб қараса,

Зўр бўларди, манов байтада уч-тўрт марта маъраса».

Туя деди: «Тикан қолиб, гул деб битдинг баётни,

Мавзунг майда, куйлаш учун аввал ўрган ҳаётни».

«Бу дунёда ҳақиқат йўқ, кўмдилар мени ғамга»,

Шундоқ дея шўрлик булбул йиғлаб борди Одамга.

Кўшиғининг тақдирини инсон дадил этди ҳал:

«Ҳақиқатдир менинг сўзим, сенинг куйинг мукаммал».

Энгил тортди шўрлик булбул, адо бўлди аламлар,

Хайриятки, бу дунёда бордир ҳали одамлар.

# ПАРОДИЯЛАР

## Илон сайраса

Бог тўрида ҳар замон,  
Илон сайрар «чиқ-чиқ», деб.

А. АБДУРАЗЗОҚОВ,  
«Илон сайраса» шеърідан

Илонлар ҳам сайрайди,

Тишларини қайрайди.

Тутиб олиб бақани,

Маза қилиб чайнайди.

Сайраши оҳанрабо,

«Чиқ-чиқ»лар нақ соатдай.

Кишнаб қўяр ҳар замон,

Чопқир улоқчи отдай...

Шу хилда лоф ёзсам ҳам,

Дафтар тўлаверади.

Алдашга бола яхши,

Унга бўлаверади!

## Илҳом тўлғоғи

Кўз ёридик бағрингда сенинг,  
Биз бор эдик бағрингда сенинг.

Н. ПАРДА,  
«Алланг ширин» шеърідан

Шоир кўзи ёриди,

Илҳоми тўлғоғида.

Юз берди бу мўъжиза,

Шошиб турган чоғида!

Иўлдош СУЛТОНОВ

## АВТОРЛАРИМИЗ

**Хуршид ДАВРОН.** 1952 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. 1977 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини тугатган. «Қадрдон кۈеш» (1979), «Шаҳардаги олма дарахти» (1979), «Тунги боғлар» (1981) номли тўпламлари нашр этилган. «Еш гвардия» нашриётида редактор бўлиб ишлайди.

**Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ.** 1954 йили Чимкент областининг Сўзоқ қишлоғида туғилган. 1975 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. 1981 йили болаларга бағишланган «Қувноқлар қувончи» деб аталган китоби нашр этилган. Ҳамза ҳозир «Ленин учуқуни» газетаси редакциясида ишлайди.

**Жумабой МАТЁҚУБОВ.** 1949 йили Хоразм областининг Қўшкўпир районида туғилган. 1972 йили В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимини тугатган. Жумабойнинг илк тўплами Ўзбекистон Ёзувчилар союзи область бўлимида муҳокама этилиб, Гафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига тавсия қилинган. Айни вақтда Тошкент олий партия мактабида таҳсил кўрмоқда.

**Шодмонбек ОТАБОВЕВ.** Андижон областининг Хўжабод районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини тугатган. «Мирзакалон Исмоилий» (1978), «Япроқдаги нур» (1979) китобларининг муаллифи.

**Ражаббой РАУПОВ.** 1956 йили Бухоро область, Шофиркон районида туғилган. 1978 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Ҳозирги кунда Шофиркон районидаги «Шофиркон» колхозида маданият ишлари бўйича раис ўринбосари бўлиб ишлайди.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.** 1945 йили Нурота районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Ҳозир «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясида ишламоқда. Бир неча китоблар муаллифи.

**Саидмурод ХУЖАЕВ.** 1958 йили Тошкентда туғилган. ТошДУ филология факультети кечки бўлимининг IV курсида ўқийди. Шеърлари биринчи марта эълон қилинмоқда. «Фан» нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди.

**Мухаммадҷон ХАЙДАРОВ.** Фарғона область, Боғдод районида туғилган. 1980 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирди. Уша йили «Мухаббат эртаги» деган китоби нашр этилган.

**Саъдулла ҲАКИМ.** 1951 йили Жиззах областининг Фориш районидаги Гараша қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. 1981 йили Саъдулланинг «Ҳамал» номли китоби нашр этилган. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон социал таъминоти» журналида масъул секретарь бўлиб ишлайди.

## АВТОРЛАРИМИЗ

«Ешлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный и общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: М. НАБИЕВА

Адресимиз: 700000. Тошкент — П.  
Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар:

Бош редактор — 32-54-16

Бош редактор ўринбосари —  
32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърят, адабий танқид ва

санъат бўлими — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан  
ортиқ роман ва 8 босма листдан  
зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул  
қилмайди. Бир босма листгача  
бўлган асарлар авторларига  
қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда  
«Ешлик»дан олинди» деб  
изоҳланиши шарт.

Босмахонага туширилди 28.05.82.  
Босишга рухсат берилди 1.07.82.  
Р—07313. Қоғоз формати 84 × 108<sup>1/16</sup>.  
Офсет босма усулида чоп этилди.  
Қоғоз ҳажми — 5,25 лист.  
Шартли босма листи — 8,82.  
Нашриёт ҳисоб листи — 12,6.  
Тиражи 50140 нусха.  
Буюртма № 3350. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитети нашриётининг Меҳнат  
Џизил Байроқ орденли босмахонаси.  
Тошкент, 700029. «Правда Востока»  
кўчаси, 26.

© «Ешлик», № 7, 1982.  
«Еш гвардия» нашриёти.